

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ.

Наврўзова Г.Н.

**Магистрларнинг
“Фанларнинг фалсафий масалалари”
фанидан амалий машғулотларга оид услубий
қўлланма**

БУХОРО - 2004 ЙИЛ

ТАҚРИЗЧЛАР:

Ф.ф.н.,доц.

Ортиқова.Д

Ф.ф.н.,доц.
Б.Х.

Каримов

**Фалсафа кафедрасининг 2004 йил
январдаги №8 сонли
йиғилишида муҳокама қилинган**

**Институт услубий кенгашида тасдиқланган. (Баённома
№---- 2004 йил ---- январь)**

**Мазкур услубий кўрсатма олий таълим магистр босқичи
ўқув режасига киритилган “Фанларнинг фалсафий
масалалари” курси бўйича дастур, ўқув услубий
қўлланмалар ва адабиётлар етарли эмаслиги ҳисобга
олиниб, магистрларга маъруза ва амалий
машғулотларини сифатли ўтказиш мақсадида ёрдам
тариқасида ёзилди.**

1-машғулот. Фанларнинг фалсафий масалалари курсини предмети.

Р е ж а:

1. Фан илмий тадқиқот объекти ва фалсафий таҳлил сифатида
2. Фаннинг методологик ва фалсафий муаммолари: характери ва таснифи
3. Фан фалсафаси ва методологияси: йўналиш ва назарий билим тармоки сифатида
4. Фаннинг фалсафий масалаларини долзарб муаммолари.

1. Фан илмий тадқиқот объекти ва фалсафий таҳлил предмети сифатида

Фан нима? Фан илмий билимлар тизимлар тизимидир. Фан узининг илмий тушунча услублари ва методологиясига эга булган, оламни билиш ва узлаштиришнинг махсус усули, илмий билимлар тизимидир. Шунингдек, фан ижтимоий онг шаклларида бирийдир.

Фаннинг моҳияти инсон ва жамият ҳаётидаги урнини билишда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир:

-инсон фаолиятининг узига хос тури;

-алоҳида ижтимоий институт сифатида фан илмий билимлар йиғиндиси;

-инсониятнинг маънавий салоҳияти, олам, табиат, жамият ва инсон тугрисидаги тасаввур ва қарашларни шакллантиради;

-оламни узлаштириш воситаси ҳисобланади.

Фаннинг мақсади. Фан уз олдига илмий билимлар яратишни мақсад қилиб қўяди. Илмий фаолият моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятдан кескин фарқ қилади. Кишилар меҳнат фаолияти, сиёсат, санъат, дин ва ҳоказо соҳалардаги фаолиятлари жараёнида ҳам билим орттиради. Лекин илмий билимлар изчиллиги, тизимлилиги ва ҳақиқийлиги билан ажралиб туради.

Оламни илмий билиш оламга янгича муносабат, янгича қарашни тақозо этади. У оламни диний, бадий, ахлоқий, сиёсий билишдан кескин фарқ қилади. Воқеликка илмий муносабат ҳар қандай ақидапарастлик ва фанатизмни (тақдири азалга ишонишни) истисно этади. Илмий билиш аввал бошданок фалсафий дунёқараш билан узвий боғлиқ равишда вужудга келди. Фалсафа илм-фан ҳулосаларига таяниб, оламнинг янгича манзарасини яратиш имконига эга бўлди.

Илмий билишнинг даражалари эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий шаклларга бўлинади. Эмпирик билим асосан тажриба ва экспериментлар жараёнида олинадиган ва ҳақиқийлиги тажрибалар жараёнида синаб қурилган билимлардир.

Билишнинг назарий даражасида илмий қарашлар, билимлар қатъи тизимга солинади. Илмий тушунчалар қатъий мезон асосида урганилаётган фаннинг купқиррали томонларини чуқурроқ ва тулароқ билишга имкон беради.

Илмий билимлар хосил қилиш усулларига қараб, фанлар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратилади. Шунингдек, улар урганиш объектига қараб, табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга булинади. Тадқиқот предмети чуқурроқ урганиш жараёнида фаннинг янги соҳа ва тармоқлари вужудга келади. Масалан, табиатшунослик фанларининг ботаника, зоология, кимё, математика, физика каби соҳалари; ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарих, кадимшунослик, этнография, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, этика, педагогика, психология, маданиятшунослик каби соҳалари вужудга келди. Уларнинг ҳар бири яна катор тармоқлардан иборатдир. Масалан, тарих фанининг кадимги дунё тарихи, урта асрлар тарихи, янги замон тарихи; фалсафанинг онтология, гнесология, аксиология, фалсафа тарихи каби.

Инсониятнинг кейинги икки юз йиллик тарихи давомида табиатни узлаштириш, инсон моҳиятини билиш, жамиятни такомиллаштириш борасида эришган ютуқлари фан тарққиёти билан бевосита боғлиқдир. Инсон табиий ва ижтимоий муҳитга яхшироқ мослашиш, табиатнинг стихияли кучлари олдида ожиз ва чорасиз бўлиб қолмаслик учун фанга мурожаат қилади. Шунингдек, у фан туфайли ижтимоий муносабатларни уз мақсад ва манфаатларига мос равишда такомиллаштиради. Фаннинг илимий билимлар тизими сифатида вужудга келиши инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлди.

Фан вужудга келиши туғрисида турлича қарашлар. Европацентризм ва Осиёцентризм. Фаннинг вужудга ва ривожланида /арб ва Шарқ мамлакатлари - қушган хиссаларни бир ёклама тавсифлаш, уларнинг бир бирига курсатган узаро таъсирини инкор этиш ижтимоий – фалсафий таффакур ривожига Европацентризм ва Осиёцентризм оқимларини вужудга келтирди.

Кадимги Шарқ жаҳон маданияти ва цивилизациянинг бешига бўлгани, дастлабки илмий билимлар Шарқ мамлакатларидан вужудга келгани жаҳон олилари томонидан эътироф қилинган. Кадимги Шарқ мамлакатларида (Хиндистон, Хитой, Миср, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Шош, Афросиёб) астрономия, математика, табобат, фалсафага оид илмий билимларнинг вужудга келиши кундалик ҳаётини эҳтиёж, деҳқончилик ривожини, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган.

Кадимги Шарқ ва Марказий Осиёда илмий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан табиат ва борлиққа онгли

муносабат, табиат ва инсонни қадрлаш хисси шаклланган. Илмий ва фалсафий таффакур инсоннинг табиат ва жамиятга бир ёклама қарамликдан озод бўлишида, меҳнат туфайли борликка фаол муносабатда бўлишига имкон берган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирларнинг олам, одам ва табиатга бўлган фалсафий қарашлари «Авесто» да ҳикмат, мақол ва ривоятлар уз ифодасини топган.

IX-XII асрларда араб халифалари Хорун ар – Рашид, унинг ўғли Маъмун ва Хоразмшоҳ Маъмуннинг ҳомийлигида уша даврнинг узига хос фанлар академиялари вужудга келди. Хусусан IX аср урталарида Бағдодда «Байт ал-ҳикма» (Донишмандлар уйи), Хоразмда Маъмун академияси вужудга келди. Марказий Осиёда етишиб чиққан Мусо Хоразмий, Ахмад Форғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломалар математика, астрономия, медицина, жамиятшунослик ва сиёсатга оид фанларни ривожлантирдилар.

Маркий Осиё мутафаккирларнинг илмий қарашлари ва асарлари Европада илм-фан ривожига катта аҳамиятга эга. Европолитлар Албарон (Ал-Беруний) Авецина (Ибн Сино), Ал-Ферганус (Ал-Фарғоний), Улугбек ва бошқаларнинг илмий меросини чуқур урганган, уларнинг анъаналарни давом эттирган. Буюк италян мутафаккири Данте Алегъери «Илохий комедия» (XVI аср) асарида Марказий Осиёда етишиб чиққан мутафаккирларни жаҳоннинг буюк алломалари сифатида улуғлади.

XIX аср охири – XX аср бошларида жаҳидчилик ҳаракатининг етакчилари Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Кодирий ва бошқалар улкада илм-фан ва маърифатни кенг ривожлантириш гоёсини илгари сурдилар. Улканинг урта асрчилик бидъатларига қарши мавжуд сиёсий тузумни ислох қилиш зарурлигини англаб етдилар. Жаҳоннинг илғор-фан ва техника ютуқларидан улка аҳолисини баҳраманд этишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, кейинги ижтимоий силсилалар оқибатида жаҳидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ривожлана олмади.

Ҳозирги замон фаннинг муҳим хусусиятлари. XX аср бошларига келиб, унинг ҳар томонлама ривожланиши фаннинг ижтимоий онг тизимидаги урни ва аҳамиятини янгича тушунишни тақозо этади. Ҳозирги замон фанига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни қурсатиш мумкин:

-фан узининг урганиш соҳаларини кенгайтириб, микроолам, макроолам муаммоларини урганиш билан шуғуллана бошлади. Микро- ва макрооламни урганиш учун фан анъанавий усуллардан ташқари, янги усуллардан, махсус асбоблардан, математик моделлаштириш усулидан фойдалана бошлади;

-илмий билишнинг субъектив жихатларига алохида эътибор берила бошлади. Бу эса мутахасиснинг урганаётган соҳасини чуқурроқ ва кенгроқ билишини тақозо этади;

-фалсафа ва фанда оламдаги нарса-ходиса ва жараёнларнинг қонуният ва тартиб асосида руй бериши туғрисидаги қарашлардан фарқли равишда ривожланиш тартиб ва тартибсизлик бирлигидан иборат экани эътироф қилина бошланди;

-фан тараққиёти миллий доирадан чиқиб, тобора байналмилал характер касб эта бошланади. Унинг ютуқлари бутун инсониятнинг мулки сифатида англана бошланди;

-фаннинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳияти тулароқ намоён бўлди;

-фаннинг ривожли олимларнинг қадриятларни эъзозлаш ва баҳолашда янгича мезонларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бу олимларнинг бирор-бир фан соҳасини яқка ҳукмронлик билан эгаллаб олмаслиги, кучирмасчилик қилмаслиги, уз кадр-қимматини топтамаслиги қабиладан намоён бўлди;

-жаҳон миқёсида илмий салоҳиятни, илм-фан ютуқларини бошқа мамлакатларга чиқариш моддий неъматлар чиқаришдан кура фодолироқ бўлиб қолди;

-табиий ва ижтимоий фанларнинг узаро узвий боғлиқлиги, таъсири кучайди. Табиатшунос олимларнинг ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланиши инсон ва табиат уртасидаги муносабатларни инсонийлаширишда, табиатни муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этди;

-фан умумбашарий ва умуминсоний муаммоларни ҳал этиш билан жиддий шуғуллана бошлади;

фан инсоният ҳаётидаги қатор муаммоларни ҳал этибгина қолмай, унинг хатига жиддий таҳдид соладиган муаммоларни келтириб чиқаради. Олимнинг уз илмий фаолияти учун жавобгарлигини ошириш, инсоният ҳаёти, тинчлиги учун таҳдид соладиган илмий изланишларни тақиқлаш, назорат қилиш ҳозирги замон фанининг муҳим муаммоларидан биридир.

Истиқлол ва фан. Ўзбекистонда миллий мустақиллик шароитида мамлакатнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини янада кучайтиришга алохида эътибор берила бошланди. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағисида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида ҳамда нутқ ва мақолаларида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришнинг асосий йунашлишлари белгилаб берилди.

Айниқса, жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қушган улуг аждодлигимизнинг илмий меросини чуқур ургани ва уларнинг анъаналарини ривожлантириш мақсадида Хоразмда Маъмун

академиясининг қайтадан тикланиши маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа бўлди. Шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг таркибий тузилишида муҳим узгаришлар қилинди, замон талабларига жавоб берадиган янги олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. Талабаларни олий ўқув юртлирига қабул қилишнинг илғор усуллари, янги педагогик технологиялар жорий этилди.

Ўзбекистонда илм-фан кишиларнинг малакаси, билимини оширишга уммаклашадиган жамғармалар ташкил этилди. Фан ривожининг ҳуқуқий асослари яратилди, илм-фан ходимларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди.

Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиланиш жараёни диалектикасини билиш, жараёни Ўзбекистон шароитида янада ривожлантириш давр талабидир. Фандаги анъанавийлик, бир томондан, уни тарихий илдизларидан узилиб қолишдан сақласа, иккинчи томондан, мамлакат тараққиёти йулида пайдо бўлган муаммоларни анъанавий усуллар билан ҳал этиш унинг ҳаётдан ажралиб қолишига олиб келади. Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиликни (новаторлик) ўзвий боғлаш муҳим муаммолардан биридир. Бошқача қилиб айтганда, анъаналар билан боғлиқлиги қолиш ҳам фан тараққиётига ҳалақит беради.

Ўзбекистон фанига кириб келган муҳим янгиликлар унинг тақибий тузилишидаги узгаришлардан ташқари яна қуйидагиларда намоён бўлади;

- фаннинг компютерлаштирилишида;
- жаҳоннинг глобал муаммоларни ҳал этишда ўзбек олимларининг фаол иштирок этаётганида;
- илмий тадқиқотларидан энг замонавий техника, асбоб-ускуналардан ва илғор методлардан фойдаланилаётганида;
- олимларимизнинг жаҳон тилларини урганишга рағбатлантирилишида;
- жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари олий ўқув юртлирида мутахассис-кадрлар тайёрлаш йулга қуйилганлигида;
- таълим-тарбия тизимининг тубдан ислох қилинаётганида.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий вазифаларни ҳал этишда фаннинг асосий вазифалари Президент И.А.Каримовнинг асарларида батафсил тавсифлаб берилди. Фаннинг сиёсат, маданият билан боғлиқлиги, демократик жамиятда унинг таянч қадрият эканлиги ҳар томонлама асосланди.

Фаннинг ривожини ўз олдига қўйган муаммоларни ҳал этишда илмий методлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги даврда амалий ва назарий тадқиқотлар утқизишда қуйидаги

усуллардан кенг фойдаланилмоқда: кузатиш, қиёслаш, тавсифлаш, форматлаштириш, моделлаштириш ва бошқалар.

XX аср фан-техника инқилоби инсониятнинг моддий ва маънавий ҳаётида туб узгаришларини вужудга келтирди. Инсоннинг табиат тақдири учун жавобгарлик хиссини янада оширади. Фан инсон ҳаётининг истисносиз барча соҳаларига кириб келди, инсон ва жамият борлигининг муҳим тарқий қисмига, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон фанини «катта фан» деб аташ расм бўлди.

Кейинги юз йил давомида илмий фаолият билан шуғулланувчи олимлар сони беқиёс даражада ўсди. Агар XX аср бошларида бутун ер юзида олимлар юз минг атрофида бўлган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони беш миллиондан ортиб кетди.

Фан ва техника соҳасидаги инқилобий узгаришларни олимлар сонининг ўсиб боришидагина эмас, юалки илмий кашфиётлар салмоғи ва сифатнинг муттасил ортаётгани ҳам қуриш мумкин. Бутун инсоният тарихида қилинган илмий кашфиётларни юз фоиз деб оладиган бўлсак, унинг туқсон фоизи XX асрга туғри келди. Илмий информациялар ҳар ун-ун беш йилда икки мартага орти борапти.

Ўзбекистонда кейинги йилларда фаннинг турли соҳаларида фаолият қурсатаётган олимлар, илмий ходимлар салмоғи ортди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон фани ривожланиши олдида турган асосий йўналишлар И.А.Кавримовнинг қатор асарларида белгилаб берилди. Ўлуғ аجدодларимизнинг илмий анъаналарини давом эттириш, ҳозирги замон фани ва техникаси ютуқларини пухта эгаллаш мамлакатимизнинг янги асрда жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун пухта замин яратади.

Фан маънавий бир кўринишдир. Фан инсон фаолиятини шундай бир жаҳвасидирки, унда инсонни тараққий этишга қаратилган маънавий-илмий, назарий, услубий қадриятлар яратилади. Фан яратиладиган маънавий қадриятлар инсонни билишга, ижтимоий ва технологик ўзгартиришга, олам тасвири ва дўнёқарашни шакллантиришга қаратилган эҳтиёжларини қондиради.(қаранг: с.1,2,3).

Мана шундай муҳим ижтимоий вазифани бажаргани боис: фанни хусусияти, тараққий этиш қонуниятларини, ижтимоий тараққиётга кўрсатаётган таъсирини ўрганиш эҳтиёжи ва талаби кучаяди.

Гносеологик эҳтиёж орбитасига кириб келган фан билиш объектига айланади.

Фанни объект сифатида олиб қарасак антологик асоси бу уни жамиятда ижтимоий институт сифатида мавжуд бўлишидир.

Тадқиқот объекти бўлган фан кўп жихатларга - объектив субъектив, ижтимоий, маънавий, гносеологик хусусиятларга эга. (қаранг:с.4). Шу боис, фанни ўрганишга қаратилган ёндашувлар ҳам хилма хил бўлади, предмет сифатида ўнлаб фан тармоқлари томонидан ўрганилади. Бунда фан тарихи, фан социологияси, фалсафаси ва методологияси, фан этикаси ва бошқа фан тармоқларини кўрсатиш мумкин.(қаранг: с.5).

Фанни фан ўрганар экан, демак фан ўзини -ўзи ўрганиши мумкин, ўрганади ҳам.

Фанни ўрганишни шакллари ва даражалари кўп хилдир: назарий, услубий, тарихий, фалсафий, маданий, социологик, психологик ва бошқалар.

Фан фалсафий таҳлил предмети сифатида ўзига хос томонларга хусусиятларга эга.

Фалсафий таҳлил фанни моҳияти, уни борлиги, тараққиёт қонунлари, инсон муаммоси билан алоқадорлигини тадқиқот қилишга қаратилган.

Фанни фалсафий таҳлили фактларга, бошқа фанни ўрганувчи йўналишларни натижаларга таянади.

Лекин энг муҳими фан фалсафаси ва методологияси фанни фалсафий муаммоларини инсон ва жамият билан боғлаб тадқиқот қилади.

2-Фаннинг методологик ва фалсафий муаммолари, характери ва таснифи.

Фалсафа олам, инсон, инсонни оламга бўлган муносабати ва ўрни масалалари билан қизиқади. Фан муаммоси билан фалсафа қизиқар экан, уни моҳияти, инсон фаолияти тизимидаги ўрни, оламни билиш ва ўрганишда фанни миқёси ва хусусияти, инсон муаммоларини ҳал қилишда фанни ўрни ва хиссаси, фанни маънавийни бошқа соҳалари ва ўзаро таъсири, фанни генезиси ва тараққиётини муаммоларини тадқиқот қилади.

Фанни бу хислатларини фанни ўрганувчи бошқа билим тармоқлари чуқур тадқиқот қила олмайди.

Фанни ўрганувчи махсус фанлар уни жузъий хусусиятларини маълум тарихий интервалда намоён бўладиган хислатларини конкрет-илмий усулларга таяниб ўрганади, фан тармоқларини эволюциясини, тараққиётини ички ва ташқи омилларини, ҳаракатлантирувчи кучларини маълум цивилизация ва маданият даражасида таҳлил қиладилар.

Фалсафа эса фанни борлиги ва мохиятини инсонни оламга бўлган муносаботи ва инсон муаммоси нуқтаи назарда туриб тадқиқот қилади, фанни дунёқарашга, маънавиятга таъсирини диний ва эстетик онгга муносабатини тадқиқот қилади.(қарвнг: с.7).

3 Фан методологияси ва методология тушунчалари

Методология - борлиқни билиш ва ўзлаштириш усуллари ҳақидаги фалсафий таълимотдир.

Фан методологияси - илмий билишда қилинадиган усуллар, тамойиллар ва ёндашувларни мохиятини, турлари ва кўринишларини, билиш жараёнини даражалари ва босқичларини, фанларда содир бўлаётган услубий ўзгаришларни, парадигмаларни алмашинувини ўрганади.(қаранг: с.8).

Бу нима учун керак?

Шу тадқиқотлар туфайли ҳам фан ўзини ўзи ўрганади, ўзини ҳолатига баҳо беради, мохиятини таҳлил қилади, шу жумладан диагноз қўйиб боради.

Бу ишни методология кўринишидаги назарий тафаккур бажаради. Эстетик онг, диний, онг, ҳуқуқий онг ва бошқал ар фанга баҳо беришлари мумкин, лекин бу баҳолар уни мохияти ва истикболини очиб бера олмайди.(қаранг:с. 9,10).

Фан методологияси сер шахобчали ва кўп босқичли назарий фаолият соҳаси бўлиб, у – конкрет тадқиқот олиб бориш методологияси. Алоҳида фан тармоғи, методологияси, - айрим илмий билиш соҳаси (табiiй, техник ва ижтимоий - гуманитар фанлар) методологияси, умумий фан методологияси жабҳаларидан иборатдир.(қаранг: с.11).

- Миқёси ва предмети жихатидан турли босқичда турган методологик тадқиқот соҳаларини бирлаштирувчи умумий томон-бу илмий билиш услублари, қоидалари ва тамойилларини ўрганиш уларнинг назарий ва амалий самарадорлигини аниқлаш, илмий фаолиятнинг йўналиши ва амалга ошириш воситаларини таҳлил қилишдир.

- Жузъий методологик текшириш соҳасидан фан методологияси муаммолари даражасига кўтарилганда фалсафий рефлексия ва дунёҳар ашнинг роли, таъсири кучаяди. Бу эса методология ва дунёҳар ашнинг ўзаро муносаботи муаммосини келтириб чиқар ади.

Албатта, булар ўртасидаги алоқадорлик бор, буни кўпчилик олимлар ва файласуфлар тан оладилар. Лекин гап, назарий -ғоявий

ва фалсафий қадриятлар қайта кўриб чиқиляётган бир даврда, бундай алоқадорликнинг меъёри ва хусусиятини аниқлашдир.

Шўролар замонида фан методологияси дунёқарашга буйсуниши керак, методология дунёқарашнинг бир қисми деган фикр уқтирилган.(қаранг:с. 12). Илмий-фалсафий, маъориф ва маърифат тизимлари орқали бу фикр афкори омма онгига сингдирилди. Натижада фан методологияси фалсафий билим тармоғи сифатида диалектик материализм тамойилларига буйсундирилди, унинг предмети ва вазифалари марксистик дунёқараш тушунчалари билан чегараланди. Бу хол фан методологиясининг ижодий имкониятларини маълум жихатдан чеклаб қўйди, ақидапарастлик хислатини кўчайтириб юборди. Тўғри, фан методологияси билан дунёқараш ўртасидаги алоқадорликни инкор қилиб бўлмайди. Фалсафий дунёқараш аш методологик тафаккурга умумий йўналиш беради, унинг қоида ва тамойилларини таҳлил қилиш учун зарур бўлган тушунчаларни шакллантиради.

Айни пайтда методологик тамойиллар дунёқарашнинг элементлари бўлган фалсафий тасаввурларнинг синтезини амалга оширишда, илмий билиш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни умумлаштиришда, уларнинг фалсафий аҳамияти ва жихатларини очиб беришда муҳим роль ўйнайди.

«Аслида методология ва дунёқараш ўртасидаги муносабат, -деб ёзади М.Н. Абдуллаева – уларни бир-бирига нисбатан таъсири мураккаб ва зиддиятли жараёндр».

Қайд қилинган зиддиятнинг кўринишларидан бири - бу фан методологиясида содир бўляётган ўзгаришлар билан фан ва амалиёт талабларига жавоб бермай қолган, ақидапарастлик хислати сақланган дунёқараш ўртасидаги қарама -қаршиликдр.

Бундай ҳолатнинг акси ҳам бўлиши мумкин. Яъни, догматик андаза шаклини олган назарий тафаккур тамойиллари дунёқарашининг ўзини ақидапарастлик мазмунга эга бўлган назарий - ғоявий ҳосилага айлантириши мумкин.(қаранг:с.13).

4. Фан фалсафаси ва методологияси: йўналиш ва назарий билим тармоғи сифатида.

Фан фалсафаси ва методологияси - фалсафий тадқиқотлар йўналишига киради. Мақоми жихатидан фан фалсафаси ва методологияси - фалсафий билим тармоғи, фалсафий фандир.

Бу фан XIX асрни охири XX аср бошларида методологик тадқиқотларни салоҳият ва миқёси ошиб бориши шароитида шаклланади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ҳаётда фанни роли ва таъсирини кучайиб борганлигини аксидир.

Фан фалсафаси ва методологияси тадқиқотлар йўналиши сифатида. Ф. Бэконни, Р. Декартни ижодлари даврдан бошлаб шакллана бори.

Янги замонда фан ва фалсафа ўртасидаги фарқни, англаш методологик муаммоларни ўртага ташлашни кучайтирди.

Назарий билим тармоғи сифатида фан фалсафаси ва методологияси ҳозирги замон фанида содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларни таҳлил қилади, янги пайдо бўлаётган фан ва технология соҳаларини фалсафий ва услубий умумлаштиришга ёрдам беради.

Яъни фан, назарий тафаккурда ўзини ўзи тадқиқот қилиш эҳтиёжи нисбатда кучайиб кетди.

Яна бир омил ёки сабаб: ХХI асрга қадам ташлаётган кўпчилик фанларни парадигмалари ўзгармоқда.

Кўп ижтимоий- гуманитар фанлар, шу жумладан биздаги фалсафада бир парадигма бормоқда, бошқаси, янгиси истиқлол руҳи билан озиқланаётган парадигма шаклланимоқда.

Табиийки, парадигмалар алмашаётган даврда фан фалсафаси ва методологиясини роли нисбатда ортиб боради.

Фан фалсафасининг долзарб муаммолари

1. Ижтимоий - гуманитар фанлар парадигмаси (ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар таъсирида) янгиланимоқда. Масалан: фалсафа, тарих, иқтисодий назария ва бошқалар ар. Фан фалсафаси ва методологияси мана шу жараёни лозим қилишга ёрдам бериши лозим.

1.1. Фан фалсафаси ва методологияси йўналишини ўзи ҳам, уни тушунчалари ва тамойиллари янгиланиши лозим.

Ш.Бизда бу йўналишни ўзига хос хусусиятлари бор-миллий истиқлол ғоясига таяниш, бу ғоясидан озуқа олиши.

1.2. Ғарб ва Шарқ фан фалсафаси ва методологияси ишлаб чиққан ғояларни ўзлаштириш, шу асосда ўзимизни оригинал концепцияларимизни, ёндашувларимизни яратиш.

Яна бир муҳим муаммо - ўзини предмети, парадигмаси ва мазмунини ўзгартираётган ижтимоий - гуманитар фанларга назарий ва услубий замин сифатида хизмат қила - оладиган янги тасаввурлар, ғоялар ва тамойилларни ишлаб чиқиш. Бунинг учун файласуфлар миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш фаолиятида бевосита қатнашишлари лозим. Хусусан тарихимизга, Президент Ислам Каримов айтганларидек

Бартольдни (XIX асрни 11 ярмида фаолият кўрсатган, кўзга кўринган рус тарихчиси) кўзи билан эмас, миллий ғоя нуқтаи назарда туриб қайтадан тахлил қилиб чиқишимиз лозим. Бу ишни методологик томонини бевосита файласуфлар бажариши керак.

2 – Машғулот. ФАН ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Фан фалсафасининг шаклланиши.
2. Фаннинг эволюцияси (қадимги дунё, ўрта аср ва янги замон фанлари).
3. Илмий билишни бир андозага келтириш (стандартлаш) тамойили.
4. Ҳозирги даврда фаннинг аҳамиятини ортиб бориши.

1. Фан фалсафасининг шаклланиши.

Бу бобда фан фалсафасининг асосий муаммолари, тузилиши, унинг ривожланиш механизми хақида гап боради.

Фан фалсафаси фалсафанинг бир тармоғи сифатида XIX аср урталарида шакллана бошлади. Бу борадаги фикрлар инглиз файласуфи, фан тарихи билан шугулланган олим Уильям Уовелл ва Жон Милль (1773-1836) О.Конт (1798-1857) ва бошқа мутафаккирлар асарларида учрайди. Уларгача ҳам файласуфлар фан тугрисида жуда куп фикрларни айтганлар. Айниқса, диёримиздаги файласуфлардан Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар фанни илмий билиш доирасида:

- унинг ривожланиши;
- фалсафанинг фанга булган муносабати;
- билимлар тизимида фан ва фалсафанинг ҳамкорлиги;
- илмий билиш усуллари ва шакллари хақида фикр оритганлар.

XIX асрга келиб айрим шахслар ёки бир гуруҳ одамларгина фан билан шугулланиб колмай, балки фан купчилиқни узига жалб этди ва фан билан шугулланувчи олимлар сафи кенгайди: академияларда, университетларда илмий иш билан шугулланадиган мутахассислар пайдо булди; саноатда илмий лабораториялар ишлай бошлади. Кейинчалик кишлок хужалиғи ва савдо соҳаларида ҳам илмий лаборатория ва тадқиқотчилар гуруҳи ташкил этилди. Бундай шароитда фаннинг умумий мантиғига бағишланган, социал маъносини эчиб берадиган ишлар пайдо була бошлади. Буларда фаннинг социал аҳамияти ва жамиятда тутган урнини курсатиб беришга каратилган муаммолар майдонга ташланган эди.

XX аср бошларида фан хақида фалсафий фикрлар алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Физикада нисбийлик назарияси, квант механикасининг кашф этилиши, биологияда

генетик назариянинг пайдо булиши ва бошка кашфиётлар **фанда буюк узгаришлар** деб хисобланди. Буларнинг барчаси фалсафага булган кизикишни уйготди. Фаннинг жамиятдаги урни тугрисида фалсафий фикрлар шаклланди.

Бу **фикрларнинг** баъзилари фаннинг ҳамма соҳадаги устунлигини курсатса (сценцизм), баъзиларида фаннинг ривожланиши кутилмаган фожиаларга олиб келиши айтилди (антисценцизм). Буларнинг ҳар бирини уз урнига куйиб, фаннинг жамиятда тутган ролини тугри курсатиб бериш ва шу билан бирга уни инсонийлаштиришга қаратилган фалсафий муаммоларни майдонга ташлаш керак булди. Жамият ва табиат фанларида жуда катта янгиликлар юз берди, ҳаёт узгарди. **Ҳаётдаги узгаришларни эски қарашлар тизими билан изоҳлаб булмас эди.**

XX аср файласуфи Гуссерль 1935 йилда "Вена маданият уюшмасида" қилган маърузасида жамиятдаги маънавий маданиятга алоҳида эътибор берди.

Табиатишунослик тарихи, фалсафа маънавиятнинг бутун бир тарихи нафакат инсонлар тақдирини тушунишга, балки уни тузатиш учун тугри диагноз қуйишга восита топишга олиб келади. Европадаги "қасаллик" нафакат фанда, балки Европа одамининг "қалбида", унинг маънавий дунёсида ҳамдир. «Қасаллик»ни ҳал қилиш учун инсониятнинг маънавий дунёси тарихини таҳлил қилиш керак.

1920—1930 йилларда "Вена тугараги" аъзолари фан фалсафаси ва унинг мантигини фалсафанинг бош мавзуси, деб эълон қилдилар; бу масала ҳозирги замонда аналитик фалсафанинг (неопозитивизм, постпозитивизм) асосий мавзусига айланиб қолди. Улар фан тараккиёти эволюциясининг жамият ривожланиш босқичларида фалсафа, дин ва социал-гуманитар фикрлар билан узвий борликлигини ишлаб чиқдилар.

Биз талабаларда бир бутун дунёқарашни шакллантириш юксак маънавий ҳислатларга эга булган қомил инсонни тарбиялашдек вазифани мақсад қилиб қуйган эканмиз, табиат ва ижтимоий-гуманитар ва техника фанларининг эволюцияси, бугунги кундаги манзарасини курсатиб беришимиз керак.

2. Фаннинг эволюцияси (Қадимги дунё ўрта аср шарқ ва янги замон фанлари)

Илму тафаккур — кишини эзгуликка бошлайдиган бекиёс қуч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, ҳонадонига файз—барақа келтирадиган буюк муъжизадир.

Фан фалсафаси ҳозирги замон илмий билимлар табиатини урганар экан, у билан шугулланувчилар фан тараққиётининг боскичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Фан мустақил билим соҳаси сифатида қачон ва қандай шароитда келиб чиққан, унинг асосий боскичлари, ҳозирги замон фанининг вужудга келишида юксак салоҳияти билан уз хиссасини қўшган шахслар ҳақида фикр юритиш жоиздир.

Бугунги кунда Европадаги фан энг юксак ва замонавий деб қаралади. Фаннинг бу даражада шаклланиши ХУ1 — ХУ11 аср мутафаккирларининг юксак маҳорати билан изоҳланади. Iiu давр мутафаккирлари — Галилей ва Кеплер, Бэкон ва Декарт, Гюйгенс ва Нютонларнинг хизматлари бекиёсдир, «илмий инқилоб» деб аталувчи фикрнинг шаклланиши ула)нинг номлари билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга башарият тафаккури ҳазинасига, фан ва фалсафа тараққиётига унутилмас ҳисса қўшган диёримиз фалсафаси ва фани, унинг йирик вакиллари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Ал Фарғоний, Улугбек каби юзлаб алломаларнинг хизматларини ҳисобга олмасдан бугунги кун фан фалсафасини тушунтириб бўлмайди.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур ҳазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган.

Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой ва Урта Осиёда бўлган қадимги цивилизация астрономия, математика, биология, тиббиёт таълимотлари ва тажрибаларидан катта билим туплади. Бироқ бу билимлар ҳали фан даражасига, назария даражасига қўтарилган эмас эди. Улар бевосита қўзғатилган турган ҳодисалардан чиқарилган ҳулосалар эди. Уларнинг асосчиси ва ташувчиси бўлган сараланган турли шахслар, қўхунлар жрецлар, шу соҳанинг фидойилари орқали сакланар ва авлоддан авлодга ўтар эди. Бу тажрибалар, йиғилган билимлар юнон фани ва фалсафасининг вужудга келишида замин бўлиб хизмат қилди.

Европада илмий билимлар тизими бундан икки минг беш юз йил олдин пайдо бўлди. Табиат ҳақидаги биринчи билимлар тизимининг яратилиши Фалес (э.о.625 — 547), Пифагор (э.о.У1 аср), Анаксимандр (э.о. 610 — 547) каби файласуфларнинг номлари билан боғлиқ. **Биринчидан**, улар фактларни тартибга келтирдилар ва мантикий асосладилар, натижада табиат ҳақида билимлар тизими назарияси вужудга келди. **Иккинчидан**, дунёнинг моҳиятини, биринчи асосини тушунишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг таълимотини жрецлар (қўхунлар) сакламай, балки дунёвий одамлар, реал шахслар амалга оширдилар ва кейинги авлодга қўлдирдилар. Танланган одамларгагина эмас, бу билимларни ҳамма истовчиларга

ургатдилар. Натижада кадимги юнонлар уз даврига монанд ажойиб математик назария туздилар, космик тизимни майдонга ташладилар, физика, биология, социология, психология, медицина, астрономия ва бошқа фанлар учун назарий замин яратдилар. Платон академиясида, Аристотель лицейларида, Пифагор мактабларида бу фанлар илмий предмет сифатида уқитилди, илмий изланишлар олиб борилди.

Аристотель бутун фанларга асос солиш билан бирга барча фанларнинг мантигини яратди, илмий билиш, яъни рационал фикрлашнинг "куроли" ("Органон")ни курсатди. У илмий билимларни тасниф (классификация) килди. Фалсафа фани назарий ва амалийга ажратиб, умумий фалсафадан конкрет фанларнинг фарқини курсатиб берди.

Аристотель илмий ишларида фаолият назариясини ишлаб чиқишнинг асосий боскичларини баён этди. Хар кандай олимнинг иш мазмуни турт боскичдан иборат булиши кераклигини курсатади:

- урғанаётган масаланинг тарихи, унинг танкидий тахлили;
- шу асосда урганиладиган масалани аниқ куя билиш;
- уз мулохаза, уз тахминлари - гипотезаларини бера билиш;
- куйилган масалани мантикий асослаб, фактларга суяниб, уз -кузатишлари асосида янги илмий карашларнинг илгариги карашлардан устун эканлигини курсатиб бериш.

Бу жуда оддийдек куриниши мумкин. Бирок хозиргача илмий-тадқиқот ишлари юкоридаги схема асосида ёзилади.

Аристотель фикрини давом эттирган буюк аллома бобокалонимиз Форобий дир.

Абу Наср Форобий нафакат Марказий Осиё ва Шаркнинг балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилган ва бенихоя катта хурматига сазовор булиб келаётган буюк мутафаккири, комусий олими, машхур файласуфларидан саналади.

Форобий илмнинг барча сохалари буйича ижод килди, буюк асарлар ёзди. Фан оламида энг нодир асарлар ёзган алломалардан биридир.

Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантикшунос, риёзатчигина эмас, шу билан бирга жамиятшунос, филиолог, тиббиётчи, рухшунос, мусика илмининг назариётчиси ва амалиётчиси хамдир. Форобий «Фалсафани урганишда нималарни билиш керак?», «Фалсафий масалалар ва уларга жавоблар»; «Логикага кириш», «Шеър санъати»; «Илмларнинг

келиб чиқиши тугрисида»; «Музыка хақида суз»; «Ақл тугрисида», «Инсон аъзолари хақида рисола; «Фозил шаҳар одамлари қарашли»; «Давлат хақида» қаб ва бошқа 160 дан ортиқ ҳилма-ҳил қимматли асарлар ёзди.

Форобий урта аср фалсафаси ривожига қатта ҳисса қўшди, биринчи бўлиб уз давридаги илмларни тасниф қилди, яъни турларга бўлди. Узининг она-тили-турк тилидан ташқари форс, юнон, сурия, араб ва яна бир неча тилларни муқаммал билган. Шарқнинг машҳур тарихчи олими Ибн Халликон даражага эришолмаган. Унинг сузи билан айтсак, Форобий етмишдан ортиқ тил билган.

Форобийнинг табиий-илмий фанлар хақидаги қарашлари «Илмларнинг қелиб чиқиши ва таснифи» асарида батафсил ёритилган. Қитобда Урта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи ҳамда аҳамияти қўрсатиб берилади.

Барча фанлар 5 гуруҳга ажратилади:

1. Тил хақидаги илм
2. Мантик
3. Математика
4. Табиатшунослик ва метофизика
5. Шаҳар хақидаги фанлар

Фанларнинг бу қласификацияси уз даврида илмий билимларни системалаштиришнинг муқаммал шакли бўлиб, билимларнинг кейинги ривож учун қатта аҳамиятга эга бўлди. Шу нарса диққатга сазоворки, Форобий табиий ва ижтимоий фанларнинг вазифасидан қелиб қикиб тугри фарқлаган.

Унинг талқинича, математика, табиатшунослик ва метофизика фанлари инсон ақлини билимлар билан бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантик, шеърий қаб илмлар эса фанлардан тугри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тугри тушунтириш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилади.

Форобийнинг фикрича, фанлар ва умуман билимлар борлиқдан қелиб қикиб, инсоннинг уларга бўлган эҳтиёжининг ушиб бориши ва борлиқни узок вақт урганиш жараёнида муттасил ва изчил тулланиб боради. Форобий системасида турли илмлар бир-бирини инқор ва истисно этмайди., балки узаро бир-бири билан болиқ ва дунёни билишга ҳамда бахт-саодатга эришишга хизмат қилувчи ягона ҳалқани ташқил этади.

1. а) Абу Наср Форобий қомусий билим соҳиб бўлган. У фалсафа, мантик, адабиётшунослик, музикашунослик, сиёсат,

психология, математика, астрономия геометрия, илм-фаннинг бошка сохаларига доир куплаб рисоалар ёзган.

Шу рисоалардан фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши рисрласини олиб қарайдиган бўлсак, аввало файласувнинг фалсафа сузини жуда аниқ ва яққол очиқ берган таъбирларини келтирамиз. Фалсафа таъбирининг маъноси ҳақида Абу Наср Форобий нақл қилади: фалсафа таъбири грек тилидан олинган бўлиб, аслида философия деган суздан келиб чиққан. Грек тилидан у икки суздан ташкил топган. Фило-тақдирлаш, софия эса-ҳикмат. Философия сузи шу маънодан олинган бўлиб, ҳикматни тақдирловчи деган суз, грекча философдир, философнинг ҳаётдан максоди ҳикматга берилишидан иборат.

Абу Наср Форобий фалсафа билимининг вужудга келиши ва шухрат топиши ҳақида шундай ҳикоя қилади: « Фалсафа» сузи дастлаб грек подшолари замонидан ва Аристотель вафот этгандан кейин Искандарияда шухрат қозонди. Аристотель вафотидан кейин Искандарияда ун уч подшо ва 12 фалсафа муаллими утди. Муаллимлардан энг охиригиси бир хотин подшоҳ эди. Румоликлардан Августус номли подшо хотин подшо устидан голиб келди, уни улдириб, мамлакатини қулга қиритганидан кейин, хотин подшо ҳазинасидаги бор-йугини текшириб чиқди ва бу ердаги китоблар ичидан Аристотелнинг уз вақтида, кейинчалик Теофрат даврида бир неча нусхаларга қучирилган асарларини топди. Август замонидан ҳам фалсафа муаллиmlари бор эди. Муаллимлар Аристотель асарларини ҳудди узи қутгандек қилиб ишлаб чиқдилар. Асосий нусхаларини Искандарияда қолдириб, қолган нусхалари Румга олиб кетилди ва Искандарияда Аристотель фалсафасидан таълим бериши учун айрим муаллимлар белгилаб қолдирилди. Бу таълимот Румога христианлик қириб қелганга қадар давом этди. Христианлик Румога қириб қелгандан кейин, фалсафа таълимоти бутунлай йуқотилди ва ғакат Искандарияда қолди. Христиан подшолари Аристотелнинг асарларини қургандан кейин, бу асарлар ҳақида узок қенгашдилар, уларнинг уз манфаатларига мос қеладиғанларини, қунончи мантик ва жисмларининг шакллари ҳақидаги асарларини қолдириб, дин ва мазҳабларга, диний эътиқодларига ҳилоф бўлганларини таълим-тарбия соҳасидан бутунлай қикариб юбордилар.

Шундай сунг узок муддатдан кейин ислом дини вужудга қелди. Искандариядан Антиқояга утти. Шу фалсафа билимини сақлаб қолган биргина муаллимдан атиги икки қиши таълим олиб қолди. Улардан бири- Харрон ақлидан, иққинқиси эса Мардан эди. Бардликдан икки қиши фалсафани урганди. Улардан биринқиси Иброҳим Ал Марвозий бўлиб, иққинқиси Юҳанно Ибн Жилондир.

Харронликдан Исроил Аскаф ва Фавсарий таълим олди ва Багдодга келди. Фавсарий фалсафа таълимоти билан шугулланди, Иброхим ал Марвозий диний таълимот билан шугулланди. Юхано иб Жилон ҳам кейинги вақтда Багдодга келиб диний таълимот билан машгул булди. Иброхим ал Марвозий Багдодда истикомат килди. Марвозийдан Матто ибн Юнус жисмларнинг шакллари хақида таълим олар эди.

Аристотельнинг уз китобларида куллаган терминларига келсак, улар уч турга булинади. У узининг хусусий асарларида катъий стильдан фойдаланади. Узининг шаркларига эса ноаник ва чалкаш сузлар куллайди унинг рисоаларига келсак, Аристотел рисоланинг характерига караб, аник ва киска услубда ёзиш коидасига риоя килади.

Мантик илми: у маълум хулосалар келтириб чиқариш учун мантик фигураларга биноан кандай килиб дарак гапларни жойлаштиришни ургатади, бу хулосалар ёрдамида бизга билинмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда ҳамма тугри ва нима ёлгон эканлиги хақида ҳукм чиқарамиз.

Абу Наср ал Фаробий айтади: Аристотел мантикни саккиз қисмга ажратади. Уларнинг ҳар-бир қисмини, аввалги китобида яъни «Талаффузлар категориясида оид ва мантикка далолат қилувчи айрим сузлар қонуни» деган китобида баён қилди. Бу китоб арабчада «Маъқулот», юнон тилида эса «Категориас» («Категория») деб юритилади.

Унда мураккаб талаффузлар қонуни берилганким, булар мураккаб категориялар булиб, мураккаб мантикдан далолат беради, уни арабча «Ибора», юнонча «Бариминяс» номли китобида баён қилган.

Учунчи қисмда беш турли қасб- ҳунарга оид булган қиёсларни айтириб берувчи сузлар баён қилинади. Бу эса арабча «Қиёс», юнонча «Биринчи Аналитика» деган китобда баён қилинади.

Бешинчи қисмда сузлар ва диалектик савол-жавоблар, яъни баҳслашув тартиб-қоидаларини ва умуман, диалектика, санъат баён қилинади. Булар арабча «Қитобул мавози алжадалия», юнонча «Топика» деган асарида баён қилинган.

Олтинчи қисмда ҳақиқатдан янглишиш, хайратда қолдириш тилагида, билим ва сузда ёлгон ва қузбуямачилик ва шунга ухшаган нарсаларни истеъмол қилиш қонунлари, шундан сунг, эшитувчи ва ёлгончининг янглишишга олиб боровчи сузларни рад этишга зарур ва лозим булган асос ва далиллар туплаш, нарсаларнинг кандай қилиб воқе бўлиши, юзага чиқиши, инсоннинг ундан кандай қилиб сакланиши ва максадига эришувида янглишишга олиб боровчи гап-сузларни баён қилади. Бу китоб юнончада «Софистика» дейилиб,

арабчада унинг маъноси «ал хикматул мунаввиха» (алдовчи хикматлар) дир.

Еттинчи кисмда нотиклик турлари ва нотикликка доир сузларни урганиш коидалари, нотикларнинг ажойиб сузлари, уларнинг сузлари нотиклик мазхабида борми ёки йукми каби масалалар, нотиклик санъатига кирадиган барча хол ва ходисаларнинг хисоби, нотикликка доир сузларнинг кандай булиши баён этилади. Бу китоб юнончада «Риторика», яъни «Хитобат» деган маънони англатади.

Саккизинчи кисмда шеър ва шеърий тартибда тузилган турли сузларни ургатувчи коидалар хисобланади. Бу китоб юнончада «Поэтика» деб аталади, бу – «Китоб аш-шеър» дир. Бу кисмларнинг хаммаси мантик жумласидан ва улардан хар бир кismi мантикка оиддир.

Туртинчи кисм купрок фикрий фазилат ва мантикдан бахс килади, ундаги бутун фикр-мулохазалар шу туртинчи кисмдаги асосий максадни, яъни исбот ва далил буладиган суз турларининг тузилиши ва конунларни билишни вазифа килиб куяди. Колган кисмлар туртинчи кисмда кузатилган фикр ва мулохазаларни утилган аввалги уч кисм, асослаб бериш тартибида туртинчи кисмда тайёрланиш ва унинг йулларини курсатишдан иборатдир. Колган турт кисм эса икки максадда хизмат килади: аввалги туртинчи кисмга чукур тушуниб етиш учун озми-купми ёрдам беради; иккинчисидан эса, шу тугридаги фикр ва мулохизаларни янгилаб, бошка шаклларда баён этади.

Мантик санъати силлогистик (киёсий) ва силлогистик булмаган (киёсий булмаган) булади. Силлогистик санъат шундай санъатки, унинг булаклари аникланиб бир бутун холга келтирилиши учун силлогизмдан фойдаланиши талаб килади.

Силлогистик булмаган санъат эса унинг булаклари аникланиб, бир бутун холга келиши учун махсус ишни бажаришни маълум харакат ва ишни амалга оширишга каратилган тиббиёт, дехкончилик, дурадгорлик, бинокорлик ва бошка санъатларни талаб килади.

Форобийнинг сиёсий илм доирасида яратган таълимотида марказий урин тутувчи «шахар» тушунчаси ханузгача аник ва аслида мувофик изохини топган деб булмайди. Шунинг учун хам алломанинг сиёсий карашлари тула конли узлаштирилгани ва узининг амалий ифодасини топганича йук.

Даъвоимизни асослашда, аввало, Форобийнинг сиёсий карашларининг «шахар» тушунчаси билан чамбарчас богликлигини алохида кайд этмокчимиз. Форобийнинг сиёсий таълимоти нафакат биз каби бир ярим минг йилликдан сунг унинг сиёсий карашларини

урганаётган авлод, балки уз замондошлари ва унинг даври ортидан келган замон фарзиндлари булмиш олиму зиёлилар наздида «шахар», «фозил шахар», «шахар таснифи» сингари тушунчаларда гавдаланган. Бундан айрича булмаслигига алломамининг сиёсий илм соҳасида яратган асарларининг номларини мушоҳада қилишимиз орқали амин буламиз.

«Муаллими ас-соний»нинг сиёсий таълимоти билан биз унинг «Китоб мабадиу араби ахли алмадиноти ал-фазила» - «Фозил шахар ахли карашларининг асослари хақида китоб», «Китоб ас-силса ал-маданийя ва йуърафу би мабади ал мувжудоит» - «Мавжудотнинг даставвали номи ила маълум сиёсий бошқарув хақида китоб», «Китоб фусул ал-маданий» - «Сиёсий илмга оид боблар», «Китоб жавамиъ ас-силса мухтасар» - «Сиёсат хақида тупламларнинг қисқача китоби» каби асарлари ҳам булган.

«Фозил шахар ахли карашлари» китоби алломанинг ижтимоий-сиёсий карашларида жой олган энг машхур асари таълимотида «шахар» тушунчаси муҳим урин тутган.

Маълумки, X асрда яшаб ижод этган Форобий уша даврнинг мусулмон улкаларида нафакат илмнавис тил, балка муомала тили саналган араб тилида асарлар битган. Бинобарин, уз асарларида синонимларга бой булаган араб тилида 10 дан ортиқ суз орқали ифода этиладиган «давлат» атамасини умуман қўлламаган. Унинг марказий тушунча атамаси вазифасини «шахар» маъносидаги мадина сузи бажарган.

Атаманинг шаклий моҳияти хусусида, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги араб тилида маъмурий-худудий тус олган «шахар» маъносида кенг қўлланиладиган мадина истилоҳи Форобий замонасида унчалик катта аҳамиятга эга эмасди.

Шу жумладан, А.Меънинг ёзишича, X асрдаги шаҳарларнинг сиёсий жихатдан тақсимланган ягона рўйхати урта аср сайёҳи ал-Мукаддисийнинг сайёҳатномларида қайд этилган. Унга биноан, уша даврда 16 та бош шаҳарлар ва ҳокимлар қароргоҳлари жойлашагн йирик шаҳарлар-амсар, 77 та вилоятларнинг истехкомли бош кентлари-қасабаат, вилоятдаги оддий шаҳарлар-мадаин-мудун, Ниҳованд ва Жазирот Умар сингари шаҳар макомини қўлга қиритаётган шаҳарчалар-навахи, қишлоҳлар – қураа мавжуд булган. Қуриниб турганидек, мадина у даврда муҳим аҳамиятга молик булган худудий-маъмурий бирликнинг номи эмасди.

Шундай экан, нега энди алломамин айнан мадина сузини қўллашни маъқул қурди:

Чунки, лугатни қараклаганимизда мадина сузи «шаҳарда қўним топмок» маданиятли булмок деган маъноларни англатади.

Тарихий манбаларда «урта асрлардаги шахарнинг марказий кисмини ифода этган, форсийда «хокимият жойлашган жой» маъносини билдирган, «шахристон» ва унинг «хукм чиқариладиган жой» маъносидаги арабча маънодоши «мадина» лар шахарнинг авваламбор, давлат хокимиятининг рамзи ва кургони саналганини курсатади, деб таъкидланган. Демак, Форобийнинг «мадина» си худудий-маъмурий атамадан кура, купрок расмий-сиёсий атама хисобланади.

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси, айникса, унинг ижтимоий-сиёсий таълимотини тугри тушуниш «шахар хакида илм», «шахар устидан сиёсат юргизиш» каби кабилидаги ноурин таржима-таърифлардан воз кечиб, унинг асарларида кулланилган маданий нисбий сифатини тула асосда «сиёсий» деб таржима қилишимиз ва шу зайлда муносабатда булишимиз даркорлигини курсатади.

Хуллас, Абу Наср Форобийнинг «Фозил шахар ахли карашлари» асари Президентимиз таъкидлаганидек, «бундан минг йиллар мукаддам яратилган булсада, бугун хатто оддий мактаб укувчиси хам ундан замонавий хаётнинг энг мураккаб муаммоларини ечиш борасида катор фикр-мулохазаларни топа олиши мумкин» булган даражага эришиш йулидаги дастлабки кадамлардан бири аллома таълимотидаги «шахар» тушунчаси «аслида мувофик равишда» тугри талкин этиш хисобланади.

Мусика санъати – Шарк маданияти тарихида Форобий факат машхур философ ва олим сифатидагина эмас, балки буюк мусикашунос ва мусикачи сифатида хам машхурдир.

Форобий мусика ва унинг назариясини баён этувчи катта асар яратгани ва бу асарнинг куп асрлар давомида шаркда мусикашунослик соҳасида кулланма сифатида фойдаланиб келингани хакида маълумот куп булиб, Шарк ва Гарб тилларидаги манбаларда учрайди.

1935 йилларда унинг «Китоб ал мусикий ал кабир» («Катта мусика китоби») асари француз тилига таржима қилиниб, Парижда нашр этилди.

Маълумки, мусика маданияти Шаркда тараккий этган булиб, мусика назарияси хакида катор рисоалар ёзилганлиги маълум. Масалан, Уз ССР ФА Беруний номидаги Шаркшунослик институтининг кулёзмалар фондида мусика назариясига оид бир канча кулёзма асарлар сакланади. 1960 йилда Уз ССР ФА Санъатшунослик институти томонидан рус тилида нашр этилган.

XV асрнинг буюк мутаффакир шоири Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи мусики» асари фикримизнинг далилидир.

Жомий уз китобида Форобийни узидан аввал утган энг йирик мусикашунос сифатида тилга олади.

Умуман олганда, Форобий Якин ва Урта Шаркдаги мусика маданиятининг йирик арбоби ва мусикашунослик илмининг асосчиларидан биридир.

Шуни алохида кайд килиб утиш лозимки, Форобий мусика назариячиси булиши билан бирга, янги мусика асбобларини яратувчи уста хисобланади.

Манбаларда Форобийнинг турли оханг чиқариб, кишига катта таъсир этадиган янги мусика асбоби ясагани хакида маълумот келтирилади. Манбаларда бу мусика асбобининг номи турлича талкин килиниб, айримларда «гипчак», айримларида эса «конун» дейилган. Бу асбобнинг кандай ном билан юритилишидан катъий назар, барча манбаларда Форобийнинг мусика асбоби яратгани таъкидланади.

Шу уринда, Форобийнинг Техронда Сохиб Оббод саройида чалган куйи билан хаммани лол қолдирганлигини баён этамиз:

Форобий Рай (Техрон) шаҳарига борибди ва давлат вазири Сохиб Оббод билан учрашмоқчи булибди. Улар бир-бирларининг хислат ва олижанобликлари тугрисида жуда қуп марта эшитган эканлар. Сохиб Оббод Форобийнинг донишмандлиги ва машхурлиги тугрисида жуда қуп хабарларни эшитган ва унинг донолигидан манфаатдор булиш орзусида экан. Форобийни ҳеч ким танимас экан, шунинг учун ҳам у сарой мажлисига кирганда, ҳеч ким унга эътибор қилмади. У бир соат чамаси утирганидан сунг, вазир шарафига зиёфат бошланибди. Шунда Форобий ёнидан бир мусика асбобини олибди, бу асбобни Форобий узи кашф этган булиб, қуриниши «кичик ковок» қа ухшаб кетар экан ва «гипчак» деб юритилар экан ..

Форобий бу асбобда куйнинг биринчи қисмини бажарганда, утирганларнинг ҳаммаси машқдан нихоятда хурсанд булишибди ва қулишибди. Куйнинг иккинчи қисми эшитувчиларни йиглатибди, улар қондек қуз ёшларини туқибдилар; учинчи қисми ижро этилганда эса уларнинг ҳаммаси хаяжонга тушибдиларда, сунг ухлаб қолибдилар. Шунда иккинчи муаллим гипчакнинг дастасига «Форобий қелди, шу ерда бўлди ва кетди» деб ёзиб кетибди, Сохиб Оббод уйғониб, узига қелгандан сунг қуп мусикачиларни чақирибди, лекин уни топа олмабди. Гипчакнинг дастасидаги хатни қуриб, жуда хафа булибди ва: «Рохат қилишнинг сирларига эришганингда, унинг гойиб бўлганини билиб қоласан», дебди. Сохиб Оббод иккинчи муаллимни қанчалик қидиртирмасин топа олмабди, чунки у шу қуниёқ Дамашққа йул олган экан.

Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мусика инсонга рохат багишлайди, инсонни жахлдан туширади ва кунглига меҳр уругини солади.

Дарҳақиқат, куйсиз, мусикасиз оламни тасаввур этиб булмайди, хаттоки суздан ҳам шу мусика охангида янграётган «алла» дан ором олади, ухлайди. Шу гудакнинг жажжи калби ҳам мусикани тушунади ва ундан рохатланади.

II. Табиатшунослик илми.

Табиатшунослик илми, Форобийнинг таъкидлашича, оламнинг турли ҳолатларини, узгаришларини урганишга булган эҳтиёд натижасида вужудга келган ва у барча табиий ҳодисаларга оиддир.

«Бу илм бизга бундай узгаришларнинг кандайлиги, сабаби ва омилларини курсатиб беради. Бу илм туфайли биз истаган вақтимизда зарарли оқибатларга барҳам беришимиз ёки уларнинг зарарли таъсирини кучайтиришимиз мумкин.»

Форобийнинг бу таърифи содда булса-да, унинг материалистик характерга эга булишидан ташқари, яна бир муҳим қимматли томони шундаки, Форобий фаннинг табиатга, табиат ҳодисалари ва қучларига таъсир этишда инсон учун муҳим қурол булишини англади, яъни илмнинг инсон амалий фаолиятидаги муҳим ролини тугри тушунишди.

Форобийнинг фикрича, табиатшунослик илми саккиз булимдан иборат булиб, булар: об-ҳавони улчаш ва аниклаш илми, тиббиёт, физика асосидаги нигромонтия, образлар тугрисидаги илм, агрикультура, новигация, алхимия ва ойналар ҳақидаги фанлардир.

Табиатшунослик нихоятда бой илм булиб, қўп масалаларни ўз ичига олади. Форобийнинг фикрича, юқорида санаб утилган илмларнинг ҳаммаси оламнинг хусусиятларидан келиб чиқади ва уларни урганишга қаратилгандир.

Форобий инсоннинг амалий фаолияти учун табиий фанларнинг аҳамиятини яхши тушунади. Бундай фанларни у реал нарсалар ҳақидаги илмлар деб атайди. У юнон табиатшунослари Евклид, Птолемей, Гален китобларига ёзган шахарларида, ўзининг геометрияга доир китобида антик дунт ва урта аср математик гоёларининг йирик билимдони сифатида майдонга чиқди, математиканинг бир қанча мураккаб категориялари ва мавҳум тушунчаларини илмий нуқтаи назардан ҳал этиш йўллари кидирди, хусусан сон ҳақидаги ҳамда эҳтимоллик назарияси тугрисидаги гоёларни бойитди.

Форобий «Юлдузлар ҳақидаги қоидаларга нима тугри ва нима нотугрилиги тугрисида» рисоласида осмон жисмлари билан ердаги

ходисалар уртасидаги табиий алокаларни, хусусан, булутлар ва ёмгирлар пайдо булишининг куёш иссиқлиги таъсирида бугланишга сабабий боглиқлигини ёки ой тутилиши Ернинг куёш билан Ой уртасига тушиб қолишига боглиқ эканлигини курсатган эди. Бу билан у осмон жисмларига караб, «фол очувчилар» - астрологларини фол килди.

Астрологларнинг фикрича, жойлардан бирида, одамларнинг куз олдидан ой утади, уз жисми билан куёшни улардан тусади. Бу нарса куёш тутилиши деб аталади. Шундан сунг, ердаги подшолардан бири ана шу воқеа сабабли улади. Агар шу фикр тугри булса ва шу ходиса улимни таъкиб этса, у вақтда ҳамма одам ёки хар бир жисм, агар куёш булут ичига яширинса, албатта улиши керак. Бундай ҳукмлардан жинниларнинг таъби жирканади. Энди акллиларнинг таъби кандай экан?

Фаробий табиблик билан бевосита шугулланмаган булса-да, назарий тиббиётни яхши билган. Унинг тиббий қарашлари «Инсон аъзолари ҳақида» рисоласида баён қилинган. У инсон аъзоларини, турли хил касалликлар сабабини, уларнинг пайдо булиш шароитларини алоҳида-алоҳида урганишни, организмнинг саломатлигини тиклаш учун керакли озик-овқатларга эътибор беришни қайд этади. Инсоннинг рухий ва жисмоний ҳолати ташқи омиллар, муҳит таъсирига боглиқлигига эътибор беради. Унинг тиббиёт вазифаси ва мақсад ҳақидаги қарашлари Ибн Синонинг бу ҳақдаги қарашларига мувофиқ келади.

Табиблик касбининг объекти – инсон тани ва унинг аъзосидир. Унинг мақсади шу аъзолар учун керакли булган соғломликни ҳосил қилиш ва уларни касал булишдан сақлашдир.

Табиблик учун зарур булган фаолият – киши соғ экан, унинг соғлигини давом эттириш, агар у касал булса, соғлигини тиклашдир. Бу эса асбоб ва воситаларсиз мумкин эмас. Табиблар томонидан соғлиқ, касалликнинг турлари аниқланади ва шу касалликларнинг хар бири учун дори-дармон топилади.

Табиблик ҳунари еттита турли билимни уз ичига олади:

1. Инсон аъзоларини айрим-айрим урганиш;
2. Саломатлик ҳолати ва турларини, уларнинг таъсирланиши, узғаришини билиш;
3. Турли касалликларнинг сабаблари ва улар билан боглиқ булган тасодифий ходисаларни урганиш;
4. Саломатлик ва касалликнинг белгилари, сабаблари, далиллари ҳам бутун баданда, айрим аъзода қуринадиган касаллик аломатларини урганиш ва билиш;
5. Содда ва мураккаб дориларни билиш ва табиблик ҳунарида ишлатиладиган сабабларни урганиш ва ишлата олиш;

6. Соғлом баданда саломатликни сақлаш учун зарур булган конун-қоида, ҳаракатларни урганиш ва билиш;
7. Баданда соғлиқ-саломатликни тиклаш учун зарур булган конун-қоида ва шу ҳаракатларни билиш.

Фаробий илмий текширишнинг беш усулини айтади: шеърӣ усул-барча назарӣ ва амалӣ нарсаларга халқни ишонтириш санъати. Назарӣ санъатлар ёрдамида идрок этиш умумжамият характериға эға. Бу қурғазма, нусха, бевосита фактларға асосланади; хитобӣ усул — яъни билимларни оммаға тарқиб қилиш, етқизиш усули; софистик усул — фикрнинг ташқи томонига эътибор, берадиган йул, формал мантиқ йули; жадал усул (диалектик метод) - бунда ҳодисаларнинг ички, асосӣ томонини, ривожланишини қуратиб берадиган илгариги билимлар билан мунозара қилиниб, ҳақиқатға эришиш йули қуратилади. Бу илмий категориялар орқали ифодаланади; илмун яқун - аподиктик усул - яъни билишнинг тугри асосланган бўлиши ва шу асосда қатъӣ, ишонарли, қарурий ҳукм чиқариш усули. Бу усул ҳам Европа фанининг ривожланишиға жуда қатта ҳисса қушган. Аристотель ва Фаробийлар қандай қилиб ҳодиса ва воқеалардан аниқ ва тугри ҳулоса чиқариш мумкин, деган саволға жавоб бердилар. Аристотелнинг фикрини давом эттириб, узининг фалсафаси орқали илм-фан таракқиётига қатта ҳисса қушганлиги учун Фаробий «Ал—муаллими ас-соний» «иккинчи муаллим», Аристотелдан кейинги устоз деган унвонни олди. Фаробий Шарқ фалсафасида Аристотель анъаналарини давом эттириб, фанни ривожлантириш учун жуда қатта ҳисса қушди. Натижада ватанимиз мутафакқирлари яратган фан дунё маданиятининг дурдонасига айланди. Улар яратган фан жаҳон фани ичида олдинги уринга чиқиб олди.

Ватандошларимиз Мухаммад Ибн Муса Хоразмийнинг «Жабр ҳисоби ва қиёслов бўйича қисқача қитоб» асари Жабр (алгебра) фаниға асос бўлди. Аҳмад Фарғоний астрономия фанини юксакликқа қутариб, осмон жисмлари ҳаракати тугрисидаги таълимотини яратди, математика фанининг амалӣ аҳамиятиға эътибор бериб, техник қурилмалар ишлаб чиқди, география ва геодезия фанларини ривожлантирди, гидрология масаласини

уртага ташлади. Беруний экспериментал методга асос солиб, фаннинг ривожланишини янги боскичларга кутарди.

Демак, диёримиз алломалари фан фалсафасини Аристотелдан кейин давом эттирибгина колмасдан, уни ривожлантирдилар, фаннинг равнакига татбик этдилар. Улар Аристотель таълимотига хурмат билан муносабатда булиш билан бирга унинг чекланганлигини хам курсатдилар. Масалан, Беруний Аристотелнинг космос назарияси, геоцентрик назариясини танкид килиб, дунёни ёпик тизим сифатида урганганлигини курсатиб берди. Аристотель асарларида математика табиатни урганишнинг идеал шакли сифатида каралган, лекин осмоний жисмларни урганишда у давр математикаси чекланган, унинг хисоби аник эмас эди. Табиатни урганиш кузатиш, оддий тажрибага асосланган эди. Аник эксперимент асосида килинган тажрибалар етишмас эди. Бу вазифани биринчи булиб Урта Осиё олимлари амалга оширдилар. Бирок, уларнинг буюк янгиликлари, назарий билимлари хаётга, техника ва ишлаб чиқаришга татбик этилмади.

Тенгсиз, бетакрор фан уфкларига эришган аجدодларимизнинг илмий асарлари Европа кугубхоналаридан жой олди. Диёримизда табиат фанларини урганиш, фаннинг янги мантигини яратиш масаласи борган сари орқага кетди. Бунинг учун турмуш тарзини, хаёт оқими, ишлаб чиқариш ва техниканинг талабига мос фанларни барпо килиш керак эди.

Ватанимизда яратилган, Ахмад Фаргоний, Беруний, Улукбеклар асос солган дунёнинг гелиоцентрик манзараси расадхоналарда қолиб кетмади, балки XVI асрга келиб, гарб уйрониш даврида фаннинг ривожланиши учун асос булди. Пировард натижада Николай Коперникнинг (1473—1543) гелиоцентрик назариясининг пайдо булишига олиб келди. Бунда диёримиз олимларнинг илмий-фалсафий карашлари назарий асос булган булса, у уз навбатида Ф.Бэконнинг (1561 — 1626) «Янги арганони»нинг пайдо булишида, эмпирик ва индуктив методни ишлаб чиқиши ва таркиб килишида хам назарий асос булди.

Аристотель таълимотининг чекланганлигини тахлил килишда хал килувчи зарба Галилей (1564—1642) томонидан берилди. У Н.Коперникнинг гелиоцентрик назариясини асослабгина колмасдан, фаннинг янги табиатини ишлаб чиқди, фаннинг аник экспериментал тадқиқот методи тугрисидаги гоёни майдонга ташлади. Бу тадқиқот методи урта аср шарқ фалсафаси ва фанида пайдо булган булсада, у кенг илмий усул сифатида кулланилмаган эди. Галилей Куёшни кузатиш учун телескоп

яратди ва Куёш доғларини кузата борди: Ойнинг тепа кисмини, Юпитер сайёрасини кузатди. Аристотель яратган фан манзарасининг асосий хулосасига, аник эксперимент утказилмаганини курсатди ва фаннинг янги манзарасини очиб берди. Аристотелдан фаркли уларок Галилей фанни хакикий ифодаляйдиган тил математика тилидир, деб айтди. У файласуфлар юксак махорат билан китоблар ёзганлар, китобни тушуниш учун унинг харфларини укий ола билиш керак, дейди. Бу математика тили билан ёзилган булиб, унинг харфлари уч бурчак, ёй каби геометрик фигуралардир, уларсиз фаннинг сузларини тушуниб булмайдилар, янги усул билан, коронгу билимларни ёруг билимга айлантирадилар, дейди. Мана шундагина табиатнинг биринчи сифатларини объектив урганиш мумкин. Иккинчи сифатлари эса (ранги, мазаси, хиди, товуши) объектив эмас, дейди у. Галилей иккинчи сифатлар аник эксперимент оркали биринчи сифатни акс этириши мумкин, деб айтади.

Галилей математика оркали нарсаларнинг мохиятини урганишни майдонга ташлади. Фаннинг математик табиатиани очиб берди. Аристотель сингари ходисаларнинг мохиятини очиб берибгина колмай, балки сифатий узгаришлар микдорий хар хиллик (масса, заррачалар, модда)лардан келиб чикишини курсатди. Мана шу микдорий характеристика математик аникликда ифодаланиши мумкин, дейди у.

Маълумки, Аристотель фалсафасида ходисалар туртта сабаб билан белгиланади: формал сабаб (ходисаларнинг мохияти, унинг тузилиши ёки тушунчаси); моддий сабаб (формал тузилишга кирган нарсалар, унинг асоси); харакатий сабаб ёки охирги сабаб (бирор ишга ундайдиган сабаб); максадий сабаб (нима максадда ходиса юз берди). Галилей Аристотелнинг максадий сабаби урнига табиатнинг максадга мувофиклигини куйди.

Буларнинг хаммаси микдорий характеристика оркали сифатий узгаришларга олиб келишини курсатди. Галилей Аристотелнинг максадий сабабининг урнига «табий конун» - чексиз табиатни ташкил этувчиларни табиатдаги максадга мувофиклашни майдонга ташлади. Табиатни урганишнинг математик тили хакидаги Галилей таълимотини Декарт, Ньютон ва Европа фанининг бошка йирик намояндалари давом эттирдилар. Улар дунёнинг табий-илмий манзарасини бердилар. Уларнинг таълимоти асосида табиатшуносликни математикалаштириш хакидаги табиатни билишнинг аник шакли ва экспериментал асосланган методи ишлаб чикилди. Пировард натижада, дунёнинг табий-илмий манзарасини аник хисобланган «сунъий» шароитдаги эксперимент ва математик

фикрлашга асосланган механик манзараси майдонга ташланади. Бу метод баъзи узгаришлар билан уз ахамиятини хозиргача саклаб килмокда. Эксперимент ва математик (мантикий) тахлилга асосланган бу метод эса, фан фалсафасининг урганиш объекти булиб хизмат килмокда.(қаранг:с.14)

3. ИЛМИЙ БИЛИШНИ БИР АНДОЗАГА КЕЛТИРИШ (СТАНДАРТЛАШ) ТАМОЙИЛИ

Фан тараккиётининг тахлили шуни курсатадики, у аста-секин бир колипга тушиб, тушуниш жихатидан тургун холга келади. **Илмий билишнинг тузулиш жихатдан тургун холга келиши фан фалсафасида фаннинг стандартлашган тамойили деб аталади.** Купчилик олимлар бу атамани табиат фанлари учун куллайдилар.

Фаннинг стандартлашган тамойиласини яратишда, фанни стандартлашнинг икир-чикирларигача изчил урганишда 1920-1930 йилларда «Вена тугараги» аъзолари булган файласуфлар катта хизмат килдилар.

«Вена тугараги» деб аталган семинар 1922 йилда ташкил этилган. Унинг ташкилотчиси Вена университети индуктив фани фалсафа кафедраси мудир М.Шлик эди. Бу тугарак аъзоларининг асосий муаммоси фан фалсафаси эди. Тугаракда бир гурух файласуфлар ва таникли физик, математик, (Р.Карнап, О.Нейрот, К.Гедаль, Г.Ган, Ф.Вайсман, Г.Файгл, Г.Рейхопбах, А.Айер, К.Поппер, Э.Нагель) каби олимлар тупланди. Тугарак карашларининг шаклланишига XX асрнинг энг йирик файласуфларидан Л.Витгенштейн гоълари катта таъсир курсатди. XX асрнинг уттизинчи йилларида—дунё сиёсий бетинч булиб турган бир пайтда «Вена тугараги» аъзолари 1929 йилда ташкилотнинг «дунёни илмий тушуниш» деган Манифестини эълон килдилар. Мантикий позитивизм унинг гоъвий ва ташкилий Маркази фаолиятига фан фалсафаси сифатида хизмат килди. 1936 йилда фашизм таъкиби туфайли тугарак аъзолари Англия ва АКШга кучиб утди. Бу асрларда фан фалсафасининг¹ ривожланишига катта имкониятлар тугдирилди.

Вена тугараги концепциясига кура, фан томонидан ураниладиган дунё ходисалари реал булиб, у, узининг характерига кура урганаётган одамга боглик эмас. Инсоннинг билиши фактларни (наrsa) кузатиш, эксперимент килишдан бошланади. Нарсалар табиатда мавжуд. Улар узининг, Америка Колумбии кутганидек, кашф этилишини кутади. Дунё турли-туман булишига карамасдан у улчовлик, уни улчаб куриш мумкин. Унинг ички


томонига кириб бориб, туркун, бир хиллигини топиш нарсалар билан унинг мохияти уртасидаги алокани курсатади. Фандаги ана шундай бир хиллик нарсалар билан алока даражасини курсатувчи конунларда уз ифодасини топади.

Конунлар, уз навбатида, икки турга булинади: эмпирик ва назарий конунлар. Эмпирик конунлар кузатилган объект холатини ёзиб олиш имкониятига эга булади. Объект бевосита ёки оддий асбоблар ёрдамида урганилади, кузатиш ва эксперимент асосида умумлаштирилади.

Ундан ташкари, нисбатан мавхумрок булган назарий конунлар мавжуд. Бу конунларни бевосита объектни кузатиш асосида яратиб ёки туптунтириб булмайди. Назарий конунлар мохиятини бевосита индуктив умумлаштириш ёритиб хал килиб булмайди. Бунда олимнинг назарий хаёли, тафаккур салохияти ишга тушади. Олим бунда фактлардан узоклашиб, акл салохиятини, узининг тахмин (**гипотеза**) ни ишга солиши керак булади.

Муайян назариянинг тугрилигига кандай ишонтириш мумкин?

Бунда индуктив метод эмас, балки дедуктив метод ишга тушади. Назарий билиш кузатиш ва эксперимент асосида килинган эмпирик назарияга асосланиши керак. Демак, эмпирик билиш фактларга асосланса, назарий билиш эмпирик билишга таянади. Илмий билишнинг стандарт моделини куйидагича ифода этиш мумкин:



Куриниб турибдики, фактлардан эмпирик конунлар чикарилади, бунда индуктив метод ишлайди. Эмпирик конунларни дедукциялаштириш асосида гипотеза, тахминлаш асосида назарий конунлар яратилади. **Бундай билиш шакли назариянинг гипотетик - дедуктив модели деб аталади.**

Концепция муаллифлари илмий билишларни стандартлаш концепцияси, илмий фикр планеталар харакатидек ходисадир, деб курсатади. Дунёнинг илмий концепцияси диний ва фалсафий

карашлардан фарк килади. Шундай асосий ходисалар борки, илмий фикрнинг аник моделини беради.

Илмий билиш фалсафий ҳамда диний хулоса ва натижалардан фарк килади. Унда умумлаштириш илмий хулосанинг катъийлигига, тушунча ва хулосалар коидасига асосланади. Мантикий конунларга асосланган фикрлаш узининг илмий тузилишига эга булгани учун ҳам катта кучга эга. Бу тузилиш, юкорида куриб чикилганидек, фактларни умумлаштириш илмий эмпирик асосда фактлардан назария хосил килиш ва эмпирик назариялар асосида гипотетик-дедуктив йул билан назарий конунларни яратишдан иборат. Бундай фактлар ва уларни умумлаштириш фалсафий ёки диний онг билан амалга ошмайди. Чунки, улар анъаналар ёки кундалик онг даражасида ифодаланади.

Фалсафа эса аник улчовни бермайди, деб ёзади илмий билишларни стандартлаштириш концепцияси муаллифлари. Табиатшунос уз тскшириш объекти килиб борликнинг бир булагини олади ва бу булакнинг ички хусусиятига кириб боради, конуниятини очади. Бу вазифани дин ҳам, фалсафа ҳам бажара олмайди.

Мазкур булимга хулоса урнида куйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофикдир.

Биринчидан, ФАН инсоннинг билимлар тузиш, ишлаб чиқиш, тизимга солиш (системалаштириш), ва уни текширишга қаратилган фаолиятидир. Фаннинг вужудга келишида қадимги даврда Аристотель, урта асрларда Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, янги даврда эса Галилей, Коперник, Декарт, Ньютон, Гюйгенсларнинг илмий салоҳияти муҳим, роль уйнайди.

Иккинчидан, илмий билишда эмпирик даражада кузатишга, илмий тажриба ва эксперимент методларига амал қилинади.

Учинчидан, илмий текширишнинг назарий босқичида назария у ёки бу синфга оид ходисаларни тушунтириш учун ишлатиладиган конунлар тушунчаси, тамойиллар тизимидан иборат эканлигини курсатиб, дедуктив — гипотетик метод асосида иш куради. Умумийликни ифодалаш шакли булган идеаллаштириш, мавҳумлаштириш (абстракция), аналогия, моделлаштириш методларидан фойдаланади.

Туртинчидан, илмий назариянинг шаклланишида, унинг усишида такқослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, формаллаштириш, идеаллаштириш, математик методлардан фойдаланилади.

Бешинчидан, назарий методни ҳаётга татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилади. Назарий метод мақсадга

назарий йул билан эришишдир. Бунда аксиоматик, конструктив, гипотетик-дедуктив, прагматик методлар энг асосий методлар хисобланади.

Олтинчидан, дунёнинг табиий-илмий, фалсафий ва диний манзарасининг аник муносабатини билиб олиш керак. Бу масаланинг аник ифодаси кейинги булимда батафсил баён этилади.

4. ХОЗИРГИ ДАВРДА ФАННИНГ АХАМИЯТИНИ ОРТИБ БОРИШИ.

Илмий ва ноилмийлик сохалар чегараси (демаркация)

Фан ва фан эмаслик чегарасини аниклаш демаркация (инглизча демаркацион чегара демак) муаммоси деб аталади. Бу фан фалсафасининг асосий томонидир.

Хозирги кунда фан энг ишончли сохага айланиб бормокда. «Фан» деб тан олинадиган сохага одамлар ишонади. Чунки, фан ишонарли фактларга, эксперимент ва тажрибаларга асосланади ва рад этиб булмайдиган далилларга эга булади; унинг ютуклари хаётга татбик этиб борилади. Шунинг учун хам купчилик файласуфлар ва диндорлар узларининг карашларини илмий деб эълон киладилар. Улар уз фаолиятларида фаннинг категорияларидан, тушунчаларидан мумкин кадар кенг фойдаланадилар.

Бугунги кунда маънавиятнинг турли сохалари хам фан ютуклари ва категорияларига асосланмокда. Бирок, фанга ухшаган, лекин «шошилиб» чикарилган хамма хулосалар хам фан макomini олавермайди. Баъзида текширувчи шундай гоёлар, шундай карашларни майдонга ташлайдики, уни энг ишонарли деб билади ва хеч кандай танкидий асосларни кабул килмайди. Бундай «назариялар», одатда, фанга ухшаган тузилишга эга булади. Хатто узи изчиллигига хам эга булади. Бутун инсоният тарихини ёки дунёни маълум гоёлар тизими оркали изохлашга харакат килади. Масалан, марксча синфий мафкура асосида дунёни тушунтириш: у фанга зид эмасдек куринади, аксинча фан конунларига асосланади хам ва дунёнинг синфий материалистик манзарасини беради. Вахоланки, бу манзара изчил илмий булмай, дунёнинг илмий манзарасига тула мос келмайди. Худди дунёни синфий мафкура асосида тушунтиришдек, парапсихология, билиб булмайдиган «учиб юрувчи тарелкалар», астрологик башоратлар хаммаси парафан, сохта фан номи билан юритилади.

Қандай килиб фан ва фан эмаслик чегарасини аниклаш мумкин?

Бу жуда муҳим, бироқ ҳал қилиниши ута мушкул масаладир. Фан эмаслик шунда намоёни буладикӣ, унда фан фактларига ва ҳозирги замон фани қонунларига мос келмайди, дунёнинг илмий манзарасини ифода этмайди. Ҳозирги замон олимлари фан эмасликни ана шу критерий-мезон билан ифода этадилар. Бизнингча, бу тугри.

Бироқ, астрология, алхимия, парапсихология фан ҳисобланмаса ҳам фан қонунларини очиш учун тўртки булиши мумкин. Масалан, Ньютон алхимия билан, Кеплер астрология билан шуғулланишган. Олимлар 1941 йил 22 июлда Германиянинг собиқ иттифокка ҳужум бошланишини Амир Темур қабрининг очилиши билан боғлайдилар. Бунда одамлар уз "назария"сининг тугрилигига ишонадилар ва "бизнинг назариямиз ҳатолигини, фактларга мос келмаслигини исботлаб беринг", деб даво қиладилар. Ана шундай ҳодисаларга асосланган "назария"ларнинг ҳатолигини исботлаш учун назария ҳам, вақт ҳам етмайди. **Бундай ҳодисаларни таҳлил қилиш учун фан фалсафаси ёрдамга қелиши мумкин.** Замонавий фан фалсафаси уни (фан ва фан эмасликни) ҳал қилишнинг мақбул усулини ишлаб чиққан. Юкорида келтирилган алхимия, рухий таҳлил (парапсихология), астрология тугрисадаги маълумотларни тугри деб ҳам бўлмайди, ҳато деб ҳам рад этиш қийин. Ҳатто биринчи қарашда илмийликни эслатсада, аслида улар бошқача тузилишга эга. Улар тугри ҳам эмас, ҳато ҳам эмас- маъносиздир; яъни билиш аҳамиятига эга эмас.

Илмий назария ҳато булиши мумкин. Бироқ, у илмий назария бўлиб қолаверади. Юкорида айтилган ҳодисаларнинг "илмий" жихати бошқача. Улар мифологик (афсонавий) бадиийят учун, шунингдек, инсон рухий ҳолатига ижобий таъсир қурсатиш учун муҳим аҳамият қасб этиши мумкин. Инсон ишончи ва эътиқодини шакллантиришда улар қатга аҳамиятга эга булиши мумкин. Бироқ, илмий нуқтаи назардан аҳамиятга эга эмас. Улар илмийлик тушунчаси доирасига қирмайди.

Илмийликнинг биринчи мезони тажрибага мос қелишидир. Бу ҳақда Юм ва Кант жуда тугри фикрни айтганлар. Уларнинг фикрича, ҳиссий тажриба орқали эмпирик билишда у ёки бу объект қурсатиб берилмаса, бундай билим аҳамиятли эмас, қурук суздан иборат бўлиб қолади.

XX асрда Вена тугараги аъзолари (позитивистлар) томонидан майдонга ташланган ВЕРИФИКАЦИЯ принципи алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳар қандай муҳокама (ҳукм) ёки тушунча факат эмпирик (тажриба) синовидан утсагина аҳамиятлидир, деб қурсатдилар. Астролог, парапсихологлар бир неча бор муҳокама, мулоҳаза қилиши мумкин, бироқ бу мулоҳазалар фактларга

асосланмаса, унинг муҳокамаси тажрибада исботланмаса, уни фан деб булмайди. Улар фанга ухшаган ёки тажрибага эга булмаган сузлар деб аталади, фан жихатидан маъносиздир. Ухшатишдан фойдалансак, ҳарбий кийим кийиб, унинг коидаларига амал қилишдан ташқари ҳарбий билим ҳам керак. Делшк, фаншаклида намоён булган ҳар қандай фикр мулоҳаза ақлга мувофиқ келавермайди. Демак, фан бўлиши учун юқоридаги илмий билиш мезонларига жавоббериш керак.

Фаннинг вазифаси ҳақиқатни ҳолислик билан очиб беришдир. Ҳозирги замон фанида ҳақиқат тугрисида уч хил қараш мавжуд;

- корреспондент (хабар, маълумотли) ҳақиқат;
- когерент (маълум алоқали) ҳақиқат ;
- прагматик ҳақиқат.

Корреспондент ҳақиқатни тушунишда фан назарияси эксперимент асосида исботланади, қилинган гипотезалар фан доирасига қирадими, деган саволга ҳам жавоб беради. Майдонга ташланган назариялар тажрибада синалган бўлиши керак. Вена тугараги аъзолари (неопозитивизм вакиллари) экспериментга мос келган назария, исботланган билим ҳақиқий билимдир. Эксперимент билишнинг ҳақиқийлигини белгилловчи синов тошидир. Билим тажрибада синалади - верификация қилинади У тажриба синовидан утса, тугри бўлиб ҳисобланади, тажриба синовидан утмаса, хато бўлиб қолади, деб қурсатадилар.

К.Поппер биринчи бўлиб бу коиданинг қамчилигини қурсатди. Вакт утиши билан кейинги тажриба назарияни рад қилиши мумкин. Натижада илгариги тажриба ҳақиқат булмай қолиши мумкин. Бирок, маълум шароитда бошқа тажрибалар учун ҳам яроқли томони сақланиб қолиши мумкин. Бундай вазиятларда янги назария пайдо бўлади. Янги назариялар эски билимларга нуқта қуймайди, уни давом эттиради.

Физиканинг янги қонунлари Ньютон механикасига зид экспериментларни тушунтиради. Янги қонунлар рад этган бўлишига қарамай бугунги кунда ҳам Ньютон қонунларидан физик ҳодисаларни таҳлил қилишда унумли фойдаланилмоқда. Унинг қонунлари хусусий ҳолатларда, яъни квант механикасига ва нисбийлик назариясига Қараганда оддийроқ ҳолатларда уз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, экспериментнинг мос келмаслиги ҳамма вақт ҳам янги назарияни вужудга келтиравермайди. Мавжуд назарияни такомиллаштириш, унинг янги усулини топиш асосида ҳам бориши мумкин Бирок, эксперимент хусусий ҳолларнигина эмас, балки бир бутун назарияни ҳам рад этиши мумкин. Маълумки, конкрет

эксперимент ҳолати назарияни бир бутун ҳолда ифодалайди. Шундай экспериментлар борки, улар назариясини бир бутун ҳолларни ифодалашда ута муҳим аҳамиятга эга. Бундай экспериментларнинг кучи бекиёсдир. Буларни ҳал қилувчи эксаперемент деб аталади. Назария уз гоёсини реаллаштириши учун, атрофлича тушунтириш учун уни корреспондент ҳақиқат билан бир қаторда когерент ҳақиқат тарзида талқин қилиши керак. Когерент ҳақиқат деганда (лотинча *coherencia*- бир-бирига боғланган демак дир) бутун илмий тасдиқ ягона гармоник бирликни, бир бутунликни ташкил этиши назарда тутилади. Бунда эксперимент ва назария бирликни ташкил этади., ҳақиқат эксперимент ва назариянинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Янги назария ва эксперимент натижаларини такқослаш, уларнинг узаро ҳамкорлиги асосида боради. Бундай ҳамкорлик илмий тизимда муҳим, ҳал қилувчи узгаришларга олиб келади. Ҳозирги замонда илмий билиш ҳудди шундай тизимли (системали) ва ута кенг қуламли характерга эга.

Замонавий фан мураккаб тузилишга эга бўлиб бормокда. Шунга кура муваффақиятли натижа олиш ҳам осон иш эмас. Фаннинг ҳамма вақт фактга суяниши илмий билимларни тезлаштиришга ҳалакит бериши ҳам мумкин. Ҳозирги кунда олимлар уз салоҳиятини ишга солиб, назарий билимлар ҳақида бир ҳулосага келганидан кейин ҳам фактга мурожаат қилинади.

Бугунги кунда, инсоннинг интеллектуал салоҳияти ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи аҳамият қасб этаётган бир вақтда инсон уз имкониятларини, инсонийлигини намоён қилиб яшаш имкониятларига эга бўлмокда. Биз ҳақиқатнинг прагматик томонини таҳлил қилишда, практика ҳақиқат мезонидир, деган қонундан келиб чиқамиз. Бирок, илмий практика эксперимент билан чекланмайди. Амалиёт (практика) бутун назариянинг асосини қамраб олади. Бугунги кунда инсон амалий фаолиятининг бирор соҳаси йукки, фандан фойдаланмаган бўлсин. Фан инсон қучининг ҳаётий моҳиятига айланиб бормокда. Шу жихатдан қараганда фаннинг тугрилигини текшириш бутун инсон ҳаётининг барча соҳаларига тегишли бўлиб бормокда.

Шунга кура, таълимнинг янги тизимида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялаш муҳим аҳамият қасб этади. Шунинг учун **Президент Ислоҳ Қаримов «қуч - билим ва тафаккурда» деб таъқидлади.** Бугунги кунда фанни инсон қадриятлари қаражасига қутариш муҳим аҳамиятга эга. Бу деган суз фанни инсонийлаштириб қориш муаммоси энг муҳим масалалардан биридир. Илмий фаолиятни яхшиликка, эзгуликка қаратиш

фалсафанинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. (қаранг: с. 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22).

ФАН ИДЕАЛЛАРИ ОЛИМНИНГ МАЪНАВИЙ КИЁФАСИ.

Яшашдан мурод- эзгуликдир. Фан инсон маънавий ҳаётининг юксак чуққиларига интилиб яшайди. Мана шу юксак чуққига интилишнинг бутун бир йули фан идеалларини ташкил этади.

Фан идеаллари - билимнинг назарий ва экспериментал жихатдан юкори даражада асосланганлиги ва исботланганлигига эришиш методидир. Фан ходисаларни аксиоматик, гипотетик-дедуктив, конструктив, прагматик методлар орқали тавсиф қилишда, унинг табиатини тушунтиришда қонунлардан фойдаланиб, *номологик* (Номологик -лотинча номо- қонун, логос - таълимот сузларидан тузилган бўлиб, қонун тугрисидаги таълимот демакдир) тушунтириш йулини қулласа, фактларни назарий жихатдан назариялардан фойдаланади. Биз номологик ва назарий тушунтиришга ажратишимизнинг боиси шундаки, баъзида қонун назария доирасига қирмай, мустақил иш тутади. Қонун, аксарият ҳолларда, назария доирасида амал қилади. Бундай шароитда номологик тушунтириш айти бир вақтда назарий тушунтириш ҳамдир.

Агар назарий тушунтириш «ходисалар қандай руй беради?» деган саволга жавоб берса, у ҳолда феноменология жихатдан қаралган бўлади. «ходисалар қандай қилиб, қандай усулда юз беради?» деган саволга жавоб берса, у ҳолда динамик жихатдан қаралган бўлади. Демак, бирин-чисида ходисалар тушунтирилади, иккинчисида унинг усиши, динамикаси тушунтирилади.

Фаннинг қучи ва унинг самарадорлиги юксак билимга эга бўлиш билан изоҳланади. Инсон ҳаётининг турли-туманлиги билимлар таркиби билангина чегараланмайди, балки кадриятлар ва эзгулик қояларни ҳам уз ичига олади. Билимга ҳалол хизмат қилиш, билим идеалларига уз умрини бағишлаш силлиқлик билан утмаган. Ноилмий соҳалар томонидан тазйик утқазилиб, унинг йули бузиб турилган. Уз қасби ҳақида максимал даражада билимга эга бўлган олимлар **фаолиятига** улардан ташқарида турувчи, мутахассис бўлмаган, қучларнинг аралашуви уларнинг ҳалол, инсоний -бурчларини бажаришларига ҳалакит қилиб қелган. Ёки фандан узларининг сиёсий мақсадлари йулида фойдаланиб, умуминсоний йулдан буриб юборишга, фан ютуқларини инсониятнинг узига қарши қуйишга ҳаракат қилганлар.

Физикларнинг атом ядроси сирларини урганиш борасидаги кашфиётларидан инсониятни йук килиш йулида фойдаланганлар. Атом бомбасини ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқармаслик - бу физиканинг назарияси эмас, балки социология ёки бошқа гуманитар фанларнинг муаммосидир. Аммо бу масалани олимлар ҳал қилмайди, балки олимларни узига жалб қилган сиёсатчилар ҳал қилади. Шундай бўлсада, олимлар сиёсатчиларни ҳам бутун инсониятга тегишли тугри йулни ишлаб чиқишга, мавжуд муаммоларни тугри ва адолатли ҳал қилишга ундаши лозим

Уз виждони олдида, халқни, инсоният олдида масъулият ҳис қилиш олимнинг маънавий кийфасини курсатади.

Ҳақиқатга интилиш ҳамма вақт ҳам яхшилик билан тугамайди, эзгуликга олиб бормади. Бунинг учун ҳар бир олим уз вазифасига масъулият билан қараши, фан ютуқларини фақат эзгулик мақсадларига қаратиш лозимлигини англаб етиши керак.

Буюк аллома Ибн Сино айтган, «яшашдан мурод — эзгулик» шиори остида фаолиятда бўлиш олимнинг маънавий бурчидир.

Фан билан шугулланиш дунёга кадриятлар нуктаи назардан қараш асосида бориши керак. Фан инсониятни йук қилишга эмас, уни юксакликка кутаришга хизмат қилиши; инсоний ҳислатларини намоён қилиб яшашга ундабгина қолмай, унга шароит яратиб беришга қаратилиши керак.

Олим фан уфқларига интилар экан, унинг ютуқлари адолат, яхшилик, ҳақиқат мезонлари билан уйғунлашиб, инсон маънавий ҳаётини кадриятлар даражасига кутаришга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар бир инсон эркинлигини таъминлаш билан бирга унинг дунё оддида, миллат олдида, халқ оддида масъул эканлигини ҳис этиб яшашга ундаш фан соҳаси вакилининг ахлокий бурчидир. Ҳеч бир шахс фан ютуқларининг ижобий ёки салбий томонларини олимлардек тугри баҳолай олмайди. Фан ҳамма вақт эркинлик, адолат, бахт, озодлик каби инсоннинг ҳаётий кадриятларини ардоқлашга хизмат қилади. Ҳақиқий олимнинг яшашдан мақсади уз илмий салоҳиятини ҳақиқатни қарор топтиришга адолатни урнатишга, бахтли ҳаётга интилишни таъминлашга қаратилади.

3 -машғулот. Фан ижтимоий институт сифатида.

Р е ж а:

1. Фан борлиғини асосий томонлари.
2. Фан ва илмий билиш.
3. Фан ижтимоий институт сифатида.
4. Фан маданиятни томони ва ўзига хос жабхасидир.

1. Фан борлиғини асосий томонлари

Фан ижтимоий борлиқни бир жабхасидир. У ижтимоий ҳаётни реаллиғини (мавжуд бўлиниши) бир кўриниши, инсонларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган ижтимоий институтдир.

Айни пайтда фан ўзини борлиғига, яъни мавжуд бўлиш шакллари, усуллари ва цикллариغا эга.

Фан борлиғини асосий томонлари:

- 1) Фан ижтимоий институт сифатида шаклланади ва ривожланади. Бу эса инсонларни интеллектуал, маънавий тараққий этиш имкониятларини яратади, кишиларни назарий фаолиятларини ижтимоий касб турига айлантиради.
- 2) Ихтисослашган илмий билиш фаолияти билан шуғулланадиган зиёлилар гуруҳи ижтимоий табақа шаклланади. Билиш фаолиятини ижтимоийлаштириш индивидуал ва ижтимоий субъектларини пайдо бўлиши билан шаклланади.
- 3) Кишиларни илмий фаолиятини ташкил қилишга қаратилган турли расмий ва норасмий уюшмалар, тизимлар пайдо бўлади ва ривожланади.
- 4) Фан ижтимоий ҳаётни, кишиларни турмуши ва меҳнатини оқилона ташкил қилишга, янгидан-янги яшаш ва фаолият кўрсатиш воситаларини яратишга ёрдам берадиган илмий-маънавий кадриятлар яратиш соҳаси сифатида тараққий этади.
- 5) Турли цивилизацияларда билиш фаолиятини ташкил қилишни тарихий типлари пайдо бўлиш, юксалиш ва таназзулга учрашиш цикллариغا эга. Қадимги дунё фани ва илмий мактаблари, Ўрта Мағриб ва Машриқ фани. Хоразмий – Улуғбек. Ворислик узилади. Жамият миқёсида бу цикллар ворислик ва алоқадорлик доирасига киради. Антик- фан – ўрта аср Машриқ фани. Архимед- Ибн Сино, Ал-Хайсам натижасида фан спиралсимон тараққиёт кўринишида юксалади, ривожланади.

2. Фан ва илмий билиш

Фан мураккаб- ижтимоий ходиса ва институтлар. Фаннинг ижтимоий борлиғи унга тизим хислатини беради.

Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида фан таркибий қисмларга сохаларга ва қатламларга эгадир.

Фан инсонларни фаолиятини ташкиллаштирадиган уюшма булар экан, у мураккаб таркибий қисмлардан иборат.

Шундай қисмлардан бири назарий фаолиятни кўриниши бўлган илмий билишдир. Илмий билишни натижаси эса назарий ёки илмий билимлардир. Фанни ҳаракатлантирувчи кучи илмий билиш фаолияти, интеллектуал ўзаги эса - илмий билишдир.

3. Фан ижтимоий институт сифатида

Ижтимоий институт тушунчаси - институт яъни - ўрнатиш, идора этиш, идора маъносида ишлатилади. Социология фанида айтилишича институт – тарихини юзага келган кишиларни биргаликда фаолият кўрсатишларини ташкил этувчи барқарор уюшмадир.

Инсон фаолиятига ижтимоийлик хислатини берадиган, бу хислатга барқарорлик бағишлайдиган сифат институтдир.

Жамиятни ўзи иқтисодий, сиёсий ҳуқуқий, маънавий фаолиятлар ва мунособотларни ташкил қиладиган, уларни руёбга чиқар адиган ижтимоий институтлар тизимидир.

Энг муҳим ижтимоий институтлардан - мулкчилик, давлат, оила, ишлаб чиқариш жамоалари, фан, маънавий, маърифий, тиббий муассасалар ва бошқалар.

Ижтимоий институт туфайли ижтимоий ҳаёт ва фаолият ташкил қилинади, тартиблашади, инсон ижтимоий - маданий хислатлар ва ролларга эга бўлади.

Ижтимоий институтлар турли миқёс ва сохаларга эгадирлар, бир-бирлари билан алоқада ва ўзаро таъсирда бўлади.

Давлат – фан

Фаннинг ижтимоий институт жихати нимада кўринади?

Фан ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида маълум функцияларни бажаради. Ижтимоий институт сифатида фан биргаликда меҳнат қилиш шакли бўлиб, унинг қатнашчилари нисбатан мустақил илмий уюшмаларга бирлашади, у шахсий ва гуруҳий ютуқларни тарқатиш ва айрибошлашни ижтимоий назорат остига олади.

Тадқиқот фаолияти натижаларини таништириш ва айрибошлаш илмий Алоқалар орқали амалга оширилади.

Фаннинг бошқа ижтимоий функцияларига илмий ютуқларни техник лойихаларга ўтказиш, техникавий янгиланишни жорий этиш, амлиёт, ижтимоий соҳалар ва хизмат кўрсатиш соҳаларига татбиқ қилиш киради.

Фанни ичида содир бўладиган ижтимоий меҳнат тақсимооти табақаланган структуравий гуруҳларни пайдо бўлишини тақазо этади.

Масалан, фундаментал тадқиқот олиб боровчи назариётчилар, амалий жорий этиш бўйича тадқиқот олиб боровчилар, назарий ютуқларни техника ва турли ижтимоий соҳаларга татбиқ қилиувчилар (муҳандислар) ва бошқалар. Бу ҳол илмий уюшмани ихтисослашган касбий гуруҳларга бўлишишига олиб келади.

Фанни ижтимоий институт сифатида намоён бўлишини яна бир белгиси - унга нисбатан давлат маълум сиёсатини юргизиш, фан сиёсий, иқтисодий ва маънавий - мафкуравий жараёнлар доирасига тушади, давлатдан тараққий эттирувчи ёки таназзулга учратадиган таъсирлар олади.

4. Фан маданиятни кўриниши ва жабҳаси сифатида

Фан маданиятга кирадими ёки йўқми?

Фанни маданиятни бир кўриниши деса бўладими?

Фанни маданият доирасидан чиқариб ташламоқчи бўлган, яъни, фанни маданиятга бевосита алоқаси йўқ дейдиган тадқиқотчилар ҳам бор. Уларни фикрича, маданият инсон яратган ва фойдаланадиган белгилар тизимидир. Семиотик- маданиятшуослар (Ю.М.Лойтман) И. Савранский) маданиятни белгили томонига урғу берадилар. Фанда эса, дейди улар, энг муҳим белги, ифодалаш эмас, балки образлар, тасаввурлар, маънолардир. Тўғри, фан ҳам белгилар билан иш кўради, лекин улар илмий тадқиқот учун иккинчи, учинчи даражали жихатлар. Шунинг учун, уларнинг нуқтаи назарларига кўра фан маданият жабҳасига кирмайди, маданиятни моҳиятини намоён қилмайди. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар бу фикрга қўшилмайдилар.

Инсон яратган ва маъно берган ҳар қандай нарса, предмет бўлмасин, жараён бўлмасин, муассаса бўлмасин, маданиятдир, маданиятга киради. Инсон яратган қадриятлар маданият оламини ташкил қилади. Фан предмет эмас. Лекин фан инсонлар яратган муассасалар таркибига киради.

Маданият орқали инсон ўзини моҳиятини, инсонийлигини, қадриятлар ярата олиш қобилиятини намоён этади.

Фан орқали ҳам инсон ўзини яратувчанлик қобилиятини ўстиради, илмий қадриятлар яратади, табиатда учрамайдиган

предметлар ва технологияларни курадилар, ақлий ва инсоний жихатларини табиатга, коинотга тарқатади.

Санъат ва маънавиятда ҳаракатлантирувчи, ривожлантирувчи куч-бадий, интеллектуал ижоддир.

Фаннинг ҳаракатлантирувчи кучи илмий ижоддир.

Ижод - маданиятни яратувчиси, моҳияти, намоён этиш механизимидир.

Демак, инсон маданиятни яратади.

Шу билан бирга, инсоннинг фаолиятини ўзи бажариш шакли, тарзи мохирлик такомиллаштириш нуқтаи назаридан маданий даражага эга бўлиши мумкин «меҳнат маданияти», «сиёсий маданият», « иқтисодий тафаккур маданияти» каби тушунчалар инсон фаолиятини маданий меъёрини ифодалайдилар.

Фанда амалга ошириладиган илмий фаолият ҳам ўзини маданий даражаларига, маданий тарзи ва сиймосига эгадир. Бу махсус тушунчаларда акс этилган.

1. Мантикий тафаккур маданияти (фикрлаш изчиллиги, мураккаб нарсани соддалаштирилган ҳукмлар орқал и тавсифлаш, зиддиятсиз баён этиш, чиройли стилистика)
2. Диалектик тафаккур маданияти
3. Услубий тафаккур маданияти
4. Илмий ижод маданияти
5. Назарий тафаккур маданияти (Ибн Рушд, Ал-Газзолий, Гетель, Шопенгауэр, Маркларни ижоди)

В.Ж.Келлени фикрича санъат ва фан маданият тизимида турли жабҳаларни эгаллайди. Фан, дейди олим, маданият функциясини (вазифасини) бажаради ва шунинг учун, маданият ходисаси сифатида олиб қаралса бўлади, қачонки у (фан) қўлга киритган билим инсон оламини ифодаловчиси, омили бўлса, инсонга қараса, унга муносиботда бўлса.

(Келле В.Ж., Наука как феномен культуры // Наука и культура. М.,1984.С 8)

Ходиса, жараён нуқтаи назарда фан жамиятда мавжуд, демак тарихан маълум маданият тизимини таркибига қўшилган.

Қадимги мисрлиларни билими кохинларни қўлида бўлган, эзотерик характерда бўлган.

Қадимги Ҳиндистон маданиятида кишилар инсон, олам ҳақида чуқур, хатто ҳозирги замон фанини хайратда қолдирадиган билимларга эга бўлишган. Лекин улар ғайриилмий, мистик қобикқа ўралган (Йога мактаби).

Қадимги Юнон фани очик, тизимли, танқидий, рефлексия, интер субъектив белгиларга эга бўлган.

Маданият инсоний меъёр, инсон тараққиёти фанда хам инсоний меъёр бор, у орқали инсон тараққий этади.

4 - машғулот. Фан, билим ва илмий билиш .

Р е ж а:

1. Фан, билиш ва билим. Илмий билишни асосий белгилари
2. Илмийликни идеаллари ва меъёрлари
3. Илмий билишни кўп хиллиги.
4. Илмий билиш ва унинг услублари.
5. Илм ва ижтимоий тараккиёт.
6. Фаннинг максоди ва хусусиятлари.

1. Фан, билиш ва билим. Илмий билишни асосий белгилари.

Фан воқелик тўғрисидаги билимларни ишлаб чиқариш ва назарий умумлаштириш функцияларини бажарадиган инсон фаолиятини соҳаси, ижтимоий институтдир.

Илмий билиш фаолияти ихтисослашган фаолият бўлиб, уни амалга ошириш бир канча умумий ва жузъий характердаги омилларни мавжуд бўлишини таъказо этади.

Биринчи умумий омил - аклий меҳнатни жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши. Бу қадим замонда руш берган ижтимоий меҳнат тақсмотини тури бўлиб, ижтимоий уюшмада, жамиятда цивилизацияни, давлатни вужудга келиши билан боғланган. Буни узини остида жамият томонидан жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган кишилар гуруҳини таъминлашга кетадиган кўшимча махсулот ишлаб чиқариши, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ётади.(қаранг: с.27).

Ижтимоий институт сифатида фан биргаликда меҳнат қилиш тизими бўлиб, унда қал қилувчи ядроси бўлган тадқиқотчилар нисбатан мустақил илмий уюшмаларга бирлашадилар, шахсий ва гуруҳий илмий ютуқларни тарқатиш ва айрибошлаш ижтимоий назорат остига олинади.

Шундай қилиб фан ижтимоий институт сифатида шаклланади ва ривожланади. Бу эса кишиларни интеллектуал, маънавият тараккий этиш имкониятларини яратади, уларнинг назарий, тадқиқот қилиш фаолиятларини ижтимоий қасб турига айлантиради.

Фаннинг харакатлантирувчи қучи бўлган илмий фаолият билиш ва билим унсурларига эга. Билиш- воқеликни ўрганиш, муаммоларини қўйиш ва қал этиш,воқеликни илмий манзарасини тақвирлаш жараёнидир. Билим эса тушунчаларда, назариялар ва таълимотларда мужассамланган билиш жараёнини махсулотидир.(қаранг: с.28).

Билиш ва билим тарихан турли шаклларда мавжуд бўлган, мужассамланган.

Одатий (кундалик ҳаёт) ва илмий, тажрибавий ва назарий диний, эстетик, ахлокий ва ҳокозо билиш ва билимлар турли ижтимоий эҳтиёжларни кондириб келишган. Буларни ҳар бири ўзига хос ижтимоий-маданий, маънавий ва ғносеологик функцияларга эга бўлишган.

Илмий билишни асосий белгилари.

Илмий билиш инсон фаолиятини ихтисослашган соҳаси бўлиб, унда махсус тадқиқот қилиш воситалари ва усуллари ёрдамида предметларни моҳиятини тушунириб берадиган назариялар, таълимотлар ишлаб чиқилади. Шунга кўра илмий билиш ихтисослашган тадқиқот фаолиятини тақозо этади. Мазкур фаолият бошқа ижтимоий фаолият соҳаларидан ишлатиладиган восита усул инъикос этиш ва тавсифлаш кўроллариини ўзига хослиги билан ажралиб туради.(қаранг: с.29).

Илмий билишни ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

1. Предметни тадқиқот қилишга қаратилган, аниқ, ифодаланган назарий тавсифланган муаммо бўлиши лозим. Илмий муаммо тадқиқотни бошланкич нуктасидир.
2. Илмий муаммо доирасига қирган объект кундалик ҳаёт тажрибаси иш кўрадиган предметлардан кескин фарқ қилувчи реалликдир. Масалан, тортилиш, қучи, санъатдаги қўп жанрлик, тилларни диахроник ва синхроник тараккиёти ва ҳоказолар.
3. Илмий билишда объектларни маълум шароитга қўядиган ёки одатий тажрибада ўрганиб бўлмайдиган томонларини тадқиқот қилишда ишлатиладиган махсус воситалар, кўроллар, асбоб- ускуналар қулланилади.
4. Илмий билишда билимни тўғрилигини таъминлайдиган ҳақиқат эканлигини асослаб берадиган махсус услублар - мантикий меъёрлар, исбот қилиш усуллари, тасдиқлаш воситалари ишлаб чиқилади.
5. Илмий билишда ҳосил бўладиган билимни тизимлилиги ва асосланганлиги, унинг ҳулосаларини тажриба ёки фактлар асосида тасдиқланиши.
6. Илмий билишни назарий даражасида тадқиқотчи идеал объектлар билан иш қуради. Булар махсус ишлаб чиқилган назарий тушунчалар, аксиомалар бўлиб, улар реал объектларни ўрнини босади.

7. Илмий фаолият билан шугулланувчи тадқиқотчи фанга хос бўлган идеаллар, маънавий кадриятлар (хакконийлик, объектив какикатни излаш, назарияни мантикий зиддиятсизлиги талаби) ва мақсадли кўрсатмаларга таянади. Бунда дунёкараш ва методологик мулохазалар ҳам маънавий замин сифатида муҳим роль ўйнайдилар.
8. Илмий назарий тадқиқот билиш ҳар доим янги билимлар олишга интилади.(қаранг: с.30).

Кўрсатиб ўтилган белгилар фан оламини илмий билишни ўзига хос хусусиятларни ифодалайдилар.

2. Илмийликни идеаллари ва меъёрлари

Илмий билиш жараён ва босқичлардан ташқари асоси ёки заминига ҳам эга. Илмий билишни замини фанга дунёкарашли ва маънавий муҳит тайёрлайди, уни натижаларига баҳо бериш учун меъёрий тасаввурлар ишлаб чиқаради, илмий фаолиятни йўналишини белгилашга, тартиблаштиришга ёрдам беради.

Русия файласуфи В.С. Стёпин илмий билишни назарий заминини ўрта блокка бўлади:

1. Илмий тадқиқотни идеаллари ва қоидалари
2. Оламни илмий манзараси
3. Фалсафий таълимотлар, дунёкараш (қаранг: с. 31).

Илмий билиш фан кадриятларини, жамият ва инсонни эзгу-нийатларини ўзида мужассамлантирган идеаллар ва нормалар орқали тартиблаштирилади, йўналтирилади, тадқиқот фаолияти маълум маъносига, аҳамиятга эга бўлади.

Барча фанлар учун умумий бўлган идеал ва нормалар мавжуд. Масалан билимни исботланиш ёки асосланиш идеали, объектив ҳақиқат идеали, фанни инсонпарварлаштириш идеали ва бошқалар.

Айрим фан идеаллари маълум тарихий шароитни маҳсули бўлади. ХУП асрда фан идеали сифатида математик аниқлик талаби эътироф этилган эди.

XX асрни уруш туфнларида кўп ижтимоий идеаллар хиралашди, кучини йўқотди.

Идеалларни инсонпарварлик хислатига гумонсираш мунособатда бўлиш, уларнинг ижобий родини инкор қилиш қайфияти кўпайиб кетди. Россиялик В.Курицинни фикрича ҳар қандай идеал, тоталитар яъни, инсонда узок бўлган мавҳум умумий ғоявийлик ёки жузий манфаатларни никоблаш хислатига эга. Бошқа олим В.Г. Федотова ёзади: «Мен олиман: менда ҳеч қандай идеал йўқ. Идеал бўлмаслик керак, мен тадқиқот олиб боришим керак».

Гегель, фан идеалига акл фаолиятини йўналтирувчи хосила деб караганлар.

Кантни фикрича идеал тартиблаштирувчи ва башорат-огохлантирувчи хислатга эга. Идеал инсон интилган камолот даражасини белгилар экан, у кишиларга тафаккурини, фаолиятини номукаммал эканлигини эслатиб туради.

Хозирги замон файласуфи Моторошилованинг фикрича идеаллар инсон цивилизациясини буюк хотираси бўлиб, улар кишиларни беғам бўлиб юришга кўймайдилар, ўз ҳолатларидан норози бўлишга ундайдилар, тараккиёт, ҳаёт, тақдир какида мулоҳазалар юргизишга мажбур қиладилар.

Идеаллар илмий изланишга ижтимоий-маданий ва маънавий ўлчов, таққослаш тарозисини берадилар.

Мана шундай идеаллардан объективлик, объектив ҳақиқат, гармоник мунособотлик, муштарақлик. инсонпарварлик идеалларини кўрсатиш мумкин.

Илмийликни меъёрлари билиш жараёнини самарадорлик кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади.

Меъёрлар орқали илмийликни даражаси, намоён бўлиш шакли, самарадорлиги, татбиқ қилиниш микёси аниқланади, ўлчанади.

-Исботланганлик даражаси.

амалиётда тасдиқланиш микёси

Илмий - ижтимоий, иқтисодий самарадорлик

Илмий фаолият самарадорлигини сифатий ва микдорий (математик) кўрсаткичлари мавжуддир. (қаранг: с. 32).

3. Илмий билишни кўп хиллиги

Илмий билиш кўп шакл ва турларга бўлинади.

Буни заминда ҳар хил сабаблар ва омиллар ётади.

Билишни кўп хиллигини тақазо этган объектив омиллардан бири - тадқиқот объектларини сифат жиҳатдан турли бўлиши.

Табиатни тадқиқот қиладиган фанлар математикадан, мантиқдан, аксиоматик усуллардан кенг фойдаланадилар, уларни тили, баён этиш шакли нихоятда формаллаштирилган, аксиоматикалаштирилган бўлади. Инсоншунослик, маънавий олами билан шуғулланадиган фанларни услуби ва тили бошқача бўлади. Бу фанларда герменевтик ёндашув кўпроқ, ишлатилади.

Фан соҳасида содир бўладиган меҳнат тақсимооти ҳам билишни кўп хиллигини вужудга келтиради. Бунда назарий билиш, амалий билиш, техник билиш, услубий билишларни фарқлаш мумкин.(қаранг: с.33).

Кўлланилаётган усул ва воситаларга караб анъанавийлик ва ноанъанавийлик билимларни ажратиш мумкин. Билимни кўп хиллиги оламни илмий манзарасини тўлароқ, акс этиш имкониятини беради.

Фан нима? «Фан» сўзининг айнан маъноси – билим демакдир. Фан илмий билимлар тизимидир. Фан ўзининг илмий тушунча услублари ва методологиясига эга бўлган, оламни билиш ва ўзлаштиришнинг махсус усули, илмий билимлар тизимидир. Шунингдек, фан ижтимоий онг шаклларида биридир.

Фаннинг моҳиятини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини билишда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир:

1. Фан - инсон фаолиятининг ўзига хос тури;
2. фан - алоҳида иштимоий институт сифатида илмий билимлар йиғиндиси ;
3. фан - инсоннинг маънавий салоҳияти, олам, табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги тасаввур ва қарашларни шакллантирилган тизими;
4. фан - оламни ўзлаштириш ва ўзгартириш воситаси.

Бирок ҳамма билимлар ҳам илмий деб қарала бермайди. Қундалик ёки турмуш тажрибаси деб аталган нарса, яъни оддий қулатиш ва амалий фаолият асосида олинган фактлар ва жараёнларни оддийгина тавсифлашдан, уларнинг соф таъки томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билимлар фанга тааллуқли эмасдир. Том маънода илмий билим факат фактларнинг мажмуи замирида қонуният қорлигини – улар ўртасидаги умумий ва зарурий алоқа қорлигини аниқланган қоғдагина бошланади, бу эса нима учун айна қодиса бошқача эмас, қудди шундай юз қеришини изохлаш, унинг янада қандай қивожланишини олдиндан айтиш имқониятини беради.

Фан фактлар ва қонунлар ҳақидаги билимларнинг оддий мажмуидан иборат эмас, балки тизимга қолинган билимлар мажмуидан иборатдирки, бу системада мазкур факт ва қонунлар муайян муносабатлар билан узаро қолланган бўлади ва бир – бирини тақазо қилиб туради. Фаннинг қивож фактларни оддий тўплашдан, улар орқали айрим қонуниятларни ўрганиш ва очиб қеришдан яхлит қолланган, мантқиқий қихатдан муқтазам бўлган, аллақачон маълум эски фактларни изохлаб, янгиларини олдиндан айтиб қерадиган илмий назарияга қараб қоради.

Фан инсонга оламнинг қин манзарасини қўрсатади ва бу манзара фан таракқий қилган сари тобора тўлароқ ва аниқроқ бўла қоради. Фан қодисаларнинг объектив қонунларини очиб қерарқан, уларни воқелиққа қатъий суратда мувоқиф қеладиған абстракт тушунчалар ва схемаларда иқодалайди.

Фаннинг пайдо бўлиши учун зарур шарт – шароит Кадимги Шарк мамлакатларида Мисрда, Вавилонда, Хиндистонда, Хитойда юзага келади. Бу мамлакатларда табиат ва жамият хақидаги билимлар жамғарилиб, уларнинг мағзи чакилади, астрономия, математика, этика, мантик, фалсафанинг куртаклари пайдо бўлади. Шарк цивилизациялари эришган бу муваффакият Кадимги Грецияда қабул этилиб, мунтазам назарий системага солинади, чунки кадимги Грецияда эрамиздан олдинги IV – асрдан бошлаб диний ва мифологик традициялардан четлашиб, касб сифатида фан билан шуғуullanувчи мутафаккирлар майдонга келади.

Илмий билиш ва унинг услублари.

Илмий билиш – факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосоланади.

Илмий билиш услублари – илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усулига айтилади. Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соҳа – методология деб аталади. Илмий билиш методлари ўз характериға кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларға бўлинади.(қаранг: с. 34).

Назария – фаннинг бутун тарақиёти давомида эришилган муҳим ю тук бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютукларға танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудға келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютукларға шубҳа билан қарашни такозо қилади.

5. Илм ва ижтимоий тараккиёт.

Инсоният тамаддунининг асосий воситаси илм эканини аждодларимиз узок мозийдаёк англаганлар. Илм инсон учун биринчи навбатда яхши яшаш, табиат билан тўғри муаммо қилиш омили бўлса, иккинчидан инсоний маданиятға, қомилликка эришиш йўли ҳисобланган. Азал-азалдан илм-маърифат тараккий этган мамлакатда ҳаётий фаровонлик манбаи бўлиши билан бирғаликда бутун инсоният тараккиёти учун жуда катта туртки берган. Илм бобида қадимий Шарк билан Ғарб доимо бир-бирлари билан ўзига хос «мусобақа» қилиб келадилар.

Биз истиқомат қилиб келатган минтақа азалдан буюк алломалар маскани бўлиб қелган. Жумладан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Али Қушчи қаби кўплаб буюк олимлар яратган илмий мерос инсоният учун тараккиётда жуда илғарилашға имкон яратди.

Инсоният ривожининг кейинги асрларида илмий тараққиётда мисли кўрилмаган кашфиётлар килинди. Мазкур кашфиётлар вақт ва инсон умрининг мазмунида жуда катта ўзгаришлар ясади. Йироқлар яқин, оғирлар енгил бўлди. Одамлар хатто, фазолар кўйнига кириб бориб тадқиқотлар ўтказа бошладилар.

Ўз мустақиллигини эълон қилган ёш республикаимиз, аввало мамлакатимизда мавжуд бўлган илмий саҳолиятни асраб қолиш йўллари кидириб топди. Чунки ёш, мураккаб республиканинг ўз иқтисодиётини оёққа кўйиш учун илм катта мадад бўлиши табиийдир. Мамлакатимизнинг тараққиёт сари юз тутишида илм-фаннинг ролини англаган Президентимиз И.Каримов соҳага катта эътибор билан ёндоша бошлади. 1993 йилдаёқ Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий техника сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори билан Республика Давлат илмий-техника сиёсатининг яқин истикболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу устувор йўналишлар Давлат фундаментал тадқиқотлар дастурлари, Давлат илмий-техника дастурлари, танлови илмий-техника лойиҳалари ва инновация дастурлари доирасида ҳал қилинди. 1999-2001 йиллар мобайнида фан эҳтиёжларини қондириш учун давлат бюджетидан 14945,1 миллион сўм ажратилди. Ёш Республикада илм ўрганиш тубдан янгилаш йўлга қўйилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида» қонун қабул этилди, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Мана шу фундаментал тадқиқотларнинг ўзи ёш мамлакатимиз пойдевори нақадар мураккаб илмий асосга қўйилаётганидан далолат бериб турибди. Айниқса, илм-фан бобида бугун халқимиз узок йиллар таққилаб қўйилган боболаримизнинг ақидаларига амал қилган ҳолда иш олиб бора бошлади. Жумладан, ҳадисларда шундай дейилади: «бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир».

Бугун, айниқса шуни катта қувонч билан таъқидлашимиз зарурки, биз учун ғоят зарур бўлган миллий истиклол ғояси ота-боболаримиз тўплаган гуманитар илм асослари асосида ўрганилмоқда. Бугунги бизнинг ёшлар табиий фанларда, техника фанларида илғор бўлиш билан биргаликда, ўз руҳиятларига қомиллик илмини сингдириб бормоқдалар. Фақат шундай йўлга илмда илғорликни ва мамлакатда барқарорлик ва хотиржамликни, пировардида тараққиётни таъминлаш мумкин.

Бугунги кунда илм асосида ишлаб чиқилган илк ашёлар, маҳсулотлар халқимиз қорига ярай бошлади. Биргина мисол. Минтақамизда йод моддаси етишмаслиги туфайли, кўпчилик бўқоқ қасалидан азият чекара эди. Бу қамчиликни бартараф этиш учун тузларни йодлаш учун кўплаб шундай модда керак бўлар эди.

Кейинги йилларда тиббиёт амалиётида доривор субстанция сифатида фойдаланиладиган юкори сифатли кристалл йод олиш технологияси ўзлаштирилди. Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон туз конида соатига 25 тонна ош тузини йодлайдиган курилма ўрнатилди ва иш фаолиятини бошлаб юборди. Шунингдек, илмий саъй-харакатлар туфайли инсон танасидаги хавфли ўсимталарни эрта ташхислашнинг компьютер технологиялари таклиф этилди. Ёки шуни айтиш керакки, компьютер технологияси асосида рентген тасвирларини олишнинг янги усули ўзлаштирилди. Бу – чет эллардан киммат кимёвий реактив ва пленка сотиб олишни кискартириш имконини берди. Кейинги йиллардаги фундаментал тадқиқотлар – математика, физика, астрономия, биология, кимё, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги муаммоларни ўз ичига олган 10 дастур бўйича олиб борилмокда, уларнинг бажарилишида беш вазирлик иштирок этаяпти. 1999 йилда 32 давлат илмий-техника дастури тузилган бўлиб, уларни бажаришда 25 вазирлик, идора ва ташкилотлар, 2000-2002 йиллардаги 27 дастурда эса 183 ташкилот иштирок этмокда.

Ушбу фактлар илм-фаннинг бизнинг давримизга келиб яна хам амалий аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Эндиликда инсоният она табиатга зарар келтирмайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбаларини кидирмокда, топмокда. Бугунги кунда шамол ва куёш энергияси инсонга хизмат қилаяпти. Бу каби илмий ташаббусларда бизнинг ёш республикамиз бутун дунё микёсида диққатга сазовор ишларни қилаётгани кувончлидир. Жумладан, Тошкент вилоятининг Чорвок посёлкасидаги ретрансляцион станцияни энергия билан таъминлаш учун куёш бўйича 5 киловатт ва шамол бўйича 3 киловатт кувватга эга бўлган биринчи куёш-шамол кўшма энергетика курилмаси монтаж қилинди ва ишга туширилди. «Физика-куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва физика-техника институти томонидан кремнийли куёш элементлари асосида куввати 20-50 ваттли кўчма куёш энергиясидан электр билан таъминлаш манбаи ва фотоэлектрик ёритиш тизими ишлаб чиқилди ва тайёрланди.

Республикамиз олимлари мустақиллик туфайли ўз буюк аجدодларига муносиб бўлиш борасида муҳим қадамлар ташладилар. Илм-фан бугунги кунда том маънода миллий республикамизни моддий ва маънавий юксалиши йўлида хизмат қила бошлади. Эндиликда тараккиёт йўлига қирган мамлакатимиздаги бундай қутлуғ қадамларни янада далиллаштириш эҳтиёжи сезилмокда. Илмий-техника сиёсатини жаҳон андозаларига яна хам мослаб янги босқичга кўтариш зарур бўлиб қолди. Яъни бугунги кунга келиб халқимизнинг илмий салоҳиятини, қуч-қудратини сақлаб қолишга,

илмий кадрлар тайёрлашга ўз хиссасини қўшиб келаётган, илм-техника сиёсатини олиб бораётган Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг ишларини янгича, жуда юкори боскичга кўтарилиши зарур бўлди. Шу даврнинг, бозор иктисодиётининг, колаверса, жахон тараккиётининг бундай талабини амалга ошириш республикамиз учун янги истикболлар очиши аён бўлиб колди. Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салохиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароит яратиш, иктисодиёт ва ижтимоий сохалардаги ислохотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ холда мамлакат илмий-техникавий тараккиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларсавияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил 20 февралда махсус қарор қабул қилди. «Илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги бу қарор илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишдаги технологиялар тараккиётига салбий таъсир этаётган эскича ёндашувларни бартараф этиш, фан ва техника сиёсатини бозор муносабатлари талаблари даражасига кўтариш борасидаги истикболни кўзлаган кенг қўламдаги тадбирларни кўзда тутди. Мухими, бугунги кунимиз учун зарур бўлган фан, техника, технология сиёсатини мамлакатимиз ҳукумати бевосита ўз зиммасига олаётган келажакимиз учун, тараккиёт учун масъуллик сифатида баҳоланиши табиийдир. Ушбу қарор фан борасидаги саъй-ҳаракатларнинг аниқлигини, амалийлигини, фойдалилигини ва ошқоралигини таъминлашда ғоят катта аҳамиятга эга. Бу каби эътибор, талаб ва тадбирлар илм-фанимиз тараккиётига янгича сифат, суръат, қатъият олиб келишини тилайимз.

Мустақил Ўзбекистонимиз илм-фани инсон меҳнатининг натижаларини қўпайтиради, мамлакатимизда фаровонлик, тўқин-сочинликнинг яна ҳам тезроқ яраттилишига ўзининг хиссасини қўшади. Мамлакатимиз, йиллар ўтиб ўзининг илмий салохияти билан янада машҳур бўлса ажаб эмас. Бизнинг узок тарихимиз, боболаримиз ворислиги ана шундай шон-шухрат бизга муносиб эканлигига гувоҳлик беради.

5. Фаннинг мақсади ва хусусиятлари.

Фан ўз олдига илмий билимлар яратишни мақсад қилиб қўяди. Илмий фаолият моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятидан кескин фарқ қилади. Кишилар меҳнат фаолияти, сиёсат, санъат, дин ва ҳоказо сохалардаги фаолиятлари жараёнида

хам билим орттиради. Лекин илмий билимлар изчиллиги, тизимлилиги ва хакикийлиги билан ажралиб туради.(қаранг:с. 35).

Оламни илмий билиш оламга янгича муносабат, янгича қарашни таказо этади. У оламни диний, бадий, ахлокий, сиёсий билишдан кескин фарқ қилади. Воқеликка илмий муносабат ҳар қандай ақидапарастлик ва фанатизимни (тақдири азалга ишонишни) истисно этади. Илмий билиш аввал бошиданок фалсафий дунёқараш билан узвий боғлиқ равишда вужудга келди. Фалсафа илм фан ҳулосаларига таяниб, оламнинг янгича манзаларини яратиш имконига эга бўлди.

Илмий билишнинг даражалари эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий шаклларга бўлинади. Эмпирик билим асосан тажриба ва экспериментлар жараёнида олинадиган ва хакикийлиги тажрибалар жараёнида синаб кўрилган билимлардир. Билишнинг назарий даражасида илмий қарашлар, билимлар қатъий тизимга солинади. Илмий тушунчалар қатъий мезон асосида ўрганилаётган фаннинг кўп қиррали томонларини чуқурроқ ва тулароқ билишга имкон беради. Инсоннинг кейинги 200 йиллик тарихи давомида ўзлаштириш, инсон моҳиятини билиш, жамиятни такомиллаштириш борасида эришган ютуқлари фан таракқиёти билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, у фан туфайли ижтимоий муносабатларини ўз мақсад манфаатларига мос равишда такомиллаштиради.

Фан – инсон фаолиятининг соҳаси бўлиб, унинг мақсади – предметларни ҳамда табиат, жамият ва тафаккур жараёнларини, уларнинг ҳоссалари муносабатлари ва қонуниятларини ўрганишдир.

5 – машғулот. Билиш жараёни, унинг намоён бўлиш шакли ва структураси.

Р е ж а:

1. Меҳнат ва билиш жараёни
2. Билишни стихияли – эмпирик жараёни.
3. Илмий билиш тушунчаси
4. Фан билиш жараёнини махсус шакли сифатида

1. Меҳнат ва билиш жараёни.

Илмий тадқиқот меҳнат фаолиятини бир кўринишидир. Илмий тадқиқотни асосий таркибий қисми билиш жараёнидир. Билиш жараёни воқеликни инъикос этишга қаратилган тасаввурларни тушунчаларни ишлаб чиқаришдир. Ихтисослашган билиш жараёнини борлиқни икки томонга - объект ва субъектга

бўлинганидан дарак беради. Бу билимни инсонни борлиққа бўлган ғносеологик мунособотини бир кўринишидир.

Билиш жараёни икки хил бўлади: ихтисосланмаган ва ихтисослаштирилган. Биринчиси ҳар кунлик ҳаётда содир бўладиган билиш жараёни. Иккинчиси эса ихтисослашган меҳнат фаолияти бўлиб унда тўхтовсиз янги билим олиш, олинган билимни ҳаётга, амалиёт ва технологияга ишлаб чиқар ишга тадбиқ қилиш мақсад қилиб қўйилади.(қаранг: с. 35).

Иккаласини умумий томони қуйидагилардир: билиш жараёни символик воситалар орқали воқелик қақида тасвир, тушунча ҳосил қилишидир. Буларни асосида эга инсонни меҳнат қилиш қобилияти ётади. Тарихан билиш жараёни меҳнат билан бирга ва уни асосида вужудга келади.

(Кўр одамнинг кўзи биринчи марта очилганда ёруғ ва турли ранг-баранг шаклларни кўради, предметларни бир - биридан фарқ қилмайди).

ҳар иккала шаклдаги билиш жараёни мураккаб, интенсив ва интеллектуал жараёнларни натижасидир. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқилган коммуникатив ва символик воситаларни бўлишини тақазо этади. Ўз навбатида мазкур воситалар меҳнатни тарихий ва ижтимоий - маданий натижасидир. Меҳнат жараёни уч таркибий қисмдан иборат: инсонни меҳнат фаолияти, меҳнат предмети (объектлар) ва меҳнат қуроллари.

Меҳнат жараёнини субъектив ва объектив томонлари.

Объектив томонлари - уччала таркибий қисмларини ўзаро таъсири. Субъектив томони - мақсад, жараённи англаш (жараён қандай кетаяпти, нима бўлаётганини англаш), меҳнат натижасини олдиндан тасаввур қилиш.

Англаш ва олдиндан тасаввур қилиш меҳнат жараёнини тарихий оқибатидир, натижасидир.

Меҳнат жараёнини эволюцияси натижаси тил тараққий этиб, мулоқот ва тафаккур воситасига айланди.

Меҳнат, ишлаб чиқариш билими фаолияти ва жараёнини мураккаблаштирувчи омил, асос бўлиб хизмат қиладилар.

Ижтимоий меҳнат тақсимооти, шу жумладан ақлий меҳнатни жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққандан кейин айрим кишилар гуруҳи учун билиш жараёни касбий фаолият турига айланди. Шу вақтдан бошлаб билиш фаолияти ўзини структураси, жараён босқичларига эга бўлган қолда ривожлана бошлайди.

Билиш жараёни мураккаб тизимли структурали жараён сифатида қуйидаги қисмлардан иборат:

- а. Кишиларни билиш фаолияти :
- б. Билиш воситалари:

- c. Билиш объекти (предмети) :
d. Билиш фаолиятини натижалари: Билимлар, усуллар, мулохаза юритиш тартиботи ва жараёнлари ва бошқалар.

Фан ва илмий билиш соҳасини тараққиёти жараёнида, фан томонида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ижтимоий буюртмаларни бажариш жараёнида билиш фаолияти ижтимоий ишлаб чиқаришни турига айлана борди.

Жамият индустриал босқичга етар экан фанни ёзида меқнат тақсимооти ва соҳаларни тармоқланишуви юз бера бошлади.

Фан соҳасида турли касб эгалари пайдо бўла бошлади: назариятчилар ва амалиётчилар, олимлар ва муҳандислар. тадқиқотчилар ва лаборатория ва ҳокозо.(қаранг: с.36).

Билиш фаолияти икки томонлама жараёндир:

- 1) Воқелик, объектлар қақида билимга эга бўлиш: Тараққиёт янгидан янги билимларни ишлаб чиқишда намоён бўлади.
- 2) Олинган билимларни ифодалаш учун керак бўладиган билиш шакллари ва воситаларини, ғносеологик қадриятларни яратиш.

Табиат паровоз кўрмайди. Бу мулоқазани бошқача шаклда бериш мумкин. Табиат тушунчаларни, назарияларни яратмайди. Уларни инсон шакллантиради. Билиш, Бердяевни айтишича, борлиқни ичида юз беради. Инсон субъект сифатида, ғносеологик маънода объектга қарама - қарши туради.

Билишда ғносеологик образлар яратилади, шаклланади, бир-бирига таъсир қилади, унда шуурийлик ва ношуурийлик жихатлари бўлади ва ҳоказолар.(қаранг: с. 37).

Билиш фаолиятини мақсади жамият томонидан белгиланади.

Ижтимоий эҳтиёж ва буюртма ва билвосита йўллар билан муаммоларга, лойиҳаларга, дастурларга айланади.

2. Билишни стихияли – эмпирик жараёни

Стихияли - эмпирик билиш илк жамиятга, маданият ва маърифат маълум даражада ривожланган цивилизацияларга ҳосдир. (қаранг –С. 38)

Стихияли эмпирик билиш қар қандай меқнат фаолиятини йўлдоши, таркибий қисмидир. Бу билишни ўзи илк ва ривожланган босқичдан иборат бўлиши мумкин.

Қадимги Миср ва Бобилда мавжуд бўлган математик, астрономик, табиий билимлар олд фан, рецептурали билиш шаклида тараққий этган.

Тарихан шаклланган ва ривожланган меқнат рецептлари (йўл-йўриқлар)- қишлоқ, хўжалигида қунармандчиликда - стихияли-эмпирик билишга асосланган.

Халқ тиббиёти, ихтисослашган меқнат, маданий - маънавий жараёнларни таркибий қисмига стихияли - эмпирик билиш кирган.

Стихияли - эмпирик билишда мақсад ва билиш қаракатларини объекти бир - бирларидан фарқланмаган.

Субъект ва объект бир - бирига нисбатан назарий, концептуал қарама - қарши қўйилмаган. (қаранг –С. 39)

2. Илмий билиш тушунчаси

Билиш воқеликни инсон тафаккурида инъикос этиш, тасвирлаш, қайта тиклаш (моделлаштириш) жараёни бўлиб, натижада олам қакида янги билим қосил бўлади.

Билиш - жараён, билим уни натижасидир.

Билиш жараёнини механизми, интеллектуал қуроли тафаккурдир. Тафаккурда тушучалар ва образлар бир бири билан боғланади. Бундай боғланиш қукмларда юз беради. қукмлар оддий ва мураккаб қақиқий ва ёлғон бўлиши мумкин. (қаранг –С.40)

Билим билиш фаолияти натижасини тартиблаштириш ва мавжуд бўлиш шаклидир. Билиш ва билим одатий ва илмий очик (бевосита) ва билвосита (очик бўлмаган), шахсиятлари ва назарий мантикий кўринишларда мавжуд бўладилар.

Билиш амалиётдан, мулоқотдан ўсиб чиқиб илмий билиш даражасига кўтарилди.

Илмий билиш даражасида нарса ва қодисаларни ички хоссалари қаракат ва яшаш қонуниятлари сабабий боғланишлари очилади. Бу инсонга ўзини эҳтиёжини қондирадган технологияларни, мосламалар, ускуналар ва машиналарни яратиш, борликни борган сари чуқур ва туғри тушуниш ва тушунтириш имкониятини беради.

Демак илмий билиш оламдаги нарсаларни хоссалари, қаракат ва мавжудлик қонуниятларини, мохиятини тафаккурда тушунчалар, назариялар ва таълимотлар ишлаб чиқиш йули билан инъикос этиш, тушунтиришдир. Билиш зиддиятли, диалектик жараёндир. Унинг зиддиятли томонлари хиссий ва ақлий билиш поғоналари, рационал ва нораціонал, шуурий ва ҳайришуурий шакллари ўртасида мураккаб нисбатлар ва мунособотлар борлиғига намоён бўладилар.

Билишни бошқа диалектик жихатлари қам бор.

Масалан: билимимизни тарихий чекланганлиги ва борликни чексиз мураккаблиги ўртасидаги зиддият. Билиш фаолиятини қар бир тарихий даврида шу зиддиятни маълум бир миқёси, даражаси қал этилиб борилади. Буни кўрсаткичи: борган сари чуқур ва янги

билимларга эга бўлиш билимни амалиётда татбиқ қилиниши, янгидан-янги таълимотларни, лойихаларни, технологияларни яратилиши.

Билиш инсон учун воқеликни ўзлаштириш, предметларни ўрганиш ва ўзлаштириш, ўз - ўзини англаш қуроли бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун билимлар қақиқий бўлиш керак.

Ҳақиқий билимга эришиш йўллари мантиқ фани, «мантиқий тафаккур маданияти» деб аталган йўналиш кўрсатадилар. (қаранг – С.41,42, 43,44,45, 46,47,48,49,50,51,52).

Илмий билишни даражалари, шакллари, воситалари мавжуд.

Ҳиссий ва ақлий билиш одатий ва назарий тафаккур.

Тафаккур шакллари; тушунча, ҳукм ва ҳулоса. Илмий билиш шакллари: муаммо, илмий ғоя (қодисани оралиқ исботларсиз интуитив тушунтириш, янги фикрни туғилиш жараёни ва натижаси) гипотеза, аксиома, қонунлар.

Илмий билиш усуллари: муаммони қуйиш ва шакллантириш, назария кураш, қиссий босқичдан назарий тафаккур босқичига кўтарилиш, тадқиқот усуллари ишлаб чиқар иш ва хоказолар. (қаранг –С.53)

4. Фан билиш жараёнини махсус шакли сифатида

Фан билиш жараёнини махсус, ихтисослашган соҳаси сифатида цивилизацияни маълум босқичида вужудга келади. Бунинг биринчи омили жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнатни ажралиб чиқиши.

Энди билиш фаолияти махсус тайёргарлик кўрган кишилар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган бўлди. Фанда билишни махсус усуллари ва воситалари ишлаб чиқар ила бошланди.

Фан туфайли кишилар ҳаракатини белгилайдиган қонунлар ва қонуниятларни кашф қила бошладилар.

Илмий билиш мураккабланиши жараёнида билишни, уни амалга ошириш усуллари ва воситаларини ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Натижада методологик тадқиқотлар соҳаси вужудга келди. Фан ичидаги меҳнат тақсимоти, янгидан янги тадқиқот предметларини очилиши фанларни дифференциацияси ва интеграцияси жараёнларини келтириб чиқарди.

Фан маълум маънавий, ижтимоий - сиёсий муқитда ривожланади, шундай муқит билан алоқада бўлади. Бу эса фанни фалсафий, дунёқарашлик муаммоларини келтириб чиқар ди.

Фан ва ноилмий билиш. Астрология парapsихология, теософия, оккульти билишлар. Мухолифликдан бир - бирини тушуниш қолатига ўтиш.

қозирги пайтда ноилмий билишни турли шакллари тадқиқот қилиш фан фалсафаси ва методологиясини долзарб муаммосига

айланмоқда. Ноилмий билиш илмий тадқиқот андазаларига жавоб бера олмаса ҳам, маънавий ҳаётда муҳим ўринни эгаллайди. XX1 аср бўсағасида эса ноилмий билимни ноанъанавий кўринишлари кўпайиб кетди. Фалсафада уларни таҳлил қилиш бошланди.

6 – Машғулот. Илмий билишнинг хусусиятлари ва кўп хиллиги.

Р е ж а:

1. Илмий билишнинг кўпхиллиги
2. Фаннинг эмпирик ва назарий билим шакллари
3. Фан тили, унинг ўзига хос хусусиятлари
4. Индивидуал ва шахсиятли билиш

1. Илмий билишнинг кўп хиллиги.

Кўп хиллик борлиқнинг туб хислатларидан биридир. Кўп хиллик орқали чеклик чексизликка ўтади.

Табиат, жамият ва маънавиятни мавжудлик ва тараққиёт қонунлари, улардаги жараёнлар, намоён бўлиш шакллари кўп хиллик хусусиятига эга. Билиш ва илмий билиш бундан истисно эмас.

Билиш мифологик, диний, ғайриилмий, бадий, техник, илмий этик кўринишларига эга бўлиши мумкин. (қаранг –С.54.).

Айни пайтда илмий билишни ўзи ҳам кўп шаклли ва кўп хил бўлиши мумкин.

Илмий билиш назарий билишни бир туридир. Назарий билишни бошқа хили фалсафий билишдир.

Тўғри фалсафий билишни ўзи илмий, илоҳиётли. бадий-образли кўринишларида мавжуд бўлиши мумкин.

Платон, Плотин, Ал -Ғаззолий, Кант, Шопенгауэрни фалсафий ҳар ашлари бунга яққол мисол бўлади.

Билишни кўп хиллиги адабиётда билишни полиморфик характерли тушунчаси орқал и ифодаланган.

Полиморфиклик бу кўп шаклли, кўп хиллик деган маънога эга.

Русия файласуфи Н.Ф. Овчинниковни фикрича эпистемологик (гносеологик) полеморфик - бу илмий билиш шакллари, даражалври ва структураларини кўп хиллигидир.

В.П. Филатов билишни кўп хиллиги ҳақида фикр юритар экан, тахлилни билиш объектларини катта туркумларга бўлишдан бошлайди.

Булар:

1. Табиат ва ундаги жараёнлар
2. Маданият ва тарих олами
3. Инсонни ички, маънавий олами (қаранг –С.55).

Бу соҳаларни билиш, улардан билишда қўлланиладиган усуллар ўзаро алоқада бўлса ҳам, ҳар ҳолда уларни ўрганишга ҳар атилган билиш шакллари ўзига хос хусусиятларга эга.

Булар:

1. тушунтириш
2. тушуниш
3. Рефлексия

Бир вақтлар фанни, илмий рационаллик тамойилларини, илмий ақлни кучини қаддан ташҳар и бўрттириб юбордилар, борлиқ ва маънавийтни барча, ҳатто энг нозик, инсонни шахсиятли томонларини ўрганишга татбиқ қилишга ҳар акат қилдилар.

Тушуниш ва мулоқабат кўпроқ натижа бериши мумкин соҳаларни табиатшуносликда қабул қилинган илмий рационаллик нормалари воситаси билан ўрганишга ҳаракат қилинди.

Вазият шу даражага етдики, асримизни биринчи ярмида неопозитивизм вакиллари биология, психология, социология, тилшуносликларни объектларни физика ва математика тили билан тавсифлаш керак, бу тадқиқотни аниқлигини, самарадорлигини кучайтиради деган услубий хулосаларга келиши.

Файласуф И.Т. Касавин инсон ақлига хос бўлган билишни кўп хиллиги ҳақида фикр юритиб илмий ва ноилмий билишлар, уларни нисбати масаласида қимматли мулоҳазалар келтиради.

Илмий билишни тамойиллари ва талабалари ҳақиқатни берувчи бирдан бир, охириги билиш шакли эмас.

Илмий ақл тамойилларини олимлар ишлаб чиқади, улар ҳақида файласуфлар мулоҳаза юритадилар. Лекин улар, билиш, фан тарихи шундан дололат беради, ўткинчи, чегараланган, нисбий мазмун ва татбиқ қилиш миқёсига эга.

И.Т. Касавин инсон билимини 3 турга булади: амалий, маънавий - амалий ва назарий билимлар.

Амалий билим турли ишлаб чиқар иш, сиёсий, турмуш амалиёти заминидан пайдо бўлади, маълум эҳтиёжларни қондиради. Ижтимоий билишни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш амалиётда ишлатиладиган меҳнат қуроллари, касб - ҳунармандчиликни махсус асбоб ускуналари яъни назарий, ақлий усул бўлмаган воситалар орқал и амалга оширилади.

Бу ерда билим (объектни инъикос қилиш) ва онг (ижтимоий муносабатларни акс этиш шакли) ўртасида фарқ деярли йўқ, чунки билим назарий ва рефлексиф характерга эга эмас.

Ишлаб чиқар ишни айрим соҳалари чуқур амалий билимни талаб қилади. Кўп ҳолда ихтисослашган амалий билимни сир сақлашдан, кўп ҳолларда цивилизация ва маданиятни ўзгариши билан йўқолиб кетган. Масалан, Хиндистонда жуда қадим замонда ясалган пўлат устун бор. Уни ҳозирги технология воситаси билан яшаш мураккаб ишдир. Қадимги қинд темирсозлари бундай технологияни билишган.

1. Амалий фаолият бағрида туғилган амалий билиш жузый амалиётга асосланади, конкрет ёки маънавий - маданий эҳтиёжни қондиради, шахсий мулоқотда бир кишидан иккинчи кишига ўтади, назарий қоида ва андазалар ёрдамида эмас, балки ақлий куникма, малака тизимида мустахкамланади.

Амалий билим ҳар доим бўлган, миқёси ва роли катта бўлган. Ижтимоий амалиёт ва ҳаётни кўп хили бўлиб бориши давомида амалий билимни турли кўринишлари кўпайиб бораверади, у фан томонидан тўла қисиб чиқар илмайди.

Демак билиш шаклини кўп хиллиги ортиб бораверади.

2. Маънавий – амалий билим турига мулоқот, маросим, маънавият бадиий фаолиятлар хусусидаги билимлар киради.

Маънавий - амалий билим инсонларни ижтимоий ва маданий тажрибаларини умумлаштиради. У ишлаб чиқар ишдан ташҳар ида шаклланади, турли - туман сиймоларда ифодаланади.

Образли тавсифлаш, ижтимоий ва шахсий тажрибага андаза бериш, эзгу ниятларни ифодалаш – маънавий - амалий билимни асосий вазифасига киради.

3. Назарий билим тадқиқот деб ифодаланса бўладиган фаолиятдан келиб чиқади. Бу билим тури мафкура, фалсафа илоҳиёт, фан каби соҳаларда пайдо бўлади, шаклланади.

Назарий билим воқеликни чуқур инъикосини беради, моҳиятни очиб беради, шу боис танқидий, танқид қилиш хислати киради. Тажриба ва хиссиёт берган маълумотларга кур - кўрона ишонмайди, ходисани моҳиятдан фарқ қилишини англайди. Назарий билим онгни ўзига танқидий кўз билан ҳар аб, мувоқаб даражасида таҳлил қилади.

2. Фаннинг эмпирик ва назарий билим шакллари

Билиш объектига айланган предметларни қайси томонларини билиш ўрганишга қараб, предметни моҳиятини уни белгилари ва хусусиятларини идрок қилиб, тавсифлаб бериш орқали билиш мумкинлигини ҳисобга олиб 2 хил билиш даражаси ва шакллари ажратадилар: эмпирик билиш ва назарий билиш.

Эмпирик (тажрибавий) тадқиқот бевосита объектга ҳар атилган бўлиб, кузатиш ва эксперимент жараёнида олинган маълумотлар билан иш кўради (йиғади, тартибга солади ва хоказо).

Назарий тадқиқот ўрганилаётган объектни қонуниятларни, алоқадорликларни, сифатий ва миқдорий қонуниятлар ва боғланишларни очади, тушунтиради, объектни бир бутун тасвирини беришга ҳаракат қилади.

Эмпирик тадқиқот бир томондан назарий тадқиқот хулосаларини тасдиқлайди ёки тасдиқламайди, иккинчи томондан мавжуд назария томонидан тушунтиришни иложи бўлмаган янги фактларни етказиб ҳам бериши мумкин. Бу янги фактларни назарий таҳлил қилиш асосида янги илмий назария вужудга келиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, эмпирик ва назарий билиш шакллари бир бири билан боғланган.

Эмпирик билишни шакллари: фактик жумлалар, кузатишга доир маълумотлар, статистик маълумотлар, хиссий образлар, компьютердаги виртуал тасвирлар ва хоказолар.

Назарий билиш шакллари: гипотеза, тушунчалар, аксиомалар, илмий муаммо, назарий, башоратлар.

3. Фан тили, унинг ўзига хос хусусиятлари

Фан тили, унинг ўзига хос хусусиятлари фан фалсафаси ва методологиясини муҳим муаммоларидан бири - фан тили муаммосидир. Илмий тадқиқот натижалари белгилар тизими ва тил орқали руёбга чиқади, мулоқот канали орқал и тарҳал ади.

Фан тили деганда қандайдир тилшунослик муаммолари кузда тутилмайди. Фан тили ҳақида метадологияда мулоҳаза юртилганда илмий ҳақиқат ва уни тилда ифодаланиши, маънони тилда қанчалик тўғри ва аниқ берилгани, фанда сунъий тилни - шаклланиши, фан тили билан табиий - тарихий (миллий) тил ўртасидаги мунособот муаммолари кўзда тутилади.

Жамиятда маданий ва маънавий қадриятлар, ҳаёт ва амалиёт натижалари, мулоқот табиий - тарихий тилда ифодаланади. Бу тил мулоқотни универсал воситаси бўлиб, инсон фаолиятини барча кўринишлари учун яроқлидир.

Ғарбий тили маълум халқ тили бўлиб, шу халқни ўзини цивилизацияси ва маданияти доирасида ривожланади, юксалади, агар цивилизация йўқ бўлиб кетса ўлик тиллар қаторига киради лотин тили.

Табиий тил икки асосий хислатга эга - логика ва грамматика. Лексика ёки луғат - бу уни унсурлари, тил тизимини оддий элементлари - сўзлар мажмуасидир. (қаранг –С. 56).

Грамматика гап ёки жумлалар структурасини белгилайди, сўзлар мажмуаси ўртасидаги мунособот ва алоқадорлик қоидаларини ўрнатади. Лексика ва грамматика табиий тилни универсал, ўзгарувчан ва мослаштирувчан қилади, мулоқотни самарали воситасига айлантиради.

Лекин фанда тилни мазкур ижобий хислати салбий хоссасига айланади. Табиий тилни фан нуқтаи назардан асосий камчилиги унинг кўп маънолигидир. Тилнинг кўп маънолиги санъат, адабиёт,

мулоқот, маданият учун катта аҳамиятга эга, у тил ва ҳаётни тараққиётини муҳим омили, воситасидир.

Фан эса асосан бир хил, аниқ белгиланадиган маънолар билан иш кўради.

Ҳар кунлик мулоқотда «уй сўзи» уй – бино -, «уй - оила», «уй-ватан» маъноларида ишлатилиши мумкин.

Илмий тадқиқотда бир маънода ишлатиш лозим,

Иккинчи камчилик табиий тилни грамматикаси мураккаб, кўп қаватли, ноаниқлик ҳислатига эга бўлган, ўзгарувчан ҳосилadır. Халқ ва миллатни узоқ табиий - тарихий тараққиётини асос эттириб аниқ структура ва маънога эга эмас. Тилни ишлатишда қоидага бўйсунмайдиган отланишлар ҳам бор.

Жумлалар ва фикрлар тузим қоидалари эса кўп хил бўлиши мумкин. Санъатдаги тил грамматикаси бир хилдаги, шеърдаги тил грамматикаси иккинчи хил қоидага, ҳар кунлик, кундалик мулоқот тили грамматикаси учинчи хил ҳолдаги эга бўлиши мумкин. Бундай шароитда тилнинг грамматик тузилиши фикрини тузилишига туғри келмаслиги, монанд бўлмаслиги мумкин.

Бу эса тилни фикрини чалғитишга, ҳақиқатни яширишга ёки бошқа мантиқий иллатга олиб келиши мумкин.

Табиий тилни учинчи камчилиги: унинг конструкциясини катта, кўпол бўлишида. Фан тили ихчам, аниқ бўлиш керак.

Масалан химия фанига Дальтон ва Берцеллиус томонидан кимёвий бирикмалар ва реакцияларни ифодоловчи символлар тизими киритилганга қадар, оддий реакция табиий тилда шундай ифодаланар эди:

Биз кальций, атоми, углерод ва уч атомли кислороддан иборат бўлган кимёвий бирикма бир атомли кальций ва бир атомли углероддан иборат кальций оксиди ва бир атомли углерод ва икки атомли кислороддан иборат карбонад ангидридга ажралади».

Математика ва назарий мантиқни тараққиёти жараёнида фан тили муаммоси қўйилади, бу муаммо устида тадқиқотлар олиб борилди. Натижада фан тили ўзига хос сунъий тил эканлиги, бу тилни бир қанча хусусиятлари борлиги аниқланди.

Фан тили – илмий рационаллик тили

Фан тили туғри ифодаланган ва аниқ маънога эга бўлиши керак.

Формаллаштирилган тили

Компьютер тили

- фрейм тили формаллаштирилган тил қўйидаги ҳислатга эга бўлиши керак.

- 1. Объект тили ва метатил (объект тилни тасвирловчи тил) ўртасидаги фарқ аниқ белгиланган бўлиши керак.

- 2. Маълум фан соҳасига киритилган бошланғич атамалар тизими, белгилар алифбоси тузилган бўлиши керак.

- 3. Белгилар ва атамаларни мазмунини белгиловчи семантик қоидалар, маънолар назарияси бўлиши лозим.

- 4. Хукмлар тизимни аниқ қоидалари, бир белги ёки хукм тизимидан иккинчисига ўтишни белгиловчи қоидаларни бўлиши. (қаранг –С.56).

Тил - тафаккур билан узвий боғланган, фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгилари системасидан иборат.

Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма бўлади. Тил - ижтимоий меҳнат натижасида вужудга келади. Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, авлоддан-авлодга етказилади.

Тил белгиси - белги билиш жараёнида бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи у ҳақда хабарлар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва имконият яратувчи моддий предметдир.

Ҳар қандай белги - тил белгиси бўла олмайди. Буларга: фотография, карточкаси, бармоқ изи, термометр, тутун киради. Тил белгиси символ - рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузулишига кўра ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Тил белгисининг мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган объект ташкил этади. Америкалик файласуф Чарлс Пирс (1839-1914) белгилар ҳақидаги фан - семмотикага асос солди. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича анализ қилади.

1. Семантика - (ифода қиладиган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади).

2. Прагматика - (кишиларнинг белгиларига муносабатини ўрганади).

3. Синтаксиз - (Белгилар ўртасидаги муносабатларни тилни куриш қоидаларини ўрганади).

Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси кизиқтиради.

Табиий тил - тилнинг икки тури мавжуд. Табиий ва сунъий. Тил ёки миллий тиллар тарихан шаклланган товуш (нутқ) ва графика (ёзув) нинг ахборот белгилари системасидан иборат. Табиий тил - объектив оламнинг ва билимнинг турли соҳаларига тегишли бўлган ҳодисалар ҳамда уларнинг хоссалари ва муносабатларини камраб олиш ва ифода қилишдек қатор имкониятларга эга.

Сунъий тил - табиий тил негизида яратилган ёрдамчи ахборот системасидан иборат бўлиб у мавжуд хабарларни аниқ ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қилади. Сунъий тил ҳозирги замон фани техникасида кенг қўлланилади. Компютерлар учун алгаритмик тиллар ишлатилади: "Бейсик", "Лексикон" ва ҳоказо. Булардан яъни табиий ва сунъий тиллардан илмий тил ташкил топади.

Формаллаштириш - умумий мантиқ ўзининг махсус илмий формаллашган тилига эга. Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш, формулалар киритиш, мантиқий қоидалар яратиш орқали тафаккурнинг (фикрнинг) структурасини ҳосил қилиш демакдир.

Формаллашган тил қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Асосий белгилар аниқ ифода этилган бўлиши керак.
2. Таърифлашнинг барча қоидалари кўрсатилган бўлиши керак.
3. Формулаларни тузилишнинг барча қоидалари берилган бўлиши керак.
4. Хулоса чиқариш қоидаларининг барчаси кўрсатилган бўлиши керак.
5. Қўлланиладиган белгиларнинг маъносини талқин қилиш қоидалари кўрсатилган бўлиши керак.

Дескриптив атамалар. Гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари ва мантиқий атамалар киради. Гапда предметларни, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар дескриптив атамалар дейилади. Дескриптив атамалар предметлар номлари ёки термалар (предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва предикаторларга (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар) га бўлинади.

Мантиқий атамалар - доимий мантиқий қийматга эга бўлиб гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида "Ва", "ҳам", "ҳамда", "ёки", "ёхуд", "барча", "ҳеч бир", "баъзи", "эмас" каби сўзлар орқали ифодаланади.

Пропозиционал функция - ўзгарувчи қийматга эга бўлган ифода бўлиб, бу қиймат аргумент билан алмаштирилганда конкрет мазмунли фикр ҳосил бўлади.

Масалан "Тошкент - "Ўзбекистоннинг пойтахти" - "Тошкент" -S,Ўзбекистоннинг пойтахти - P.S-P кўринишига эга бўлган пропорционал функция.

Мулоҳазалар мантиғи тили - ҳукмларнинг ички тузилишини ўрганишдан четланиб, уларнинг ўзаро мантиқий алоқасини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилиш жараёнини таҳлил қиладиган формаллашган мантиқий системасидир. Мулоҳазалар мантиқий тили алифбоси, ифодалар таърифларини ва уларнинг талқин қилинишини ўз ичига олади. Бу тил алифбоси куйидагилардан иборат.

1.p-q- r пропорционал символлар, яъни ҳукмлар учун символлар.

2... $\wedge$ конъюнкция белгиси ("ва", "ҳам","ҳамда" каби боғловчилар учун) Масалан: Маъруза тугади (p) ва унинг муҳокамаси бошланди (q) деган ҳукмни $p \wedge q$ шаклида ифодалаш мумкин.

3... v дизъюнкция белгиси - "ё", "ёки", "ёхуд" сўзлари учун.

4...- импликация белгиси."Агар" бўлса, бўлади, деган ифода тўғри келади.Агар ўқувчи дарс қолдирмаса (P), яхши ўзлаштиради (d) P-Q.

5.Эквивалентлик белгиси; унга ўзбек тилида "Фақат ва фақат шундаки..." деган ибора тўғри келади."Фақат жуфт сонларгина (P) 2 га қолдиқсиз бўлинади (q) P-Q. тавсиф ёзилади.

6.Инкор қилиш белгиси. масалан Ахмедов Собир талабадир (P) Ахмедов Собир талаба эмас (p -- p).

Предметлар мантиғи тили - муҳокама жараёни ҳукмларнинг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганувчи формаллашган мантиқий системадир. П.м.т. алифбосига янги символлар қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Улар куйидагилар:

1.a,b,c, ..., предмет номларини ифодаловчи символлар, константалар дейилади.

2.x,y,z... предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар.

3.P,Q,R, ..., "P", "Q", "R", 1- бир ўринли предметларни, 2-ўринли предикаторни, P-P ўринли предикаторни билдиради.

4.Ҳукмнинг миқдорини билдирувчи символлар ... V умумийлик квантори ("барча", "ҳеч бир"),

Ҳеч бир ота -она фарзандига ёмонлик тиламайди.(x)P (x) E мавжудлик квантори "баъзи", "айрим" "Баъзи корхоналар - хусусий E (x) P(x).

4. Индивидуал ва шахсиятли билиш

Билиш ижтимоий, индивидуал ва шахсиятли бўлиши мумкин.

Ижтимоий билиш тушунчасини икки маъноси бор:

1. Ҳар қандай билиш жараёнини ижтимоий характерга, томонларга эга бўлиши. Бу жараён мулоқотни, авлодлар, олимлар, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни, фанни ижтимоий институт сифатида мавжуд бўлишини таъказо этади.

2. Ижтимоий билиш, табиатшуносликдан фарқлироқ маданият, маънавият оламини, жамият ва инсон фаолиятларини натижасини ўрганишга билим йўналиши ижтимоий билиш инсоншунослик ва жамиятшунослик фанлар томонидан ривожлантирилади.

Индивидуал билим - инсон ёки ҳар бир тадқиқотчини илмий фаолияти, шу жараёнда олинадиган натижалар кузда тутилади. Индивидуал билиш ўзида ижтимоий билиш ва шахсиятли билиш хислатларини сақлайди.

Ҳар бир кимсани индивидуал тадқиқоти жараёни индивидуал бўлишдир. Бу жараён давомида тадқиқотчи ўзидан олдин яратган илмий меросни ўзлаштиради, давр эҳтиёжидан келиб чиқиб олдин мавжуд бўлмаган муаммоларни қўяди, ижод қилади - яъни янги таълимотларни, назарияларни яратди.

Индивидуал билиш жамият яратган маданий - маънавий заминга таянади, тадқиқотчи ўзидан олдин ёки бошқалар ар ишлаб чиққан усуллар ва тамойиллардан, ҳақиқатга ёки ҳатоликка эришади.

Шахсиятли билим - тадқиқотчи эришган натижасида унинг тафаккур тарзи, тушуниш даражаси, малакаси, маҳорати акс этиладиган, айтиш мумкин шу тадқиқотчига хос бўлган белгилар ва ҳолатларни у яратган матн ва тавсифда акс этилиши, индивидуал услубни намоён бўлишидир.

Шахсиятли билим (ёки билиш) концепциясини венгрлардан чиққан инглиз файласуфи Полани ишлаб чиққан.

Поланини фикрича фан маълум малакага ўзига хос тафаккур тарзи, таҳлил ва умумлаштириш маҳоратига, тил ва фикрлаш бойлигига эга бўлган кишилар томонидан ривожлантирилади. Бундан ташқар и, тадқиқотчини меҳнат ва фикрлаш тарзига илмий мактаб анъаналари, мулоқот, бошқа олимларни ижоди намуна сифатида таъсир қилади. Бу омилар ҳам олимни изланишини шахсиятли жараён қилади.

Неопозитивистларни фикрича объектив билиш идеали ҳеч қандай мақсади ва жонли мушоҳадали маънога эга бўлмаган атомар жумлалар тузишдир. Бу жонли, шахсиятли бир бутун билишни белгилар, тизимига айлантириш яъни мантикий - семантик

редукциядир. Непозитивистларни мана шу ғоясига эътироз билдирди.

Бундай редукция Поланини фикрича инсонни шахсиятли бўлимини парчалашга, бузилишга олиб келади.

К Поппер Поланига уз навбатида эътироз билдириб, уни «шахсиятли билиш» концепциясини иррационализмида айблади.

Лекин бошқа постпозитивистлар Поланини концепциясида оқилона томонларни кўришди. Бу – объективлик билан айнанлаштирилган илмий билишни шахсизлантирилган идеали. аслида нотўғри идеални бартараф этишни бир йўлидир.

7 – Машғулот. Илмий билишнинг усуллари ва шакллари.

Р е ж а:

1. Илмий билиш ва унинг усуллари
2. Эмпирик ва назарий билишнинг воситалари ва усуллари
3. Мушохададаги эксперимент ва назарий моделлаштириш
4. Илмий билишни асосий шакллари, илмий ғоя ва муаммо.
5. Гипотеза, унинг моҳияти ва функциялари
6. Назария, унинг структураси ва функциялари
7. Илмий башорат

1. Илмий билиш ва унинг усуллари

Илмий билиш инсоннинг маънавий фаолиятини бир қуриниши бўлиб, у орқали илмий, назарий, услубий қадриятлар яратилади, кишиларни ғносеологик ва ижтимоий эҳтиёжлари қондирилади.

Илмий билиш фан деб аталган ижтимоий институтни, уз-узини ташкил қилувчи маънавий - ташкилий тизимни ижодий ҳаракатлантирувчи қисмидир. Илмий билишни ҳаётга, амалиётга татбиқ қилиш иккинчи сунъий муҳитни - техно - шаҳар – маданий - сфераларни (жабҳаларни) яратилишига олиб келади.

Аклий меҳнат соҳасидаги меҳнат тақсимоли илмий билишни ихтисослашган фаолиятга айлантиради. Бу ихтисослашган фаолият маълум қуроллар воситалар ва усуллар орқали амалга оширилди.

Илмий билишда ишлатиладиган қуроллар ва воситалар орқали меҳнатни оқилона жараёнга самарали натижа берадиган фаолиятга айлантиради, улар инсонни аклий фаолиятга қуч берадилар. Ҳиссий ва аклий билиш имкониятларини туташтирадилар. Олим илмий тадқиқот қуроллари ва воситаларини ўзи ва объектни ўртасига қуяди, объектни изланаётган хоссаларини аниқлаш учун унга таъсир ўтказди.

Илмий билишда муҳим ролни тадқиқот усуллари уйнайди. Усул маълум коида, талаб ва тамойиллар тизими бўлиб, уни куллаш тадқиқот фаолияти йуналишини ва натижасини оқилона ва қутилган натижага олиб келади, илмий билиш самарали бўлади. (қаранг – С.57).

Усулни ишлаб чиқиш ва куллаш билиш фаолиятини назорат қилиш имкониятини беради, тасодиף хатти-ҳаракатларни минимал энг оз даражага етказди, мақсад қилиб қўйилган натижага эришиш вақтини қисқартиради.

Татбиқ қилинадиган усулни ишлаб чиқиш ва тараккиёт эттиришга қўп объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади.

Объектив омиллар таркибига иқтисодий тараккиёт даражаси, ишлаб чиқариш ва технологияни ҳолати. давлат томонида фан ва илмий тадқиқотни қўллаб - қувватлаши ва бошқалар қиради.

Субъектив омилга омилларни ижодий фаолияти, илмий мактаблар анъанаси, илмий йуналиши назарий даражаси, тушунчалар ва атамалар бойлиги қиради.

Табиийки усуллар ривожланиши лозим. Урганилаётган объект қанчалик мураккаб бўлса, тадқиқот жараёнида қўлланилаётган усул ҳам тегишли даражада бўлиши лозим.

Тадқиқот усули тараккий этмаса, фан ривожланмайди.

Биз юқорида илмий билишни предмет ва ходисаларнинг қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишдир, деган эдик. Илмий билиш муайян олим ёки тадқиқотчи томонидан олиб бориладиган изланишлар асосида амалга ошириладиган, узок давом этадиган жараёнларни уз ичига олади.

Илмий билиш учун тадқиқотчи урганаётган предмет ва ходисаларнинг ҳамма томонларини, алоқадорлик ва боғланишларини бирга олиб урганиши лозим бўлади. Гарчи бунга у ҳеч қачон тула-туқис эриша олмаса ҳам, лекин бу ҳар томонлама урганиш талаби уни ҳатоликлардан ва бир томонламаликлардан сақлаб қолади.

Илмий билишнинг вазифаси борликдаги предмет ва ходисаларнинг ички табиатини, улардаги алоқадорлик ва боғланишларни, уларда амал қиладиган қонунлар ва қонуниятларни, ҳуллас, уларнинг моҳиятини билишдан иборатдир. Илмий билиш, шу билан бирга, предмет ва ходисаларни «уз ҳаракатида» «жонли» ҳолатда, «ҳаёт ҳолатда», узғариб ва ривожланиб туришида билишни талаб қилади. Илмий билиш натижасида ҳосил қилинган билимларнинг маълум тизимлари фанларни вужудга келтирди.

Фанлар илмий билишнинг шакллари дир. Фанлар борлик, ва унинг турли қурилишлари: табиат, жамият, инсон, инсон тафакқури

тугрисидаги илмий билиш жараёнида юзага келган билимлар тизимларидан иборатдир. Улар инсоннинг борлиги билиши, урганиши ва узлаштиришининг узига хос назарий шакллари булиб, узларида моддий ва маънавий омилларни бирлаштирувчи куп киррали ижтимоий ходисалар

Хамма фанлар борликни назарий тафаккур шакллари: илмий тушунчалар ва гоёлар, категориялар, принциплар, муаммолар, гипотезалар, назариялар, конунларда акс эттиради ва ифодалайди.

Фанлар жамият тараккиёти моддий ва маънавий жхатдан маълум етукликка эришган даврда, инсоният илмий билиши борлик хакида маълум микдордаги билимларни хосил килиши натижасида вужудга келади, хозирги даврда мавжуд булган хар бир фаннинг келиб чикиши, шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд. Уларнинг хар бири инсон билишининг куп асрлик узок тараккиёти.

Фанларнинг предмети, кенг маънода, инсонни куршаб турган борлик ва унинг шакллари дир. Шу жихатдан фанларни уларнинг предметларига кура шартли равишда табиатшунослик, жамиятшунослик ва уларнинг уртасидаги техника фанларига булиш мумкин.

Табиатшунослик фанлари табиатни билиш, узлаштириш ва узгартириш конунларини урганади.

Жамиятшунослик фанлари эса ижтимоий муносабатларни, инсонни ва унинг жамиятда тутган урнини, жамиятнинг ижтимоий, иктисодий ва маънавий хаётини урганади.

Техника фанлари булса, инсон томонидан ихтиро килинган машина ва механизмлар, уларнинг тузилиши, курилиши ва иш фаолиятининг крнуниятларини урганувчи фанлар дир. Техник фанларнинг вазифаси инсонни техника курилмалари хакидаги билимлар билан куроллантириб, янги техника воситаларини яратишга ёрдам беришдан иборат дир.

Фанларни яна амалий ва фундаментал фанларга хам булишади. Бунда ишлаб чикариш билан бевосита боглик булган, эришилган хар бир янги натижаси ишлаб чикаришга бевосита тадбик этилиб борадиган фанлар амалий фанлар, дейилади. Фундаментал фанлар эса табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккури тараккиётининг умумий конуниятларини назарий жихатдан урганувчи фанлар дир. Амалий ва фундаментал фанлар узаро чамбарчас боглик булиб, фундаментал фанлар борлигининг турли сохалари конуниятларини ишлаб чикаришга жорий этиб, ижтимоий - амалий масалаларни хал килишга тадбик этади.

Табиатшунослик, жамиятшунослик ва техника фанларидан фаркли, фалсафа инсоннинг борлик хакидаги энг умумий билимлари тизимидан иборат булиб, у бошка барча фанларга методологик асос

булиб хизмат килади. Фалсафа барча фанларни бирлаштирувчилик хусусиятига эга булиб, инсоннинг мохияти ва жамиятдаги урни, инсон билишининг энг умумий усуллари, табиат, жамият, тафаккур тараккиётининг энг умумий муаммоларини урганади. Фалсафа жуда куп фалсафий билимлар сохаларига оид фанларни уз ичига олади. Фалсафий билимларнинг узига хос хусусияти шуки, улар умуминсоний кадрийатлардан иборатдир.

Фалсафа, табиатшунослик фанлари, ижтимоий - гуманитар ва техника фанлари бир-бирлари билан чамбарчас боглик ва алокадорликда, бирликда ривожланиб боради.

2. Эмпирик билишнинг воситалари ва усуллари

Илмий тадқиқотлар қайси даражада амалга ошмасин, назарий ёки амалий фанлар соҳасида, улар эмпирик билишга асосланадилар.

Эмпирик билиш - бу объектни хиссий идрок қилиш, тажриба ва техник воситалар ёрдамида кузатиш, урганиш жараёнидир, бирламчи туплаш ва тавсифлаш фаолиятдир. Эмпирик билиш урганилаётган объектлар тугрисида бирламчи фактик маълумотларни, шуурий тавсиф ва таснифлашни беради.

Эмпирик билиш ҳар қандай билишни, масалан, назарий, илмий фалсафий ва хоқозо билишни, фанларни ихтисослашган билим тармоғи сифатида пайдо бўлишни бирламчи, тарихий асосидир.

Билиш ва фан тараккиёти жараёнида эмпирик билиш таркибий қием, структураси ва қулланилаётган воситалар жихатидан мураккаблашган, тараккий қилиб борган. Эмпирик билиш назарий тафаккурга «жонли» материал беради, уни ҳулосаларни тасдиқлайди ёки тасдиқламайди.

Эмпирик билишни мураккаблашиши унда ишлатиладиган қурол ва воситаларни қилма-қил бўлиши, техникалаштирилиши, қомпютерлашиши билан белгиланади.

Эмпирик билишни амалга ошириладиган табиий субстрактни (табиий танани) ва воситаларни фарқлаш лозим. Эмпирик билишни табиий субстракти бу инсонни ҳис этиш аъзолари ва ҳиссиётидир. (қаранг –С.58). Ҳиссиёт орқали инсон бирламчи эмпирик маълумотларни қабул қилади. Ижтимоий ишлаб - чиқариш ва меҳнат тақсимоти таъсирида инсонни ҳиссиёти, идрок қилиш қобилияти такомиллашади. Айтайлик парфюмерия қорхонасида экспорт сифатида ишлайдиган қидловчи қодим атирларни бир неча ун қилини қид билиш орқали фарқлай олади.

Лекин инсон тобора мураккаб таркибга эга бўлган объектларни тадқиқот қилишга утар экан, энди билишни табиий субстрактини имқониятлари етарли бўлмай қолди.

Объектлар жуда кичкина ёки никоятда ёки никоятда улкан, узокда, куз илгиб ололмайдиган куп параметрли жараён булиши мумкин.

Билимга булган гносеологик ва ижтимоий эхтиёж мазкур зиддиятни оралик сунъий воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш йули билан бартараф этишга олиб келди. Бу воситалар тадқиқотчи ва объект уртасида қуйиладиган сунъий услубий ва техник қуроллардан иборат булди.

Эмпирик билишни табиий субстрактига ҳиссиёт ва тил (фан тили) қиради.

Воситаларга эса инсон томонидан ишлаб чиқилган, субъект билан объект оралигида турадиган моддий, техник ва модели (белгилар тизими) қуроллардир.

Бир хил воситалар ҳам амалий ҳам назарий билиш қуролларини ташкил қиладилар. Математика, моделлаштириш, формаллаштириш шундай воситалар қаторига қиради. Астролябия, қуёш соати, микроскоп, реактивлар, фотография ва бошқалар эмпирик билишни техник воситаларидир.

Билиш воситалари илмий билиш усулларини заминида, туради, янги усулларни ишлаб чиқишга хизмат қиладилар.

Усул - бу назарий ва амалий натижага олиб келадиган ва тадқиқотда татбиқ қилинадиган қоидалар талаблар ва тамойиллар тизимидир. Усул тадқиқотчи томонида ишлаб чиқилади.

Эксперимент моделлаштириш, математикалаштириш маълум мақсадда ишлаб чиқилган усуллардир. (қаранг –С.59).

Усуллар табиий - тарихий шаклланган ва фаол жихатга эга булган турлари булиши мумкин. (қаранг –С.60).

Табиий - тарихий шаклланган усулларга қузатиш, таққослаш, тавсифлаш ва бошқалар қиради.

Қузатишни узини пассив ва фаол қуриниши булиши мумкин. Пассиф қузатиш – бу мушохадали идрок этишдир. Мазкур усулни самарадорлиги тадқиқотчини тажрибасига, қузатувчанлигига боғлиқдир.

Қузатишни фаол тури ҳар хил сунъий воситалари ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни тақозо этади. Қузатиш труба, микроскоп, фото асбоблар улчагич электр ускуналар ва бошқалар.

Эмпирик билишни муҳим усулларидан бири илмий экспериментдир. Бу усул орқали урганилаётган объект сунъий шароитга қуйилади, объектга таъсир қурсатилади. Объектни ҳоссаларини урганиш мақсадида у тушган шароитни узгартириш мумкин. Эксперимент сифатида усул амалий фаолият ва назарий

тафаккур бирлигини ташкил килади. Экспериментал усул куплаб воситаларни куллаши таказо этади. (қаранг –С.61).

Фан - техника тараккиёти ютуқларидан фойдаланиш жараёнида шароит яратувчи S экспериментал билиш воситалари купаяди, мураккаблашади. Масалан, табиий - илмий экспериментда куйидаги бевосита ва билвосита асбоб - ускуналар, воситалар ишга солинади:

Яна бир эксперимент билиш усули - улчаш. Бу усул ҳам турли куринишдаги воситаларга эгадир.

Тадкикот объекти мураккаблаша - борган сари билиш воситаларини роли ортиб борган. Экспериментни бажариш жараёнида объектга турли таъсирлар утказишади. (қаранг –С. 61).

Инсонни билиши ва амалиёти билан боғланган эксперимент-ижтимоий экспериментдир. Бунда объект сифатида турли ижтимоий уюшмалар ва ҳудудлар олинади, улар маълум бошқариладиган шароитга куйилади ва кузатиш олиб борилади. Ижтимоий эксперимент икки функциями бир вақтни узида амалга оширади.

- 1) тадкикотни олиб бориш
- 2) бошқариш.

Фанда ижтимоий эксперимент XX асрни 20 - йилларидан бошлаб татбиқ килина бошлади. Масалан, гуруҳ ёки жамоа руҳиятини урганиш, меҳнатни ижтимоий ва иқтисодий жихатларини. бошқариш механизмларини тадкикот килиш амалга оширилди.

Социология фанида эмпирик социология йуналиши шаклланди.

Бу йуналиш доирасида кузатиш, сурок килиш (опрос), статистик моделлаштириш, графлар ёндашуви, математик воситалар, усуллар кенг татбиқ бошланди. Айниқса, сайловчилар утказиш давомида социологларга куп буюртмалар берилади.

Назарий билишнинг воситалари ва усуллари (қаранг –С.62,63).

Назарий билиш эмпирик билишга караганда сифат жихатдан фарқ, киладиган тадкикот соҳасидир. Назарий билиш куп катламли ва куп унсурли жараён ва

ҳосиладир. Уни ядросини назария ташкил килади. Назария эса эмпирик замин, асосий тушунча ва қонунлар, мантикий асослаш қоидалари ва боғланиш, ҳукм ва ҳулосалардан иборат. Назарияни структуравий тузилиши объектини чуқур, ҳар томонлама ва моҳиятни акс эттириш имкониятини беради.

Назарий билишни эмпирик билишдан асосий фарқлари:

- 1) Назарий билишдаги илмий билиш илмий стандарт ва мантикий кетма - кетлик қоидаларига риоя қилингани учун эмпирик билишда олинган билимга караганда ишончли ва асосли булади.

2) Назарий билиш урганилаётган объект хакида умумлаштирилган тавсиф ва илмий конун беради, аникроги конун ва конуниятларини кашф этиш имкониятини беради. Бу эса тизимларни каракати ва тараккиёти хакида. Чукур билимга эга булиш, уларни кейинги ҳолатларини башорат килиш, каракат киладиган ва мураккаб функцияларни бажарадиган технологиялар ва механизмларни яратиш имкониятини беради.

3) Назарияни таркибига хулоса ва исботлаш йули билан олинган ташкил киладиган дастлабки ҳукмлар ва хулосалар мавжуд булиб, улар назария доирасида қабул килинган, ишлаб чикилган мантикий коида ва конуниятларга буйсунади.

4) Бу эса назарий билишда хиссий тажрибага мурожаат килмасдан бир туркумдаги ҳукмдан иккинчисига мантикий тафаккур, воситаси билан утиш имкониятини беради.

Назарий билиш даражасида муаммолар куйилади, тавсифланади, гипотезалар олга сурилади, таҳлил ва умумлаштириш бажарилади, конун ва конуниятлар кашф этилади, назария ишлаб чикилади. Бундай куп катламли ва функцияли билиш жараёни тегишли воситалар ва усулларга таянади.

3. Мушоҳадали эксперимент ва назарий моделлаштириш

Мушоҳадали экспериментда текширилаётган хосса ёки ҳолатни аклий модели тузилади. Фикран моделга «таъсир» курсатилади, каракатга келтирилади. Аклий модел бирон бир предметни образи, белги ва чизиклар тизими шаклида намоён булиши мумкин.

А. Эйнштейн тезлик, каракатни нисбийлиги, икки предметда вақт утишини тушунтириш учун фикран коинотни икки нуктасига соатларни (образларини) жойлаштирган, улардан келган сигналларни белгилаган.

Фороби инсонларни факат фозил шаҳарда баркамол булиб шаклланиши ва бахтга эришиши мумкинлиги гоёсини эксперимент усулини куллаб асослашга каракат килди.

Мушоҳадали экспериментда реал ва идеал хоссалар фикран бирлаштирилади, бирламчи, коидалар ва константларга асосланиб имкон булган вазият ёки модел тасаввур килинади.

Компьютерда мушоҳадали эксперимент виртуал реаллик шаклида намоён булади. Моделда ифодаланган виртуал реаллик объектив реалликни (объектни) бирон томонини қайта тиклайди. тасвирлайди.

Урганилаётган объектни модели оддиндан тадқиқотчи томонидан белгиланган вазиятга қўйилади. у билан виртуал операциялар бажарилади.

4. Илмий билишни асосий шакллари. Илмий ғоя ва муаммо.

Илмий билиш усулларида ташқари шаклларга эга. Илмий билишни қўп хиллиги унинг шаклларни турлича билишига асосланган. Илмий билишни шакллари тадқиқотни турли жараёнларини ифодалайдилар, қўп хил гносеологик функцияларга эгадирлар.

Файласуфлар тафаккур шакллари ва илмий билиш шакллари фарқлайдилар. Тафаккур шаклига тушунча, ҳукм ва ҳулоса киради. Мазкур мавҳум абстракциялар воситаси билан киши фикрлайди, таҳлил ва умумлаштиришни амалга оширади.

Ихтисослашган илмий фаолият илмий билишни узига ҳос шакллари келтириб чиқаради. Булар асосан илмий муаммо, ғоя гипотеза, назария ва илмий башоратдир. Бу илмий билиш шакллари амал қилиши ўз навбатида тафаккур шакллари ва усулларига асосланадилар.

Илмий тадқиқот муаммони қўйишдан бошланади. Муаммо билишни тараккиёти жараёнида объектив ва субъектив эҳтиёжлар асосида пайдо буладиган, назарий ва амалий аҳамиятига эга булган масала ёки масалалар мажмуасидир.

Инсониятни билиш фаолияти тараккиётини, фанни ривожланишини бир турдаги муаммоларни қўйиш, уларни қал қилиш ва бошқаларига ўтиш деб белгиласа булади. Ҳаёт диалектикаси шундан далолат берадики, айрим ҳолларда, субъектив эҳтиёж ёки тадқиқот усуллари ривожланмаган, фан мафкуралаштирилган ҳолларда сохта муаммолар ҳам пайдо булади. Ёук жойдан, аҳамияти долзарб булмаган масалаларни сунъий равишда шишириб «қатта муаммоларни» келтириб чиқариш ҳоллари ҳам ўчраб туради.

Айрим пайтларда муаммони қал қилиш шакли уни қал қилиб булмаслигини исботлаҳдир. Масалан мангу ишлайдиган двигателни яшаш мумкин эмаслигини исботи энергияни айланиш ва сақланиш қонунини қашф этиш ва тушунтиришдан қелиб қикди.

Илмий билишни тараккиёти жараёнида муаммолар қўп ҳолларда апориялар ва парадокслар шаклида пайдо булган. (Анория ишлатилаётган тушунчаларда қиддиятлар булганлиги сабабли масалани қал қилишни иложи йуклиги.

Парадокс:

1) Купчилик тан олган фикран кескин фарк килувчи гоя ёки тасаввур.

2) Одатий тасаввурларга мос келмайдиган гаройиб ходиса:

3) Мантикан тугри фикрлаш жараёнида пайдо буладиган формал - мантик зиддият. Муаммони хал булмаслигини бурттириш скептицизм ва редятивизмга олиб келади.

Шундай килиб муаммо илмий билишни мухим томони булиб, уни кал килиш тушуниш, янги хоссалар ва конуниятларни кашф этишга олиб келади. Муаммо бу шунчаси савол эмас, борки номаълум объект какидаги билишдир, билиш шаклидир.

Муаммо билинмаган нарса хакида билимдир.

Муаммо фан парадигмасини мухим унсуридир.

Илмий муаммо билишни, фанни энг узгарувчан, харакатчан кисмидир.

Илмий муаммони узгарувчанлиги, алмашиш циклари фанни, илмий мактабни салохиятли ва хусусиятига боглик.

Анънавийлик хукм сурган жойда муаммоларни янгилаш жараёни жуда секин боради.

Илмий гоя. Гоя борликни инсон онгида фикрлаш оркали билиш шаклидир. Гоя илмий муаммони, тадкикот усуллари ва максадни узини мазмунида бирлаштиради. Гоя илмий муаммони пал килиш йуналиши, асосий мазмунини ифодалайди.

Гояни мокияти хусусида 2 хил фикр бор. Мантикшунос Н.И. Кондаковни фикрича гоя тушунчани тарккиётини олий боскичи булиб унда инсонларни вокеликка булган мунособоти ифодаланади. Ижтимоий амалиётни вужудга келиши ва тараккиёти жараёнида гоялар пайдо булади, мазмунан мураккаблашиб боради.

Украиналик файласуф П. Копнинни айтишича гоя ташки оламни инъикос этиш шакли булиб, у билиш максадни ва истикболини узида мужассамлантиради. Мазмуни ва етуклик даражасига караб гоя тасаввур, тушунча назария куринишида ифодаланиши мумкин. Лекин бу куринишлардан фарклирок гояда билиш ва амалиётни истикболи ва йуналиш англанади.

Илмий гоя билиш предметини асосий томонини, мохиятини билдиради, тадкикотни йуналишини белгилайди. Илмий гоя тугри ёки нотугри булиши мумкин, лекин тадкикот парадигмасини асосий унсури сифатида мавжуд булади.

Илмий гояда шу жумладан, назарий ва амалий гояда мавжуд ва мавжуд булмаган хислатлар хакидаги тасаввурлар бирлашади, ижодий жараён содир булади.

Илмий гоя фактларни тупланиши, айрим жузъий конуниятлар очилиши жараёнида пишади.

Гоя рақбар тасаввур функциясини баҷарганда тамойилга айланади.

Тавсиф. назарида, таълимотда илмий гоя конкретлашади, мохиятни очиб беради. Илмий гоя гояларни бир қуринишидир. Этик гоя эстетик гоя, юридик гоя ва бошқа хилдаги гоялар мавжуд бўлиб. улар тегишли муаммони энг муҳим томонига ҷавоб берадилар.

Гоялар турли таракқиёт поғонасида турадилар. Айрим гоялар асосли буладилар, бошқалари гипотеза босқичида турадилар. Учинчилари етук назарияни яратишга замин бўлиб хизмат қиладилар. Биздаги ижтимоий гуманитар фанларда истиклол гояси асос ва тамойил функциясини баҷаради.

Ижтимоий таракқиётни тухтатишга қаратилган реакцией гоялар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Ислом давлати қуриш гояси. Бундай гоя учун жиддий ижтимоий - сиёсий замин йук, лекин айрим кишиларни йулида сиёсий қураш олиб бориш воситасига айланиши мумкин.

5. Гипотеза, унинг мохияти ва функциялари

Фалсафада фан методологиясида гипотеза бир нечта маънода ишлатилади:

1) Бевосита идрок қилиб бўлмайдиган. қузатиш мумкин бўлмаган қодисалар уртасидаги алоқадорликлар ёки шу қодисаларни тугдирадиган сабаблар қандаки махсус тахминий мулоҳазалар:

2) Маълум тахминни олға қуришга олиб қеладиган махсус ҳулоса қикариш тури,

3) Тахминий мулоҳазани олға қуриш ва уни кейинги исботланиши ва ичига оладиган мураккаб қоида, усул.

Инъикос этиш даражасига қараб гипотеза тавсифловчи ва тушунтирувчи бўлиши мумкин.

Илмий гипотеза олдинги очилган фактларга зид қелмаган ҳолда имқонияти борица таҳлил этилаётган қодисаларни қупчилигини ёки қаммасини қамраб тушунтириши лозим.

Илмий гипотезани яна бир ҳислати уни қатъиян текшириб қуриш имқониятига эга бўлиши. Агар тажрибада текшириб бўлмайдиган мулоҳазалар қикиб қолса, у гипотезани қомлигидан дарак беради.

Махсус ҳулоса қикариш йули билан гипотезани олға қуриш илмий тахминни шаклланишини биринчи ташқил қиладки.

Кейинги босқичлари:

Гипотезани дедуктив ҳулоса қикариш йули билан қакмиллаштириш:

Гипотезани текшириш ва тажрибада тасдиқлаштиш. Тасдиқлаш қандай содир булади?

Гипотезадан келиб чикадиган назарий окибатлар тажрибада олинган фактлар билан таккосланади.

Исботланган гипотеза аниқланган тасаввурларга, илмий гоёга ва назарияга айланиши мумкин. Фан қар доим гипотезалардан кенг фойдаланган.

6. Назарий, унинг структураси ва функциялари

Назария илмий билишни юкори даражада ташкиллаштирилган шакли бўлиб, объект ҳақида бир бутун тасаввур беради, хосса ва қонуниятларни, уларни мавжуд бўлим сабабларини тавсифлайди, тушунтиради. (қаранг –С. 64).

Ижтимоий - гуманитар фанларда ишлаб - чиқилган назариялар таълимот ва мафқурани таркибий қисмига айланиши мумкин.

Илмий билиш бошидан назарий характерга эга. Илмий муаммо, гипотеза қал қилиш ва тсдиқлаш жараёнида янги тушунчалар тамойиллар ва қонунлар ҳосил бўлади ва кейинчалик яратиладиган назарияни таркибий қисмларига айланадилар.

Назария тажрибавий билимни қарама қаршисидир. Тажрибавий билиш яққа тасаввурлардан, тушунчалардан ҳосил бўлади. Назария урганилаётган объектни бир бутун образини, моҳиятини беради, таҳлил қилади.

Назария билиш унсурларини бирлаштиради, турли даражадаги муаммоларни қал қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Назарияни концептал асосини идеаллаштириш объект - назарий модел ташкил қилади. Гипотезаси бор назариялар тавсифловчи назариялар тушунтирувчи назариялар. Башорат қилиш функцияси бор назариялар. Назарияларни етуклик даражасига қараб турли функциялари мавжуддир.

Назарияни концептал асосини идеаллаштириш объект - назарий модел ташкил қилади. Гипотезаси бор назариялар тавсифловчи назариялар тушунтирувчи назариялар. Башорат қилиш функцияси бор назариялар. Назарияларни етуклик даражасига қараб турли функциялари мавжуддир.

Олдиндан айтиб бўладиган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнлар,

цикллар мавжуд, субъектив омил: ижодий қобилият олдиндан инъикос этиш механизми. Россия олими Анохин башорат қилишни физиологик механизмни қашф этди.

Башорат 2 қил бўлади:

1. Мавжуд лекин тажриба ва билишда ифодаланмаган башорат, Менделеев томонидан айрим кимёвий элементларни мавжудлигини башорат килди.

2. Келажак хакида башорат.

3. Предметларни тараккиёт истикболини илмий услубда белгилаш прогнозлаштиришни келтириб чикаради.

4. Демак, илмий билиш муаммо ва дастлабки гоядан бошланиб, башорат билан якунланадиган тадқиқот қилиш фаолияти экан.

8 – Машғулоти. Илмий тадқиқот методологияси

Р е ж а:

1. Фаннинг ижтимоий функциялари ва илмий тадқиқотни мақсадлари
2. Илмий билишни тизимли характери
3. Илмий муаммо тадқиқотни бошланғич нуқтаси сифатида.
4. Тадқиқот йўналиши ва предмети танлаш
5. Тадқиқотни бошланғич илмий вазифалари
6. Илмий тадқиқот ишларини асосий босқичлари

1. Фаннинг ижтимоий функциялари ва илмий тадқиқотни мақсадлари.

Фаннинг ижтимоий функциялари унинг институт эканлигидан келиб чиқади. Фан институт сифатида инсон ва жамиятни бир қатор эҳтиёжларини қондиради. Эҳтиёжлар эса ўз навбатида индивидуал ва ижтимоий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Эҳтиёжларни (масалан меҳнатга, тарбияга, ижод этишга, ижтимоий фаолига бўлган эҳтиёжларни) қондириш кишилар борлиқни, воқелиқни ўзлаштирадilar, яъни предметларни хоссаларини ўрганадилар, уларни шакли ва хоссаларини ўзгартирадilar. Демак ўзлаштиришда объектлар ўрганилади ва ўзгартирилади.

Ўзлаштириш фаолияти икки турга бўлинади - моддий ўзлаштириш ва маънавий ўзлаштириш. Моддий ўзлаштиришда объект ўрганилади, ва эҳтиёжни қондиришга яроқли шакл бериш учун хоссалари ўзгартирилади. Масалан дон экилади, уни уриб оладilar, унга билантирадilar ва нон ёпадилар.(қаранг: С.1).

Маънавий ўзлаштиришда предмет ўрганилади, уни инъикос этувчи тушунчалар, назария ва таълимотлар яратилади. Мана шу ижодий характерга эга бўлган таълимотни яратиш жараёни предметни маънавий ўзлаштириш бўлади. Масалан, Алишер

Навоий ижодини ўрганиш Мир Алишер Навоий деб аталган ўзига хос маънавий оламни ўзлаштиришни билдиради.

Борлиқни ўзлаштириш бир қанча эҳтиёжларини ҳам туғдиради, ҳам қондиради. Шундай эҳтиёжлардан бир бўлиш ёки гносеологик эҳтиёжи. Фан бу эҳтиёжни қондирар экан гносеологик функцияни бажаради.

Шундай қилиб фаннинг функциялари уни ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжларни қондиришга ҳар атилган вазифаларни билдиради.

Функция ўзи нима? «Функция» сўзи бир қанча маъноларга эга. Функция (лотинча функция - бажариш, амалга ошириш) -

1) Фаолият, вазифа. иш: бирор нарсани маълум мунособотлар тизимида хоссаларини намоён бўлиши (масалан. хис этиш органларини функциялари, пулни функциялари)

2) Социологияда изох берилишича бирон бир институт, муассаса томонидан жамиятга нисбатан бирон - бир жараёни бажариши, роль уйнаши: тилшунослик ва математикада бирон - бир борлиқни маъноси ва қийматини пропорционал ўзгариб боришини билдиради.

Фаннинг ижтимоий функциялари учун жамиятга нисбатан бажарадиган иши, фаоллиги, роль ўйнашидан иборатдир.

Фаннинг ижтимоий функциялари тарихий категориядир. Гап шундаки, турли тарихий даврларда фан тараққиёти турли босқичда тургани боис ҳар хил ижтимоий функцияларни бажарган. Аниқроғи фан тараққиёти жараёнида, турли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёнида фанни бажарадиган функциялари кўпайиб борган.

Антик даврда энди шаклланган Афлотун Академияси, Аристотель, Лицейини асосан гносеологик функцияни бажарганлар. У вақтда фан ва ишлаб чиқариш ўртасида боғланиш бўлмаган.

Гносеологик функциялардан ташқари қадимги ва ўрта аср таълим муассасалари дунёқарашни шакллантириш, таълим - тарбияни ривожлантириш, аксиологик (илмий қадриятларни ишлаб чиқариш), маданиятни юксалтириш функцияларини бажарган.

Ҳозирги пайтда фан ишлаб чиқар иш кучига айланган. Шу боис ҳозирги замон фани технологик, лойиҳал аштириш, ишлаб чиқар иш функцияларини бажармоқда.(қаранг: С.2)

Фанни компьютерлаштириш жараёни жадаллашиб бориши туфайли моделлаштириш ва виртуаллаштириш функцияларини миқёси ва роли ортиб бормоқда.

Фаннинг ижтимоий функцияларини бажарилиши илмий тадқиқот мақсадларини амалга оширишга олиб келади. Ҳар бир илмий тадқиқот фанни ҳар акатлантирувчи ўзаги сифатида

белгиланган мақсадга эга. Мақсад илмий тадқиқотни фаоллаштирувчи омилдир.

Илмий тадқиқот мақсадни пировард натижада ижтимоий эҳтиёжни фан соҳасидаги аксидир. Ижтимоий эҳтиёж тадқиқот мақсадини шакллантиришга ёрдам беради, унинг учун билиш фаолияти манбаи ва омили бўлиб хизмат қилади. Лекин тадқиқот мақсади ва ижтимоий эҳтиёж ўртасида айнанлик, тўла мос бўлим ҳолати йўқдир, мақсад эҳтиёждан келиб чиқади, лекин у билан айнан эмас илмий тадқиқотни асосий мақсади объектларни, нарс ва ҳодисалар ни ҳар томонлама, ишончли ўрганиш ишлаб чиқилган илмий тамойиллар ва услуб асосида уларни (объектларни) структуралари, хоссалари ва Алоқа л арини таҳлил қилиш, олинган билимларни амалиётда татбиқ қилишдир.

2. Илмий билишни тизимли характери.

Олдин айтиб ўтилганидек, фан мураккаб тузилишга эга. Фаннинг белгиловчи унсури - тадқиқотчидир. Тадқиқотчини фаолияти фанга хос бўлган гносеологик функцияни бажарилишидан иборатдир.

Мазкур функция субъект – объект муносабот тизимида икки жараёнга бўлинади:

- 1) билиш жараёни, объектни тадқиқот қилиш жараёни;
- 2) Билишни шаклланиши жараёни, билишни натижаси бўлган тушунчаларни, ғояларни, таълимотларни ҳосил бўлиши.
- 3) Ҳар иккала жараён тартиботга эга, тизимли хусусиятга эга. Билиш жараёнини тизимлилиги ундаги босқинчиларни бир-бири билан боғлиқлигидан, кетма - кетлигидан келиб чиқади.

Гносеологик жараённи тизимли босқичлари:

Илмий муаммо – гипотеза – назария - таълимот. Мазкур жараёнли унсурлар ўртасидаги боғланиш билишни тизимли хислатини келтириб чиқаради.(қаранг –С.3).

Билишни тизимлилиги ундаги унсурлар ўртасида мантикий кетма-кетлик ва изчиллик борлигидан келиб чиқади.

Мантиқ ва методология қоидаларига риоя қилиш назария ва таълимотларни бир - бутун, яхлит маънавий ҳосил а бўлишини белгилайди. Тизимлилик илмий билишга бир бутунлик, билиш қисмлари ўртасида алоқадорлик, олинган билимга эса асосланганлик, ишончли бўлиш хислатларини беради.

Нафақат илмий билиш, балки инсон тафаккури ҳам тизимли характерга эгадир. Тадқиқотчи А.Н. Аверьяновни фикрича одамдаги объектларни, табиатни бир бутунлигини, тизимлилигини ўрганиш жараёни ўз тафаккурини тизимлиги хислатини ривожлантирганлар.

(А.Н.Аверьянов Системное познание мира М., 1985 с. 86-88).

Илмий ва фалсафий тафаккурда воқеликдаги предметларни тизимли хусусиятлари ўз аксини топган. Лекин тафаккурни тизимлилиги предметларни тизимлилигини кузгусимон акси эмас.

Тафаккурни тизимлилиги инсонни ижодий фаолиятини махсулдир.

Кишилар борлиқни ўрганиш жараёнида ҳосил бўлаётган тушунча ва тасаввурлари ўртасида мантиқий қоидалари ва инъикос образларига таяниб алоқадорликни ўргатишган. Яъни предметлардаги тизимликни ижодий тафаккур йўли билан тушунчалар ва тасаввурлар тизимида қайта тиклаганлар.

Илмий билишда тасаввурлар ва тушунчалар синтези ғоялар тизимини, назария тизимини ҳосил бўлишга олиб келади.

Назарияларда тушунчалар ўртасида координацион ва субординацион алоқалар мавжуд. Алоқалар тизимига янги тасаввурлар ва тушунчалар қўшилиши жараёнида назарий тизимни ўзи ривожланиб боради.

3. Илмий муаммо тадқиқотни бошланғич нуқтаси сифатида

Илмий муаммо инсон ҳал қиладиган турли муаммоларни бир кўринишидир. Муаммони вужудга келтирадиган умумий омил инсон эҳтиёжидир. Шу билан бирга муаммони пайдо қиладиган конкрет манба ҳам бор. Бу инсонни воқеликка бўлган мунособотида, эҳтиёжини қондириш жараёнида пайдо бўладиган зиддиятдир.

Эҳтиёж ва уни қондириш йўлида вужудга келадиган тўсиқ, номаълумлик зиддиятни, зиддият орқали эса муаммони келтириб чиқаради.

Эҳтиёжни қондиришга ҳар атилган назарий ёки амалий фаолият тусиққа. зиддиятга учрайди. Зиддиятли вазият, ҳолат муаммони келтириб чиқар ади.

Муаммони кенг ва тор маъноларда талқин қиладилар. Кенг маънода муаммо ўрганиш ва ҳал қилишни талаб қиладиган назарий ёки амалий масаладир. Бундай масалалар ҳар қадамда пайдо бўлиб туради.

Тор маънода муаммо маълум мақсадга эришиш учун етарли восита бўлмаган шароитда вужудга келган, ҳал қилиниши керак булган. зиддиятли вазият, шу вазият туғдирган масалалар.

Муаммолар ижтимоий ва шахсий, иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маънавий – маърифий, ялпи, миллий минтақавий, комплекс, тармоқлараро кўринишида мавжуд бўлади. Шулардан яна битта кўриниши - илмий муаммолардир. (қаранг –С. 4,5).

Илмий муаммо - ўрганилиши ва ҳал қилиниши лозим бўлган назарий масала бўлиб, у бирон бир объектни билмаслик ёки у

хусусида турли тушунчалар заминида мавжуд бўлган зиддиятли вазиятдан келиб чиққан.

Зиддиятли вазият (объект – субъект, турли қарама - қарши таълимотлар ва бошқалар ўртасидаги ҳолат) илмий муаммони келтириб чиқар ади.

Муаммоли вазиятни англаш бирон - бир ғоя асосида юз беради. Ғоя муаммо, мақсад ва фаолият воситаларини ўзида мужассамлантиради. Муаммони ҳал этиш режаси эса тадқиқот қилиш керак бўладиган масалаларда ўз ифодасини топади.

4. Тадқиқот йўналиши ва предмети танлаш

Ҳар қандай илмий тадқиқот йўналиш ва предметга эгадир.

Йўналиш ва предмет объектив ва субъектив манбага эга.

Объектив манба - ижтимоий эҳтиёж ва буюртма. Ижтимоий эҳтиёж у ёки бу муаммони долзарблигини белгилайди. Ижтимоий буюртма эса тадқиқот йўналишларини жамият томонидан тан олиниши, олимни фаолиятини бошланғич босқичдаги вазифаларни англаб олишни белгилайди.

Илмий тадқиқотни объекти, предмети ва йўналиши мавжуд бўлади.(қаранг: С.6).

Объект илмий - тадқиқотга нисбатан мустақил мавжуд бўлган, борлиқни бирон бир жабҳасини ташкил қилган моддий ёки маънавий тизимдир. Илмий тадқиқотни мақсади объектга хос бўлган қонуниятларни, хоссаларни ўрганиш, уни назариясини ишлаб чиқиш, уни моҳиятини тушуниш ва тушунтиришдир.

Илмий тадқиқот предмети объектни қисмини ташкил этади.

Бу предметни онтологик тушунишдир. Предмет мавжудликни бирон бир томонини, хоссасини билдиради, тилда «нарс», «ходиса» сўзлари билан белгиланади.

Фан методологиясида предмет деганда объектнинг тадқиқот билан ҳамраб олган томони, жихати тушунилади. Бунда битта объект бир неча фан учун предмет бўлиши мумкин.

Тадқиқотда фан предмети йўналишлар ва муаммоларга бўлиниб кетади. Ва аксинча шундай илмий йўналишлар бўладики, улар бир нечта фанни предмети бўлиши мумкин. Масалан кибернетика фан йўналиши бўлиб, бу йўналишга оид муаммолар математика, иқтисодиёт биология фанларида тадқиқот қилинади.

Илмий йўналиш бу айтиб борилаётган тадқиқот соҳасини ҳамраб олган бир ёки бир нечта фандир.

Илмий йўналишни структуравий бирликларини комплекс муаммолар ташкил қилиб, уларни ўзи муаммо мавзу ва илмий масалаларга бўлинади.

Тадқиқот йўналишини танлашга юқорида айтилган ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжлар таъсир қилади. Индивидуал эҳтиёжда ижтимоий эҳтиёж ва буюртма, ҳамда тадқиқотчини мақсади ва нияти ифодаланади. Муаммони долзарблиги ижтимоий эҳтиёж, жамият томонидан фанга берилган буюртмалар томонидан белгиланади.

5. Тадқиқотни бошланғич илмий вазифалари

Тадқиқотчини бошланғич илмий вазифаларига муаммони аниқлаш, ҳал қилиш воситалари ва йўлларини белгилаш, текшириш, ўрганиш усулларини танлаш киради. (қаранг: С.7).

Илмий муаммо аниқлангандан кейин тадқиқот мавзуси белгиланади.

Демак тадқиқотни бошланғич босқичида қуйидаги ишлар бажарилади: Йўналишни танлаш, муаммони ифодалаш, тадқиқот мавзусини белгилаш, илмий масалаларни қўйиш.(қаранг: С.8).

Танланган йўналиш илмий ходимни кейинги фаолиятини стратегияси бўлиб қолади.

Илмий йўналишни асосини махсус фан ёки маълум илм тармоғига кирадиган бир қатор махсус фанлар. Ҳамда махсус тадқиқот усуллари ташкил қилади.

6. Илмий йўналиш илмий муаммо соҳасини белгилайди.

Фан тарихида шундай ҳоллар бўлганки, илмий муаммони ҳал этиш жараёнида янги илмий йўналишлар пайдо бўлган. Айтайлик жамоатчилик фикри муаммоси билан шуғулланиш жараёнида жамоатчилик фикри социологияси йўналиши, фалсафада фан муаммоси билан шуғулланиш эпистемология ва фан методологияси йўналишларини шаклланишига олиб келди.

Муаммони таркибий қисмини илмий тадқиқот мавзуси ташкил қилади. Мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муаммони бир қисмини ташкил қилган илмий масалаларга жавоб топадилар.

Илмий муаммо мавзулар ёки мавзулар комплексини манбаидир.

Мавзулар комплексига доир жавоб ва натижаларни умумлаштириш илмий муаммо ечимини бериши мумкин.

Мавзулар орқали илмий муаммо масалаларига бўлиниб кетади.

Илмий масала конкрет илмий тадқиқот мавзусига оид илмий саволлар мажмуасидир.

Илмий тадқиқотни энг масъулиятли босқичи - йўналиш, илмий муаммо, тадқиқот мавзусини танлаш ва илмий масалаларни (саволларни) қўйишдир.

Илмий йўналиш ва муаммони долзарблигини ижтимоий эҳтиёж ва буюртмалар белгилайди.

Илмий йўналиш кўпгина тадқиқотчи ишлаб турган илмий муассасани хусусияти билан белгиланади. Шунинг учун илмий йўналишни танлаш тадқиқотчи учун у ишлашни хоҳлаган фан тармоғини танлашга бориб таҳал ади.

Илмий муаммо ва тадқиқот мавзусини танлашга қараб чиқиладиган йўналишдаги зиддиятлар, ноаниқликлар, ҳал этилмаган муаммолар аниқланади, шу асосда тадқиқот муамомси ва умумий тарзда кутиладиган натижа белгиланади, кейинчалик муаммони структураси, таркибий қисмлари ишлаб чиқилади, тадқиқотни мавзуси, ижрочилар, муаммони долзарблигини қайд қилинади.

Муаммони асосланиши, уни структураси қайд қилингандан кейин илмий тадқиқот мавзуси белгиланади. Мавзу долзарб характерга эга бўлиши, илмий янгилиги мавжуд бўлиши, илмий янгилиги мавжуд бўлиши лозим.

Хар бир илмий жамоа шаклланган анъанага қараб ўзини йўналишига, даражасига, тадқиқот олиб бориш малакасига эга.

Шу билан бирга фанда монополия ҳолатига йўл қўймаслик керак. Монополия ҳолати ғоялар рақобатига ғов бўлади, услубий ва назарий кўпхиликка йўл қўймайди.

Мавзуни муҳим томониини олинган натижаларни ишлаб чиқар ишга татбиқ қилишни тезлиги ва кулаи ташкил қилади.

Мавзуни танлашдан олдин йўналишга оид адабиётни, библиографик манбаларни синчиклаб ўрганиш зарур. Кўп ҳолларда бу ишни қилиб юрган илмий тадқиқот муассаси раҳбари ўзи белгиллаган муаммони тадқиқотчига тайёр қолда беради.

Илмий тадқиқотни долзарблигини оширадиган омил илмий баҳс, муҳокама ва илмий танқиддир.

Баҳс жараёнида ҳали ҳал этилмаган масалалар очилиб қолади, сохта илмий муаммолар олиб ташланади, илмий муаммо долзарблик ва аҳамияти жихатидан ўзига хос ғалвирдан ўтади.

Илмий тадқиқот ишларини асосий босқичлари

Илмий – тадқиқот иши маълум тартибда амалга ошади. Бу тартиб қўйилган мақсаддан олинган натижаларгача бўлган вақтда содир бўлади. У мавзуни назарий, илмий ва ижтимоий жиқатини кўрсатиш, асослаб бериш ташкил қилади.

Тадқиқотни долзарблиги ва аҳамиятини асослаш маълум структурага эга. Мазкур асосланишни биринчи қисмида мавзуни тадқиқот қилишни сабаблари кўрсатилади, тадқиқотни ишланган даражаси ва олдин эришилган натижалар, адабиёт ва манбалар келтирилган. Бунда ечилмаган масалалар ва муаммоларга, уларни асосланганлигини, адабиётлар таҳлилига катта эътибор берилади.

Шундан кейин тадқиқотни мақсади ва вазифалари конкретлаштирилади. Бунда манбалар библиографияси. Уларни аннотацияси тузилади, муаммони ишланганлик даражасини кўрсатадиган реферат ёки қиёсий тафсилот ёзиш мақсадга мувофиқдир. Булар асосий назарий тадқиқот олиб боришга ёрдам берадиган бошланғич ишлардир.

Илмий тадқиқотни асосий босқичи предметни моқиятини очишга ҳар атилган назарий тадқиқотдир. Бу ишнинг энг ижодий, самарали босқичидир. Бунда муаммо асосан ҳал этилади, жараёни сабабий қонуниятлари очилади, уларни назарий модели назария ғоя, таълимот кўринишида яратилади.

Назарий тадқиқот тугагандан кейин қўлга киритилган натижаларини умумий тахлили, амалга оширилади, гипотеза ёки ғояни хулоса ёки фактлар билан таққосланади, умумий хулоса ва ҳисобот ишлаб чиқилади.

Кейинги босқич тадқиқот натижаларини ишлаб чиқар ишга татбиқ қилишдир.

Бундай фаолият илмий хулосаларни асосланганлигини кўрсатади.

9 - Машғулот. Назария, унинг моҳияти ва турлари (2 соат)

Р Е Ж А:

1. Назария ва унинг моҳияти
2. Назариянинг тузилиши ва функциялари
3. Сифатий, миқдорий ва математикалаштирилган назариялар
4. Тафсилотли ва тушунтирувчи назариялар
5. Генетик ва тизимли назариялар

1.Назария ва унинг моҳияти

Назария – илмий билишнинг энг юқори шаклидир. Назария – маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан куриш имконини берадиган ишончли билим. Илмий фаолиятни асосий натижаси – илмий билишдир. Илмий билиш икки даражадан иборат - эмпирик билиш ва назарий билиш.(қаранг: С.1).

Назарий билишни ядроси илмий назария ташкил қилади.

Илмий фаолиятни йўналтирувчи бирликлар - парадигма ва илмий - тадқиқот дастурлари илмий назария ядросини, асосини

ташқил қилади. Илмий билишни бошқа таркиблари - фактлар, гипотезалар, таснифлар, тадқиқот воситалари ядрони атрофида жойлашадилар, баъзилари уни ичига қисм сифатида киришлари ҳам мумкин.(қаранг: С.2,3).

“Назария” тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади.

Кенг маънода назария амалиётдан фарқ қилувчи ҳар қандай қарашлар ва ғоялар мажмуаси деб тушунилади.

Назарияни афкори омма шундай тушунади.

Фан методологиясида назария объектлар, улардаги хоссалар, алоқадорликлар ва қонуниятлар хусусида ишончли. мантиқан асосланган, шу боис, тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилиш қобилиятига эга бўлган тушунчалар, ҳукмлар ва ҳулосалар тизими сифатида билишни энг мураккаб ва тараққий этган шаклидир деб изоҳланади.

Назарияни тузиш орқали инсон ўрганаётган объектлар ҳақида билимга эга бўлади, уларни ҳар ақати, функциялари, қонуниятлари хусусида аниқ, ишончли тасаввурларни шакллантиради.

Назария ҳам тизимли билим, ҳам объектларни хоссаларини тизимли томонини ифодалайди.

Назария орқали инсон эмпирик билим акс эттира олмайдиган қонуниятларни, алоқадорликларни, ҳуллас, объектларни моҳиятини тушунтиради ва тушунади.

Назария мураккаб ижтимоий ва сунъий (техник) технологияларни яратишни концептуал заминидир.

Назария конкрет нарсани тавсифини бермайди. У турдош объектларни маълум гуруҳини бирлаштирадиган умумий боғланишлар ва қонуниятларни тавсифлайди. Назария бевосита воқеликни тавсифини бермайди. У идеал объектлар билан иш кўради. Реал объектларга ухшаш умумий томонларини акс эттируви тасаввурлар ва тушунчалар шакллангандан кейин улар назария тузиш учун хизмат қиладиган идеал объектларга айланади. Механика назарияси нимани тушунтиради? Механик ҳаракатни. Механик ҳар ақат нима? Моддий нуқталарни жой алмашинуви. Ҳаракатдаги моддий нуқтага ташқи куч таъсир этмаса нима бўлади? Ҳаракатни давом эттиради. Идеал объект реал объектни умумий томонини акс эттиради.

Эмпирик билиш даражасида шаклланган тасаввурлар ва тушунчалар, миқдорий боғланишлар назария учун идеал объектларга айланади. Назарий таҳлил даражасида идеал объектларни хоссалари, алоқадорлик ва қонуниятларни ўрганилади. Эксперимент ва тажрибада идеал объектларни ўрганишдан олинган ҳулосалар, қоидалар тасдиқдан, верификациядан ўтказилади.

Тафаккурда идеал объектларни ақлий назорат қилиш мумкин, улар билан мушохадали эксперимент ўтказиш мумкин. Эмпирик билиш даражасидан кўра назарий билиш даражасида ижодий фаолият мураккаблашади, идрок қилиб бўлмайдиган қонуниятлар ҳақида билиш шаклланади, башорат қилинади, ҳал ам учиди янги хоссалар кашф этилади, технологиялар, сунъий муҳитни моделларини яратиш замини ҳосил бўлади.

2.Назарияни тузилиши ва функциялари

Назария билимни бир кўриниши бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Унинг мураккаблиги таркибига - мавжуд бўлган қисмлар бир бири билан боғланиши боис тизим ҳосил қилиши билан белгиланади.

Назарияни тизимлилиги, турли хислатларга эга бўлган қисмлардан ташкил топганлиги унга нисбий мустақиллик бағишлайди.

Назарияни тузилиши, структураси, аниқроғи, қандай қисмлардан улар қандай тартибда жойлашганлиги масаласида турлича фикрлар мавжуд.

Файласуф И.Д. Андреевни фикрича назария структуравий элементларга эга.(қаранг: С.4).

И.Д. Андреевни таъкидлашича назарияга бир бутунлик бағишлайдиган, унга асос бўлиб хизмат қиладиган бирламчи ғоялар ва тушунчалар минимал миқдори бўлиши лозим. Акс ҳолда бир бутун, нисбатан ёпиқ назарий тизим эмас, турли ғоялар ва тушунчалар мажмуаси ҳосил бўлади.

Назарияни таркиби ҳақида бошқача фикрда бўлган файласуфлар ҳам бор.

М. Попов ва В.Садовскийларни айтишларича назария қўйидаги унсурлардан ташкил топган:

1. Фактлар ва тафсилотлардан ташкил топган эмпирик асос:
(назарияни борлиқ билан боғлайдиган кўприк, уни тасдиқлайди ёки тасдиқламайди. Назарияга кирган фактлар тасдиқлайди)

2. Назарияни бирламчи назарий асоси - қоидалар, тамойиллар, қонунлар, аксиомалар. Бу унсурлар объектни қонуниятларини тушунириб бериш, яъни, «нима учун?» саволига жавоб бериш қобилиятига эгадирлар.

3. Назарияни мантиғи - назария доирасида қабул қилинган ҳулоса чиқар ишни мантиқий қоидалари ва исботлари:

4.Теоремалар, қоидалар ва тамойиллардан келиб чиққан оқибатлар уларни исботи, ҳулоса шаклида берилган ҳукмлар, мулоҳазалар.

Конкрет фанларда келтирилган назарияни ҳар иккала структуравий кўринишлари мавжуд бўлиши мумкин. Энг муҳими, назарий ўрганилаётган объектни моҳияти тушунтириш қобилиятига эга.

Шу боис назария илмий билишни, фанни ядроси ҳисобланади.

Назария, унинг қисмлари билиш жараёнини босқичи ва миқёсига қараб турли функцияларни яъни вазифаларни бажарадилар.

Уларни ичида энг муҳимлари:

1) Тафсилот функцияси. Кузатиш ва эксперимент жараёнида олинган маълумотлар мазкур назария тилида тавсиф этилади, уларни дастлабки қайта ишлаш ва тавсифлаш амалга оширилади.

Назарияни тушунчалари ва қонунлари объектни хусусияти ва моҳиятини чуқур очиқ бера олса, эмпирик фактларни катта аниқлик билан тушунтира олса у ҳолда назария башорат қилиш қобилиятига эга бўлади.

Бунда объект – моделни келажак нуқталарида қандай ҳолатга келиши башорат қилинади. Назарияни бундай ҳислати олимларга мураккаб илмий экспериментлар ўтказиш, технологик лойихалар тузиш имкониятини беради.

Фалсафа тарихида назария борми?

«Основы философии» даги фалсафий – тарихий материал фактографик тафсилотдан иборат.

Назарияни танлаш. Бу назарияни тушунтира олиш ҳислати билан белгиланади.

Назарияни «фол» этиш, (дискредитация)- аномал фактлар йиғилиб борганда, олдинги назарияни тушунтириш қобилиятини йўқолиши аниқлади.

3.Сифатий, миқдорий ва математикалаштирилган назариялар

Табиатан намоён бўлиш шакли жихатидан, ҳамда тавсиф этилаётган объектларни хусусиятига ҳар аб назариялар бир-биридан фарқ қилувчи туркумларга бўлинади. Шулардан сифатий, миқдорий ва математикалаштирилган назарияларни фарқласа бўлади.(қаранг: С.5).

Сифатий назариялар кўпроқ инсоншунослик, маънвий оламни ўрганадиган фанларда ишлаб чиқилган. Бу соҳаларда ҳодисаларни индивидуаллик ҳислатлари тадқиқотларда муҳим ролни ўйнайди. Айтайлик, санъатшуносликда романтизм йўналишини ўрганадиган назария уни, яъни романтизмни бадиий стиль (тарз) сифатида хусусиятларини тушунтиради, унга хос индивидуал жихатларни тадқиқот этади.

Миқдорий назариялар кўп унсурли объектларни ўрганишда қўлланилади. Масалан, социологияда «Социометрия» деб аталган назарий йўналиш мавжуд. Социометрик кичик ижтимоий гуруҳлардаги индивидларни ўзаро муносаботини миқдорий жиҳатлари ўрганилади. Индивидларни ўзаро муносаботи уч хил ҳолатда: ўзига тортиш (жалб қилиш) - ўзидан қочирадиган, нейтрал сифатларга эга бўлиши мумкин. Шунга мос ҳолда ижтимоий тизимлар ҳам (Российский социологический словарь. с. 528) ўзига жалб қиладиган, ўзидан қочирадиган ва нейтрал сифатларга эга бўлади.

Социометрия мана шундай тизим ва муносаботлар доирасида инсонларни бир - бирларига бўлган эмоционал - психик муносаботларни миқдорий қонуниятларини ўрганади.

Фанларда математикалаштирилган назариялар ҳам мавжуддир. Бунини ёрқин америкалик олим Х. Шеннон яратган ахборот назариясидир. Бу назария алоқа камида ахборотни узатишни миқдорий қонунларини ўрганади. Математикалаштирилган назариялар асосан оммавий жараёнлар ҳолати ва динамикасини тадқиқот қиладилар. Эҳтимоллик назарияси, математик статистика, экнометрия кабилар математикалаштирилган назариялар қаторига киради.

4.Тафсилотли ва тушунтирувчи назариялар.

Тафсилоти назариялар асосан объектни тафсилотини берадилар. Ботаникада энтомологияда бундай назариялар кўп назариялар кўп ишлаб чиқилган бундай назариялар объект қандай белгиларга эга, улар қандай ҳолатда мавжуд эканлигини тавсифлайдилар.

Тушунтирувчи назариялар объектларни, улардаги ҳодиса ва қонуниятларни сабаб ва оқибат занжири кўринишида намоён бўлишини тавсифлайди. Ҳолатни, ҳаракат ва тараққиётни сабабий қонуниятларини очиб беради.

5.Генетик ва тизимли назариялар.

Генетик назариялар объектларни келиб чиқиши ва тараққиётни тавсиф этади, тушунтиради. Масалан, биологияда эволюцион назария.

Тизимли назариялар объектни тузилиши ва функцияларини тизимли ёндашув нуқтаи назарда туриб тадқиқот қилади.

Математика ва физика фанларида ишлаб чиқилган кўпчилик назариялар тизимли хусусиятга эга. Тизимли назарияларни

концептуал (илмий - ғоявий) заминини дедуктив аксиома ва қоидалар ташкил қилади.

10 - машғулот. Назарий тадқиқотнинг асосий кўринишлари (2 соат)

Р е ж а:

1. Тажрибавий ва назарий тавсифлар
2. Тавсиф ва тавсифли қайта тиклаш (назарий реконструкция)
3. Тушунтириш, тушуниш ва башорат қилиш
4. Ижтимоий ҳодисалар ни олдиндан айтишни (прогнозлашни) хусусиятлари

1.Тажриба ва назарий тавсифлар

«Тавсиф» сўзи - сифат, белгиларнинг баёни, таърифи, тасвирини англатади.

Илмий билишни эмпирик даражасида тавсифни роли жуда катта. Кузатиш олиб бораётган олим дастлабки илмий маълумотларни тартибга келтириш учун объектни тавсифини беради. Кейинчалик бу тавсиф назарий таҳлилни замини бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотни самарали бўлиши кўп жihatдан олимни фаоллиги, у қўллаётган воситалар, ҳаёт тавсифида билиш ва маҳорат, мантикийлик ва интуитив амалиёт ва назария муштарак ҳолда мужассамланади.

Айни пайтда тажрибани, яъни, олимни индивидуал фаолиятини чекланган томонлари бор. Бу томонлар субъектни идрок қилиш, кузатиш имкониятларини чекланганлиги билан белгиланади. Кўп ҳолларда объект ёки ҳодиса «тоза» ҳолда намоён бўлмайди, чет таъсирлар билан хиралашади.

Тажрибани хусусан, индивидуал тажрибани чеклангалигини бартараф этиш йўли экспериментини ўтказишдир.

Кузатишга асосланган тажрибадан экспериментни фарқи шундаки, унда ўрганилаётган объект сунъий шароитга қўйилади, содир бўлаётган жараёнлар турли техник воситалар орқали бошқарилади. Натижада олимлар назарий таҳлил учун зарур бўлган аниқ маълумотларга, илмий фактларга эга бўладилар.

Назарий тавсиф воқеани қандай содир бўлганини тасвирлайди, жараёни конкрет динамикасини батафсил тафсилот орқали очиқ беради. Ўз навбатида назарий тавсиф назарий тадқиқотни бир турини ташкил қилади.

Назарий тадқиқот объектни тавсифини берадиган, унинг сабабий қонуниятларини ва хоссаларини тушунтирадиган илмий таълимот ёки назарияни ишлаб чиқиш билан яқунланади.

2. Тавсиф ва тавсифни кайта тиклаш

(назарий реконструкция)

Тавсиф эмпирик тадқиқот босқичида қўлланиладиган усулдир. Тавсифда кузатиш ва эксперимент натижаларни таафсилоти берилади. Тавсифлаш - предметни белгилари ва хусусиятларини баён қилиб бериш демакдир. Тавсифда нафакат биринчи даражали, балки иккинчи даражали, муҳим бўлмаган хислатлар тафсилоти ҳам берилади.

Тадқиқот предметини тавсифлашда бир катор қоидаларга риоя қилиш керак.

Тавсиф таъриф эмас, у фаолият натижасини баёнидир. Лекин айрим пайтларда таърифни беришни имконияти бўлмаганда, предметни тавсифини берадилар.

Тавсиф матн, сурат, сонлар схемалар, символлар орқали тузилиши мумкин. Тавсифни турлари қўш: структуравий функционал, генетик - тарихий сифатий, микдорий ва ҳоказолар. (қаранг –С.1).

Тавсиф назарияни боши. Тавсифдан умумлаштириш орқали тушунчага ўтилади, яъни тушунчани таърифи берилади.

Тавсифли, кайта тиклаш - объекти моделини тузиш.

3. Тушунтириш, тушуниш ва башорат қилиш.

Тавсифдан кейин келадиган ва мантикий структураси мураккаб бўладиган тадқиқот усули тушунтиришдир.

Тушунтириш объектни моҳиятини, қонуниятларини очиқ берадиган усулдир.

Тушунтириш турли қўринишда мавжуд бўлиши мумкин. Унинг битта қўриниши илмий тушунтиришдир.

Илмий тушунтириш иккита талабга жавоб бериши керак:

- 1) адекватлиги, воқеликни мумкин қадар аниқ, инъикос этиш хислати.
- 2) қатъиян қайта текшириш мумкинлиги хислати (бевосита ёки ўзини оқибатлари орқали). (қаранг –С.2)

Ўзини мантикий структураси жикатдан тушунтириш мулоҳаза ёки ҳулоса бўлиб, улар асос бўла оладиган ҳукмлар дан иборатдир. Тушунтириладиган нарсани экспланандум дейилади. Экспанандум - шундай ҳукмлардан иборатки, улар тушунтиришга муҳтож объектни тавсифини, асосини берадилар.

Тушунтирадиган хукмлар эксплананс деб аталади. Экспланансга доир хукмлар экспланандум хукмларини асослаб беради, ўзида конун ёки тамойил бўлгани учун экспланандум хукмини эксплананс хукми билан боғлайди, айримликдан умумийликка ўтиш содир бўлади.

Тушуниш - маъноси ўзлаштириш ёки пайдо қилиш фаолияти.

«Тушуниш» тушунчасига биринчи марта Шлейр – Махер категориал маком берди. Унинг фикрича тушуниш матнни асосий гоёсини тиклашга ҳар атилган тушунтириш жараёнида маънони излаб топиш, уни чиқариб олиб ташлаш фаолиятидир. Тушунишни фалсафий ва гносеологик жихатларини герменевтика фалсафаси очиб берди.

Тушуниш орқали инсон борликни тавсифлайди, маъноларни очиб ташлайди. Герменевтиклар тушунишни икки турини фарқлайдилар:

1. Предметни мазмунини очиб берадиган изланиш;
2. Маданий маънавий предметларнинг тавсифини берадиган белгиларга, атамаларга маъно бериш.
3. Тушунтириш ва тушуниш ходисалар ини тараккиётини, келажакдаги ҳолатларини башорат қилиш имкониятини беради.
4. Башорат қилиш - келажакда содир бўладиган ходиса хусусида фикр билдириш. Башоратли имкон этадиган омил - борлик қонуниятларини, боғланишларни, сабаб - оқибатли мунособотларни, қайтариловчи қисмларни мавжуд бўлишидир.

Ҳар қандай башоратда эҳтимолли тахминлар мавжуд бўлади.

4. Ижтимоий ходисаларни олдиндан айтишни ўзига хос хусусиятлари.

Ижтимоий ходисаларни башорат қилишни унлаб соҳалари мавжуд. Ҳар бир соҳадаги олдиндан айтишни, прогнозлаштиришни ўзига хос хусусиятлари бор.

Лекин уларни бирлаштирадиган, ва ижтимоий ходисаларни олдиндан айтишни ўзига хослигини кўрсатадиган ҳислатлар ҳам бор. Бу олдиндан айтиш (башорат) ва қарор чиқариш (бошқар иш), мақсад ва фаолият ўртасида юксак, жадаллашган алоқани борлигидадир.

Табийй фанларда башорат ва объект ўртасида алоқа деярли йўқ.

Жамиятда аҳвол бошқача. Олдиндан айтиш (прогноздан) олинган ҳулоса кишиларни фаолиятига, келажакка йўналган тизимни ҳолатига таъсир кўрсатади.

Шу боис ижтимоий башоратлар мутлақ характерга эга эмасдир.

Айни пайтда ижтимоий башорат жамиятни такомиллаштириш максadini оширишда катта ахамиятга эгадир.

Охиги пайтларда инсоният цивилизацияси пайдо килаётган ялпи ва уларни башорат килиш муаммолари кўтарилмокда.

Рим клуби, Форрестор, Паччеи, Медоуз каби олимлар инсон жамияти тараккиётини ташки чегараларини аниклаш учун кенг микёсли тадқиқотлар ўтказишди.

Паччеини фикрига инсон тараккиётини какикий чегаралари физик шароит эмас, балки экологик, биологик, хатто маданий омиллар билан белгиланади. (қаранг –С.3).

Ички чегара - аклини кобилияти билан белгиланади. Аклга таъсир этувчи омиллар кўпаймокда: стресслар, ечилиши кийин бўлган муаммолар, кимёвий препаратлар - овкат ва хавони таркибида бўлган моддалар шулар каторига киради.

11 – Машғулот. Фанни ташкил қилиш шакллари.

Режа:

1. Фан ижтимоий фаолият томони ва натижаси сифатида.
2. Фаннинг ташкил қилиш шакллари.
3. Илмий жамоа
4. Илмий мактаблар ва илмий жамоалар.
5. Ўзбекистонда фанлар Академияси.

1. Фан ижтимоий фаолиятни томони ва натижаси сифатида

Фан кўп сифатли ижтимоий ҳосиладир. Ижтимоий тизим сифатида фан ижтимоий уюшмани бир кўринишини ташкил қилади. Бу уюшмани ҳар акатлантирувчи кучи - олимларни фаолиятдир. Олимларни фаолияти эса ижтимоий ва индивидуал ишлаб чиқаришни бир туридир. (қаранг –С.1).

Олимларни фаолияти кўринишига эга бўлган ижтимоий ишлаб чиқар иш ижтимоий институт ва уюшма бўлган фанга ўз-ўзини ташкил қилувчи тизим хислатини беради. Фан ижтимоий институтга айланганда, аниқроғи, назарий билиш мустақил ижтимоий ишлаб чиқар иш соҳасига айланганда унда маълум анъана, илмий мактаб илмий ғоялар ворислиги пайдо бўлади. Мана шу жараёнлар фанни нисбий мустақил ижтимоий уюшмага, ўз - ўзини ташкил қилувчи тизимга айланишига таъсир кўрсатадилар.

Демак, фанни ўз - ўзини ташкил қилувчи тизимга айлантирувчи омиллар кўйидагилар бўлган: илмий билишни назарий фаолиятни ихтисослашган турига айланиши: тадқиқот ўтказиш, илмий фаолият, олимлар ўртасидаги муносабат, фанни ташкил қилиш, илмий

тадқиқот натижаларини умумлаштириш, узатиш ва амалиётга татбиқ қилиш соҳасида анъаналарни пайдо бўлиши: илмий мактабларни пайдо бўлиш ва ривожланиши: фанлараро илмий коммуникациялар тизимини вужудга келиши: фанни давлат томонида қўллаб қувватланиши ва бошқалар. (қаранг –С.2).

Мазкур тизимни ушлаб турадиган куч асос ижтимоий фаолиятидир.

Фанни мавжуд қилиб турадиган ижтимоий фаолият икки турга бўлинади:

1. Фанни ташкил қилиш фаолияти.
2. Илмий тадқиқот фаолияти. (қаранг. –С.3)

Фанни ташкил қилиш масаласида битта нарсага эътибор бериш керак, яъни, фанни ижтимоий институт сифатида жамиятда стихияли равишда аста - секин шаклланиши ва фанни тараққий эттириш учун бажариладиган ташкилотчилик фаолияти. Булар бири-биридан фарқ қиладиган жараёнлардир. Жамиятни ичида фанни ижтимоий институт ва маданиятни жабҳаси сифатида вужудга келиши ва ривожланиши асрлар давомида содир бўладиган ижтимоий фаолиятни натижасидир.

Фан тизим сифатида пайдо бўлгандан кейин уни келгуси тараққиёти олимларни ташкилотчилик фаолиятига боғлиқ.

Илмий тадқиқот фанни келтирадиган ижтимоий фаолиятни бир кўринишидир.

Агар фанни ташкил қиладиган фаолият уни тизим сифатида мавжуд қилиб, илмий тадқиқот фаолияти фанни тараққий эттиради, бир сифатли даражадан иккинчисига ўтиш учун ҳар акатлантирувчи куч ролини ўйнайди.

Фанни ташкил қилиш фаолияти ва илмий тадқиқот фаолияти бир - бири билан узвий боғланган жараёндир.

Биринчиси илмий тадқиқот учун нафақат шароит яратади, балки уни натижаларини узатиш механизмини, мулоқот ва анжуманлар тизимини, илмий алоқалар каналини ташкил қилади.

Ўрта Осиёда вужудга келган мадрасаларда асосан диний билимлар ўқитилган бўлсада, баъзида илғор мударислар томонидан дунёвий фанлар, чунончи, математика, астронимия, география, тиббиёт элементларидан ҳам таълим берилган. Академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар Шарқ мамлакатларида VIII – IX асрларда таркиб топа бошлаган. Европада бундай жамиятлар 15-16 асрлардан бошлаб ташкил қилинган. Фаннинг ривожланиши учун имкон яратиш ва уни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Илмий муассасаларни бир жойга жамлаш ва марказлаштириш умуммиллий ҳамда халқаро илмий ташкилот, марказларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Фан дунё ҳақидаги объектив билимлар системаси; ижтимоий онг шаклларида бири. Тарихий тараққиёт жараёнида, айниқса илмий техника ревалюцияси даврида фан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига айланиб боради. Фан табиат, жамият ва тафаккур ҳақида янги билимлар ҳосил қилишда, то уларни тадбиқ қилишгача бўлган фаолиятини ўз ичига олади.

Фан билан санъат, дин ахлоқ ўртасида муайян муносабат мавжуд. Масалан фан динга қарама-қарши. Фан объектив воқеиликни ўрганади, дин ғайри табиий, ҳаёлий заминга ишонади. Аммо ҳозирги даврда фан улкан ютуқларга эришган шароитда дин фан натижалари билан келишишига мажбур. Санъат билан ахлоқ фанга ижобий ёндашади.

XIV аср ўрталарида фаннинг энг умумий шакли ва методологияси бўлган фалсафада ревалюцион ўзгаришлар содир бўлди.

XX асрда ихтисослаштирилган тадқиқот муассасалари кенг тараққиёт этди. Фан соҳалари бўйича илмий марказлар ташкил этилди.

Ҳозирги фанларнинг умумий классификацияси илмий билимнинг уч асосий қисми – табиатшунослик, ижтимоий фанлар ва фалсафанинг ўзаро алоқадорлигини очиқ беришга асосланган. Фаннинг уч асосий қисмидан ташқари унинг бошқа йирик қисмлари мавжуд. Масалан: табиий ва ижтимоий фанлар ўртасида математика туради. Барча уч асосий қисмлар ўртасида мустақил фан сифатида табиий-тарихий ва ижтимоий жиҳатдан инсон психик фаолиятини ўрганувчи психология туради.

Фан системадир. Бу система йўналишига кўра фундаментал ва амалий фанларга ажратилади. (қаранг.-С.4).

Фундаментал фан – табиат, жамият ва тафаккур қонунларини ўрганади.

Амалий фан фундаментал фан натижаларини фақат билим жараёнига тадбиқ этиб қолмай, балки ижтимоий амалий масалаларни ҳал этишга ҳам тадбиқ этади. Фундаментал фанлар амалий фанлардан аввалроқ ҳаракатда бўлиб, уларга назари имконият яратади.

Диалектик матуриализм – фан тармоқларининг синтез қисмининг фундаментал назариясидир.

Ҳозирги замон фани юксак даражада кўтарилмоқда. Элементар зарралар дунёси, молекула биологияси дунёси, галактикалар, квазарлар, пульсарлар ва бошқа фанларнинг объекти бўлган материянинг янги кўринишларидир.

1943 йил Ўз.ССР.Ф.А. ташкил топган.

Ф.А.га тегишли кашфиёт мавжуд. Бу кашфиётда илмий асарлар, илмий тадқиқот ишлари нашр этилади.

Фан кашфиётда «Гелиотехника», «Химия природных соединений» (Табиий бирикмалар кимёси), Фанлар академиясининг ахбороти, Ўзбекистон химия журнали, Ўзбек тили ва адабиёти илмий журналлари, «Фан ва турмуш» илмий оммабоб журнали нашр этилди.

Фан доктори – илмий даража. Биринчи марта 1130 йили Балония университети томонидан берилган. Россияда 1819 йил жорий этилди, магистр даражасини олган ва докторлик диссертациясини ёқлаган шахслардан биридир. Илмий тадқиқот фанни келтирадиган ижтимоий фаолиятни бир куринишидир.

Агар фанни ташкил қиладиган фаолият уни тизим сифатида мавжуд қилиб, илмий тадқиқот фаолияти фанни тараккий эттиради, бир сифатли даражадан иккинчисига ўтиш учун қарқатлантирувчи қуч ролини ўйнайди.

Фанни ташкил қилиш фаолияти ва илмий тадқиқот фаолияти бир - бири билан ўзвий боғланган жараёндир.

Биринчиси илмий тадқиқот учун нафакат шароит яратади, балки уни натижаларини ўзатиш механизмини, мулоқот ва анжуманлар тизимини, илмий алоқалар каналини ташкил қиладди.

2.Фанни ташкил қилиш шакллари

Фанни ташкил қилиш уни ижтимоий институт сифатида илмий тадқиқот фаолиятини зарурий структуравий муассасаларни яратиш шаклида тараккий эттиришни билдиради.

Фанни ташкил қилиш шакллари 2 томондан - тарихий ва мантикий –структуравий ёндашув нуқтаи назардан қўриб чиқиш мумкин.

Фанни ташкил қилишни тарихий жиҳатга назар ташласак, унда Платон академияси, Аристотельни Лецеони, Александрни Музеонини, Халиф ал Мамунни Байт ал - Хикмаси. ХУП асрда Европада ташкил топган Академияларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Структуравий жиҳатдан ёндошсак, фанни ташкил қилишни қўйидаги қўринишларини ажратиб олиш мумкин.

- 1) Академик фан
- 2) Университет фани:
- 3) Фундаметал фанлар институти
- 4) Амалиёт фанлари – конструктор бюролар, фирма фани
- 5) Тармоқлараро илмий муассасалар

- б) «Кўринмас коллежлар»- муаллифдош уюшмаси: стажировка ва тажриба Алмашиш, мактаб - семинар ва бошқалар. (қаранг –С.5)

Илмий муассасаларни ташкил қилиш, илмий тадқиқот ишларини меҳнат тақсимооти асосида ривожлантириш изланиши самарадорлиги ва потенциалини юксалтиради.

Ҳозирги пайтда фанни ташкилий унсурлари фан - техник ва компьютер технологияси асосида ривожланмоқда.

3. Илмий жамоа

Илмий жамоа ижтимоий уюшманинг бир қуринишидир. Ижтимоий уюшмалар маълум фаолиятини биргаликда амалга ошириш йулида ташкил этилган бирликлардан иборат. Улар табиий - тарихий (сила, уруг, қабила ва боиҳалар) ва ижтимоий -функционал (ихтисослашган) фаолиятни амалга оширишга қаратилган) характерга эга бўлиши мумкин. Ижтимоий-функционал уюшмалар жамиятнинг ички таркиби ва структурасига кдраб хилма-хил бўлиши мумкин:

Ижтимоий - сиёсий, маданий - маърифий, ташкилий, диний касбий ва ҳоказо уюшмалар мавжуддир. Буларни барчаси жамиятни турли жабҳаларида содир буладиган ижтимоий фаолият ва меҳнат тақсимооти, ихтисосланиш жараёнларини оқибати ва натижасидир.

Жамоа онгли равишда ташкил этилган, маълум мақсад асосида бирлашган ва фаолият курсатадиган кишилар уюшмасидир. Шундай уюшмалардан бири - илмий жамоасидир. Унда одамларни барқарор бирлиги, умумий мақсад, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам, бериш, уз-узини ташкил қилиш ва тартиблаштириш, хатти-ҳаракат ва фаолиятни уйғунлаштирувчи кридалар, русумлар, қадриятлар каби ҳислатлар мавжуддир.

Жамоани структурасида қуйидаги мунособотлар бир-бирига таъсир қилиб туради:

- а) Ишлаб чиқилган ёки қилишилган қоидаларга риоя қилиш мунособоти:
- б) Шахслар аро муносаб.
- в) Функционал муносаб.

Илмий жамоани вазифаси - тадқиқот жараёнида янги фактларни очиш, турли алоқадорлик ва қонуниятларни кашф этиш ва тушунтириш, илмий қадриятларни ижод этиш.(қаранг: С.6).

Бу вазифани бажариш илмий фаолиятда меҳнат тақсимоотини таъъин этади.

Меҳнат тақсимооти эса иерархик, қаватма-қават бошқариш ва бўйсиниш мунособотини келтириб чиқаради.

XX асргача табиатан, яъни, ихтисоси бир хил булган илмий жамоалар кенг тарқалган. Ҳозир аралаш интегратив жамоалар купаяди. Бунга фанлар интеграцияси ва деференцияцияси катта таъсир курсатмокда.

Илмий жамоа фаолиятини самарадорлиги бир канча омилларга боглик;

3. Радбарни ташкилотчилиги ва ижодий потенциали:
4. Жамоа аъзоларини уртача ёши, уларни ижодий потенциали: оптимал ёш 30-39; то 44 гача
5. Жамоа аъзоларини микдори
6. Жамоани информацией янгишшклар, услубий ва техник воситалар билан таъминланганлиги ва бошқалар.

Микдор жихатдан маълум муаммони ечиш борсида 6-7 кишилик жамоа оптимал яъни осилена сифатга эгадир. Фаннинг асосий булинмаси илмий-тадқиқот институтидир. У хўжалик, маъмурий ва илмий мустакилликка эгадир, йирик. илмий - техник муаммоларни ечишга кодир.

Х.ар бир институт ва унинг жамоаси яна кам майда булакларга булимлар, секторлар, лабораториялар ва гуруҳларга бўлинадилар.

Табиий техник фанлар буйича иккинчи салохиятли булинма лаборатория, ижтимоий - гуманитар фанлар буйича булим ва секторлар. Илмий билиш, тадқиқот асосан ана шу булимларда олиб борилади, илмий муаммолар ҳал этилади.

Барқарорлик жикатдан илмий жамоалар беш хилга булинадилар:

- 1) Институт ва лабораториялардаги доимий жамоалар. Буларни таркибида вақт утиши билан, айрим шароитлар таъсирида узгаришлар булади, лекин узаги ядроси сакданади.
- 2) Маълум илмий муаммо атрофида бирлашган анча вақтга мулжалланган вақтинча характердаги илмий жамоа.
- 3) Илмий анжуманлар доирасида вужудга келган муаммоли, киска вақтда фаолият курсатадиган гуруҳлар, конференциялар, мактаблар.
- 4) Расмий илмий жамоалар
- 5) Норасмий илмий жамоалар (қаранг: С.7).

Илмий жамоани ижодий самарадорлиги бошқариш ва қаррр қабул қилиш тарзига ҳам богликдир. Бу жикатдан илмий жамоаларни қ.уйидаги таснифи адабиётларда берилади:

1) Автократик куруниш. Барча қарорлар раҳбар томонидан қабул қилинади. Мавзуларни танлаш, мек.натни бақрлаш, х.исобот, кадрлар ташлаш - раҳбарни елкасида:

2) Машваратли куруниш - масалалар буйича ходимларни фикрлари йигилади, лекин якуний қарорни қабул қилади.

3) «Қупчилик овози» қўруниши. Қарорлар муҳокамадан кейин қупчилик овозбилан қабул қилинади.

4) «Вето» (такиқдаш) куруниши - қарорлар бир овоздан қабул қилинади, биронта эътироз бўлмаслиги лозим.

5) Анархик куруниш - жамоада марказий раҳбарлик йук., гуруҳ ҳар хил йуналиш ва эркинликка эга тадқиқотчилардан иборат, жамоа умумий стратегик йуналишга эга эмас.(қаранг: С.8).

Шундай қилиб, илмий жамоа мураккаб ижтимоий ходисадир.

Илмий жамоани функцияси ижтимоий гуруҳ ва жамиятни манфаатини эҳтиёжини қрндиришдир.

Жамоадаги авозлар уртасида алоқадорлик ва ҳамкорликни қучайиши ижодий потенциални оширади, етук шаклланишини қурсатади.

Уз фаолияти жараёнида илмий жамоа маълум ритмга, даврийликка бўйсинган ҳолда бир қанча босқ.ичлардан ўтади. Бу тугилиш ва шаклланиш, юксалиш ва тараққиёт, таназзулга ўчраш босқ.ичларидир.

Айни пайтда илмий жамоа ҳаётида қонфликтлар ҳам бўлиб туради.

Соғломлар қонфликт бўлиши мумкин.Илмий жамоани муҳим муаммоларидан бири-қасбий ихтисосланишдир. Бу қан таракқийетини тезлаштирадиган омилдир.

Илмий жамоа билан бўлган қан таракқийетини боққа омили ва раҳбар уртасидаги муносабатлардир. Жамоа ишига раҳбарлик қилиш тарзи ундаги ахлоқий - рухий ҳолатни белгилайди.

Рухиятшунослиқда раҳбар олим шахсиятини тушунтириш масаласида турли хил қонцепциялар мавжуд. Америкалик рухиятшунос Р.Кэттелни фикрича раҳбар олимда уртача қрбилиятли инсонга Қараганда иқзотомик қупрок., эмоционал ҳрлати жих.атидан сезгиррок., вазиятини қуқур ^згартиришга қрдир, тасаввури ва қонцепциясига асосланиб ўзини қатти - ҳаракатини қаттик. назорат қила олади.

Илмий жамоани ижодий фаолияти ўқта тарқибий қисмдан иборат:

1. Тадқиқотқини шахсияти (индивидуаллигини)

2.Раҳбарни фаолияти

3. Гуруҳ ёки жамоа фаолияти (қаранг: С. 9).

4.Илмий мактаблар ва жамоалар

Фанда ижодиётни ижтимоий хислатини курсатувчи белгилардан бири илмий мактабдир. Мактаб - янгилашни ва ворислик уртасида боғланишни таъминлаб берадиган ижтимоий хосиладир.

«Мактаб» сузи учта маънога эгадир:

- 1) Укув - тарбиявий муассаса. Бериладиган билимлар характерга к.араб умумий таълим ва касбий, таълимни даражасига к.араб-бошлангич, туликсиз урта ва олий, динга булган муносабатга караб дунёвий ва диний мактаблар булади.
- 2) Таълим тизими (педагогик, маънавий-маърифий ва боиҳалар), малака ошириш мактаби, олинган тажриба:
- 3) Умумий дунёкараш ва тамойилларга асосланган, гоъвий ва илмий йуналиш.

Илмий мактаб фанда амал к.иладиган ижтимоий институт булиб, унда ижтимоийлик ва шахсиятлик, ижодий янгилашни ва гоъвий ворислик устоз ва шогирдни бирлиги мужассамланган.

Илмий мактаб фан таракқиётини муҳим ижтимоий механизмидир.

Бу механизмни марказий бугини мактаб раҳбаридир.

Илмий мактаб расмий илмий жамоа ёки норасмий уюшма шаклида мавжуд булиши мумкин. Фалсафада мактабни норасмий куриниши Сукрот ва унинг аъзодошлари фаолиятида намоён булган.

5.Ўзбекистонда Фанлар Академияси.

^

1943 йилда Ўз.Фан асосида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинди. Ўша пайтда унинг таркиби ўн илмий тадқиқот институти фаолият кўрсатган. Академияда 11 ҳақиқий аъзо, 18 мухбир аъзо, 3 фахрий аъзо бўлган.

Унинг масалаларида 210 илмий ходим, шу жумладан 28 фан доктори, 80 фан номзоди ишлаган.

40 йилларнинг 2-ярмида республика олимларининг фаолияти хўжалик, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳаларнинг ривожлантиришга қаратилди.

40-50 йилларда Ўзбекистонда травматология ва ортопедия институти, математика институти, энергетика институти, математика институти, иншоотлар институти, сув муаммолар институти, чорвачилик институти, Ўрта Осиё геология ва минерал хомашё институти, гематология ва қон қуйиш институти; +орақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти,

Ўзбекистон ФА. нефт ва газ конлари геологияси ва разветкаси институти, ўлка тиббиёт институти ва бошқа институтлар ташкил этилди.

1958 йил Тошкент шаҳри яқинида ядро реактери қурилди. 60-70 йилларда илмий муассасаларнинг табиий-ижтимоий фанлар соҳаларидаги бутун фаолиятини республика иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақазо этган янги турмушлар очилди. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги низоми тасдиқланди. Ўзбекистон Президенти 1992 йил 8 июлдаги фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Фаннинг ривожланиши Давлат томонидан қўллаб қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақидаги» қарори мамлакатда фанни ривожлантиришга катта аҳамиятга эга бўлди. Республика олимларининг хорижий мамлакатларига тажриба оширишга алоҳида эътибор берилди. Илмий ечимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиш ва тарқатиш мақсадида ФА негизида «Ўзбекистон ФАНТ» республика илмий ишланмалар инновация тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон республикаси президентининг фармонига биноан Республика Вазирлар маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (ОАК) ташкил этилиши билан фанлар академияси мавқеи ортди. Фанлар академиясининг ҳозирги босқичда илмий тадқиқот муассасаларининг бозор иқтисодиёти шароитларида назарий ва амалий иш олиб боришга тобора кўпроқ эътибор бераяпти. Академия илмий бўлимлари хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, илмий тадқиқот муассасалари, ташкилотлар ҳамда корхоналарнинг илмий техника маҳсулотлари ва хизматларини кенг жорий этишни анализ фаолиятидан олинаётган маблағларни назарий фанларни мустаҳкамлашга, ходимлар тайёрлашга фан ходимларининг ижтимоий муҳофазаланганлигини оширишда фойдаланиш йўллари белгиланаяпти ва аниқлаштириляпти. Ўзбекистонда фан ва техника маданият, маърифат соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширувчи олий илмий муассасалардир. Фанлар академиясининг энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар дастурларини ишлаб чиқаради. Устивор илмий

йўналишларни белгилайди ва ишлаб чиқарилади. Ўз тасарруфидаги муассасаларнинг ташкилий ва таркибий масалаларни ҳал этади.

Ўзбекистон ФА: табиий, техникавий, тиббий, ижтимоий гуманитар фанлари соҳасида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожига кўмаклашувчи фундаментал тадқиқотлар ўтказди. Фан ва техника соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди. Табиат, жамият ва инсоннинг ривожланиши, миллатлар, миллий маданиятлар, давлат ва миллий муносабатларнинг ривожланишининг муаммоларини, таълим ва маърифат масалаларини ўрганади. Янги техника, замонавий технологияларни ва улардан амалиётда фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқишни амалга оширади. Илмий ишланмалар амалиётга жорий этилишига, халқ хўжалигининг илм фанни кўп талаб қилувчи тармоқлари ривожлантирилишига, жаҳон фани ва техника сиёсатларининг умумлаштирилишига ва улардан фойдаланишга кўмаклашади; илмий кадрлар, шу жумладан докторунтура ва аспирантура йўли билан тайёрлаш.

Уларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни олиб боради ва олимларнинг самаралииждий фаолияти учун қулай шарт-гароитлар яратади. Хорижий мамлакатларнинг академиялари, илмий тадқиқот муассасалари билан халқаро илмий ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Фанлар Академияси илмий-тармоқ ва ҳудудий тамойиллар бўйича тузилади.

Илмий тадқиқот бўйича Ўзбекистон ФА.да 8 та бўлим бор: физика, математика фанлари бўлими, механика бошқариш жараёнлари ва информатика фанлари бўлими, кимё технология фанлар бўлими, биология фанлар бўлими, тиббиёт фанлари бўлими, иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими, тарих, тил ва адабиёт фанлари бўлими.

Ўзбекистон ФА ҳудудий жиҳатдан +арақалпоғистон бўлими ва Самарқанд минтақавий бўлимига эга. Ҳар қайси бўлимига тегишли соҳалар бўйича илмий тадқиқот институтлари бириктириб қўйилган.

Фанлар академиясининг илмий тадқиқотлар муассасаларида 3338 нафардан зиёд илмий ходим, шу жумладан 500 дан ортиқ фан доктори, 1552 фан номзоди ишлайди. Академия таркибида 18 академик, 86 мухбир- аъзо фаолият кўрсатади.

Халқаро миқёсда Ўзбекистон республикаси ФА. 40 тадан ортиқ мамлакатнинг илмий ташкилот, жамият, муассаса ва университетлари билан илмий алоқалар ўрнатиб, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон республикаси ФА. 15 мамлакат академияларини бирлаштирувчи фанлар академиялари халқаро ассоциациясининг ҳамтаъсисчиси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, олимлар томонидан ишлаб чиқарилган янги технологияларни қўллаш борасида бир қанча хорижий фирмалар, хусусан «Нилпостин» (Япония), «Темнам» (Малайзия), «Сандоз-Агро» (Швейцария), «Латоксан» (Франция), фирмалари билан биргаликда иш тутиш академия илмий фаолиятида янги қадам бўлди.

ФА.нинг президентлари Ўзбекистон республикаси Президентининг таклифига асосан очик овоз бериш натижасида умумий мажлис аъзоларининг кўпчилиги овози билан ФА. аъзолари орасида сайланади.

Ўзбекистон ФА. президентлари:

И.Н. Қори Ниёзий (1943-47)
Т.А. Саримсоқов (1947-52)
Т.З. Зоҳидов (1952-56)
Ҳ.М. Абдуллаев (1956-62)
У.О. Орифов (1962-66)
О.С. Содиков (1966-84)
П.+. Ҳабибуллаев (1984-88)
М.С. Салоҳиддинов (1988-94)
Ж.А. Абдуллаев (1994-95)

Т. Жўраев 1995 йилдан бошлаб президентлик вазифаларини бажармоқдалар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси.

Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги бўйича Олий илмий муассасалар қиради. Дастлаб қишлоқ хўжалиги фанлар академияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлиги таркибида тузилиб, 1952-62 йилларда иш олиб борган. Ўзбекистон президентининг 1991 йил 11 июндаги фармони билан собиқ ВАСХНИЛ.нинг Ўрта Осиё бўлими негизида ташкил этилган. Таркибида 13 бўлим, 17 илмий муассаса бор.

Академиянинг 18 ҳақиқий аъзоси, 26 мухбир аъзоси, 4 фахрий аъзоси бор. Унинг илмий муассасаларида 1147 илмий ходим, жумладан 68 фан доктори, 521 ариш бирлашмалари ва илмий тадқиқотлари институтлари директорларининг фан номзоди ишлайди.

Академиянинг олий раҳбар органи академиклари ва мухбир аъзолар, илмий ишлаб чиқ умумий мажлиси. Умумий

мажлис Академия Президиумини сайлайди. Умумий мажлислар ўртасида академия фаолиятига Президиум раҳбарлик қилади. Академиянинг биринчи президенти А.И.Имомалиев (1991-1993) 1993 йилда Академия президенти вазифасини бажарувчи академик С.Н.Усмонов қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича илмий сессиялар материалларини, академия илмий тадқиқот институтларининг илмий асарларини, илмий тўпламлар, библиографик кўрсаткичлар нашр этади.

12 - машғулот. Фан маданият тизимида

Р е ж а:

1. Фан ва маданият
2. Фан маданият тизимида
3. Инсон борлиқни моддий ва маънавий ўзлаштириш жараёнида маданий қадриятларни яратади.
4. Фаннинг маънавий маданиятни тараққиётидаги роли.
5. Ўзбекистонда фан ва маданият равнақи истикболлари

1. Фан ва маданият.

Фанда илмий - назарий, технологик ва тажрибада қўлланиладиган ва лойиха шаклида мавжуд бўлган қадриятлар ишлаб чиқилади.

Маданиятни мохиятли томони - инсон руҳи мужассамланган қадриятлардир.

Шу қадриятларни яратиш эса маданий жараёнaddir. Қадриятларда инсон яратган маънолар, образлар, инсонийлик хислатлар, ўз аксини топади. Шундай хислатлар фан, фан соҳасида ишлаб чиқилган предметларга хосдир.

Мадомики фан қадриятлар ишлаб чиқар экан, демак у маданиятни жабҳасини ташкил қилади. Маданий қадриятларни маданий жараён бўлган фаолият яратади.

Фанда ишлаб чиқилладиган маданий қадриятлар ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу хусусият билимни мохияти ва функциялари билан белгиланади. Билишни моҳияти борлиқни ўрганиш, инъикос этиш ва ижодий ўзлаштиришдан иборатдир. Воқелиқни ижодий ўзлаштириш жараёнида инсон табиатда ўчрамайдиган, субъектив шаклга эга бўлган маънавий қадриятларни яратади.

Маданият – бу қадриятларни яратишга қаратилган фаолият, шу фаолиятни даражаси ва усули, яратилган қадриятли предметлар мажмуаси, ижтимоий ҳаётга тартиб ва маъно берадиган қоидалар, анъаналар ва тузилмалардир.

Мазкур таърифда маданий ҳодисани асосий белгилари кўрсатилган: фаолият, қадрият, тартиб - қоида ва маъно (маънавий мазмун). Бу белгилар маданиятни бир кўриниши бўлган фанда ҳам мавжуддир. Фанда қадриятлар яратиладиган фаолият илмий тадқиқотдир. Қадриятлар ишлаб чиқилган, ғоялар, назариялар ва таълимотлардир фаолият даражаси ва усули тадқиқот олиб бориш даражаси, тарзи, услубий маҳоратдир.

Тартиб қоида илмий тадқиқот фаолиятини тартиблаштирадиган низом ва ахлоқий нормалардир (фан этикаси). Маъно - илмий назария ва ғояларда ифодаланган тасаввурлар, тушунчалардир.

Фанда ишлаб чиқариладиган қадриятлар ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу хусусият билимни моҳияти ва функциялари билан белгиланади. Билишни моҳияти борлиқни ўрганиш, инъикос этиш ва ижодий ўзлаштиришдан иборатдир.

Воқеликни ижодий ўзлаштириш жараёнида инсон табиатда учрамайдиган, субъектив шаклга эга бўлган маънавий қадриятларни яратади.

Мана шу маънавий қадриятларни (тушунчаларни, ғояларни, таълимотларни) яратиш фанда содир бўладиган маданий жараёндир. Фанда ишлаб чиқариладиган билимлар, усуллар, моделлар ва ҳоказолар унинг маданий томонини билдиради.

Фан қадриятларини икки жихати мавжуд:

- 1). Гносеологик- билиш шакллари борлиқни инъикос этади, моделини ташкил қилади.
- 2) Аксиологик билиш шакллари (тушунчалар, тамойиллар, ғоялар) фаолият дастурини унсурига айланадилар, ижтимоий ҳаётни шартига айланадилар, аҳамиятга қадр - қимматга эга бўладилар тажриба алмашиш воситасига айланадилар.(қаранг: С.1).

Фанда маданият бирлиги фаолият дастурини тузиш учун керак бўлган. ижтимоий фаолликни амалга ошириш воситаси бўлган, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга, шу боис, қадр - қиммати бўлган билимдир. Билим эса тушунчалар, тамойиллар ва назарияларда ифодаланади.

Билимни маданий ҳодиса қиладиган хислатлар:

- 1) **Маънавий маъно, мазмунга эга бўлиш:**
- 2) **Фаолият дастурини унсури, қисми:**
- 3) **Инсон яратган сунъий белгилар тизимида ифодаланади, мужассамланади:**
- 4) **Борлиқни ўзлаштириш учун, ташқи ва ички оламни тасвирлаш учун, авлодлар ворислигини таъминланганлиги учун қадриятга эга бўлиши,**

маънавий қадрият сифатида ишлаб чиқилиши ва мавжуд бўлиши.(қаранг: С.1(а)).

Билишни бошқа типдаги маданий - маънавий ҳодисалар идан фарқ қилувчи бир қатор хоссалари бор.

Билишни ўзидан маънавий ва моддий қадриятларни яратиш, амалиётга бевосита татбиқ қилиш учун бевосита фойдаланиш мумкин, мазкур хислати билан фан диний ёки эстетик қадриятлардан фарқ қилади.

Илмий билишни кадр - қимматини оширадиган ва фақат унга хос бўлган бир қанча белгилар бор:

1. Мантиқ қонунларига қаттиқ амал қилиш;
2. Билишни унсурлари тизимли ташкил этилганлиги;
3. Асосланганлиги,
4. Исботланганлиги
5. Махсус ифода қилиш, фаолиятни амалга ошириш воситаларини сунъий тилни, усулни мавжуд бўлиши.(қаранг: С.2).

Фан билим ижтимоий борлиқни, инсон яратадиган маданий оламни шаклланишида катта роль ўйнайди.

Шундай қилиб, фан, билим ўзига хос маданий ҳодиса бўлиб уларни маданий жихатлари маданий ҳаётни қуриш воситалари бўлганлигидан келиб чиқади.

Фан маданий оламни бир жабҳасидир.

Бу оламга фан фақат ўзига хос қадриятлар ва кўникмалар билан киради, ўзини маданий микрооламини тузиб беради.

2.Фан маданият тизимида

Олдинги саволни кўриб чиқишимиздан шу нарса маълум бўлдики, фан ижтимоий институт сифатида ҳам маданий жараёнлар ҳосиласи, ҳам маданий - маънавий қадриятлар яратиладиган муассаса экан.(қаранг: С.3).

Жамиятда бундай маданий жараёнлар ҳосиласи ва айни вақтда маънавий қадриятлар яратадиган тузилмалар ижтимоий ҳаётни турли жабҳаларида мавжуддир. Буларга асосан дин, ҳуқуқ, санъат ахлоқ, фалсафа, каби маънавий соҳалар ва тузилмалар киради.

Фан эволюциясини дастлабки пайтларида унинг маданиятини бошқа тузилмалари билан мунособоти ва алоқадорлиги таъсирчан бўлмаган.

Назарий билим тизими сифатида фан антик даврда анча ривжлаган бўлсада, у амалиёт билан кам боғланган эди.

Жамият миқёсида фанни маънавий ҳаётдаги ўрни салмоқли эмас эди.

Ўрта асрда фанга эътибор жамият, давлат томондан бирмунча кучайди. Турли академиялар, университетлар, ўқув юртлар пайдо бўлди. Лекин маънавий ҳаётда ҳукмдор мавқеини дин, диний онг эгаллаган. Фан ва филоофия, уларни предметлари ва муаммолари диний онг тамойиллари ва парадигмасига бўйсундирилган эди.

Янги даврда фанни моҳияти ва кучини файласуфлар ва олимлар англай бошладилар. Фан фалсафага катта таъсир кўрсата бошлади.

Кейинчалик фан ижтимоий онг шакллари назарий даражаларига ҳам, ахлоқшуносликка, санъатшуносликка, маданиятшуносликка таъсир кўрсатиб, уларни илмий салоҳиятларини кўтарди.

XX асрда юз берган фан - техника инқилоби маданиятни барча жабҳаларига таъсир кўрсатди.

Фанни ижтимоий ҳаётдаги роли кўтариб кетди. Фан ишлаб чиқар иш кучига айланди.

Маданиятни мағзини маънавийлик ташкил қилади. Маънавият эга бир қанча қатламлардан иборат.

а) Назарий онг қатлами:

б) Маънавий қадриятларни ишлаб чиқариш ва уларни фойдаланиш қоидалари, удумлари, анъаналари, қатлами.

в) Қадриятларни амалий ишлаб чиқариш қатлами фан санъат хунармадчилик, лойихалаштириш (дизайн) конструкторлик ва бошқалар.(қаранг:С.4).

Фан ўзини таъсирини маънавияти барча қатламга ўтказиб турибди.

Бир вақтлар черков фанни кувғин остига олган эди. Илмий дунёқараш деб Дж. Бруно жонини қурбон қилган эди.

Фан ХУ1- ХУП асрдан бошлаб ғолибона зафар юритишни бошлади. XX асрда фан маданияти бошқа соҳаларига нисбатан ҳукмдор мавқеини эгаллади.

1900 нчи йилда дунёда 100 миғ олим бор эди. Ҳозир уларни сони 5 млнга етди, яъни ерда яшаётган ҳар минг кишини биттаси олим, назарий тадқиқот билан шуғулланди.

К.Попперни фикрича фан ижтимоий ишлаб чиқариш ва кишилар фаровонлигига бевосита фойда келтиради, фикрлашга ўргатади, тафаккурни ривожлантиради, ақлий энергияни тежамлайди.

Фаннинг хислатлари унинг имкониятларини барттириб юбориш, унга ортиқча баҳо бериш кайфиятига, тасаввурларга олиб келди.

Бундай тасаввурлар сциентизм деб аталган фанни баҳолашга доир йўналиш вужудга келтирди. Сциентизм учун илмий билиш усули ва тарзини барттириш, мутлақлаштириш характерлидир.

Сциентизмга мойил олимлар ижтимоий – гуманитар тафаккур ва муаммони салоқиятини инкор қиладилар. Фан ва маънавий ўртасидаги фарқни ҳаддан ташқари ошириб юбориш « Икки маданият » концепциясини вужудга келтирди. Инглиз ёзувчиси Ч. Сноу ни бир китоби «Икки маданият» деб аталган ҳам.

Сциентизм доирасида фан маданиятни бирдан бир салоҳиятли соҳаси, келажакка фан маънавий маданиятни барча жабҳаларини ўзида буйсундириб олади деган фикр пайдо бўлди.

Антиагентизм эса фанни кескин танқид қилиб, илмий билишни инсон муаммоларини ҳал қила билиш имкониятларини инкор қилади. Антисциентизм тарафдорлари фикрича фан маънавий маданият тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Фан инсонларни фаровонлигини юксалтиришда роль ўйнаган бўлса ҳам лекин у янгидан янги қирғин уруш қуролларини ишлаб чиқишга қўл урган фан ақлий тафаккурни бир томонлама ривожлантиргани боис, инсонларда иймон, қалб нафосат деган сифатлар камайиб бормоқда. Экологик ҳалокатни пайдо бўлишида фан - техникани роли катта деган фикр билдирилмоқда.(қаранг: С.5).

3.Фаннинг маънавий маданиятни тараққиётидаги роли.

Сциентизм ва антисциентизм фаннинг маънавий маданият тизимидаги роли ва аҳамиятига бир томонлама баҳо берадилар.

Тўғри иқтисодий ва сиёсий манфаатлар, буюртмалар фанни ижтимоий ҳаётдаги салоҳиятини юксалтириб юбордилар. Бу айниқса XIX ва XX асрларга хосдир.

XXI асрни арафасида фанни маънавий маданият тизимидаги роли қайта баҳоланмоқда. Учинчи минг йилликни биринчи асри инсонпарварлик асри бўлиш керак деган фикр билдирилмоқда. Фан маънавий ҳаётда биринчи ўринни эгалламасдан, маънавийтни бошқа соҳалари билан узвий боғланган ҳолда жамиятни инсонпарварлик жиҳатини юксалтиришда иштирок қилмоғи лозим.

Фаннинг маънавий маданиятга кўрсатадиган таъсири катта, лекин бу таъсирни оқибати турлича бўлиши мумкин. Фан сиёсий муносаботлар манфаатлар ва мафкуралар чоррахасига кириб қолганда ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкин. Айтайлик, тоталитар тузумларда фан ва инсон эркинлигини чеклайдиган ижтимоий муносаботлар ва мафкураларни асослашга, мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Фаннинг ижобий роли авваламбор фан - техника ютуқларини инсон ҳаёти ва фаровонлигига, инсон эркинлиги муаммоларини ҳам этишга хизмат қилишда намоён бўлади.

Фаннинг маънавий маданиятга таъсири бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Масалан, санъатни айрим (дизайн, санъат соҳасидаги таълим - тарбия ва қоқозо) мафкурага, сиёсий ва иқтисодий тафаккурга бевосита таъсири катта. Бу ҳодиса фалсафага ҳам хосдир.

Ахлоқий ва диний онгга фанни таъсири билвосита характерга эга.

4. Ўзбекистонда фан ва маданият раvнақи истиқболлари

Ўзбекистонда фан ва маданият тараққиётига катта эътибор берилмоқда. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бу сиёсатни мазмуни шундан иборатки, илмий тадқиқот соҳасида ҳар миқёсда мавжуд бўлган меҳнат тақсимои ҳисобга олинган ҳолда устивор фундаментал илмий йўналишларни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Ҳозирги замон цивилизацияси фан - техника тараққиётисиз ривожланмайди. Бизни диёримизда буюк олимлар ва алломалар етишиб чиққан. Демак биз анъанавий илмий меросга, мактабларга эгамиз. Ҳозирги пайтда шу анъанани ривожлантириш учун ҳар томонлама шароит яратилмоқда. Илм - фанни эъзозлаш, уни аҳамиятини тушуниш ҳам ҳалқимизга хосдир. (қаранг:С.6).

Шу билан бирга иқтисодиётимизни имконияти шундай - ки фанни барча тармоқларини баб - баравар ривожлантиролмаимиз. Шу боис устивор йўналишларни белгилашга тўғри келади. Булар

Биотехнология,

Ҳисоблаш математикаси.

Пахтачилик

Гелиотехника

ва бошқалар

уларни ривожлантириш учун етарли потенциалга эгамиз

Фан, давлат сиёсати, тараққиёт, цивилизация, анъана, янгилаиш, йўналиш, биотехнология.

Комил инсоннинг дунёкарашини шакллантиришда маданият ва кадриятлар катта аҳамиятни касб этади.

Маданият — энг умумий тарзда инсон ва жамиятнинг ўзгарувчилик фаолиятининг барча турлари ҳамда шу фаолият натижаларининг мажмуидир.

Маданият жамият ва инсон тарихий тараққиётининг муайян даражаси кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек,, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади.

Маданият жуда мураккаб ва кўп киррали ижтимоий ҳадиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий техник, иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида камраб олган. Халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар маданиятга таалуклидир.

Маданият муайян тарихий даврда жамият тараққиётининг маънавий савиясини ифода этувчи, кишиларнинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдаги бутун ижодий фаолиятини акс эттирувчи кяп киррали ижтимоий ҳодисадир.

Маданият икки йирик турга бўлинади: моддий ва маънавий маданият. Маданиятнинг бу турлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра бир – биридан ўзаро фарқ қилади. Моддий маданият деганда – меҳнат қуролларини, меҳнат қўникмаларини, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз.

Маънавий маданиятнинг камрови беҳад кенг бўлиб, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, тафаккурнинг барча шакллари ва дунёқарашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги гоёлар ва таълимотларни, бадий асарлар, эстетик қарашларни ҳам камраб олади, бундан ташқари маълумот бериш, таълим – тарбия, фалсафа, дин, ҳуқуқ, этика, эстетика, санъат ва адабиёт сингарилар ҳам қиради.

Инсоннинг амалий фаолиятида, моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий маданият органик равишда бирлашади. Инсон миёсида ҳеч қандай фикр, ҳеч қандай қараш ва тушунча ўз – ўзидан тугилмайди ва ривожланмайди, балки уларнинг ҳаммаси моддий шароитлар, табиий омиллар, ташқи таъсирлар билан узвий боғланган ва жамиятдаги моддий жараённинг маҳсули сифатида вужудга келгандир. Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамиятининг энг қадимий босқичларига бориб такалади. Бошқача айтганда, маданият ишсоннинг келиб чиқиши билан узвий алоқадордир. Маданият тарихи жамият тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, жамиятдаги ижтимоий – иктисодий муносабатлардан, моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулидан ажратиб олиш мумкин эмас.

Маданий тараққиётнинг умумий қонунларидан бири – унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборатдир. Маданият тараққиётида моддий ишлаб чиқаришнинг ривожи асос бўлади. Ижтимоий - иктисодий тузумларнинг ишлаб чиқариш усуллариининг алмашинувига қараб маданият ҳам сифат жиҳатдан

ўзгариб туради. Жамиятнинг тараккий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қилади, маданиятнинг янгиланиши эса ўз навбатида жамиятнинг тараккий килишига сабаб бўлади. Ижтимоий - иктисодий тузумлар умумижтимоий қонунлар асосида бир – бири билан ўзвий боғланишда бўлганидек, маданиятнинг тарихий кўринишлари ҳам диалектик алоқадорлик ва ўзаро боғланишдадир. Маданиятнинг бир тарихий типидан иккинчисига ўтиш ўтмишда этишилган маданий ютуқларнинг барча қимматли томонларини улоқтириб ташлаш, деган сўз эмас. Хар бир авлод ўзи учун махсус янги моддий негиз ташкил этмайди, илм – фан ва маданиятни янгидан яратмайди, балки ўзидан олдинги авлодлар томонидан яратилган манбадан, ишлаб чиқариш қучларидан, моддий ва маънавий маданият ютуқларидан фойдаланади. Олдинги авлодлардан қолган ишлаб чиқарувчи қучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, маданий бойликлар кейинги авлодларнинг яшаши ва тараккий этиши учун моддий ва маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Ўтмишда қўлга киритилган тажрибани эгалламай ва ижодий ўзгартирмай туриб, олға томон ривожланиб бўлмайди. Хар бир авлод илгарига қараб қилган ҳаракатида ўзидан олдинги барча авлоднинг йўлини давом эттиради. Янги авлод олдинги авлодлардан қолган тажрибага ўзининг хусусий тажрибасини қўшади. Жаҳон тарихи шу йўсинда барпо қилинади. Бунга инсониятнинг қўлдорлик даврида яратган маданий бойликлари мисол бўла олади. Қадимги Юнон маданиятининг Гомер ва Герадот, Демокрит ва Софокл, Платон ва Арасту сингари мутафаккирларнинг тарих ва фалсафа, адабиёт ва санъат, астрология ва математика, меъморчилик ва халқалтарошлик каби илм – фан ва маданиятнинг турли соҳаларига доир асарлари инсониятнинг энг катта маданий бойлигидир. Улар ўз ахамиятини асло йўқотмайди. Қадимги Юнон адабиёти, санъати ва эпоси ҳозир ҳам кишиларга бадиий завқ беради ва маълум жихатдан энг юксак намуна бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Халқимиз маданияти ҳам жаҳон маданияти билан ёнма – ён юзага келган ва ривожланган. Биронта халқ маданияти, ўз мамлақати доирасидагина, тор миллий бирикликда эмас, балки ўзаро алоқадорликда, ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс этиш асосида ривожланади.

Марказий Осиё халқлари бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараккийетиға ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Ўрта аср маданиятининг буюқ намояндалари Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Улугбек, Али Қўшчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа

алломалар таълимотлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади.

Ўзбеклар ўзининг инсонни лол қолдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадий дид ва маҳорати асосида ишланган хунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача ҳам дунё халқлари ўртасида шон – шухрат қозониб келмоқда. Хунармандчилик санъати бизнинг халқимиз авлод – аجدодлари томонидан сақланиб келаётган мерос, бебаҳо қадриятдир.

Ўзбек халқи амалий санъат, хунармандчилик илдизлари узок ўтмишга бориб туташади. Ўзбек халқи хунармандчилиги тарихига ҳозирги замон нигоҳи билан назар ташлайдиган бўлсак, манбаалар, ўтмишдан сақланиб қолган ёдгорлик ва обидалар эрамиздан аввалги мингинчи йўللарда яратилган санъат дурдоналари ҳақида шаходат беради.

Ўзбекистон ҳудудида бўлган Шош, Чағонийн, Мароканд, Урганч, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларининг қадимги ўрнида олиб борилган қазилма тадқиқотлар ота – боболаримиз яратган хунармандчиликнинг ўлмас обидаларини кашф этади. Ёзма манбалар қадимий Марказий Осиё аҳолисининг қонларга ишлаганлиги мис ва темирдан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуролларини ясаганликларини, тикувчилик, бинокорлик, заргарлик ва бошқа ишлар билан шугулланганликларини кўрсатди. Аجدодларимиз ўтмиши давлардан бошлаб наққошлик, ўймакорлик, тикувчилик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, мисгарлик, сангтарошлик, қулолчилик, мусика асбобларнинг яшаш ва бошқа соҳаларда қатта маҳорат кўрсатганлар.

Маданиятни илмий тушуниш оддий онгдан қуйидагиларга кўра фарқ қилади. Биринчидан, у жуда кенг бўлиб, кишилар фаолиятининг барча услубларининг, ижтимоий ҳаётнинг барча шаклларини ўз ичига олади. Иккинчидан, қундалиқ ҳаётда ҳиссий беэзаб кўрсатилган ва қиммат жиҳатларга ургу берилган тасаввурлардан фарқ қилиб фанда тавсифий таъриф бериш билан чекланади.

Оддий онгда маданиятни тушунишнинг хусусияти бевосита ўнгда амалий иштирок этилишига боғлиқлигидадир. Маданий воқеликларга инсон бефарқ муносабатда бўла олмайдди. Унинг қадриятларга муносабати ва асосий эмоционал тасаввурлари болалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, маънаеига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан у ўзига ҳатти – ҳаракатлар нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Ҳақиқат бевосита умумий аҳамиятга эга бўлган, объектив ҳақиқатга мос тушунчалардан фойдаланиш керак.

1. Кадрият (аксиологик) ўлчови асосидаги таъриф. Бунда маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий кимматларнинг йигиндисидан иборат деб талкин этилади. Маданият инсон фаолиятида ташкарида мавжуд эмас. Маданият тушунчаси тараккиёт, тарих, инсон, инсонпарварлик каби категориялар билан бир қаторда туради.

Маданий «фаолият» тушунчаси асосида таърифлаш. Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга килинган ҳаракат туфайли маданиятни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни сифатида тушуниш вужудга келди. Фаолият категорияси ўрганиш объекти инсон бўлган фанлар ҳаракатини интеграция қилиш учун қулай имконият яратади, жамият амалий ва назарий, моддий ва маънавий каби ҳар қандай фаолияти ижодий соҳа билан бирга ўзида фаолият кўрсатиш ва маданиятнинг ўзлаштириш аспектларини мужассамлаштиради. Ижодиёт фаолият қўлами қанча катта бўлса, маданиятнинг ишлаб туриши функцияси ва қелгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур бўлган фаолият қўлами шунча қенг бўлади.

13-Мавзу. Фан, фалсафа ва оламни илмий манзарасини шакллантириш.

Режа:

1. Дунёнинг манзараси тушунчаси ва унинг жиҳатлари.
2. Оламни илмий манзараси тушунчаси ва унинг эволюцияси.
3. Оламнинг илмий манзарасини асосий типлари
4. Оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёқараш

1.Оламни илмий манзарасини тушунчаси.

Инсон ўзи ва ўзини ураб турган воқелик билан бўлган мунособатини англаш, табиат ҳақида чуқур ва тизимли тасаввурларга эга бўлиш учун унда (яъний инсонда) олам ҳақида умумлаштирилган назарий манзарага эга бўлиш эҳтиёжи пайдо бўлиб туради.

Бу эҳтиёжни қондириш инсонга тевақал атрофдаги нарса ва ҳодисалар маълум тартибга бўйсунтиришга, воқеликдаги барча тизимлар ва жараёнлар узаро боғланганлигига, инсон ва жамият дунёни жаҳзаларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятини беради.

Хуш, оламни илмий манзараси нима? Оламни илмий манзараси маълум тарихий даврда ишлаб чиқилган, дунёни бир бутун воқелик сифатида акс эттирадиган фалсафий, умум илмий ва соҳавий илмий тушунчалар ва гоёларни умумлаштирилган тизимидир.

Бундай тизим уз даври учун унча – мунча тулик булган оламни бир бутун образини беради, олимларни фалсафий ва илмий дунёкарашини назарий замини булиб хизмат килади.

Оламни илмий манзараси яхлит бир назарий тизим эмас. У тақидлаганимиздек илмий, фалсафий, илмий рационалликка оид тасаввурлардан ташкал топади, уз даврини маънавий кадриятларидан озикланади.

«Оламни илмий манзараси» тушунчаси фан методологиясида бир нечта маънога эга:

I – Маънавий маданиятни заминида турган дунёкарашли, тасаввурлар структураси.

II – «Олам образи», «Олам модели», «Оламни идрок қилиш» атамалари дунёкарашга оид тасаввурларни ифодалайди.

III – «Оламни илмий манзараси» тушунчаси илмий онтологияларни, яъни, оламга оид илмий – назарий билимларни тизимига солинган типлари, уларга қирадиган тасаввурларни белгилайди. Бунда оламни илмий манзараси турли фанлардан олинган билимларни тартиблаштириш тавсифлаш ва умумлаштириш уфқи (горизонти) ифодалайди.

2) Оламни илмий манзараси тушунчаси табиий – илмий билимларни умумлаштириш жараёнида шаклланадиган табиат ҳақидаги тасаввурлар тизимини ифодалаш учун ишлатилади. Худди шундай жараён ижтимоий ва гуманитар фанларда ҳам мавжуд.

3) «Оламни илмий манзараси» тушунчаси конкрет фаннинг предметини мураккаб қилишда, яъни идрок қилиш, тасаввур этишда қатнашади. Бу нарса маълум тарихий даврда, фан парадигмасини алмашинуви вақтида содир бўлади. Оламни манзараси конкрет фанлар ва фалсафа оралигида шаклланади, олимларни дунёкарашини шакллантиришда фаол қатнашадилар, турли маънавий – маданий жараёнлар таъсирланади.

Фалсафадан олинган таъсир натижасида оламни илмий манзараси узини шакли ва мазмунини узгартириб туради.

Оламни илмий манзараси илмий рационаллик стандартлари асосида шаклланади, илмий – назарий характерга эга бўлади. Лекин ижтимоий онг ва маънавий соҳасида содир бўладиган туб узгаришлар оламни илмий манзарасига таъсир қилмай қуймайди.

Хозир оламни илмий манзарасига атеизм ва материализмни чуқур кризисга учраганлиги боис диний тасаввурларни таъсири қупаймоқда.

Русиялик физик олим Ю.И. Кулаков оламни илмий манзараси ва олам хақидаги диний тасаввурларни синтизини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда . «Оламни физик ва диний манзаларини алоқадорлиги» тупламида чоп этилган « Илмий ҳақиқатни излаш Худога олиб боради» мақоласида «Олий реаллик олами» бор дийди . Бизнинг қоинотимиз Борликни энг пастки катламини , Олий реаллик оламини соясини ташкил қилар экан . Бу фикрни асослаш учун тастиклаб бўлмайдиган мулоҳазасини келтиради.

Физик структуралар назариясига кура Олий реаллик оламини эйдослари (идеал объектлар) билан тажриба воқеалиги оламидаги фундаментал физик қонунлар уртасида монандлик, мослик, мувофиқлик мавжуддир.

Менинг фикримча аслида физик структуралар назариясини Олий реаллик оламга ҳеч қандай алоқаси йук. Гап шундаки айтилган мувофиқликни аниқлаш учун Олий реаллик оламнинг достлари (идеал объектларини структурасини) билиш керак, физик оламдаги моддий объектлар структураси билан таққослаш лозим. Бу ҳақда эса Ю.И. Куликовнинг ҳеч нарса дея олмайди.

Бу оламни боясига қандай баҳо бериш мумкин ?

Фикримча Ю.И. Куликовни концепцияси XX асрни охирида яна бир марта қайта тикланган (Янги циклда) неоплотонизмдир.

2. Оламни илмий манзарасини асосий типлари.

Оламни илмий манзараси таснифини турли белги ва асослар ёрдамида бериш мумкин. Яъни қайси белгини меъёрий қурсаткич сифатида олсак, оламни илмий манзараси шунга мувофиқ қуп хил типларга бўлинади.

Бундан ташқари таснифини тузим қулланилаётган ёндашувга ҳам боғлиқ. Масалан диахроник ва синхроник, тарихий ва мантикий, структуравий, функционал ёндашувлар.

Авваламбор оламни илмий манзарасини «умумилмий», «табиий илмий» ва «ижтимоий гуманитар» типларини ажратиб олиш мумкин.

Оламни умум илмий манзараси (ОУМ) табиат, жамият ва инсон табиатига оид умумлаштирилган илмий тасвирни беради. Айни пайтда ОУМ у ёки бу фалсафий таълимотга асосланади, ундан фалсафий тасаввурлар ва тамойилларни олади.

Оламни табиий – илмий манзараси (ОТИМ) табиат ҳақида, уни бир бутунлиги ҳусусида умумлаштирилган концепциялар, гоёлар ва тасаввурлар тизимидан иборатдир.

Оламни ижтимоий – гуманитар манзараси (ОИГМ) жамият ва инсон ҳақида умумлаштирилган билимни беради.

ОИГМ ни ядроси инсон олами хақидаги тасаввурлар ташкил килади.

Оламни илмий манзараси маълум маънавий заминга эга. Бундай замин ролини фалсафий, диний, эстетик карашлар уйнаши мумкин.

Асрлар давомида оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёкараш уртасидаги мунособот нотекис, мураккаб булган.

Маълумки, фалсафий дунёкарашни узи куп хил булади:

Идеалистик, метафизик, позитивистик, илмий-фалсафий, неотомистик, позитивистик, экзистенциалистик, постмодернистик кабилар.

Кайд этилган фалсафий йуналишлар оламни илмий манзарасини шакллантириш ёки уни талкин этишга таъсир курсатадилар.

Янги даврда ижод этган Ф.Бэкон, Р.Декарт, Лебниц, Спинозалар оламни илмий манзарасини ишлаб чиқишда катта рол уйнайдилар. Иррационализм ва хаёт фалсафаси Фан ва оламни илмий манзарасини воқеликни, табиатни тушунтириш қобилиятини инкор этди.

XX асрда неопозитивизм, постопозитивизм, структурализм, психоанализ каби йуналишлар оламни илмий манзарасини ривожлантиришга катта хисса қушишади.

Олимлардан Макс Планк, А.Эйнштейн, В. Гейзенберг ноклассик фан тамойиллари нуқтаи назарда туриб оламни янги илмий манзарасини шакллантиришга ҳаракат киладилар.

Хозирги пайтда бу ишни синергетикани асосчиларидан бири Н.Пригожин ва унинг шогирдлари давом эттирмоқдалар.

3. Оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёкараш Фан.

Фан — дунё хақидаги объектив билимлар системаси; ижтимоий онг шаклларида бири. Фан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи қучларига айланиб боради. Фан табиат, жамият ва тафаккур хақидаги янги билимлар ҳосил қилишдан то уларни тадбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. Киши организми, атроф-муҳит, бепоён олам сирлари ва ривожланиши механизмларни ўрганиб, улардан кишилиқ жамиятнинг равақи учун фойдаланиш илм фаннинг бевосита мақсадидир; кенг маънода воқеликни назарий акс этиришидир.

Фалсафа — араб; юнон тилидан олинган бўлиб доноликни севаман демақдир.

Фан билан фалсафа ўртасидаги ўзаро боғланиш мураккаб муносабатга эга. Философия, озми кўпми даражада фан

методалогияси вазифасини бажаради; философия ва фан ютуқлари биргаликда илмий дунёқарашни ифодалайди.

Илмий билиш.

Фан олам ҳақидаги назарий жихатдан системалашган билимлар йиғиндисидир. Фаннинг асосий вазифаси ўзи ўрганаётган нарсани ва ходисаларнинг тараққиёт қонунларини очиқ беришдан иборат. Инсоният тараққиёт жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай фан ўз предмети ва тадқиқот усулларига эга. Ҳар бир фан назарий жихатдан тизимлашган билимлар йиғиндисидир сифатида тадқиқот жараёнида хилма-хил илмий усулларда фойдаланади.

Воқелик ходисаларни билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топиш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларнинг вужудга келишидан иборатдир. Билим инсоннинг тарихий, амалий фаолияти негизида вужудга келади. Табиат ва жамиятнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг ходисаларининг ҳақиқий мазмуни, моҳиятини, ривожланиш қонунларни билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқот ва изланишнинг йўналишини ифодалайди.

Илмий метод нима. Илмий усул илмий билиш жараёнида қўлланиладиган мавҳум билиш йўллари ҳамда воситаларини ифодалайди. Илмий билиш усули инсон амалий фаолияти негизида юзага келади. У табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ходисаларни тўғри, объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларни очишга имкон беради. Илмий билиш усули тадқиқот турларнинг мазмун ва изчиллигини ўз ичига олгани ҳолда амалга бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқди. Усул-илмий билишнинг таркибий қисми бўлиб, унинг объекти, таҳлил мавзуи, тадқиқот вазифалари, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган воситаларни ифодалайди.

Фалсафий дунёқараш.

Фалсафий дунёқараш – бу олам ҳақидаги яхлит ва системалаштирилган билимлар йиғиндисидир. Мифологик ва диний дунёқараш хиссий аъзоларимиз орқали эришилган маълумотлар асосида шакллansa, фалсафий дунёқараш хиссий ва ақлий аъзоларимиз туфайли илм-фан ёрдамида тўпланган билимлар йиғиндисидир.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради.

Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган оламни, дунёни ва унинг тараққиёт қонунларини билиш мумкинлигини билиш эса мураккаб, зиддиятли жараёндан иборатлигини таъкидлайди.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири. Шундан иборатки, у дунё қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир ёд қўшимча ва уйдирмасиз, ҳеч қандай муболағасиз тушунтиради.

Инсон онги, маънавияти, дунёқарашини шакллантириш фалсафанинг асосий вазифаси.

Вокеликнинг энг умумий қоидаларини инсон онгида акс эттириб ҳақиқатга эришишнинг асосий максади — инсон дунёқарашини, фалсафий таффақуллаш маданиятини шакллантириб, уни маънавий ютуқ, фозил ва фидойий инсон этиб қамол топтиришдир.

Инсон учун қайғуриш, қамол инсоннинг дунёқарашини шакллантириш, унинг эркин бўлиши, озод ва ҳур яшаши, маданий-маънавий, ахлокий жихатдан қамол топиши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларининг юксак даражада эъзозланиши ва ҳурмат қилишини зарурлиги ҳақидаги гоё фалсафанинг ҳеч қачон эскирмайдиган ва аҳамиятини асло йўқотмайдиган асосий масаласидир.

Жамият тарихида жуда қўлаб қўйилган кескин ўзгаришлар, тўб бурилишлар бўлиб, қилма-қил гоёлар, қарашлар, таълимотлар ўзгариб, янгиланиб турган бўлса-да, инсон моҳияти муаммоси, унинг одоб-ахлоқ, маънавияти масаласи ҳеч қачон қайласуфлар диққат-эътиборидан четда қолган эмас.

Айниқса, инсоннинг ички дунёси, қайфиятлари, қизиқишлари, рухий изтироблари масаласи қайласуфларни азал-азалдан қизиқтириб қолган ва ташвишга қолган.

Инсон моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни ива қадр-қиммати иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи масаласига Шарқ қайласуфлари томонидан алоҳида эътибор берилганлигига, дунёнинг олий маъжудоти, дуру гавҳари ҳисобланган одамзод ҳақида Қуръони қарим ва Ҳадиси шарифда баён этилган бебаҳо фикрлар, дастурий йул-йўриқлар асос бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш лозим.

Қуръонда биз инсон зотини муқаррам қилиб яратдиқ ва ер юзида қў нарсалардан қизқантирдик, ерда, сувда юрадиган қилиб, вақтларини яратиб бердиқ ва қизмиш ҳам қилган қўгина нарсаларимиздан афзал қилиб қўйдиқ, деган оят қў. Шу оятга

биноан Оллохнинг бутун олами яратишдан мақсади Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йукдир, энг афзалидир.

Куръон таълимотида биноан инсон Оллохнинг ер юзидаги халифаси, яъни уринбосаридир. Бу инсонни жуда улуглайдиган мартабадир. Бундан ташқари «яширин хазина» бўлган Оллох таоло илму хикматининг бир қисмини инсон қалбига жойлаган, яъни инсон «яширин хазина»ни сакловчи хазинадордир.

Инсон жамики махлуқотнинг, оламнинг гултожи, Оллохнинг Ердаги халифаси экан, демак, унда Оллох сифатлари бўлиши мантики ҳолдир.

Бутун борликнинг қурки ва шарафи бўлган инсонда одамийликнинг ҳамма ажойиб жихатлари мавжуд. Инсон бошқа жамийки нарсалардан мумтоз, ҳамма махлуқотлардан энг улугдир.

Инсон улкан, иззат ва ҳурматга лойиқдир. Навоий узининг «Вакфия» асарида, «Бутун осмон ва осмондаги жами нарсалар, бутун ер юз ива ер юзидаги жами нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд бўлган ҳамма нарсалар, ҳама мамлакатлар ва уларда бор жами неъматлар-бари, энг яхши нарсалар инсон учун, унинг бахт саодати учун, яратилган, буларнинг жами – инсонга хизмат қилмоғи керак », дея ёзган эди.

Инсон дунёда энг мураккаб мавжудод, табиатнинг юксак маҳсулоти, ҳаёт гулидир. Инсоннинг буюк ва бебаҳолиги ақл-идрок ва таффақурга эга бўлганлигидадир. Ақл-идрок соҳиби бўлганлиги учун бу реал дунёдаги воқеаларни билади, илму, таффақури, даҳоси, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради.

Инсонда буюк мутафаккирларимиз таъкидлаганларидек, бебаҳо марварид-ақл- заковат мавжуд. Унда табиат ва жамиятнинг сир-асрорларини ва юксак чоқиларини билиш қобилияти жамулжамдир.

Фалсафа фани олий мавжудод бўлган инсоннинг моҳиятини очиш, ички дунёси, одоб-ахлоқи, орзу-интилишлари, маънавиятини билиб олиш ва ундан тегишли ҳулосалар чиқаришга катта ёрда беради.

Фалсафа Фани инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг кизиқишлари, эътиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида шаклланади, онда мустаҳкамланиб боради, деб қурсатади. Шунга қура сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларидаги туб ўзгаришларнинг маҳсули бўлган инсон, онгидаги ўзгаришлар бир мунча мураккаброк бўлиб маълум вақт ичида юз беради. Объектив оламда содир бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, онги, фикри шаклланади. Инсон рухий дунёсини ўзгартириш йулида бўлган

зурликлар, тазйиклар сузсиз равишда ички, яширин карама-
каршиликларни келтириб чикаради.

14 – Машғулоти. Фан таснифини методологик муаммолари.

Режа:

1. Тасниф тушунчаси.
2. Фан таснифи, унинг турлари ва қуринишлари.
3. Фан таснифининг фалсафий ва методологик муаммолари.

1. Тасниф тушунчаси.

Тасниф нарсани ва қоидаларни уларнинг узига хос хусусиятларига қараб, тур, хил, туркум ва шу қабиларга ажратиш, туркумлаш, классификация қилишни билдиради. Таснифлаш тушунчасини мантикий ҳажмини ёки бирон-бир бирликлар мажмуасини бир –бирига бўйсинган тушунчалар ёки объектлар туркумини тизимга бўлишни (таксимлашни) билдиради.

Тасниф урганилаётган объектга доир эмперик ахборот мажмуасини тартибга келтириш усуллари дидир. Таснифлаш объектларини, ахборотларни тартибга келтириш имкониятини беради. Таснифлашни мураккаброк, мақсади ҳам мавжуддир. Таснифлашдан мақсад- мажмуани тартибга даражасига қутариб унинг маълум структурасини белгилаш, бир-бирига боғланган, бўйсинган қупликлар алоқаларини қоида ва қонуниятларини аниқлаш, ҳар бир объектни (бирликни) узини жойини ҳамда таснифланган объектлар уртасидаги горизонтал ва вертикал алоқаларини урганишдир.

Таснифлаш – мавжуд билимларимиздаги бўшлиқларни аниқлашга ёрдам беради, кейинги бажарилиши керак бўлган ишларни аниқрок белгилаш имкониятини беради. Таснифлашни табиий ва сунъий, назарий ва амалий турларини фарқлайдилар. (қаранг –С.1). Табиий таснифлашда объектларни муҳим, қонуний белгилари ажратиш, фарқ қилиш меъёри асос қилиб олинади. Сунъий таснифлашда ҳар қандай мақсадга мувофиқ, бўлиш учун қулай бўлган белги асос қилиб олинади. Масалан: Қутубхонадаги қитобларни (предметли) ёки алфавитли қурсатқичлар асосида таснифлаш мумкин. Таснифлашни туркумлашдан фарқ қиладилар. Таснифлаш орқали бирликлар ва қупликлар уртасидаги генетик (тарихий), функционал, структуравий, тизимли алоқадорликни, тартиботни аниқлайдилар.

Туркумлаш бир хил сифат ёки моҳиятга эга бўлган мажмуани қомоген (бир хил) қупликларга ажратиш , таксимлаш ва тизимлашни билдиради.

2. Фан таснифи, унинг турлари ва қуринишлари

Фанлар таснифи маълум тамойиллар ва мантикан асосланган тартиб асосида фанлар алокадорлигини уларни узаро муносабати ва боғланишларини курсатади. Фанлар тартиботи, улар уртасидаги боғланиш тадқиқот предмети, билиш усули ва шароитлари ва билиш мақсадлари билан белгиланади. Фанларни генетик хислати ҳисобга олинганда уларни тартиби субординацион қуринишга, агар тартиб ташки, кетма-кетлик, ёнма-ён жойлашиш шаклида бўлса координацион қуринишга эга бўлади. Фан таснифини жузъий қуринишлари ҳам мавжуддир.

- Табиатшунослик фанлари таснифи
- Техник фанлар таснифи
- Гуманитар фанлар таснифи
- Ижтимоий фанлар таснифи.

Илмий билишни қайд этилган соҳаларида ҳам фанлар уртасида вертикал (эмперик билиш тармоқларидан фундаментал назарий йуналишларигача) ва горизонтал (турдош фанлар) алоқалар мавжуд бўлиб, улар иерархик ва тизимли қуринишларга эга бўладилар.

Ҳозирги фанларнинг умумий классификацияси илмий билимнинг уч асосий қисмини табиатшунослик, ижтимоий фанлар ва философиянинг узаро алокадорлигини очиқ беришга асосланган. Буларнинг ҳар бири бутун группани ташкил этади. Фаннинг 3 асосий қисмидан ташқари унинг бошқа йирик қисмлари ҳам мавжуд. Улар асосий қисм уртасида туради ва бутунча бу қисмларнинг ҳеч бирига қирмайди. Масалан: социал ва табиий фанлар уртасида техника фанлари, табиатшунослик билан философия уртасида математика фанлари туради. Барча 3 асосий қисмлар уртасида мустақил фан сифатида табиий тарих ва ижтимоий жихатдан инсон психик фаолиятини урганувчи психология туради.

Фанларнинг умумий классификациясида тарих ва табиатшунослик уртасида турувчи фанлар алоҳида урин эгаллайди. Булар табиий фанлар тарихидир. Айни пайтда ҳам ижтимоий тарихий фан ҳам табиий фан ҳисобланган фанлар философия билан боғлиқ. Фанни классификациялашда қўпгина олимлар уз ҳиссасини қўшган. Фан узининг ички ривожланиш қонунларига ҳам бўйсинади. Фандаги ҳар бир янгилик аввал ютукни бутунлай инкор этмай унга шакл ва ифода берган ҳолда ривожланишни таъминлайди. Фанлар ривожини илгариланма ҳаракатларга эга. Билишнинг эмперик натижасида таққослаш, улчаш, анализ, синтез, индукция ва дедукция қўлланилади. Гнозология нуктаи назаридан фан классификацияси ва принциплари объектив ва субъектив (

фанларнинг классификацияси асосини субъектив хусусиятлари ташкил этади.) характерга эга.

Методологик жihatдан фан классификацияси принциплари ташки (фанларнинг муаян тартибда ёнма-ён куйиш) ёки ички (муаян шароит таъозоси билан бир –бири билан иккинчисига боғлиқ холда) классификацияси булади.

Мантикий нуқтаи – назаридан фан классификациясининг асосини фанлар орасидаги умумий алоқаларнинг турли томонларини ташкил этади. Фанни классификациялашда купгина олимлар уз таснифлашларини курсатиб утганлар.

3. Фан таснифининг фалсафий ва методологик муаммолари

Фан таснифи билан тушунчани бир катор фалсафий ва методологик муаммоларини келтириб чиқармоқда. Шулардан бири фанлар тизимида фалсафани тутган урни. XIX асрда фан ва фалсафа уртасидаги муносабат субординацион шаклда номоен булар эди. Фалсафа фанларни фани деб белгиланган эди. XX асрда фалсафани фан тизимида тутган урнини координацион модель оркали ифодаланадиган булишди. Ягона фан фалсафа мустакил макомга эга булиб бир-бирига умум методологик ва махсус йуналиш сифатида таъсир курсатиш бошлади. Фалсафа илмий манзара ва илмий тафаккур тарзини шаклланишида катнашиб илмий билим синтезини амалга оширишда бевосита ва билвосита таъсир курсатмоқда. Демак фанлар таснифида фалсафа хали ҳам марказий уринни эгалламоқда. Фанлар таснифини амалга оширишда тизимини белгилашда хозирги замон фанини хусусиятини аниқлаш назарий ва методологик аҳамиятга молик булмоқда. XXI аср бусагасида янги тилдаги фанлар постноклассик фанлар шаклланмоқда.

Фанни классификациялашда уз хиссасини кушган олимлардан бири Фаробийдир. Фаробий уз замонаси илмларнинг барча соҳасини мукамал билганлиги ва уз хиссасини кушганлиги юнон фалсафасини шархлаб кенг танилганлиги туфайли улугланиб, « Ал муаллим ас соний» (2чи муаллим Аристотелдан кейин). Шарк Арастуси деб юритилган. Фаробий туркий кабилалардан булган харбий хизматчи оиласида тугилган. Фаробий урта аср даври табиий, илмий, ижтимоий билимларнинг барча соҳаларида 160 дан ортик асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари фалсафий мазмуни билан купрок кизиккан. Фалсафий асарларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Юнон файласуфлари ва табиатшуносларнинг илмий меросларини, изохлаш, тарғиб қилиш ва урганишга бағишланган асарлар.
2. Фаннинг турли соҳаларига оид оригинал асарлар.

Фаробий фанларни классификацияси ҳозирги вақтда асос бўлиб келмоқда. Фаробий юнон мутафаккирлари Платон, Аристотель, Евклид, Птоломей, Порфирий ва бошқалар асарларига шарҳлаб ёзган. Айниқса Аристотель асарлари («Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва бошқалар.) ни батавсил изохлаб қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини курсатган, айтиб вақтда бу асарларнинг умумий мазмунини очиқ берувчи махсус асарлар яратган. Фаробийнинг мустиқил асарларни мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларга бағишланган асарлар: «Субстанция ҳақида суз», «Масалалар манбаи», «Қонунларҳақида қитоб», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида» ва бошқалар.
2. Инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари ва усуллари ҳақидаги асарлар.
3. Фалсафа ва бошқа қонкрет фанларнинг фан сифатидаги мазмуни ва тематикаси ҳақидаги асарлар «Илмларнинг қелиб қикиши ва таснифи» («Қитоб фи ихсо ал умум ва ат-таъриф») «Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида суз».
4. Материянинг микдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини урганишга бағишланган яъни математика фанлари арифметика, Геометрия, Астрономия ва музикага оид асарлар.
5. Материя хоссалари ва турларини ноорганик табиатининг, ҳайвонлар ва инсон организмнинг хусусиятларини урганувчи яъни табиий фанлар – физика, қиме, оптика, медицина, биология ва шу қабиларга бағишланган асарлар.
6. Тилшунослик, шеърий, нотиклик санъати, ҳаттотликка оид асарлар.
7. Ижтимоий сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига оид, ахлоқ тарбияга бағишланган яъни ҳуқуқшунослик, педагогика, этика ва шу қабиларга доир асарлар.

Фаробийнинг табиий илмий фанлар ҳақидаги қарашлари «Илмларнинг қелиб қикиши ва таснифи» асарида батафсил

ёритилган. Китобда урта асрда маълум булган 30 дан ортик фаннинг таърифи, ахамияти курсатиб берилади.

Барча фанлар 5 гуруҳга ажратилади.

1. Тил ҳақидаги илм (7 булим – грамматика, орфография, шеърят ва бошқалар.
2. Мантик ва унинг булаклари
3. Математика(Арифметика, геометрия, оптика, астрономия, музика, огирликлар илмий механикани уз ичига олади.)
4. Табиатшунослик ва метафизика илми (8 булим – башорат килиш, тиббиёт, ал-кимё ва бошқалар)
5. Шаҳар ҳақидаги фанлар (сиесий илм, фикх, калом, этика, педагогика ҳам шунга киради.)

Фанларнинг бу классификацияси уз даврида илмий билимларни системалаштиришнинг мукаммал шакли булиб, билимларнинг кейинги ривож учун катта аҳамиятга эга. Шу нарса диккатга сазоворки, Форобий табиий ва ижтимоий фанларни вазифасидан келиб чикиб, тугри фарклаган. Унинг талкинича математика, табиатшунослик ва метафизика фанлари инсон аклини билимлар билан бойитиш учун хизмат килса, грамматика, шеърят каби илмлар фанлардан тугри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тугри тушунтириш яъни аклий тарбия учун хизмат килгн сиёсат, ахлоқ, таълим тарбияга оид бирлашувини, ижтимоий ҳаётга тегишли қоидаларни урганди. Фаробий инсоннинг амалий фаолияти учун табиий фанларнинг аҳамиятини яхши тушунади. Бундай фанларни у реал нарсалар ҳақидаги илмлар деб атайди. У юнон табиатшунослари Евклид, Птоломей , Гален китобларига ёзган шарҳларига, узининг геометрияга доир китобида антик дунё ва урта аср математик ғояларининг йирик билимдони сифатида майдонга чиқди, математиканинг бир канча мураккаб, категориялари ва мавҳум тушунчаларини илмий нуқтаи назаридан ҳал этиш йулларини кидирди. Хусусан сон ҳақидаги, эҳтимоллик назарияси тугрисидаги ғояларини бойитди.

Форобий «Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тугри ва нима нотугрилиги тугрисида» рисоласида осмон жисмлари билан ердаги ходисалар уртасидаги табиий алоқаларни, хусусан булутлар ва ёмғирлар пайдо булишининг Куёш иссиқлиги таъсирида бугланишда сабабий богликликни ёки ой тутилиши ернинг куёш билн ой уртасида тушиб қолишига боглик эканлигини курсатган эди.

Форобий арзон материалларни қимматбаҳо металлларга айлантиришга урунганларини танқид қилиб, қимёга табиий илмларнинг бир қисми сифатида қаради. Фаробий дунёқарашининг шаклланишига асосан , Шарқнинг қадимги

илгор маданияти традициялари ва урта аср табиий – илмий тафаккур ютуқларини ривожлантиришга ҳаракат қилиб, шарқ аристотелизми оқимини вужудга келтирди.

Фаробийнинг фалсафий қарашлари, моҳият ва эътибори билан ислом ва унинг илоҳиёти қаломдан тубдан фарқ қилиб материалистик ғоялар билан йўғрилгандир. У узининг илгор фикрларини уша даврдаги бошқа мутафаккирлар билан Форобий фалсафасига қура олам ягона мавжудотдан иборат. Оллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси юарча вужудлар ундан эманация асосида қелиб чиқади, бунинг сунги поғонаси материядир.

15 - Мавзу. Илмий - техник инқилоб ва илмий- техник таракқиёт

Р е ж а

1. Илмий инқилоб тушунчаси
2. Илмий инқилоб фан парадигмаини алмашинуви сифатида
3. Фан - техника таракқиёти ва унинг ижтимоий оқибатлари

1. Илмий инқилоб тушунчаси

Фан таракқиёти ривожланишнинг умумий қонуниятларига бўйсинадган жараён ва соҳадир.

Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш қиради. Бу икки турдаги ўтиш фан таракқиёти учун ҳам ҳосдир.

Фан ижтимоий институтдир. Шундай экан фан ўзини таракқиётини ички механизмлари ва ташқи омилларига эга.

Фан таракқиёти ижтимоий - иқтисодий таракқиётни бир таркибий қисмидир.

Фан ҷамият таракқиётига таъсир этувчи жиддий қуч эканлиги марксизм ва позитивизмда анғланади.

Позитивизм ижтимоий таракқиётни 3 босқичини белғилади: диний, метафизик ва позитивистик.

Марксизм фанни капитализм шароитида ишлаб чиқар иш қучига айланиши ни қўрсатади.

Илмий тадқиқот соҳасида ишлайдиган мутахассислар фан таракқиёти қонуниятларини билишлари қерак. Бу мутахассисни фалсафий тафаккур маданиятига қиради, ўз соҳасидаги фаолиятни қайтарилмас ва даврий жараёнларини билиш имқониятини беради.

Илмий - ёки назарий - фалсафий инқилоб тушунчасини фанга биринчи марта бўлиб И.Қант қиритган. Унинг фикрича турли даврларда математика, табиийёт ва фалсафада инқилоблар юз берган.

Биринчи илмий инқилоб И.Кантни фикрича қадимги юнон математикасида содир бўлган. Бу инқилобни мазмуни шундан иборатки, Фалес ёки бошқа киши геометрия масалаларини ечиш билан қаноатланмай, геометрик фигурадаги томонлар ва миқдорларни нисбатини мантиқий исботлаш орқали асослашга ўтган.

(Кант. том 3. М. 1964 с. 722 84- 85 бетлар)

Табиатшуносликда, Кантни фикрича илмий инқилобни Ф.Бэкон амалга оширган.

Аслида Ф.Бэкон услубий инқилобни амалга оширган.

Илмий инқилобни Коперник, Галилей, Кеплер, Ньютон амалга оширдилар. (қаранг –С.1).

Инқилоб тушунчасини ўзига келганда И.Кантни фикрича фандаги инқилоб - бу «Бахтли фахм, уйдир», инсонларни тараққиётга олиб келадиган ногаҳон ёпишишдир. Инқилоб натижасида олим муаммони ечишни янги априор шакллари топади. И.Кант берган яна бир тавсиф бўйича илмий инқилоб бирон бир билим тармоғини тусатдан тўғилишидир, бунда фан биринчи марта ўзини предмети ва мақсадини англайди. Инқилобдан кейинги даврда фан фактларни тўплаш ва уларга тавсиф бериш орқали тадрижий тараққий шаклида ривожланади.

Илмий инқилобни интеллектуал механизми ижодий фикрловчи тафаккурдир.

Гегель Кантнинг қимматли фикрини давом эттирмади. Мутафаккир « Илмий - тараққиёт» тушунчасини ишлатиш билан чегараланади. Гегельни фикрича илмий тараққиёт назарий тафаккурни қўйи босқичидан юқори босқичга кўтарилишидир.

Ғарб фани ва фалсафасида Кантдан кейин XX асрни ўрталаригача илмий тараққиётни тушунтиришди кумулятивистик ёндашув ҳукм сурди.

Бу ёндашувга кўра илмий - тараққиёт факт ва билимларни тўхтовсиз тўпланишидир, факт ва билимлардан ташкил топган ирмоқлар қўшилишиб фан дарёсини ҳосил қиладилар, ҳар бир умумий ҳақиқат майда ҳақиқатларни мажмуасидир. Мазкур ёндашув фанда кескин сакрашлар, инқилобий ўзгаришлар бўлишини инкор этади.

Кумулятивизм ёндашуви фан тараққиётидаги тадрижийликни, назарий ворислари мутлақлаштиради.

Фандаги кескин ўзгаришлар, бутунлай янги тушунча ва тасаввурларни келиб чиқишини илмий инқилоб, эмас, балки ижодиёт психологиясини предмети бўлмиш ғайришуурий жараёндир.

Шу боис, мантикий позитивизмда илмий инқилоб тушунчаси умуман ишлаб чиқилмаган, тадқиқот предметиға айланмаган.

Натижада фан тараққиётини синхрониясига эътибор берган неопозитивизм илмий билишни тарихий динамикасини, диахроникасини эътибордан четда қолдирди.

Бу нарса 60 йилларда танқидий фикрловчи файласуфларга аён бўлди.

Антикулятивизм ёндашувини ишлаб чиқишда А. Койре, Э. Мейрсон хизматлар қилишди.

Аста - секин Ғарб фалсафсида постпозитивизм йўналиши шаклланди.

К. Поппер фалсификационизм Т.Кун фани парадигмал концепциясини яратди.

2. Илмий инқилоб фан парадигмасини алмашинуви сифатида

Фан тараққиётини антикумулятив ёндашувини бир моделини Т.Кун ишлаб чиқди.

Бу ёндашувни заминиди ҳар даврда бир бутун тарихий билиш ҳосилалари мавжудлиги ғояси ётади. Фанни борлигини белгилаб берадиган бир бутун билиш ҳосиласини Т.Кун парадигма деб ифодалади. У қўйидагича ёзади: «Парадигма деб мен маълум даврда илмий жамоатчиликка барчалар томонидан тан олинган муаммоларни қўйиш ва уларни ечиш моделини берадиган илмий ютуқларни тушунаман»

(Кант. Структура и научных революций М, 1975, С. 11)

Файласуфлар Т.Кун киритган «Парадигма» тушунчасини мазмунини ноаниқ деб баҳоладилар.

Шундан кейин Т.Кун «Парадигма» тушунчасини олимларни маълум билим тармоғига тегишли эканликларини, уларни илмий фаолиятлари маълум қоидалар тизимига буйсунишини ифодаладиган тармоқлар матрицаси (дисциплинария матрица) тушунчаси орқали таърифлашга ҳаракат қилди.

Парадигма таркибига назарий умумлашмалар (қонунлар ва тушунчаларни таърифладиган ҳулосалар), универсум ва уни онтологиясини тавсифлаш имкоониятини берадиган метафизик (яъни, умумназарий, фалсафий) элементлар, тадқиқот йўналишини белгиладиган қадриятли кўрсатмалар ва, ниҳоятда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган намуналар конкрет муаммоларни ҳал қиладиган ечимлар киради. (қаранг –С.2)

Бу унсурлар «нормал фанни» мавжудлигини таъмилайдилар.

Кўпчилик тан олган парадигмани мавжуд бўлиши фанни камолотга, тараққий этган босқичга эришадиган далолат беради.

Томас Кун Парадигмаларни тарихий шаклларига Аристотель динамикаси Птоломейни астрономиясини, Ньютонни механикасини киритган.

Попперни фикрича илмий инқилобни хусусияти шуки, у маълум муаммони ҳал этишга интилан назариялардан биронтасини оқилона танлашни билдиради.

Илмий билиш жараёни – бу илмий назарияларни тухтовсиз олға суриш ва фальсификация қилишдир.

Фан тўхтамаслиги керак, ҳатто назария тажрибада тасдиқланса ҳам, доимо янгидан янги назарияларни ишлаб чиқиш лозим.

Демак, илмий тараққиёт эволюцияси кетма-кет содир, бўладиган илмий инқилоблардан ташкил топади.

Фан тўхтамаслиги керак, ҳатто назария тажрибада тасдиқланса ҳам, доимо янгидан янги назарияларни ишлаб чиқиш лозим.

Демак, илмий тараққиёт эволюцияси кетма – кет содир бўладиган илмий инқилоблардан ташкил топади.

К.Попперни ғоясига қараганда Т.Кунни назарияси илмий инқилоб жараёнини чуқурроқ тушунтиради. Унинг фикрича илмий инқилоб даврий, вақти - вақти билан содир бўладиган чуқур ўзгариш бўлиб, у фанни ёки фан тармоғини предметини, тадқиқот усулини, тушунчалар тизимини ва фалсафий асосларини янгилашга олиб келади. Инқилобий ўзгаришдан кейин фан тараққиёти нормал тадрижий тараққиёт босқичига киради. Тадқиқотчилар Т.Кунни парадигмал концепциясини айрим камчиликларига ҳам эътибор беришди.

Хусусан Т.Кун фанни нормал, эволюцион тараққиёти босқичини аста-секин ривожланиш, муаммоларни ечиш усули алгоритмлашган фаолият деб, фандаги танқидий ва ижодий ҳислатни кўра олмади. Фанда инқилобга олиб келадиган ўзгаришлар илмий билишни тадрижий тараққиёт босқичида содир бўлади.

Бундан ташқари фандаги тадрижий ва инқилобий ривожланиш ўртасида предметли ва концептуал ворислик бор. Яъни икки давр бир-бирига нисбатан бутунлай мустақил бўлмасдан, бири иккинчисидан ўсиб чиқади.

Илмий инқилоб нималарда намоён бўлади?

1. Илмий инқилоб тадқиқотни янги соҳалари ва предметини очишда, шу боис, тадқиқотини янги усулларини ва уларга монанд бўлган назарий тушунчаларни ишлаб чиқишда кўринади.

Шундай илмий инқилоб қаторига математикада ноэвклид геометрияси ёки дифференциал ва интеграл ҳисоблаш усулларини, классик ва ноклассик механикани яратилишини киритиш мумкин.

1. Илмий инқилоб тадқиқот объектини чуқур, фундаментал, мавжуд тасаввурларни ўзгартириб юборадиган хусусиятларини, қонуниятларини очиш ва уларни талқин этишни билдириши мумкин.

Масалан, физикада Больцман термодинамикасини ёки ёруғликни квант назариясини (планк) пайдо бўлиши.

2. Илмий инқилоб объект ҳақидаги олдинги тасаввурларни сифат жиҳатдан ўзгартирилишини билдириш мумкин. Кимёда, кислородни кашф этилиши боис ёнишни флогистион назариясидан оксидлаш назариясига ўтиш.
3. Илмий инқилобни жузъий шаклини тадқиқот объектини тасвирлашда ишлатиладиган моделлар тизимини, инъикос этиш тилини ишлаб чиқиш, мавжудларини алмаштириш ташкил қилиши мумкин.

Хоразмий алгебраси математик фан парадигмасини алмашинувини яққол ифодаланади.

Лейбниц ва Декартнинг символик алгебраси

Ҳозирги пайтда революция ва эволюция тараққиёт илмий-техник фаолиятни турли босқичи эмас, турли томонини ифода этмоқда.

Фан - техника тараққиёти ва унинг ижтимоий оқибатлари

Илмий техник инқилоб фан ва техника соҳасида содир бўладиган чуқур сифат ўзгариш бўлиб, у билиш ва ишлаб чиқариш жабҳаларида янги қонуниятларини очишда, ноанъанавий энергия ва усулда ишлайдиган технологик тизимлар ва машиналарни барпо этишда намоён бўлади.

Илмий - техник инқилоб XX асрнинг 50 йилларида бошланди. Бу давргача фан ва техникада бир - биридан инсбий мустақил ҳолда илмий ва техник (ёки саноат) инқилоблар содир бўлган.

XX асрнинг 11 ярмида бу жараёнлар қўшилди.

Атом энергиясидан фойдаланиш, кимё полимерларини саноат усулида ишлаб чиқариш ва фойдаланиш, ЭҲМ, радиоэлектроника ва бошқалар ИТИ фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини бирлаштирди.

Янгиликлар!

- 1) Илмий ғоядан тортиб, то уни техник қўллашга бир бутун илмий - техник оқим пайдо бўлди.
- 2) Кафедрани тайёрлаш тизимида чуқур ўзгаришлар таълимлар акад. Колмогоров – мактаби.
- 3) ИТИ ишлаб чиқариш, бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштиришни тақозо этди.

2. Бу соҳаларнинг тарққиёти ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий маънавий ва кундалик ҳаёт соҳаларига катта таъсир кўрсатмоқда.

Фан - техника тарққиёти

Фан - техника тарққиёти фан ва техникани коэволюцион ривожланишини билдиради. Бу, биринчидан илмий ғоялар ва кашфиётларни техника ва технологияни камолот даражасини тўхтовсиз юксалтиришни, иккинчидан, илмий тадқиқотларда энг янги техник тузилма ва асбобларни қўллашни билдиради.

Фан - техника тарққиёти ишлаб чиқар ишни моддий ва номоддий соҳаларини сифат жиҳатдан ўзгартиради.

Меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий тарққиётни таркибий қисмини ташкил қилади.

Фан техника тарққиётини асосий соҳалари.

- 1) Ишлаб чиқариш ва турмушни компьютерлаштириш:
- 2) Экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш
- 3) Биотехнология
- 4) Энергетика
- 5) Транспорт
- 6) Космосни ўзлаштириш
- 7) Ҳарбий технология (гранат бомбаси)

Бу соҳаларни тарққиёти ижтимоий ҳаётни иқтисодий, сиёсий, маънавий ва кундалик ҳаёт соҳаларига катта таъсир кўрсатмоқда.

16 - машғулот. Компьютер инқилоби ва фанни компьютерлаштиришни гносеологик ва методологик масалалари.

Р е ж а:

1. Фан - техника тарққиёти ва компьютер инқилоби.
2. Компьютер инқилобини асосий омиллари
3. Компьютер инқилоби ва технологик ақлни шаклланиши
4. Компьютер ва сунъий ақл муаммоси
5. Компьютер ва билиш
6. Информацион технология ва сунъий ақл мантиғи
Билишни компьютерда гавдалантириш ва фрейм ғояси.

1.Фан – техника тарққиёти ва компьютер инқилоби.

Ҳозирги вақтда Илмий - техник тарққиёти юксалиш содир бўлмоқда. Янги саноат тармоқлар, янги технологик тизимлар, юқори даражадаги аниқ механизмлар, барпо қилинмоқда.

Буларни заминда тўхтовсиз содир бўлаётган техник янгиланишлар ёзади. Ўз навбатида техник янгиланишлар илмий билимларни геометрик прогрессияда ўсиши, кўпайиши ётади. Яъни илмий ахборотни икки баробар ортишини вақт оралиғи (интервали) қисқариб бормоқда.

Бир неча асрлар олдин илмий ахборотни икки баробар ортиши ҳар икки йилда содир бўлар эди. Ҳозирги пайтда ҳар икки йилда илмий ахборот массиви икки баробар кўпаймоқда.

Янги билимларни пайдо бўлиши ва уларни ҳажмини қисқа вақтда – техник тараққиётни бош манбаидир.

Билишни ўсиши техник янгиланишда ўзиб туриши лозим.

Ҳозирги техник тараққиёт илмий билишларни амалий татбиқи сифатида амалга ошмоқда.

Олдинлари стихияли кашфиёт шаклида содир бўларди.

Олдинги даврларда техник тараққиёт айрим техник тузилмаларни яратиш ва ундан фойдаланишда намоён бўлар эди. Технология деганда техник қурилмалар билан ишлашни кетма-кетлиги таъминлаш, оралиқ ва якуний мақсадларни амалга оширувчи фаоллик тизими принципларини яратиш тушунилар эди.

Ҳозирги технологиялар мураккаб операцион структура ва тизимларни ўз ичига олиб, уларни фаолияти восита ва бошқар иш механизмлари, интеллектуал - ахборот тизими билан таъминланган, уларни иқтисодий ижтимоий, экологик оқибатлари олдиндан белгиланади.

Ҳозирги технологиялар кўп босқичли жараён ва ниҳоятда кўп параметрли тизим бўлиб, уларни бошқар иш учун инсонни ёрдамчиси бўлган интеллектуал механизмлар керак.

Фанга асосланган мураккаб технологиялар ҳозирги замон фан - техник тараққиётни бош таркибий қисми бўлмоқда.

Алохида - алохида қурилмалар эмас, балки ижтимоий, маданий, интеллектуал ва техник параметрларни ўзида мужассамлаштирган технологиялар фан - техник тараққиётини бош оқимини белгилаб бермоқда.

Бу эса бошқариш ва назорат функцияларини олдинги ўринга чиқарди. Бунга ижтимоий бошқариш ва назоратни мураккаблаштириш кўшилди.

Ижтимоий ва технологик жараёнларни тезлаштириш америкалик профессор Д. Бенигер таъкидлаган назорат инқилоби жараёни вужудга келди. Назорат ва технологик инқилоб компьютер инқилобини омили бўлди.

2.Компьютер инқилобини асосий омиллари

Компьютер инқилоби бир қанча техник ва технологик ўзгаришлар, майда инқилоблар туфайли вужудга келди. Айтайлик саноат янги сунъий материаллар, мосламалар ва технологик тизимлар билан таъминлана бошладилар. Айтайлик, ярим ўтказгичлар, чиплар, ноъанавий материаллар шулар қаторига киради. Булардан ташқари ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида қўйидаги мини инқилоблар юз берди:

а)жамиятда информацион инқилобни юз бериши. Билишлар массиви ҳар 2 йилда икки барабар ошиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётни барча томони информацион тизимларга бириктирилган. Бу ахборотга инқилобий тус ва микёс берди.

б) Технологик инқилоб техник тизимлардаги жараёнлар тозалашда ва кўп параметрли ҳодиса - оқибатларни юзага келтира бошлашда инсон ўзини табиий қобилиятлари билан уларни бошқар а олмай қолди.

в)Назорат инқилоби. Назоратни амалга ошириш учун керак бўладиган амаллар ва функциялар портлашсимон тарзда, кўпаяди, анъанавий усуллар билан бажариш мумкин бўлмай қолди.

г)Интеллектуал фаолиятни техникалаштириш, технологик асосга қўйиш.

Қисоблаш механизмлари ЭХМ ва бошқалар

д) Мухандислик тафаккурини тараққиёти. Мухандислик тафаккури ҳозирги пайтда информацион технологияга асосланган, ижодий характерга эга, юқори самарали математик исботлашга таянади.

Қайд қилинган омиллар компьютер инқилобини замин сифатида тайёрладилар.

Шу боис компьютер инқилобини комплекс ҳодиса дейиш мумкин.

У ижтимоий, иқтисодий, маънавий, илмий технологик юксалишларни ўзида синтез қилиб сунъий ақл билан технологияларни бирлашганини мужассамлантирди.(қаранг: С.1).

3.Компьютер инқилоби ва технологик ақлни шакллантириш.

Постиндустриал жамиятга қайтаётган мамлакатларда бошқариш, назорат қилиш, ҳисоблаш жараёнлари тезлашди.

Лекин ҳақиқий қисоблаш инқилоби технологик тараққиётни мумкин бўлган охириги тезлик, ҳажм ва масштабга келгандан кейин содир бўла бошлади.

Технологик тизимларни инсонга кўрсатаётган таъсири физиологик, психологик бардош бериш чегараларидан чиқа бошлади.

Айни пайтда технологик параметрларни қайд қиладиган ҳужжатлар ҳам катта тезликда кўпая борди. Айтайлик АҚШда бир неча йил олдин ҳар кун 400 млн варақли ҳужжат яратиларди, сақланадиган ҳужжатлар эса 10 12 бирликни ташкил қилади.

Бошқариш фаолиятини оқилона жараёнга айлантириш учун электрон ҳисоблаш техникасини, ахборот ва бошқариш технологиясини ўзатиш воситаларига эҳтиёж кучайди. Ҳисоб ва назорат инқилоби глобал миқёсга эга бўлган интеллектини пайдо бўлганидан дарак беради. Бир вақтлар Кант фалсафий, эстетик ва ахлоқий ақлни танқидий таҳлилини берган эди.

Кейинчалик илмий ақлни салоҳияти ортиб борди.

XX асрда муҳандислик тафаккурини миқёси ошиши билан технологик ақл шакллана борди.

Технологик ақл доимо такомиллашиб борадиган технологик фаолиятни қоидалари билимлар, андазалар, усуллар тизимидир.

Фан - техника тараққиёти ва инқилоби жараёнида технологик ақл ижтимоий онг, маданият ва цивилизацияни кучли унсурига айлана бормоқда.

Биринчи даврда технологик ақл ва техникани тараққиёти параллел жараён сифатида содир бўлади.

Биринчи электрон - ҳисоблаш машинаси яратилиши ҳар иккаласини коэволюциясини бошланганидан дарак беради. Дастлабки Э Х М ларни яратилиши биринчи компьютер революциясини содир бўлишини кўрсатди.

Биринчи Э Х М ларни 30 йилларда бир - бирларидан мустақил равишда америкалик физик Дж Атанасов ва немис муҳандиси К. Кузе яратганлар. ЭХМ ларни авлоди деган тушунча пайдо бўлди. 1960 йилларда АҚШ ва бошқа мамлакатларда компьютерни иккинчи авлоди ишга туша бошлади.

1963-80 йилларда ЭХМ ларни 3 ва 4 нчи авлоди пайдо бўлади. Уларни асосини чин деб аталган интеграл схемалар ташкил қилган. Ҳисоблаш тезлиги секундига бир неча юз миллион операцияга етказилди.

Иккинчи инқилоб шахсий мини компьютерларни ишлаб чиқиш билан бошланди.

Микропроцессорларни биринчи ирмоғи ва шахсий компьютерларни яратилиши 1972 ва 1973 йилда шаклланди. Оммавий тижорат компьютерини америкаликлар С. Джабс ва С. Возняк ишлаб чиққан.

1970 йилларни охирида шахсий компьютерлар инқилоби бошланди. Ҳозирги пайтда компьютерларни секундига 10 15 операцияларни бажарадиган авлодини ишлаб чиқиш ишлари олиб бориляпти.

Кўп процессорли, мураккаб архитектурали. Фемптосекундали компьютер.(қаранг: С.2).

Биомолекуляр чипталарга асосланган, фемптосекунд (10 15 опер. к сек) тезлигига эга бўлган, минимизациялашган компьютерлар 3 нчи компьютер инқилобини бошланишидан дарак беради.

4.Компьютер ва сунъий ақл муаммоси

Кибернетика фани пайдо бўлгандан кейин, компьютер, компьютерли тизимларни яратишга йўл очилди. Бу эса ўз навбатида инсон тафаккури ва билиш қобилиятига қизиқишни кучайтириб юборди. Асримизнинг 60-70 йилларида компьютерли тафаккур борми? «Машина фикрлай оламими? деган саволлар бўйича баҳолар бўлиб ўтди.

Мана шундай изланишлар, бахслар мухитда, «сунъий интеллект ёки «сунъий ақл» деб номланган илмий йўналиш шаклланди. Бу йўналиш муаммолари билан физиклар, математиклар, тилшунослар, рухиятшунослар, мантиқшунослар ва файласуфлар шуғуллана бошладилар.

Мазкур йўналишни битта шахобчасини тафаккурини компьютерли моделлаштириш муаммоси ташкил қилади. Бу муаммо доирасида инсонни билиш қобилиятини компьютерда қайта ишлаш жараёни билан таққослаш, улар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликни аниқлаш орқали ўрганиш масаласига катта эътибор берилади.

Инсон тафаккурини компьютерда моделлаштириш муаммосидан мақсад инсон ақли бажарадиган ахборотни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби функцияларни компьютерга топшириш эди.

Бундай эҳтиёжни келтириб чиқарган омил шуки, инсон тобора мураккаб, кўп сифатли, кўп жараёنли, вақт ва макон интервали ўта катта ёки ўта кичик объектлар билан ишлай бошлади. Бундай объектлардан олинган маълумотларни, уларни ўта кўплигидан, инсон ақли қайта ишлашга ожизлик қила бошлади. Асосан содда мантикий қоидаларга асосланган функцияларни компьютерларга топшириш инсон учун ижодий меҳнат куламини оширар эди. Шундай қилиб инсон ақлини таҳлил умумлаштириш гносеологик моделлар тузиш қобилиятларини компьютерларга топшириш вазифаси қўйилади, бу вазифани амалда бажариш ишлари бошланиб кетди.

Инсон ақли функцияларни ЭХМ ва компьютерларга топшириш муаммоси билан шуғулланиш жараёнида сунъий ақл пайдо бўлди.

Сунъий ақл йўналиши доирасида бажарилган ишламалар ва лойихаларни яратишдан мақсад - компьютерлар ёрдамида ахборотларни маълумотларни қайта ишлаш орқали ишончли билим ва маълумот билан компьютердан фойдаланувчиларни қуроллантиришдир.

Ишончли маълумот - компьютерга киритилган маълумотни дастур асосида қайта ишлаб чиқиш жараёнини натижасидир.

Сунъий ақл соҳасида ишлайдиган тадқиқотчилар компьютердан олинган маълумотни билим деб тушунадилар. Лекин бу маълумот файласуфлар эътироф этган билишми ёки йўқми маълумот моддий ёки идеал характерга эга эканлиги, билиш ва уни ифода этувчи воситалар нисбати, каби масалалар билан сунъий ақл мутахассислари қизиқишмайди. Тўғри, сунъий ақл йўналишларини асосчилари муаммони методологик ёки фалсафий томонларига оид мулохазаларини айтиб туришади.

5.Компьютер ва билиш

Компьютер технологиясини тараққий этиши билан компьютерларда билишни ифодалаш муаммоси келиб чиқди.

Сунъий ақл мутахассисликлари инсон билими билан компьютер ишлаб чиққан маълумотни табиатан бир хил нарса деб таҳлил қила бошладилар. Ҳозирги замон инглиз файласуфи Б. Блумфильд киноя билан қўйидагиларни ёзади: « Таҳлил қилиш ва баҳолаш тизимлари техникаси шундай ажайиб тараққий этдики, «билиш» тушунчасини сунъий ақл мутахассислари кашф қилмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда улар шу нарсани тушуниш соҳасида монополияга эгадирлар у қанда қандай фикрлаш, мулоҳаза юритиш фақат уларга маълум. Қисқаси, шу нарса аёнки, агарда сиз билиш хусусида бирор нарсани аниқламоқчи бўлсангиз, унда сунъий ақл» бўйича мутахассисга мурожат қилишингиз керак».

Билиш фалсафа назарида кўп босқичли, кўп томонлама ижтимоий - тарихий ҳодиса бўлиб, у шуурий, ношуурий, ғайришуурий жараёнларни ўз ичига олади. ижтимоий тараққиёт давомида уни шакллари, унсурлари ва воситалари мураккаблашади. Фалсафа билишни моҳиятини, умумий қонуниятларини инсонни борлиққа бўлган мунособоти доирасида билишни тутган ўрнини, инсон ҳаёти ва фаолияти тизимида эгаллаган мавқени ўрганади.

Айни пайтда махсус фанлар ҳам билиш жараёнини турли хислатларини, семиотик, психологик, эвристик томонларини тадқиқот қиладилар.

Файласуфлар ва сунъий ақл бўйича мутахассисларни қизиқтирадиган муаммо - компьютердаги маълумот билими ёки билим эмасми деган саволдир.

Америкалик олим А. Ньюэллни фикрича компьютердаги маълумотлар тизимини билиш, компьютерни ўзи эса билим соҳиб, билиш субъекти деса бўлади.

Россиялик олим Г.С. Пооспеловни нуқтаи назарида Э Х М компьютер билим эгаси эмас, балки инсонни билиш фаолиятида воситачи предмет ўйнайди. «ЭХМ - деб ёзади Г.С. Поспелов кишиларни шуурий фаолияти учун ускуна хизмтини бажаради «сунъий ақл» деб аталган илмий йўналиш эса бу ускунага янги сифат бағишлайди, самарали истиқбол очиб беради».

(Поспелов Г.С. новўй стиль использования ЭВМ // Вопр. философии, 1979 2 с. 56).

Файласуфлар В.В. Алексеев ва А.В. Панинни бақолашларича компьютер тизими билишда мураккаб техник ускуна ролини ўйнаб инсон тўплаган билимни объективлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади, инсонларни ижтимоий - тарихий тажрибасини, назарий ва амалий фаолиятига доир тасаввурларини маълумот шаклида ўзида мужассамлантиради. Айрим тадқиқотларни фикрига қараганда маълумотлар компьютерда дастур асосида қайта ишлаганда компьютерли моделлаштириш жараёнини келтириб чиқар ади, компьютерли моделлаштириш орқали эса маълумотлар билимлар мажмуасига айланади.

Маълумотлар - маълумотларни қайта-компьютердаги билимларни ишлаш, умумлаштириш мажмуаси.

Аслида компьютерга ташҳар идан киритилган маълумот билимга айланадими ёки йўқми? А.Ньюэллни фикрича фалсафа ақл табиати билиш моҳияти, билишни нақадар ишончли, тўғри эканлиги, билишни объектига ҳақиқат нуқтаи назарда мунособоти масалалари билан қизиқиб келган сунъий ақл мутахассислари компьютердаги маълумотлар тизими хатога эга бўлишини тан олсалар ҳам, лекин бари, бир бу тизимни билиш тизими деб белгилайдилар сунъий ақл йўналиши компьютер ишончли тизимлар билан ишлайди, мутлоқ тўғри ишончли ҳақиқат муаммосига бефарқ қарайди.

фалсафада

(А) (Б)

Билиш субъекти - билиш шакллари, усуллари ва воситаларини камраб олади. Компьютер 5 га таълуқли бўлиб, у инсонни билиш қобилиятини кучайтиради.

Информацион технология ва сунъий ақл мантиғи

Ҳозирги даврда информацион - компьютерли инқилоб жараёни содир бўлмоқда. Бу инқилоб фалсафага, билиш назариясига таъсир қилмай қўймайди.

Информацион - компьютерли инқилобни ажойиб натижаларидан бири «интеллектуал технология» тизимини яратиш бўлди.

Интеллектуал технология турли унсурлардан ташкил топган. Буларга: компьютерлар, дастурлар, билимни компьютерда гавдалантирадиган моделлар, фреймлар киради.

Информацион маълумотли ёки билимли асосини информацион тизим ташкил қилади.

Шуни айтиш керакки, ўзига хос информацион тизимлар ҳайвонларда, инсон фаолиятида, компьютерларда мавжуддир.

Информацион тизим мантикий ҳукмлар тузиш, таҳлил ва умумлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш, ташқи объектларни идрок қилиш ва фарқлаш, табиий ёки сунъий тилда мулоқот қилишга қобил бўлса у интеллектуал тизим ҳисобланади. Компьютерлар мантиқни қонунлари ва алгоритмларига асосланган дастур бўйича опирацияларни (амалларни) бажарадилар.

Икки маъноли мантиқ

Кўп маъноли мантиқ.

Кўп маъноли мантиқ тизимини математик тизимни математик лотфизода ишлаб чиққан. Компьютерда маълумотларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган модели (Бу модел бирон бир ҳодиса ёки жараёни тасвирлайди, ифодалайди, маълумот беради) гавдалантирилган билим дейиш мумкин. Информацион мулоқот жараёнида ташқарида гавдалантирилган билим ахборот шаклида компьютерда мавжуд бўлади. Инсондаги билим «жонли» онг ости (рухий) жараёнлар, идрок, ақл, ирода, мақсад қаби субъектив омиллар ва ҳодисаларни мураккаб ўзаро таъсирини мужассамлантрган маънавий ҳосил а сифатида пайдо бўлади.

Компьютердаги гавдалантириладиган билим асосан форма мантиқ асосида пайдо бўлган маълумотлар ва моделлар тизимидир.

Компьютерда гавдалантириладиган билим маълум тузилишга, структурага компьютерда содир бўладиган операцияларни кетма-кетлигини, бир таҳлил қилиш ва умумлаштириш даражасидан иккинчисига босқичма - босқич ўтишини белгилайди.

Ньюэлни издоши З. Пилишин интеллектуал тизимларга хос бўлган функционал архитектуралар тушунчасини ишлаб чиқди.

Функционал архитектура ақлий жараённи (қисоблаш, таҳлил қилиш, тавсифлаш каби функцияларни) амалга оширадиган, маълум тузилишга эга бўлган операциялар (бажариладиган ишлар) тизимидир.

Мия ва компьютер ана шундай тизимлардир.

1968 йилда М. Киллион семантик турлар услубини таклиф этди. Бунда у компьютер учун тайёрланган ва дастурга киритилган атамаларни мазмуни билан барча, бир бутун матнлар, функционал архитектуралар мазмуни ва маъносини олдинги тажриба, янги киритилаётган маълумотлар контексти, турли шароитли ва омиллар таъсирида ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олган.

Олдинги интеллектуал моделлар, улар асосини ташкил этган дастурлар айнан, ўзгармас маънони билдирувчи мантикий предикатлар ва ҳукмлар дан тузилган. Киллиани эса моделларнинг унсурлари бўлган ҳукмлар ёки матнлар блокинни маъноси ўзгариши мумкин деган фикрни билдирди. Маънони ўзгартирувчи омил - ўзгарган вазият, ўзгариб бораётган ҳолатдир.

Анъанавий дедуктив чиқариш чин ҳукмлар дан (асослардан) фақат чин оқибат, хулоса келиб чиқади деган даъвога таянади. Лекин ўзгарган вазият ҳисобга олинадиган бўлса унда ҳукм ва хулосани маъноси ҳам ўзгариши мумкин.

Масалан: ФИЛЛАР 4 ОЁҚҚА ЭГА БЕТСИ - фил

Демак, Бетси 4 оёққа эга

Айтайлик, хулоса чиқар иш пайтда Бетсини оёғи операция қилинди, ампутация қилинди. Унда хулоса ёлғон бўлиб чиқади.

80- йилларни бошларида сунъий ақл йўналишини асосчиларидан бири Дж. Моккрати инсонларни фикрлаш услуби ёки жараёнига яқин келадиган номуайян мантиқ, маъноси ўзгарувчан ҳукмлар мантиғи ғоясини олға сурди. Номуайян мантиқ, ўзгарган шароитларни ҳукмлар маъносида акс эттириб хулосаларга тузатиш киритиш қоидасини таърифлайди.

М. Киллиан ва Ж. Маккртини ғоялари кейинчалик «учрашиб» семантик турлар ғоясини келтириб чиқар ишда муҳим роль ўйнайдилар. Математик модель кўринишида семантик турлар белгилар орқали ифодаланган графаларни ташкил қилади. Графадаги чизиқлар учрашган бугунларда маъноларига ҳар аб тартиблаштирилган тушунчалар жойлашган.

Тушунча ёки атамаларни жойлашиши мазмун ва маънога қараб маълум томонга йўналтирилган бўлади.

Клиан ва Маккарти жараёнли компьютерлар тизимида, шундай тизимлар мажмуасини функцияларини бошхор иш ишида татбиқ қилина бошланди.

7.Билимни компьютерда гавдалантириш ва Фрейм ғояси

Ақлий семантик тизимлар назариясини яратишда фрейм ғоясини ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ғояни М. Мински ва Р. Шенк яратганлар.

Фреймлар – бу махсус билишга оид тузилмалар бўлиб, ҳодисалар ёки ҳодисалар туркуми ҳақида бир бутун маълумот беради. Сунъий ақл ва информацион технология соҳаларида фреймлар улар асосида тузилган тиллар, маълумотлар компьютерларида билимни гавдалантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

«Фрейм» атамасини Мински бирон - бир объектни моделини компьютерда тузиш жараёнида ишлатишни тавсия этган М. Минасини фикрича инсон ўзи учун янги бўлган вазиятни ёки ҳодисани билишга ҳаракат қилар экан, ўзини хотирасидан бир - бири билан боғланган образларни, биз фрейм деб атаган тасаввурлар ўрамини чиқаради, шу орқали маълумдан номаълумга ёки номаълумдан маълумга ўтади, маълумотга кенгроқ тафсилот беради, жараёни чуқурроқ тушиниб олади.

Демак фреймлар айрим тасаввурлар ёки ҳукмларни бир - бири билан боғловчи, семантик графа кўринишига эга бўлган билим блокидир. Фреймларни мажмуасидан эга тушунчавий (ақлий) тур кўринишга эга бўлган бир бутун тавсиф, тафсилот ҳосил бўлади.

Ҳиссий образлар мажмуасидан сенситив яъни ҳиссий фреймлар ҳосил бўлиши мумкин. Бу ерда «фрейм» тушунчаси инсонни хотирлаш ва билиш қобилиятига нисбатан татбиқ қилинмоқда.

Киши хонага кириб «стул» деб аталган предметни кўришни кутса, у стул фреймга эга. Бу фреймни қисмлари: «турт оёқ», «тўрт ёнли таянч», «ўтиргач», «суянгич» кабилардир. Конкрет стулни эстетикаси, дизайни, ёки янги стулни безаклари инсондаги «стул» фреймни бойитади.

Инсонни билиш фреймга кўриш жараёнида ҳосил бўлган идрок, қабуллаш сигналларига эмас, балки белгили, рамзий ахборотни қайта ишлаш натижалари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан дейди М.Минский ҳикояни ўқишга киришган киши нима ҳақида ёзилганини билмаса ҳам, ҳикояни умумий фреймига эга.

Бу фреймни терминларида бўш жойлар бўлиб, улар мухит, бош қахрамон асосий ва бошқа маълумотлар билан тўлдирилади.

Инсон ўз хотирасида турли хил фаолиятларни намоён этиш, ташқи шароитни билиш, тушунтириш ва исботлашни амалга

ошириш, учун керак бўладиган фреймларга эга. Бу фреймлар уларни шакллантириш усуллари ҳаёт жараёнида ривожлантирилади.

М.Минскийнинг фикрича Фрейм ғояси Т. Куннинг «Парадигма» сига ўхшаб кетади.

Компьютерда инсон билимини фрейм усулида гавдалантириш слотлар (терминлар) ва маънолар тартиботи шаклида берилади. Масалан «ишчи сафар» фреймни шундай кўринишга эга:

Масалан «ишчи сафар» фреймни шундай кўринишга эга: (Ишчи сафар, Ким, х, қаерга у, қачон, мақсад, ким билан транспорт тури).

Компьютерда фреймлар орқали билимлар слот ва терминлар блоклари орқали тўла, умумийликдан конкретликка қараб тасвирланади.

Билимларни фреймлар орқали гавдалантиришни тадқиқотчилар уларни тежамлигига, маълумотларни қисқа вақтда топиб беришда, илмий соҳаларни тавсиф қилиш учун фреймларни қўллашни қулайлигида кўришади.

Файласуфлар фрейм ва тафаккур шакли бўлган тушунчани бири-бири билан таққослашмоқда. Тушунча нарсa ва ходисалар ни хусусиятларини белгиларини акс этувчи ақлий билиш шаклидир, фреймда нарсалар ёки объектни белгиларини терминатор ифодалайди.

Масалан, самалёт фреймни терминатори самалётни турини уни рақамини, учувчини исм - шарифини, учиш йўналишларини ифодалайдилар. Белгилар таърифларда ифодаланади фреймлар мажмуаси белгиларни ифодоловчи таърифлардан ташкил топади.

Компьютер технологиясига оид фреймларни ишлаб чиқиш, уларни фалсафий таҳлил қилиш билиш назарияси учун янги ғоялар ва тасаввурлар беради.

Фреймлар мажмуаси орқали компьютерларда назарий билимларни ҳам гавдалантириш имконияти туғилади.

Билишни компьютерли моделлаштириш аниқлаш, ақлли компьютерларни ишлаб чиқариш каби муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

17 - Машғулот. Фан тараққиётининг умумий қонуниятлари

Р е ж а:

1. Фан тараққиётининг асосий концепциялари
2. Фан тараққиёти ва унинг қонуниятлари
3. Фанда анъаналар ва янгиланиш
4. Илмий мактаблар ва уларни фан тараққиётидаги роли.

1.Фан тараққиётининг асосий концепциялари

Фан мураккаб ижтимоий муассаса (институт) ва гносеологик ходисадир. Ундаги ижтимоий ва гносеологик жихатлар фан тараққиётини объектив ва субъектив омиллар чатишиб кетган нотекис ривожланувчи жараёнга айлантирадилар. Бу жараёни тасвирловчи концепциялар ҳам, табиийки, турлича бўлади.

Фан тарихи ва фан фалсафаси фан тараққиётини, унинг омиллари ва қонуниятларини тадқиқот қиладилар. Фан тараққиёти қонуниятларини билиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, фанни ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш имкониятини беради.

Фан тараққиёти ва уни қонуниятларини ўрганиш тарихига эга.

Фан тарихи ва тараққиётини ўрганишни бошлаб берган мутафаккирларадан бири Ф. Бэкон бўлган. Ундан кейин бу масала билан Даламбер, О Кант, А. Койре, Джон Сартон, Т. Кун ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Шу кунгача фан тараққиёти хусусида 4 та асосий ёндашув ёки назарий моделлар ишлаб чиқилган. Булар:

1. Кумулятивистик модель
2. Нокумулятивистик назарий моделлар
3. Экстерналистик - ёндашув
4. Интерналистик ёндашув (қаранг: С.1).

1. Кумулятивистик моделда (лот. Кумуляция – кўпайиш, тўпланиш) илмий ва фанни ривожланиши янги тушунчалар ва тасаввурларни олдин йиғилган билимларга аста - секин қўшилиб бориш йўли билан содир бўлади деган фикр таъкидланади. Олам фактларни, билимни ғиштларини тўплаб деворни яъни назарияни қуради. Фан, илмий билиш аста - секин юксалиб боради, оламни илмий манзараси ўзгармайди, фақат кенгаяди. Гегель ўз вақтида айтган эдики, менерология, ботаника ва математикада асосий таянч тушунчалар аллақачон ишлаб чиқилган, кейинги тадқиқотлар бу фанларни икккинчи даражали хислатларга доир билимлар билан тўлдирадилар холос. Мукамал ҳолатга келган фанлар эса тарихга эга бўлмай қоладилар. Масалан, Эвклид ишлаб чиққан элементар геометрия тарихи йўқ фанга айланиб қолган.

Фан тараққиётини кумулятив маънода тушуниш илмий - тадқиқод жараёнини ўзлуксизлигига урғу беради.

Сифат ўзгаришларга альтератив ёндашувлар қурашига, инқилобий сакрашларга эътиборни қаратмайди.(қаранг: С. 2).

Фан тараққиётини кумулятивистик модели XX асргача сақланиб келган, кўпчилик олимларни онгида ҳозир ҳам учрайди.

1. Нокумулятивистик моделда фан тараққиёти тадрижий жараён ва сакраш, узлуксизлик зиддиятли бирлиги ёки ўрин алмашинувидан иборат деган ғоя олға сурилади.

Гастон Башлярни (1884-1962) фикрича фан тарихи ва тараққиёти мутлақ детерминациялаштирилган жараён, бир чизиқлилиқ траектория эмас, унда траекторияни аниқ, қинғир қиладиган сакрашлар бўлиб туради. Башлярни таъкидлашича XX аср фани диалектик характерга эга. У ички ташқи ва ички билан ташқи жиқатларини қўшилиши диалектикаларни фарқлаган. Фан тараққиётини нокумулятивистик моделини ривожлантиришда марксистик фан фалсафаси намоёндалари. К. Поппер Г. Башляр, Имре Лакатос Тулмин, Т. Кун, Поль Фейрабендлар катта қисса қўшишган.(қаранг: С. 3).

2. Экстерналистик (лот. экстернус – ташқи ёндашув.

Фан тараққиётини экстерналистик модели ДЖ. Бернал ,Д.Нидам асарларида ривожлантирилган. 30 – йилларда Англияда шаклланган. Экстернализм тарафдорларини фикрича фан тараққиётини ижтимоий - иқтисодий шароит белгилайди.

Фанни ўраб турган муҳитдан тўхтовсиз мақсад, эҳтиёжлар заминиди пайдо бўлган ижтимоий буюртмалар келиб туради, улар фанга мақсадни, натижаларни тасдиқлаш ва татбиқ қилиш воситаларини берадилар, фанга ҳаракатчанлик импульсини берадилар.(қаранг: С.4).

4) Экстернализмга муқобил вариант интернализмдир. Бу йўналиш XX асрни 30 йилларида А. Койре, А.Р. Холл, Г.Герлак асарларида ривожлантирилган.

Интернализм намоёндаларини фикрича фан тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучи уни ўзидадир. Булар: муаммоларни пайдо бўлиши ва ҳал этилишини объектив мантиғи, илмий рационаллик стандартлари ва қоидалари, тадқиқот дастурлари анъаналари эволюцияси, олимларни ижодий фаолиятидир.(қаранг: С.5).

2.Фан тараққиёти ва унинг қонуниятлари

Фан тараққиёти тарих ва қонуниятга эга.

Фан тарихи унинг тадрижий тараққиётида намоён бўладиган барча ички ва ташқи, институтционал ва эпистелеологик, ташкилий ва функционал, мантиқий ва психологик жиҳатлари ва унсурларнинг босқичма - босқич пайдо бўлиши ва юксалишини билдиради.

Бундан ташқари фан тараққиётини ички объектив мантиғи, доимий боғланишда намоён бўладиган қонуниятлари мавжуд - фан тараққиёти қонуниятлари деганда фанни ижтимоий институт сифатида ривожлантиришга олиб келадиган ички, доимий ўзаро боғланган жараёнларни тушуниш лозим.

Фан тараққиёти қонунлари умумий ва жузъий кўринишга эга бўлиши мумкин. Айтайлик фаннинг назариянинг шакллантириш орқали ривожланиши жузъий эпистомологик қонуниятдир.

Хуш, фан тараққиётини қандай умумий қонуниятлари мавжуд экан?

Русиялик файласуф В.П. Кохановскийнинг фикрича булар:

- 1) Илмий билимлар тараққиётидаги ворислик
- 2) Микдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги:
- 3) Фанларни дифференциацияси ва интеграцияси, улар ўртасидаги алоқадорлик.
- 4) Фанларни математикалаштирилиши ва компьютерлаштирилиши
- 5) Фанларни назариялаштириш ва диалектикалаштирилиш:
- 6) Танқид эркинлиги
- 7) Янгиланишни бартараф этиш орқали тўла ҳақиқатга эришиб бориш.(қаранг: С.6).

(Кохановскийни китобида 510 бетда К. Попперни мақоласи «Кто такое диалектика? // Вопр.философии 1995 1) В Кохановский белгиланган ва қонуниятлар деб аталган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақиқат ан ҳам фанда мавжуд, уни тараққиётида ҳал этувчи ролни ўйнайдилар. Айни пайтда савол пайдо этадиган мулохазалари ҳам йўқ эмас. Масалан, фанни математикалаштириш ва компьютерлаштириш - бу маълум усул ва воситаларни тарқалиши ва татбиқ қилиниши миқёсини кўрсатади.

Бундай жараённи қонуният дейиш мумкинми?

Қонуният – фан пайдо бўлгандан кейин доимо амал қиладиган боғланиш, алоқадорликдир. Бўлиб ҳам тараққиётга олиб борадиган мазкур мулохазани фанни диалектикалаштириш жараёнига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

3. Фанда анъаналар ва янгиланиш. Фан тараққиётини муҳим умумий қонуниятларидан бирини анъана ва янгиланиш ўртасидаги боғланиш ташкил қилади.

Анъана ижтимоий - моддий тажрибаларни, маънавий ҳаёт тарзи ва усуллари ишлаб чиқариш, узатиш сақлашни универсал шаклидир.

Фанда ҳам ижтимоий - ташкилий ва интеллектуал фаолият тарзи шакллари мавжуд бўлиб, улар фан тараққиётига доимийлик, мақсадга мувофиқлик бағишлайди. Билиш шакллари ва фаолиятини анъанага айланиши фанда ворисликни вужудга келтиради.

Фанда аҳамиятли кадриятларни сақлаш ва сақланиш шакли-илмий анъаналардир. Илмий анъаналар маълум йўналишдаги илмий муаммоларни таҳлил қилиш, ҳал этиш воситалари ва усуллари

маълум тарихий даврда етакчи ёндашув ролини ўйнашини билдиради.

Илмий анъана ўзини мавжуд бўлиш ва тарқалиш географиясига эга бўлади. Кўпинча илмий анъаналар илмий мактабларда мужассамланади, ифодаланади. Павлов мактабини анъаналари, Москва математик мактабини анъаналари.

Янгиланиш - парадигма ва илмий - ғоя дастурларини ўзгариши ва алмашинувида намоён бўлади.

5. Илмий мактаблар ва уларни фан тараққиётидаги роли.

Биз « Илмий мактаб» тушунчасини фанни ташкил қилиш шакллари кўриб чиқишда фойдаланган эди.

Илмий мактабларни вужудга келиши ва шаклланиши фан тараққиётини умумий қонуниятларига киради.

Илмий мактаб - янгиланиш ва ворислик ўртасида боғланишни таъминлаб берадиган ижтимоий ҳосилдир.

Илмий мактабда ижтимоийлик ва шахсиятлик, ижодий янгиланиш ва ғоявий ворислик, устоз ва шогирд бирлиги мужассамланган.

Илмий мактаб фан тараққиётини ижтимоий механизми (тузилмаси) дир.

Мактабни фаолияти эса - қонуниятдир. Илмий мактаб фан йўналишидан фарқлироқ жамоа ва бевосита мулоқот бўлишини тақозо этади. Фан йўналишини аниқ географияси йўқ.

III – БОБ.

ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ

Техника инсон фаолиятининг соҳаси сифатида қадимги даврдан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги Юнон ва Рим уйғониш даври ва янги давр файласуфлари техникани назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, унинг фалсафий маъносини очиб бериш учун анчагина фаолият кўрсатганлар. Бироқ “техника фалсафаси” атамаси Э. Каппинг 1877 йилда Германияда чиққан “Техника фалсафаси асослари” китобида илк бор ишлатилган (қўлланган).

XX асрда техника фалсафаси билан Ф. Дессауэр, Л. Мэмфорд, Х. Ортега – и Гассет, М. Хайдеггер, О. Шпенглер, К.

Ясперс каби файласуфлар шуғулланганлар. Шунга қарамай техника фалсафаси асримизнинг 60 чи йиллардагина мустақил фалсафий соҳа сифатида тан олинди ва 70 чи йилларга келиб бу соҳанинг дастури ишлаб чиқилди.

Нима учун бу соҳа шу даврга келиб мустақил предмет сифатида қарала бошланди?

Чунки техника ҳозирги даврга келиб умумий характерга эга бўлиб қолди. Ҳаётнинг барча соҳаларига таъсири кучли бўлиб, иқтисод, сиёсат, экология, фан, социал ҳаёт, турли таълим тизими каби соҳаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Техник тараққиёт бутун жамият ҳаётида ҳал қилувчи ролни ўйнай бошлади.

XX аср техника асри, индустриал цивилизациянинг шаклланиши даври бўлди. Пироворд натижада техниканинг роли, унинг социал аҳамияти тубдан ўзгарди. Инсоният келажаги учун ҳам ҳал қилувчи соҳа бўлиб қолди.

Бугунги кунда техника терминини қурол сифатида талқин қилиш ярамайди. Муҳими, нарсани яратиш эмас, балки ундан нима ишлаб чиқаришдир.

(1) О. Шпенглер.

Техник тараққиёт индустриал жамиятда инсоният олдига жуда муҳим муаммоларни майдога ташлади. Атроф муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, ядро урушларнинг хавфи каби масалалар XX аср фожиасига айланди. Агар шундай жараён давом этаверса, дунё цивилизацияси фалокатга учраши муқаррар деган масала кун тартибига қўйилди. Агар техниканинг моҳияти, унинг тараққиёт тенденцияси илмий фалсафий жиҳатидан таҳлил қилинмаса, юқорида айтилган фожиаларнинг олидини олиш жуда қийин бўлади. Бунинг учун ҳаётни фалсафий танқидий талқин қилиш, инсонинг техник фаолиятига тўғри баҳо бериш, унинг келажаги ва социал оқибатлари ҳақида таълимот ишлаб чиқиш керак бўлади. Манна шундай шароитда техника фалсафаси пайдо бўлди. Унинг инсоният олидидаги бурчи техниканинг моҳияти ва

инлар ҳаётидаги ўрнини тўғри кўрсатиш ҳамда инсон моҳиятини очиб боришда иборат, дейиш мумкин.

Бунинг учун техинка нима, инсониятга нима беради ёки қандай салбий оқибатларга олиб келади каби саволларни ҳал қилиш керак.

Бу муаммо бугунги кун техника фалсафасининг асосий вазифасига айланди.

Техникани таҳлил қилиш бугунги кунда икки фалсафий йўналиш нуқтаи назаридан бормоқда:

1. Фаннинг метадологияси нуқтаи назаридан, яъни техник билимларни таҳлил қилиш ва янгича техник тафаккурини шакллантириш;

2. Антропология фалсафаси нуқтаи назаридан, яъни бунда техниканинг маънавий ахлоқи, маданий муаммоларни, шунингдек, техинкани инсонийлик – қадрият нуқтаи назаридан талқин қилиш.

Мавжуд муаммолар доирасида техника фалсафасини ўрганиш масалалари кўлами жуда кенг. Техника тушунчасининг моҳиятини аниқлаш, унинг тарихий тараққиёт босқичлари, техника билимлар тизимининг ўзига хос томонлари, техинканинг асосий соҳалари, фан, санъат, иқтисод билан ўзаро алоқаси масаласи, инсон табиат ўртасидаги Янги тамойилларнинг пайдо бўлиши, янги технологик жараёнлар, техниканинг янги вазифалари каби масалалар *техника фанининг методологияси* доирасига киради.

Техник таълим ва тарбия, техник қадриятлар тизимини шакллантириш, инсоннинг интеллектуал ва ахлоқий фаолиятини уйғунлаштириш, техникани ривожлантиришда инсоннинг аҳамияти ва маъсулиятни ошириш, техникадан оқилони фойдаланиш каби масалалар *антропология фалсафаси* вазифаларига киради.

3.1. “ТЕХНИКА” тушунчаси унинг пайдо бўлиши, ва ҳозирги даврдаги талқини

Техника юнонча “*тенхе*” деган сўздан олинган бўлиб, санъат, устакорлик, бажара олиш каби маъноларни англатади. Техника тушунчаси қадимги Юнон файласуфлари Платон ва Аристотелларда сунъий меҳнат қурилмалари сифатида ишлатилган. Ўзбек тилида “маҳорат билан”, “усталик билан”, “санъаткорона” бажариш маъносига тўғри келади. Ўзбек тилида ҳунар, ҳунаrmандчилик, устачилик атамаларини Европадаги техника сўзининг маъносида ишлатиб келинган. Техника табиатидаги табиий жараёнлардан фарқли ўлароқ инсон фаолияти натижасида сунъий амалга ошган нарсалардир.

Демак, техника инсон амалий фаолияти натижасида суъний ҳосил қилинган предметлардир.

Бироқ, техникани бундай таърифлаш у тўғрисида дастлабки маълумот беради холос. Техниканинг мазмунини очиб берадиган таърифни келтиришдан олдин, унинг ривожланиш эволюциясига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Инсоният тарихи техниканинг такомиллашиб бориш тарихи билан узвий боғланган. Техника ўзининг бутунги ҳолатига келгунга қадар кўп вақт ўтди. Индустриал жамиятгача техника ҳунаrmандчилик шаклида намоён бўлди. Техника ҳунаrmандчилиги устадан шогирдга, устахона кўринишида ёки якка тартибда отадан болага, авлоддан авлодга ўтиб келди. Бу алоҳида кишилар томонидан, тор доирада, амалга оширилди. Натижада юксак ижтимоий баҳо бериш даражасига етиб бормади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам тубдан ўзгартиришга қодир эмас эди.

XVII–XVIII асрларга келиб вазият тубдан ўзгарди. Европада манифактура (қўл меҳнати) ўрнига машина даври бошланади. Жамиятнинг анча қисми қўл меҳнатини ўз фаолияти имкониятларини кўпроқ очишга қарата борди.

Усталар ўрнини билимдон, техника сирларини англаб етган шахслар ИНЖЕНЕР (МУҲАНДИС) лар эгаллади.

Муҳандис техник тизимларнинг нормал ишлашини таъминлабгина қолмай, унинг лойиҳасини тузади, ихтро қилади; илмий методлардан, фан ютуқларидан фойдаланилади, техник янгиликлар киритади. А.И. Ракитов ўзининг “Компьютер инқилоби фалсафаси” (Ракитов А.И. Философия компьютерной революции М. Прогресс, 1991 г.) асарида инженерлик белгиларини атрофлича таҳлил қилиб, муҳандислик тафаккурдан тубдан фарқ қилишини кўрсатиб берди.

Инженерлик тафаккури машина асосида шаклланади, у ақлий (рационал) бўлиб, ҳаммага тушунарли шаклда намоён бўлади ва формаллаштириш, яъни стандартлаштириш йўналишига эга. У нафақат тажрибага таянади ва эксперимент қилади, балки систематик назариясига асосланган инженерлик ихтисослиги доирасида иқтисодни рентабиллаштиради.

(2) А.И. Ракитов

Муҳандислик тафаккури универсал характерга эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб боради. Техниканинг аҳамиятини ўрганиш кейиниги юз йилликдан бошланди.

Янги даврда техника терменининг мазмуни ўзгарди.

Энди техника бутун ишлаб чиқариш воситалари, жараёни ҳамда ҳаракатининг мажмуи сифатида қаралди. Техника тушунчасига даставвал меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш ва машина киритилган эди. Демак техниканинг ривожланиши билан унинг мазмуни ўзгарди. Немис файласуфи техника манзарасининг ўзгаришини қуйидагича ифодалайди:

Техника меҳнат қуроллари ишлатиш сифатида инсонларнинг яшаши ва мавжудлиги билан боғлиқ.

(3) К. Ясперс

Техника ривожланиши учун XVII–XVIII асрларда илмий замин яратилди. Юқорида айтганимиздек, машина даври бошланди XIX аср охир XX бошларида илмий – техник

инқилоб индустриал жамиятнинг ривожланиши учун асос бўлди. Техника тараққиёти технологик жараёнларни изоҳлашни талаб қилади. Техника жараён сифатида амалга ошишини ҳам кўрсатиб бериш керак. Ана шундагина техника самарадорлиги ортиб боради. Биринчи босқичда техника қўл меҳнатига асосланди, кейинчалик техника инсон табиий аъзоларнинг давоми сифатида жисмоний қудратини оширди. Бироқ, машина даврида техника мустақил куч сифатида механизациялашди. Техника одамдан ажралди, лекин ҳамма вақт у билан ёнма – ён мавжуд бўлади. **Техниканинг ривожланиши табиий фанларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Бугунги кун техникаси табиат фанининг даражаси билан белгиланади. Табиат фанлари ютуқлари техникани янги босқичга кўтаришга шароит яратди, илмий назарий асос вужудга келтирди.**

Янги техникани яратишда электрни ва химияни қўллаш жуда ҳам катта янги техник реалликни вужудга келтирди. Бугунги электроника ва информатика даврида дунё улкан ўзгаришлар арафасида турубдир. Бу ҳақ гап.

Техника маданият, маънавият ва маърифатнинг янгилааниши билан белгиланади.

Техника имкониятлари кўламининг кенглиги билан характерлидир. Бу имкониятлар рўёбга чиқиши социал ҳаётнинг ҳамма томонларига ўз таъсирини ўтказди. Меҳнатнинг характери, унинг мазмуни, унумдорилигини эса ўнла, юзлаб марта ўзгартади.

Техника ҳозирги цивилизациянинг бутун борлигида, ундаги маданият тизимида ўзгариш ҳосил қилади. Микроэлектрон революцияси инсон ақлий қобилиятини ишга солади, қудратини орттириб боради. Технологик янгилик жамиятнинг социал тузилишида ҳам ўзгариш ҳосил қилади.

Бироқ жамиятда техника ўзгариши қайси йўлдан бориши керак?

Фан – техника ва технология равнақи “техника” тушунчасига анча ўзгариш киритди, унинг кўлами

кенгайди. Бугунги кунда техниканинг таъсири органик ва ноорганик табиатга кенг қулоч очмоқда. Ноорганик табиатда қурилиш техникаси, электротехника, физика – химия техникаси, энергетика техникаси каби соҳалар пайдо бўлган бўлса, органик табиатда эса қишлоқ хўжалиги техникаси, биотехнология каби соҳалар бутун биология соҳасини қамраб олмоқда. Шунинг билан “тафаккур техникаси” номли хотирани ўрганадиган соҳа, тасвирий санъат, рассомлик техникаси, мусиқа асбоблари техникаси, бошқариш техникаси ва технологияси, ишлаб чиқариш, давлатни бошқариш техникаси деган атамалар пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги замон “техникас” сини кенг маънода, яъни:

- билимлар соҳасида – эмприк ва назарий билишларни ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш;
- инсон фаолияти соҳасида (ҳамма восита ва бажариладиган иш тартиби билан) – табиат ҳодисаларини инсон манфаатларига хизмат қилдириш;
- инсон фаолиятини касб – ҳунарга қаратиш, ҳозирги замон техника кўникмасига эга бўлиши ва инсон ўз маҳоратини кўрсатиш соҳасида – малака ва кўникмалар мажмуаси сифатида тасаввур қилиш мумкин.

3.2. ТЕХНИКА БИЛИМИНИНГ ТАБИАТИ.

Техника фалсафасининг методологик муаммоларидан бири – техника билимининг ўзига хос томони таҳлил қилишдир.

Техника яратган одам ўзига қандай мақсад қўяди?

Илмий изланишнинг асосий йўлини тушуниш – бу – фан билан техниканинг ўзаро муносабат эволюциясини англаш, уларнинг асосий босқичларини кўрсатишдир. Илмий – техник тараққиётнинг **биринчи босқичи** (1660 – 1740 йиллар) илмий инқилоб билан боғлиқ. Бу даврда фан ва техника узвий боғлиқ эди. Техника тамойиллари (принциплари) дунёнинг механик манзараси доирасида

универсал модель сифатида намаён бўлди. Фан техниканинг илмий йўллар, асбобларини яратишга қаратилди.

Иккинчи босқич ХУ 111 аср ўрталаридан ХХ аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади, баъзида фан ва техниканинг соҳа сифатида ажралиш даври, деб ҳам гапирадилар. Бу мустақил тараққиёт даври ҳисобланади. Ана шу даврда илмий ҳолатлар назарий жиҳатдан асосланди. Техника соҳасида ўз – ўзига ўрганган шахсларнинг кашфиётлари ижодий тус олди. (Уайт, Эдисон сигарилар). Индустриаллашнинг ўсиши техник кашфиётларни қайта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий қисмини ҳал қилувчи амалга айлантира борди. Технологик жараён динамикаси фанга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб боришини кўрсатди. Техника илмийлашиб бориши **натижада фан – техниканинг ўзаро алоқаси ўзининг учинчи босқичига кўтарилди.**

ХХ асрда фан амалиёт мақсадларини рўёбга чиқариш босқичига кўтарилди ва янги технология пайдо бўлди. Энди бу техника ва технологияни алоҳида одамлар бажаришга қодир бўлмай қолди. Янги техника фан ютуқларини, унинг методларини тадбиқ қилишга асосида вужудга келди.

Пировард натижа ХХ асрда фан ва техниканг бир – бирига таъсири, ўзаро бирлигининг янги босқичи пайдо бўлди. Оқибатда фан ва техника билимларининг янги теграция, ўзаро киришиб кетиш жараёни юз берди.

Бироқ, ҳозирги замон техника фалсафа бу билимларнинг ўзига хос белгиларини аниқлайди. Немис файласуфи Ф. Раппнинг фикрича, техника билими тизимни ташкил қилишдаги мураккаблиги билан фарқ қилади. Бу билиш объекти, табиий фан объектидан фарқли ўлароқ сунъий характерга эга. Фандан олинган натижа билан техникадан олинган натижа муҳим жиҳати билан фарқ қилади. Илмий назария эмприк тасдиқланган универсалликни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, улар оддий ишлатиш учун қулайлик яратади.

Фандан фарқли ўлароқ техника ютуғи жамият тараққиётига бевосита таъсир этади.

(4) Ф. Рапп.

Юқорида фарқли фан ва техника ўртасидаги узвий боғлиқликка ҳалақит бермайди. Фан ва техника ҳамма вақт ўзаро бирликлар яшайди. Техника ва фаннинг асосий моҳияти инсон билимлари экан, у инсон фаолиятининг натижаси сифатида ҳақиқатга эришиш, билмаган сирларни аниқлаш, табиат мўъжизаларини кашф этишдан иборатдир.

Техника қадимда ҳунармандлик санъатлик хусусияти сақланиб қолган. Шунга кўра, санъат билан техниканинг фарқи ва ўхшашлиги ҳақида фикр юргизмасдан бу масалани тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди.

Техника билан санъатни солиштириш асосида техниканинг моҳияти аниқ ифода этилади.

(5) Ж. Бек

Техника санъати санъатнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ инсон томонидан бошқарилади. (техникани севиш умуман севишдан, музика санъатидан, қурилиш санъати ёки ҳарбий санъатдан фарқ қилади). Улар учун умумий томон доимо ижтимоий талаб – мақсадларга мувофиқ ўзгариб туриш бўлиб, санъат ана шу мақсадларнинг бадиий ғояси сифатида намаён бўлади.

Техника эса, асосий масала табиатдан фойдаланишдир. Санъат воқеликнинг моҳиятини очиб бериш характериға эға бўлса техникадан ана шу моҳият кўرғазмали шаклда ифодаланади. Санъаткор воқеликни ўзининг субъектив фаолияти орқали акс эттиради. Воқелик субъект кўзгусидан ўз – ўзини англаш орқали ўтади.

Техника фаолият ҳаётнинг маъносини чуқур ўрганишға қаратилган бўлса – да, уни қайта ўзгартириш инсоният эҳтиёжига мос келади. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилиш йўлидан бормай, табиат ҳолатини бузмасдан иш қилиш, у билан ҳамкорлик, коэволюция асосида бориши керак. Бу глобал муаммолар маъносини аниқлаш билан боғлиқ.

3.3. ТЕХНИКА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ДОИРАСИДА

Замонавий техника тараққиёти ва унинг мувафқиятлари икки хил социал оқибатни туғдирмоқда. **Бир томондан, техникасиз инсоният тараққиётини тасаввур қилиш қийин бўлса, иккинчи томондан, техника қудратли куч сифатида салбий оқибатга олиб келмоқда.** Техникани ўйламасдан ривожлантириш мураккаб социал муаммоларни туғдирмоқда, иш билан таъминлашни қийинлаштирмоқда. Хусусий транспортларнинг кўпайиши, бир томондан яхши, иккинчи томондан, шаҳарнинг экологик ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Шовқин – суронлар инсон асабига салбий таъсир кўрсатмоқда. ХХI аср бўсағасида инсоният олдида техникага оид жуда катта муаммоларни ҳал қилиш масаласи турибди.

Атроф – муҳитнинг сноат чиқиндилари билан ифлосланиши, табиат ресурсларининг тугаб бориши, демографик мувозанатнинг бузилиши, радиоактив фожианинг ўта хавфли эканлиги каби масалаларни ҳал қилмасдан туриб, инсоният келажагини тасаввур қилиш қийин. Буларнинг барчаси техникани қандай ва нима мақсадларда ишлатиш кераклиги тўғрисида чуқур ва атрофлича фикр юртишни тақазо этади.

Асримизнинг 60- йилларида техниканинг бошқаришсиз ўсиши жамиятни бухронга олиб келаётгани ҳақида янги фикрлар, мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Бу даврда техниканинг янгиланиш жараёни юз бераётган эди. Илмий – техник инқилоб олдида ҳайрон қолиш, керак бўлса сажда қилиш ҳоллари пайдо бўлди. **“Жамият – техника – табиат” муносабатларида янги муаммоларнинг вужудга келиши одамларни ташвишга сола бошлади.** Оммавий чиқишлар, мунозаралар “яшилар” ҳаракати кучайиб кетди.

1972 йилда Рим клубининг биринчи маърузаси эълон қилинди. Бу жуда катта шов – шувларга сабаб бўлди. Бугунги кунда Рим клуби дунёга машҳур халқаро ташкилотга айланган. Рим клуби дунёга машҳур маърузаси дунёдаги йирик олимларнинг илмий изланишларига суянган ва

айниқса, Массачусет (АҚШ) технологик институтида Д. Медоуз раҳбарлиги остида яратилган “Инсониятнинг мураккаб ҳолати” (Сложное положение человечества) лойиҳага асосланган эди. Бу маърузада инсоният келажаги ҳақида масала анъанавий фикрлардан воз кечган ҳамда масалани янгича қўйганлар.

Маъруза мазмуни Дуне олимларини ҳайратга солади. Унда инсоният тақдирдан хавотирланиш баён қилинган эди.

Маъруза пайдо бўлган фожианинг олдини олишга чақирибгина қолмай, уларни ҳал қилиниш лойиҳасини ҳам майдонга ташлаш эди.

Бугунги кунда одамларнинг сон жиҳатдан ўсиши, гамлаб қўйилган жисмоний ҳал қилинганми?

Планетани таъминлаш, яшаб қолиши учун қанча миқдорда одам керак?

Бу қачон давом этади?

Бундай саволлар Д. Медоуз ва унинг сафдошлари бундай чорак асрдан олдинроқ “инсоният фожиа томон келмоқда, уни ҳал қилиш чорасини топиш керак”, - деб айтганлар. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни маълум миқдорда чегаралаш керак, акс ҳолда келгуси авлодга “обод ва озод Ватан” қолмайди. Энг асосийси, олимларнинг ривожланиш (прогресс) мезонига янгича қарашдир.

Жамият, техника чексиз олға кетаверадими?

Бу саволга жавобан жамиятнинг босқичлари ҳақидаги эски таълимотдан янгича қарашга ўтишни кўрсатиб бердилар улар. Шу вақтгача жамиятнинг олға қараб кетиши учун ишлаб чиқаришни, техникани тўхтовсиз ривожлантириш тамойили мавжуд эди. Бу инсонларнинг моддий аҳволини яхшилайти, деган тасаввур бор эди.

Ўсиш чексиз давом этиши мумкинми?

Бугунги кунда миқдорий ўсишдан сифатий ўсишга ўтиш керак, деб таъкидланади.

Маъруза кенг муҳокама қилинди, турли эътирозлар, танқидлар ҳам бўлди. Рим клуби бу масаланинг энг муҳимларини қуйидагича сифатида қуйидагиларга қаратди:

- XXI аср бўсағасида инсоният олдида турган муаммолар ўта мураккаб ва ўта муҳимт эканлигини сайёра одамлари (англаб етиши учун ёрдамлашиш) онгига етказиш;

- Одамларнинг тирик қолиши, глобал фожианинг олдини олиш учун янги муносабатларни шакллантириш имкониятини яратиш.

Рим клубининг энг асосий йўналишларидан бири инсоният олдида турган муаммолар, клуб ташаббуси билан қилинган ишлар, унинг келажаги, илмий – техник, саноат, иқтисодиётнинг социал оқибатлари ҳақида одамларни хабардор қилиб тури шва шу орқали муаммоларни ҳал қилишда одамларнинг фаол иштирокини таъминлашдир.

1991 йилда Рим клуби бутун дунё одамларига ўзаро ҳамкорлик ҳақида мурожаат эълон қилди. “Биринчи глобал инқилоб” деб аталган маъруза глобал муаммолар ва инсониятни сақлаб қолишнинг янги дастурида бу масалани атрофлича ўргани зарурлиги таъкидланган. **Башарият, халқаро ҳамкорлик ташкилотлари бу масаланинг жиддий эканлигини англаб етиши ҳар бир одамнинг бу масалада иштирок этиши таъминлашга боғлиқ, деб ёзилган. Фақат инсоният ўзининг сиёсий иродасини намаён қилиб, барча инсонлар биргаликда ҳаракат қилгандагина ўз яқинларини, инсониятнинг яшаб қолишини таъминлайди. “Биз оламшумул ҳамкорликка чақирамиз”, - деб ёзилади мурожаатда.**

3.4. ТЕХНИКАНИ ИНСОНИЙЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИК ҚАДРИЯТЛАР

Бугунги кунда техника фалсафаси билан шуғулланувчилар техниканинг социал оқибатлари ва унинг қадриятлари муаммосини ҳал қилишда ҳаракат қилмоқдалар. “Техника” цивилизациясида индустриал ва постиндустриал каби қадриятлар тизимининг шаклланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалалар бутун инсониятни тўлиқинлантирмоқда. Гап фақат табиий ресурсларнинг тугаб бориши ҳақидагина бормаяпти. Бу жараён инсоннинг ўзини,

унинг онгини ўзгартиришга, тарбия масалсига қадрият нуқтаи назардан қарашга бевосита боҳлиқ бўлиб қолмоқда.

Француз социологи Ж. Эллюль ўзинг “Бошқа инқилоб” деган асарида техникани инсон ақлий фаолияти доирасига критаар экан, бунда у дунёни умумий рационаллаштириш (ақлийлаштириш) биланбоғлайди. Демак, инсон ақлий фаолияти техникани яратибгина қолмай, унинг устидан назорат қилиш қудратига ҳам эга. Техника мақсадларни андозалашга (стандартлашга) қодирдир. Натижада инсонни мураккаб ҳаракат қилувчига, объектга айлантиради.

Техника атроф муҳитга таъсир этибгина қолмай, ўзи атроф муҳитга айланиб бормоқда. Техника бизнинг атрофимизни ўраб олган муҳитга айланиб бормоқда. Техниканинг ўзги ҳамма жойни эгаллаб, табиатни яроқсиз, иккинчи даражали қилиб қўйди. Табиат фан ва техника ўртасида бўлинган. Техника бир бутун муҳитни ташкил этиб, инсон унинг ичида ҳис қилиб, фикрлаб, тажриба орттириб яшайди.

(6) Ж. Эллюль

Техника моҳияти ҳақида фикр юритиб немис файласуфи М. Хайдеггер инсон тор техника доирасида чегараланиб қолмаслигини кўрсатади.

Техника мақсадни амалга ошириш воситаси бўлибгина қолмай, имкониятларни намоён қилиш, очиш воситаси ҳамдир. Техника яширин имкониятларни, ҳақиқатни вужудга келтириш воситасидир.

(7) М. Хайдеггер

Техника табиатнинг қиёфасини ўзгартириш билан бирга ҳақиқатни очиш, табиатни ўрганиш, идрок этишни ҳам ўз ичига олади. Демак, **техник равнақ, фалсафий нуқтаи назардан, атроф – муҳитни ҳалокатли оқибатга олиб келиш билан бирга, инсон бундай борлиқни қандай қабул қилиши, идрок эта билиши билан бирга боғлиқлигини кўрсатади.** Техника мустақил яшовчи бир бутун соҳа сифатида майдонга келиб, инсоннинг дунёни идрок этишда, ижод ва эстетик жиҳатдан дунёни англашда муваффақиятга эришишга олиб келмоқда.

“Санъат муҳит техникасини ҳосил қилади. Техника қўйган талабларни амалга оширади. Янги тафаккур ана шу ҳозирги сунъий муҳитни, техника муҳитини тижлил қилиш керак”.

(8) Ж. Эллюль

Ҳозирги замон санъати техник реалликни акс эттириши керак. Техникага инсон қалби қўшилганда, у қадриятга айланади, дунёни, табиатни бузишга эмас, тузишга қаратилган бўлади.

Технократик тамойил. Ҳозирги замон техника фалсафаси техник соҳа бўйича зиёлилар ва уларнинг маънавиятига алоҳида аҳамият беради. XX аср ўрталарида – фан ва техниканинг олға кетиши умумий тус ола бошлаган бир пайтда шу жараён ифодаси сифатида технократик (технократия юнонча кратия – ҳукмронлик, ҳокимият сўзидан олинган бўлиб, техника ҳукмронлиги деган маънони англатади) концепция кенг қўламда трақала бошлади.

“Технократия”ни биринчи марта Т. Веблен ўзининг “Инженерлар ва қадриятлар тизими” деган асарида қўлланди ва техника мутахассислари ишлаб чиқариш ва социал раванқ учун ҳолисона меҳнат қилганини айтади. 60 – 70 йилларда Ж.К. Гэлбрейтнинг “Янги индустриал жамият мақсади” китобларида “технократия” тушунчаси ривожлантирилган. Унинг фикрича, техноструктура (тузилиш) мураккаб қатламлардан иборат бўлиб, бир бутун техник тизимни ташкил этади.

(9) Ж.К. Гэлбрейт

индустриал жамият тараққий этиш ривожланиши билан “техноструктура” иқтисоднинг ривожланиши ва жамиятни бошқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб боради. Шунинг учун жамиятнинг сиёсий ҳокимияти мутахассислари қўлида тўпланиши керак жамиятни бошқариш эса илмий – техник билимга боғлиқ бўлади, деб ёзади Гэлбрейт.

XX асрнинг иккинчи ярмида мисли қўрилмаган илмий техник муваффақиятлар бўлди. Меҳнат унумдорлиги ошиб, бир неча мамлакатларда одамларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди. Техниканинг чексиз ўсиши инсоният олдида катта

муаммолар туғдирди, дунёвий фожиаларни вужудга келтирди. Бадий адабиётда ҳам, фалсафий адабиётларда ҳам техник ҳукмронлик, техник тоталитаризм давлатини танқид қилина бошланди.

Бугунги кунда техника фалсафаси доирасида технократия масаласи муҳим муаммодир. Технократияни танқид қилувчилар фалсафанинг кучига катта умид боғламоқдалар. Улар фалсафа ўзинг инсонийлиги, ўзинингмаънавий ахлоқий қоидалари ва дунёга бўлган эзгулик муносабати билан техниканинг чексизлиги ҳамда ҳукмронлигига, унинг келажагига тўғри қараш орқали инсонларни ишпантириш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Техника цивилизациясида инсон нафақат дунёни, жамиятни режалаштиради, балки инсоннинг ўзи режалаштириш объектига айланиб қолади (О. Шельски). Техника фалсафаси шу жиҳатдан техника зиёлиларининг техникани бошқариш ва ривожлантиришдаги ўрнини таҳлил қилишга киришди.

Техника ва этика. Илгариги фикрлаш тизимида техника билан шуғулланувчи шахс холис иш қилади, шунинг учун у маънавий жиҳатидан холис, унинг ижоди, техник кашфиёти ҳам ҳеч қандай ёмонликни назарда тутмайди, деб қаралган. Техник илмий ходим ёки инженернинг масъулияти, маънавий жавобгарлиги масаласи ҳам кескин қўйилмаган эди. Бугунги кунда, келажак тўғрисида фикр юритганимизда, илмий ходим ва инженер – конструкторларнинг фаолиятини улар маънавий қиёфамиз аниқ тасаввур қилиб бўлмайди.

XX асрнинг йирик физиги Альберт Эйнштейн 30 йиллардаёқ ўзининг дўсти Макс Фон Лауге ёзган хатида фан ходимлари сиёсатга таъсир этиши, маълум ҳодисаларга масъул эканини билиш кераклигини, олим бўлаётган ҳодисаларни кўрабилмаслиги, масъулиятсиз бўлиши, бошқарув тизимига бефарқ қараши мумкин эмаслигини айтади (11). Бу диёримизнинг буюк файласуфи Абу Наср Фаробий бундан 1100 йил олдин ёзган, “Илимлар таснифи ҳақида” рисоласидаги олимнинг масъулияти тўғрисидаги фикрларига ҳамоҳангдир (12).

Ҳозирги даврда инженер инсоният цивилизацияси олдида масъулиятини англаб етиши керак. Бугунги инженер инсониятга хизмат қилувчи, маънавий етук инсон-парвар шахс бўлиши керак. Инсоният тақдири техника оқибатларига боғлиқ бўлиб қолаётган экан, техник равнақни бошқаришда, унга босиқлик билан муносабатда бўлиб, мақсадларни амалга оширишда, унинг натижасини баҳолаш, ва давлатни бошқаришда техниканинг ўрнини ҳал қилиш фақат инженернинг касби бўлиб қолмай, балки умуман долзарб (ёки устувор) маънавий – ахлоқий масаладир.

Ўтмиш тарих ҳеч қачон бугунгидек инсонга жуда катта масъулият юкламаган. Чунки инсон ҳеч қачон техника воситаси билан табиат устидан бугунгидек ҳукмронлик қилмаган. Инсон табиатдаги мавжудотлар устидан, атроф муҳит устидан, ҳатто Ердаги бутун жонли мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилмоқда.

Бугунги кунда инсон минтақасидаги, ҳатто оламшумул доирадаги ўзининг турини, бутун ҳаётининг олий шаклини йўқ қилишга олиб келади, ками деганда унга зарар етказмоқда.

(13) А. Хунинг.

Бугунги кунда техниканинг характери тубдан ўзгарди. У илгариги техника эмас. Бизнинг давримиздаги техника шундай даражага етдики, унинг ёрдамида инсон барча хоҳишларини рўёбга чиқариши мумкин. Техникага эга бўлган одам учун фаолияти, иш имкониятлари ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси техник тараққиётининг оқибатларини кескинлаштирмоқда.

Инсон ўзининг техник фаолияти билан табиат негизларига кириб бормоқда. Бу жараён борлиқ эволюциясининг таркибий қисми сифатида намаён бўлмоқда. Инсон эса ана шу эволюцион жараённинг қатнашувчисидир. Демак, биз шу жараённинг иштирокчиси сифатида унга масъулмиз. Бизнинг масъулиятимиз беқиёс ўсиб бормоқда, деб ёзади А. Хунинг (13).

Инсон эволюцион жараённинг иштирокчиси сифатида, бу жараёнга ўз ақл идроки, салоҳияти билан ёрдам бериши керак. Шу нарсани яхшилаб ўйлаши керакки, инсон нимага қодир бўлса, шуни қилавериши керакми? Бугунги техника дунёни ўзгартириши учун катта имкониятларга эга, шунинг учун у дунёда жуда катта куч билан таъсир қилмоқда. Мустақил куч сифатида техника унинг имкониятлари ва жамият тарққиётига ижобий таъсири ҳақидаги масалани ҳал қилиш инсон дунёқарашининг шаклланиши, дунёга бўлган янгича муносабати билан боғлиқ. Бадиий адабиётда, теле – ва кино экранларда кўрсатилган фантастик санъат турида техниканинг инсон устидан ҳукмронлиги, компьютерлар ҳокимияти ҳақида турли қарашлар пайдо бўлмоқда. Бундай фантастик қарашларда жон борга ўхшайди.

Бугунги кунда техника инсонга хизмат қилмоқда ёки инсон техникага хизмат қилмоқдами?

Бу масalani тушуниш мураккаблашиб кетмоқда. Инсон техника таъсирига қай даражада тушиб қолганини ўзи ҳам аниқ иш бажариб, такомиллашиб бормоқда. Бу жараён одамларнинг ҳаётини техника билан боғлиқ қилиб қуймоқда. Ўз навбатида инсон эркинлигини ва қадр – қийматини техникавийлашиш асосида чеклаш юз бермоқда. (Баъзи одамлар ҳаётининг мазмунига ҳам айланиб қолмоқда). Инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориш билан техника ўз ҳукмронлигини ўтказиш, инсоннинг барча фаолиятига "босқинчилик" қилишга ўхшаган ҳодисалар ҳам юз бермоқда.

Ҳозирги олимлар "Инсон техник имкониятларини, техникага қаратилган бутун салоҳиятини ишга солиши керакми?", -- деган саволни майдонга ташламоқдалар.

Жамият келажакка қандай қадриятлар қолдиради?

Келажакда инсонлар ҳаёти учун муносиб турмуш тарзи ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишини хоҳлайди. Бу техниканинг келажаги ҳақидаги масала билан боғлиқ бўлиб, уни эса инсонларнинг социал масъулиятсиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу ҳолда у ёки бу шахснинг масъулияти тўғрисида ёки айрим техника турларининг социал оқибатлари ҳақида

гап кетаётган йўқ. Аксинча техника фалсафаси доирасида глобал ҳал қилиш ҳақида, инсониятнинг маънавияти тўғрисида, бутун инсониятга суянадиган ахлоқий принциплар, қадриятлар ҳақида сўз кетмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, техника фалсафаси фалсафий тадқиқот сифатида шаклланиб бормоқда. Яқин – яқингача техникага, инсон амалий фаолияти сифатида назарий – фалсафий жиҳатдан ўрганишга арзимади, деб қаралган эди. Шўролар даврида фалсафанинг умум назарий томонларига эътибор бериб, унинг амалий томонлари таҳлил қилинмас эди. Бугунги кунда ҳам бизнинг олий ўқув юртларимизда ўқитиладиган фалсафа дастурида техника, фан, маданият, тарих фалсафаларига алоҳида мавзу ажратилиб ўқитилмайди. Ваҳоланки, Аристотелдан бошлаб Фаробийгача, Гегелдан тортиб замонавий фалсафагача фалсафани назарий ва амалий ажратганлар. Бироқ, бугунги кунда техника фалсафасининг ҳамма томонлари назарий жиҳатидан таҳлил қилингани йўқ. Унинг асосланган назарий тизимининг модели яратилган эмас. Философиянинг моҳияти, мазмуни, амалий фалсафада чуқур ва атрофлича намаён бўлади.

Техника фалсафаси

Техника фалсафасининг эволюцияси	Техника табиати ҳақидаги Фикрлар
Техника фалсафаси	Техника ҳодисасини методологик ва дунёқараш нуқтаи назардан ўрганадиган фалсафанинг соҳаси
Қадимги дунё фалсафаси	Техника юнонча “технэ” сўзидан олиниб, маҳорат, хунармандлик маъносини англатган. Техника хунармандлик қобилиятнинг мажмуи, унинг юқори билимдонлиги деб қаралган.
Ўрта асрларда	Техника хунармандчилик,

		устачилик маъносида ишлатиб, Оллоҳ берган ақл, фаросат билан ижодий иш юритиш ҳисобланган ва бу ҳунар авлоддан авлодга ўтиб турган.
	Янги даврда	Техника инсон илмий билимларини кўргазмали бўлиши, предметга айланиши, инсоннинг табиатдан ажралиш воситаси сифатида қаралган. Техника мустақил куч бўлиб, меҳнат воситаси сифатида жамият ривожланишининг асосини ташкил этади, деб қаралган.
	XX асрда	Техника феноменология камчилиги сифатида фанни давом эттиради. Шунинг билан инсон ҳаётий дунёсини бўшаштиради. (Гуссерел ва феноменология фалсафасининг бошқа тарафдорлари). Техника – инсон ўз олдида унинг маъносини ўйламасдан қўйган тўсиқ. Техника қайси даражада инсон борлиги моҳиятига мос келишига боғлиқ (Хайдеггер ва герменевтика тарафдорлари). Техника – инсон ақлий фаолиятининг мужассамлашиши (аналитик фалсафа). Техника даврнинг мувофиқ реаллигидир. Бизнинг давр техник ёндашув, бу аниқ, фалсафий ёндашувдир. (Г.П. Шедровский).

Адабиётлар

1. Философия техники. Москва 1997, 255-бет.
2. Ракитов А.И. Философия компьютерной революция. М. Прогресс 1994, 82-бет.

3. Ясперс К. Смысл и назначение истории. Москва 1991, 134-бет.
4. Философия техники в ФРГ. М. 1989, 282-бет.
5. Философия техники в ФРГ. 1989, 178-бет.
6. Философия техники. М. 1997, 263-бет.
7. Новая технократическая волна на Западе. М. 1986, 50-бет.
8. Философия техники. М. 1997, 263-бет.
9. Философия техники. М. 1997, 265-бет.
10. Философия техники. М. 1997, 265-бет.
11. Философия техники в ФРГ. М. 1989, 377-бет.
12. Хайруллаев М. Шарқнинг машҳур мутафаккирлари. Абу Наср Фаробий Фозил Одамлар шаҳри. Т. 1993, 7-бет.
13. Философия техники в ФРГ. М. 1989, 406-бет

4.4. ИКТИСОДИЁТ ФАЛСАФАСИ

Иктисодиёт фалсафаси ҳозирги замон донолик илмининг муҳим бнр соҳаси бўлиб, амалий фалсафанинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фалсафани назарий ва амалий соҳага ажратиш юнон файласуфи Аристотелдан бошланади. Форобий ва Ибн Си—нолар амалий ва назарий фалсафага жуда катта эътибор берганлар. Фалсафанинг сиёсий, иктисодий ва маънавий ҳаётдаги урнини курсатиб беради. Жаҳон фанида Форобий ҳақли равишда иктисодиёт ва сиёсат фалсафасининг асосчиси деб тан олинади. Гегель ҳам фанни фалсафа, тарих, ҳуқуқ, санъат, ахлоқ, фалсафа тарихи, мантикка бўлиб, ҳар бир соҳанинг фалсафий муаммоларини курсатган эди.

Ҳозирги даврда билимлар тизимининг турли соҳалари билаи шугулланувчи фалсафий йуналишлар мавжуд. Булар фан фалсафаси, тарих, социал, иктисодиёт, сиёсат, техника, санъат, ҳуқуқ фалсафаси ва шу қабилардир. Бундай соҳалар фалсафанинг умумий гояларининг реал ҳаёт билан алоқасини таъминлаб, унинг инсон амалий фаолиятидаги аҳамиятини курсатиб беради. Фалсафа умумий тушунчалардан конкрет ҳаётини муаммоларни ҳал қилишга утади. Одамлар фаолиятини маълум мақсадларни амалга оширишга йуналтиради, Европа фан —техникасининг ривожланиши, шу асосида индустриал жамиятнинг вужудга келишида фалса — фадаги рационал метод асосий роль уйнаганини биламиз. Бугунги кунда инфор­мацион жамиятнинг вужудга келишида Аристотель майдонга ташлаган, мантикан ал Хоразмий ишлаб чиққан, кейинроқ унинг ватандошлари Форобий ва Ибн Синолар томонидан ривожлантирилган алгоритмни техникага татбиқ қилиш (албатта гарб мантикшуносларининг муносиб ҳиссасини эътироф этган ҳолда) муҳим роль уйнаганини уйлаб қурайлик. Бугунги кунда инфор­мацион жамият мавжуд экан, унинг иктисодий, сиёсий, маънавий моделини курсатиб беришда фалсафий тафаккурнинг иштироки юксакдир. Биз бунда иктисодиёт фалсафаси нима, у жамиятни таҳлил қилишда, ижтимоий ҳаётнинг ривожланишида қандай урин тутати, қабил саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Тугри, бугунги кунда фан соҳаси шунчалик мураккаблашиб, дифференциялашиб кетдики, у билан шугулланиб, чуқурроқ урганиш учун

алохида одамнинг умри етмайди. Аксинча, инсон жуда катта имкониятларга эга булишига карамай, умр буйи ҳаракат қилса ҳам ҳаммасини реаллаштириб улгурмайди. Уни реаллаштирадиган муҳит ҳам бор, тусик, буладиган, таҳдид соладиган омиллар ҳам бор. Бундай жараёнларни юртбоштимиз уз асарларида атрофлича ёритган.

Бутунги кунда бутун борлиқнинг, дунёнинг манзараси асосида ҳамма фанларнинг умумий бир негизини топиб, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ва мувофиқлаштиришда, бир мақсадга йуналтиришда фалсафа асосий урин тутади, Фалсафа инсоннинг дунёда тутган урни, унинг атрофдаги реалликка булган муносабати билан шугулланар экан, иктисодий реаллик инсоннинг дунёга булган муносабатининг муҳим бир томони, бевосита инсоният наслининг табиатга булган муносабатини мақсадга мувофиқ., онгли муносабати асосида табиат билан инсон уртасида модда алмашув ва инсон билан инсон уртасидаги моддий муносабатлар асосини ташкил этади. Демак, иктисодиётни файласуф нигоҳидан утказиш инсоннинг табиат билан муносабатда булишининг қандай мақбул методологияси бор, инсон унга муносабатда булишда, ахлокий, эстетик, диний, фалсафий қарашларини намоён қилиш асосида борадими ёки фақат табиатни узига буйсиндириш асосида борадими? Инсон иктисодий муносабатлари жараёнида табиатни сунъийлаштириб боради. Уни уз эҳтиёжига мослаштиради. Бироқ, биз яратган сунъий табиат табиатга қарама — қарши, унинг табиийлигини узгартирадими ёки у билан мувозанатда буладими, деган саволга жавоб беради.

Демак, иктисодиётни инсонийлаштириш фалсафий муаммодир. Биз иктисодиётда ишлаб чиқариш, истеъмол ва алмашув жараёнида инсоний ҳислатларни намоён қилиб яшаймизи ёки фақат биологик эҳтиёжларни қондириш учун яшаймизми? Инсон ва унинг дунёда тутган урни турисида гоҳ инсонни, гоҳ космос, табиатни биринчи уринга қуяди, натижада гоҳ гуманитар билимлар, гоҳ табиий-илмий изланишлар устуклик қилади. Бугунги кунда илим фанни ҳам, иктисодий муаммоларни ҳам ҳаммасини инсон моҳияти нуқтаи назаридан изохлашни урганиш керак булади. Акс ҳолда иктисодиёт инсоннинг маънавий ҳаётини, ишонч — эътиқодини, миллий гурурини, ватан туйғусини тарбияламайди. Аксинча, юксалиб кетишнинг сабаби руҳиятдаги эзгулик, миллий қурур, ифтихор, маънавий қутаринкилик эканлигини қурсатади;

Олмониянинг юксаликка қутарилиш сабаби немис руҳиятига мос иктисодиётни ташкил қилиш эмасми? Немис руҳияти, ахлоқи ва минтақотини ифодаловчи "немис идеологияси" пайди булди. Кант, Гегель, Фейербах, Фихталар немис тафаккурини юксак чуққига қутарди. Немис халқининг қучли булиши учун, унинг эътиқодида янгилашни юз беришини қурсатди.

Ницше, Гуссарль дунёдаги бухрондан қутилиш учун янги тафаккур тарзини яратиш керак деди. Иккинчи жаҳон урушидан сунг одамларни жаҳолат ботқоқидан чиқариб келажакка ишонч эътиқод руҳида тарбиялашда бизнинг ватанимизда мавжуд булган аждодларимиз яратган фалсафа жуда муҳим аҳамиятга эга булди.

Германияда Франкфурт мактаби, Бена тугараги, Англия аналитик фалсафаси, Америка Қушма Штатларида бизнес ва прагматик фалсафа Овропа фани ва иктисодни ривожлан — тиришга узхиссасини қушмадими? Инсон фаолияти нимага қаратилиши керак, дунёнинг яхлит манзараси ҳақидаги фалсафий фикрларни майдонга ташлади.

Бутунги кунда "якин келажакдаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунини белгилаб олишимиз зарур" деб қурсатади юртбошимиз. Биз иктисодиётнинг барча соҳаларини ва тармоқларини эркинлаштирар эканмиз, ҳужалик юритувчи субъектларнинг мустақил фаолиятида булиши учун тула ва ҳар томонлама имкоият яратамиз, утмиш ва келажак авлод билан ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ва этмайдиган одамлар билан маълум муносабатда булишни тақозо қилади. Бунддй (фаолиятни амалга ошириш, яъни эркинлаштириш ва иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш одамларнинг маълум дунёқараш тизимида эга булиши, шахснинг онгли муносабатида булиши, маълум иктисодий билимга эга булишгина эмас, балки инсон маънавий жиҳатдан пок, иймони бутун,

иродаси бакувват, инсон калби тоза булиши керак. Буларнинг хаммаси дуиёга тутри ва виждонан муносабатда булиш демакдир.

Одамларга бундай муносабат миллий онгимиз, мента летитимиздан келиб чиқади. Хозирги замон фалсафасида жамият ривожланишининг янгича карашлар тизими мавжуд. Демак, хар бир юмушчи, тижоратчи ёки корхона эгаси ана шундай карашлар тизимидан келиб чик,кан холда иш юритиши жамиятни ривожлантиришга олиб келади.

Маркс узининг "Капитали"да иктисодий назарияни майдонга ташлар экан ижтимоий конунларнинг объектив эканлигини бош масала деб каради. Шу асосида жамиятнинг ривожланишида иктисодий муносабатлар асосий ролни уйнайди, деб жамият ривожланишининг негизида иктисод ётишини курсатди. Кипшларнинг маънавий хаётининг узгаришини ана шу иктисодий муносабатларга борлик килиб куйди. Инсонни "иктисодий одам" билап тенглаштирди.

Гегель эса, бугун борликни обектив, муглок гоё билан тенглаштирди. Хар иккаласи хам инсон ижтимоий (конунлар инсон онгидан ташкарида, унга боглик булмаган холда мавжуд, деб айтдилар. Бу конунларни алохида одам йук кила олмайди, бокор кила олмайди, деб курсатдилар. Хар бир шахс умумий маданият, конунга буйсунади, деб айтдилар.

Одамларнинг уз манфаатлари йулида харакат килиши, уз фойдасини кузлаб фаолиятда булиши одамларни бирлаштирмайди, балки бир биридан ажратади. Хеч ким зарарга ишлашни хохламайди. Бу одамларнинг кундалик турмуши учун кулай фалсафадир. Бирок, иктисодий борлик инсон борлигининг бир кисми экан. Реал хаёт мураккаб экан. Реал хаётда инсон турли сабабларга кура фаолиятда булади. Инсон эркин, мустакил, баркамол булиши учун дунёни, узини хис кила билиши, идрок килиши, тушуниши, унинг конунларини урганиши, узини шу дунёнинг бир кисми эканлигини ва унда тутган урнини англаб етиши керак. Мана шунда халол меҳнат килади, маънавий жихатдан пок булади. Шунда инсон озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этишга уз хиссасини кушади, бунга узини масъул деб билади.

Иктисодиётни эркинлаштириш шахс эркинлиги билан боглик. Эркинлаштириш жараёни иктисодиётни бозор иктисодий конунлари асосида ривожланишни таъминлаш билан бирга, шахснинг камол топтириш жараенига айланади, унинг миллий характерни шакллантиради. Иктисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштириш жараёни миллий гоё тамойилларининг уйгунлашуви ва хар бир соҳа ва хар бир одамнинг хаёт дастурига айланиб бориши билан характерланади. Иктисодиётнинг эркинлашув жараёни — инсон характерининг намоён булиши, инсонийликнинг руёбга чикиши асосида борганида хар кандай ислохотларга тусик буладиган иллатлар, тараккиётимизга таҳдид соладиган таъсирлар олиб ташланади демакдир.

Олмонияликлар характерида анклик, ишни охирига етказиш, хар бир ишни уз вақтида тугатиш, немис гоёсининг уз фаолиятига сингдириб юбориш; Америка халкини муваффақият, бойлигини купайтириш гоёси онг — онгша сингиб кетган, муваффақиятсизлик — уят хисси билан боглик эканлиги жамият ривожланишига таъсир этмайдими?

Хозирги замон фалсафасида инсон фаолиятининг турли йуналиши хакида фикр юритилади. Уларнинг фаолиятини асосан иккига булинади. Биринчиси, махсулдорсиз фаолият, иккинчиси — махсулдорлик (бунёдкорлик) фаолият. Демак, инсон фаолияти хаммаси хам молдий, маънавий неъматлар яратавермас экан.

Махсулдорсиз одамлар олувчи одам хеч кандай махсулот яратмайди, аммо турля йулар билан бировлардан олади. Бирок, бундай одам уз кадр кийматини сарфлаб, бировларга такдим килиб, карам булиб яшайди. Узини кийнаб, азоблаб, бошкаларга карам булиб яшаш улар учун шарафли. Уларни пассив характердаги одам деб аташ хам мумкин. Бундай одамлар мазахист — турида булади. Узини курбон килишдан хам, азобланишдан хам завкланади, буйсунишни содиклик, гурусизликни камтарлик, узининг мустакил фикри йукликни масъулиятлилики деб билади.

Тортиб олувчи одам ҳам ҳеч қандай маҳсулот яратмайди. Бошқаларни буйсундиради. Социал жихатдан бировларни азоблашдан мамнуният ҳис қиладиган одам. Бундан ташқари, йигиб — териб яшовчи одам, эҳтиёткор, амалиятли, тежанкор, узини тутат биладиган одам ҳам бор. Зикна, баҳил одамлар ҳам шу типга қиради. Бундай одам конструктив эмас, балки деструктив одам турига қиради.

Бозор характерли одам, «бозор одамн», Бу алмашиб, олди — сотди билан кун куради. Бутун қобилияти, иқтидори олди — соттига қаратилган. Инсоний муносабатларни олди — сотти муносабати билан улғайдиган одам. Бундай одам бефарқ, булади. Хётнинг мазмуни пул, мол — мулкда, иқтисодий муваффақиятда деб билади, ҳамма нарсани пул билан улғайди. Биз бозор одамнинг маҳсулдор (бунёдкор) одам бўлишини хоҳлаймиз.

Сермаҳсул одам. Бу моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи, ақлли, ҳаётни севувчи, мақсадни амалга оширувчи одам. Бундай одам маҳсулот яратади, экин экиб, боғ — роғлар яратади, ижод қилади, билимини, ақл — идрокни, ҳис — туйғусини намоён қилади. Уз қучи, ақлига ишонади, маффақиятни ташқаридан эмас, балки узидан қидиради. Бировдан олиб яшамайди, тортиб олмайди, бошқалар ҳисобига бойимайди. Балки, уз одамгарчилигини, инсоний фазилатларини руёбга чиқариб яшайди. Мана шунинг учун бундай одамлар интилиб, изланиб, ташаббускор бўлиб яшайди. Натижада, узлигини билиб, бошқаларни севиб, яхшилик қилиб яшайди. Қийинчиликлардан қутилиб кетишнинг конструктив йулларини топа билади. Демак, бунёдкор шакс ижодкор, ташаббускор шахсдир. Шахснинг бундай ҳислатлари рухий таҳлил фалсафасида батафсил ишланган. Бунёдкор шахс уз қучи, меҳнати, одамийлигини намоён қилиб яшар экан, унинг фаолияти яхшилик, севиш эзгулик, саода қараб боради. Дунёни, табиатни бузмасдан ардоқлаб яшайди. Инсонларга уз меҳрини, қалбини ҳадя қилиб яшайди. Бундай одамлар инсоний қуч — қудратларини ҳосил қилишга қодирдир. Савол тўтилади; инсонда шундай қуч қердан қелади. Аввало, азалдан қериган, унинг табиатидан шундай яратилган булади. Қолаверса тарбия, муҳитдан олади. илм олади, қалимга эга булади. Тафакқури ривожланилади. Унинг қилимдон бўлиши қомилликка етаклайди. Эркин мустақил фикрловчи қомил инсон эса, қуч — қудратли булади. Инсонга яхшилик қилиш, уни сева қилиш учун у қамолотга эришиши қерак. Қамолотга эршиши учун қнн севишга эга бўлиши қерак. Ана шунда уз қучини намоён қилиш имқониятига эга булади. Қучини намоён қилиш орқали одам лаззатланилади, сева билади, эзгуликни амалга отиради. Қуллас инсонийлик намоён булади. Демак, биз иқтисодиётни эркинлаштирар эканмиз бу қараён уни инсонийлаштириш демақдир.

Мана шунинг учун инсонийлаштириш қайриинсоний ҳислатларга қарши қураш асосида боради. Таъмақирлик, омонатга ҳиёнат, ноҳақлик, ҳасадқулик, умидсизлик, тажавузқорлик, бефарқлик, қассивлик, адолатсизлик, ёлгон, игво, нотугри аҳборот қабиллатлар қамиятимиз демократиясининг ривожланиши, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барно этиш йулига тусқинлик қилади. Бундай фикрлаш тарзи мустабид (тоталитар) даврнинг қашгаок фалсафси оқибатида вужудга қелган фикрлаш тарзи, ҳусусий мулкчилик, мулкка эғалик қилиш туйғусини меңсимаслик, миллий тафакқурни пастига уриш натижаси эмасми?

Порақурлик тажавузқор, бузуклик, вайронақарчиликка, адолатсизликка олиб қорадиган йул эканлигини, иймонга, миллий қурурга раҳна соладиган, миллат номига доғ туширадиган фаолият эканлигини аглаб етиш вақти қелди. Демократия, ҳуқуқий давлат қонунлари одамларни анашулардан ҳимоя қилиши қерақлигини Юртбошимиз тақрор — тақрор айтмоқда.

Биз юқорида Маркс "Қапитал" асарида ҳусусий мулкка қарши пролетариат маққурасини яратар экан, ижтимоий мулкнинг вужудга қелишининг асосларини қурсатиб берди, деб айтдик. "Сиёсий иқтисод

танкидига доиррасарида капитализмдан социализмга утиш революция (инкилоб) авсосида булишини курсатиб берди. Бунинг фалсафий асоси диалектик материализм эди. Чунки, диалектик материализм пролетариат синфи мафкурасининг фалсафий асосидир. Мана шу асогда иктисодиётда маъмурий буйрукбозлик усули пайдо булди. Социализм иктисодиётининг халокати сабаби ҳам ана шунда. Чунки, иктисодиёт эркинлашмади, хаммани "тенглаштириш" сиёсати, "эхтиёжига яраша" принцинга караб кетди. Иктисодиётда бокимандалик психологияси вужудга келди.

Бугунги кунда диалектик материализм бозор иктисодиётига утишининг фалсафий асоси була олмайди. Биз мустакил демократик, фукаролик жамияти, ҳукукий давлат барпо этар эканмиз бизнинг мустакил диёримиз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз экан қайси фалсафага асосланиши керак?

Бу саволга Президентимиз қуйидагича жавоб беради: "Биз барпо этадиган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиш соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим. Ватанимиз азалдан башарият тафаккури ҳазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини татлимоти билан узвий равишда ривожланиди ва уз навбатида бу фалсафий ахлокий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, буюк мутафаккур аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим". (И.Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари" Т. 1995, 9 — бет).

Мухтарам Президентимиз бозар иктисодиғига утишнинг беш тамойилини майдонга ташлади. Бу тамойиллар бозор иктисодиётига утишнинг, иктисодиётнинг фалсафий асоси десак ҳато қилмаган бўламиз. Чунки, "Иктисоднинг сиёсатдан устунлиги" принципи иктисоднинг ҳамма нарсадан ҳам устун ёки моддийлик бирламчи, маънавийлик иккиламчи, деб қаралган диалектик материализм фалсафасидан тамоман фарқ қилади. Бунда гап иктисодиётнинг мустакиллиги, эркинлиги, уз қонуниятлари билан иш қилиши ҳақида боради. Ҳар бир соҳанинг мустакил вазифаси, тамойили, уз урнида бўлиши ҳақида боради, Иктисодиётнинг маъмурий бўй — қўлбозлик асосида бошқарилмаслиги туррисидаги фикрдир. Бу тамойил Ўқитиб бериш асарларида босқичма - босқич такомиллашиб бормоқда.

Иктисодиёт фалсафаси тугрисида гап борар экан, унинг методологияси тугрисида ҳам боҳс юритиш даркор. Бунда бозор муносабатларига босқичма — босқич эволюцион йўл билан ўтиш иктисодиётнинг умум фалсафий методи ҳисобланади. Иктисодиётни эркинлаштириш ҳам эволюцион йўл билан боради **Биринчидан**, иктисодиётни эркинлаштиришнинг босқичма — босқич шаклланиши тажавузкорликни истисно қилади. Бу инсон моҳиятини, қадриятларини намоён қилиш асосида боради. Демак, маънавийтимизнинг руёбга чиқиши асосида иктисодиёт инсонлашган жараёнга айлантирилади.

Иккинчидан, иктисодиётни эркинлаштириш иктисоднинг уз қонунлари асосида тараккий қилиниши таъминлайди. Демак, уз — узини ривожлантириш, уз-узини ташкил қилиш (синергетик метод) асосида боради.

Учинчидан, иктисодиётни эркинлаштиришни бошқаришнинг янги усулини тақозо қилади, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол Жараёнларининг уйғунлигини таъминлайди, ташаббускорларга кенг йўл очиб беради, мулкка эгаллик ҳиссини шакллантиради.

Туртинчидан, иктисодиётни эркинлаштиришни ривожлантиришдаги тусиқларни олиб ташлашни тақозо қилади, ривожланишнинг узлуксизлигига йўл очади.

Бешинчидан, иктисодиётни эркинлаштириш ижтимоий ҳаётдаги вазиятни ҳисобга олишни табиат ва ижтимоий фанлар ютуғидан эркин фойдаланиб, упи татбиқ, эта билиш, янги технологияни жорий қилишга кенг йўл очиб беради.

Олтинчидан, эркинлаштириш. иктисодиётнинг очиктузим сифатида фаолиятда булишини такозо килади. Натижада турли сохалар уртасида, чет эл инвестициясини жалб килиш, улар уртасидаги номувофикликни бартараф килишга имкон яратади.

Еттинчидан, иктисодиётни эркинлаштириш хужалик субъектларини конун доирисида мустакил, ҳеч кимга тобе булмайдиган демократик асосда иш юритишни такозо килади. Турли манфаатлар уртасидаги зиддиятни бартараф килиш, улар уртасидаги узвий боғлиқлик, узаро ҳамкорлик асосида иш тутишни таъминлайди.

Саккизинчидан, шахс нафакат конунни ҳурмат килиши, унга амал килиш асосида иш куради, балки виждони, эътиқоди олдига ҳам масъулиятли булади. Одам гарчиликни намоён қилиб яшаш ҳаётнинг мазмунига айланади. Демак, иктисодиётни эркинлаштириш — шахснинг эркин, мустакил бўлиб яшаш, қомилликка интилишга жараёнига айланади. Эркинлаштириш иктисодиётни ахлоқийлаштиради, ҳаётни, ватанни, одамларни сеувчи, махсуддор одамни шакллантирувчи жараёнга айлантиради. Иктисодий муносабатлар ин — соний. муносабатларга айланади. Виз фан фалсафаси доира — сида фикр юритар эканмиз, иктисодиётнинг ривожланиши фан—техника билан боғлиқлиги масаласига алоҳида Эътибор беришимиз керак.

Дунёнинг табиий — илмий манзараси бор. У дунё тутрисидаги тасаввуримизни узгартириб туради. Масалан, XVIII асрда механика қўнунлари асосида дунёнинг механик, манзараси ҳақида тасаввурлар ҳосил бўлди. Механика қонунилари муглак қонунлар деб ҳисобланди. Уларнинг техникага таътиб; этилиши саноат инқилобини юзага қолтиради.

XIX аср охири — XX аср бошларида дунёнинг янги машараси (нисбийлик назарияси, радио-активлик ва бошқалар асосида). XX асрнинг 60 — йилларида квант механикаси, янги космос назарияси, синергетика асосида дунёнинг янги манзараси, уларнинг натижаси уларок. янги тафаккур тарзи вужудга қелди. Дунёнинг бир бутун назарияси доирасида иктисодий реаллик манзараси тушунчаси пайдо бўлди. Бу иктисодиёт назариясининг — реаллиқнинг илмий манзарасидир.

Мумтоз сиёсий иктисод борлиқнинг иктисодий манзарасини беради ва одамлар фаолиятининг муҳим томонини очиқ беради. Бунда асосий эътиборни моддий бойликка, инсон қули билап яратилган ёки маълум миллатнинг табиий бойлигига қаратилади. Бунинг асосчилари А.Смид, Д.Рикард ва б. эди (XVIII аср). Мумтоз сиёсий иктисод асосчилари моддий фаровонлик туғрисидаги гоёни олқа сурдилар. Номумтоз сиёсий иктисод чегараланган иктисодий ресурсларни тақсимлаш масалаларини майдонга ташлади. XIX асрда инсонлар бирлиги — халқ оммасига бир бутун хужалик сифатда халқ оммасига эса, тарихни ҳаракатга қелтирувчи сифатини қаралди.

XIX аср охирида "Маржинализм инқилоб" яъни хужалик масалаларни рационал ҳал қилиш усули вужудга қелди. Шундай қилиб "бойлик дунёси", "хужалик маданияти дунёси тушунчалари, бўлди улар асосида эса дунёнинг иктисодий реал манзараси пайдо бўлди. Бугунги кунда "хужалик юритувчи субъекти" тушунчаси ' иктисодий реаллиқнинг манзарасини ташкил этади. Бугун долзарб масала иктисодиётни эркинлаштириш шахс уга масъулиятли эркинлаштириш шахс уга масъулиятли бўлиши такозо килади.

Ҳозирги замон фалсафасида иктисодиётнинг янги манзараси дунёқарашга таъсир этиб, меҳнатнинг мазмунини узгартирмокда бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги унлаб, юзлаб марта ортиб бормокда, техника социал ҳаётнинг барча соҳаларига кириб бормокда, цивилизациянинг ҳамма томонларига, маданиятнинг турли соҳаларига таъсир этмокда. Технологик янгилик жамиятнинг социал тузилишига қескин таъсир қурсатмокда. Натижада янги цивилизацияга мос хужалик тизими пайдо бўлмокда. Бунда меҳнат қулами, бошқариш, дам олишлар тамомила бошқача тусга қиради. Буларнинг ҳаммаси дунёқараш тизимини янгилашга олиб қелади. Инсон билан техника уртаси янгидан—янги муаммоларни дунёқараш доирасида ҳал қилмасдан илож йук.

Технологик жараёнларнинг тубдан узгариши, маълум муаммоларнинг ҳал қилиниши жамиятдаги социал масалалар ривожини қузда тутлади.

Америка файласуфи, социолог Элвин Тоффлернинг фикрича, техник тараккиёт нуктаи назардан караганда жамият уч боскичга булинади ва шу асосда цивилизацияларнинг маълум тури келиб чиқади. Биринчи тулкин аграр цивилизация, иккинчиси —индустриал, цивилизация, учинчиси индустриал цивилизациядан устун ёки инфорацион жамият деб аталади.

Хозирги замондаги иктисодий назарияга кура, жамиятнинг узгариши моддий неъматларнинг, иктисодиётнинг узгаришидан бошланди, иктисодий зиддиятлар революцияга олиб келади, иктисодиёт бутун борликнинг калитити деган коида ҳам узгарди. Маркс узининг "Сиесий иктисод танкидига доир", "Иктисодиёт — фалсафий" кулёзмаларида ана шундай хулосага келади. Жамиятдаги иктисодий, мунобатларнинг ривожланиши ва узгаришини халок булишини диалектик метод асосида исботлайди. Революция, синфий кураш, моддий маифаат масалаларининг фалсафий асоси ҳам диалектик материализмдир.

Хозирги замонда иктисодий категорияларни хал килиш учун янги методологик асос вужудга келди. Тарихни, ижтимоий жараёнларни, харакатга келтирувчи омил инкилоб эмас, балки эволюция хисобланади. Бу Президентимиз майдонга ташлаган бозор иктисодиётига боскичма — боскич утадиган, уэлуксиз, маърифатли тараккиёт йулидир. Президентимиз халқимизни янги жамият — озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаётга чорлаш билан бирга яшириниб ётган иктисодий талафотларнинг инсониятга хавф солаётган, терроризм, фундаментализм, экология каби муаммоларнинг олдини олиш учун курашга шунингдек, маънавиятсиз бозор муносабатларига қарши курашга ҳам чорлайди. Булар эски тоталитаризм, "мурт, заиф, бир ёклама ривожланган, пахта хокимлиги ва бой минерал — хом ашё ресурсларидан назо — ратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган огир мерос булиб қолганлигини айтиш лозим". (И.Каримов. Ўзбекистан ХХІ асрга интилмоқда, Т, "Ўзбекистон"19994 —бет). Президентимиз «Ўзод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт — пировард мақсадимиз» деганда унинг фикр — зикри ва хаёли утопиядан фарқ қилади. Унинг орзу— истаги чексиз идеаллаштириш эмас, балки келажак биз яшаган дунёдан яхшироқ, хаётийроқ, инсон яшаши учун қулайроқ булишини истайди ва. шу орзуларини илмий исботлаб бсради. Бирок, юртбошимиз келажак жамиятда ҳам муаммолар булишини, айтади. Бунда адолатсизликларни у жамиятнинг касалликларга қалинишини кузда тутати. Демак, гап касалликнинг олдини олишда, унга тугри диагноз куя билишдир. Юртбошимиз адолатсизликларни бир ҳамла билан йукотиш қийилигини Олий Мажлиснинг иккинчи қакирик биринчи сессиясида жуда тугри баён қилди.

Жамиятимиз улкан социал узгаришлар арафасида турибди. Бу ҳақ гап. У маданият, маънавият, маърифат, техникани, иктисодиётнинг янгилиниш арафасида турибти.

4.6. ИЖОД ФАЛСАФАСИ

Ижод инсон рухий хаётидан энг сирли, жумбоқли, тулкинлантирадиган, хозирги кун учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Ижод масаласи файласуфлар, рухшунослар, социологлар, педагоглар диққатини бугунгидек узига тортмаган. Хозирги илмий адабиётларда ижоднинг турини урганишда маълум методология тадбиқ этилмоқда жумладан, Рухий ва эстетик таҳлил методларидан кенг фойдаланилмоқда. Психологлар ижодни урганишда классик методлардан фойдаланиш билан бирга замонавий методларга ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Булар хаммаси ижоднинг техникаси, унинг бориши ва имкониятларини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бирок ижоднинг ички дунёси билан боғлиқ масалалар жуда мушкул бўлиб қолаверади, Чунки ижодни конкрет урганиш «Ижод қандай ҳодиса?» деган фалсафий масалани ҳал қилмайди. Шахснинг ижодий фаолиятини, унинг қобилияти ва тугма истеъдодини, ундаги бетакрор, ҳайрон қоладиган даражадаги эшитиш ва қуриш қобилиятларини таҳлил қилиш шуни қурсатадики, инсоннинг жозибадор истеъдоди, таланти ҳеч қандай қоидага бўйсунмас экан. Назарий ҳулосалар чиқариш ундан ҳам мушкул экан. Шунинг билан шахснинг руҳий ҳолати, унинг мижози, руҳий жихатдан тез реакция қилиши, унинг характери, қупинча, ижодни таҳлил қилишга қўл келсада булар барчаси конкрет шахсда ўзига ҳослиги билан намоён бўлади.

Инсонларнинг ижодий фаолиятини таҳлил қилиш шуни қурсатадики, ижод ҳамма вақт қўтилмаганда, ўйланмаган вақтда, текшириб бўлмайдиган муҳиза сифатида пайдо бўлар экан. Инсоннинг қобилияти, истеъдоди, тарбияси, билими, маданияти унинг ижодига имконият яратади. Лекин уларнинг ўзи инсонга ижод бермайди. Тарихдан маълумки, жуда қўн ижодқўрлар ўта оддий яшаганлар, баъзилари изчил тарбия ҳам қўрмаган.

Ғарб ҳаётида юксак ўзгаришлар, мисли қўрилмаган тараккиёт вужудга келди. Ған ва маданият ривожланди, инсон юксак билимга эга бўлди, қатта янгиликлар очди. Ған олға қараб юксалди. Шунинг билан бирга одамлар жамоатчилик — дан аққаланиб, ҳудбин ва разиллашиб, бораётганини ҳам қўрамиз.

Бу парадоксни ҳал қилишнинг иложи борми?

XX асрга келиб ижод масаласи алоҳида урганиш обь — ектига айланди. Чунки, ижодий меҳнат билан шугулланувчилар ўз ижодини ишлаб чиқариш, саноат, савдо ва бошқа соҳаларга татбиқ этиб ҳамда қўлаб ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, миллион — миллион одамларнинг эҳтиёжини қондиришни аҳволини яхшилашди. Аммо бундай жараён, баъзи олимларнинг фикрича, қўпчилик ҳалқ ва миллатларнинг ижодий имкониятларини намоён қилишга тўсиқ: бўлди. **(қаранг. Философия. Дарслик, Москва.1997.308-бет).** Жамиятнинг қўп соҳалари ўз ривожланишида боши берк қўчага қўриб қолди ёки шўнга яқинлашиб қолди. Булар экологик фўжиа, аҳолининг қескин қўпайиши, жиноятчиликнинг ортиб бориши, шовинизм, миллатчилик, диний экстремизм, фундаментализм, терроризм қабии иллатлардир. Мана шўнинг учўн янги қўялар, янги тавсиялар қерак. Булар факат ижодий фикрловчи, дунёни янгича тушунишга қодир, унинг қелажагини қўра биладиган шахсларга боғлиқ.

Бу ерда яна қизик муаммо (парадокс) бор ижод ҳақида қўп нарса билувчиларнинг ўзлари ижод қилмайдилар. (Аслида ижодни янгича таҳлил қилишнинг ўзи ҳам ижоддир).

Ғанда, айниқса, санъат, ва адабиётда яхши қадриятларни қим яратади?

Буларни қим вужудга қелтирадц?

Ижодни урганиш маълум маънода янгиликни билим қим қандий янгилик яратганини таҳлил қилишдир, янгини аңглаб етишдир.

Онғимиз, руҳимиз ишлашни қандай биламиз?

Биз ижодий онг, рух; қандай қелишини тула аңглаб етамизми ёки етмаймизми?

У (ижод) момокалдирокдек, яшин тезлигидек бирданига келади. Бу ижодкорнинг бетакрорлиги, дунёни узига кос куриши, бошкалар илгамаган томониини булиши билан характерланади. Бу ҳамма вақт ҳам келавермайди, кутганда. уйлаганда келавермайди. У кутилмаганда келади. Хаётда бир неча бор келади, холос, Инсон узипи ижод килиптга мажбур кила олганда эди, ҳамма буюк булиб кетарди. Ижод буюк сир, шунинг билан юксак бахтдир. Хар бир одам ижодий ҳолатни вақтинг тухтаб колганлигидан, калби - тулиб тошганидан, нимадандир рухият коникиши, мамнун булганидан хис килса керак.

Бу вақтда инсон рухиятида шундай ҳолат юз берадики (инсон узини узи англаб етмаслиги мумкин), унинг узи, та — саввуф фалсафасининг ибораси билан айтганда, худота стишган булади, васл (худо) шахсда намосн булади. Инсоида илохий куч пайдо булади. Оллох яратганни давомчиси сифатида намоён булади. Инсон ижоднинг мафкурачиси (идеологи.) булиб майдонга чиқади. Инсоннинг Ердаги вазифаси ҳам она шунда, Ижод дунёини нурафшон килиш ва уни қайта ташкил этишдир. Инсон олдида — дунёни ижод килиш ётади, яъни дунёни қайта ташкил килиш ва илохийлашпшириш ётади.

(8) Н.А.Бердяев

Ижодий ҳолат яратганнинг ишини давом эттириш, ижоднинг узи эса уз табиатининг буюкликлини англашдир.

Шундай килиб, буюк файласуфсларнинг ижод чугрисида айтган фикрдаридан (Тасаввуф ва рус диний фалсафаси) хулоса чиқариб, куйидаги фикрга келиш мумкин:

1. Ижод янги моддий неъматларнигина эмас, балки кадриятларни, гоёларни ҳам яратишдир. Ижодий буюклик уз фаолиятида уз рухини, калбини намоён килиб яшаган хар бир инсонга хосдир. Инсон мукаддас, буюк килиб яратилган. Шунга хос фаолиятда бўлиши керак. Бирок буюклик ҳаммага ҳам насиб булавермас экан. У калби пок, одамларни сева биладиган, халк йулида тинмай меҳнат киладиган одамларда намоён булар экан.
2. Ижод сирли, тутшунтириб булмайдиган ходиса. Унинг конкрет инсонда намоён булиши илохийликнинг намоён бўлиши, яратганнинг ишини давом эттириш, унинг амрини бажо келтириш демакдир.

Ҳамма нарсанинг сабабчиси биринчи сабаб — илохийдир,

(9) Форобий

Биринчи борликдан юзага келадиган нарса купинча унга кандайдир мукамаллик келтиради. **Худо инсон ижодининг сабабчиси, мукамалликнинг асосидир.** Ижодкор кандай тушунча ва образда уз ижодини намоён килмасин, у ўзига берилган илохий кучни намоён қилади. Дунёни янгича хис этар экан, янгиликлар яратар

экан, яратганниг ишини ўз ички овози билан давом эттиради, инсоний мухаббат билан илохий мухаббатни намоён қилади, уларнинг уйғунлигини таъминлайди.

3. Ижод билим олиш, тафаккурни шакллантириш асосида боради. Лекин, ижод уларнинг мажмуасидан ташкил топмайди. Тафаккур коидалари, ва усулларидагина вужудга келмайди.

Шунинг учун фалсафа «Ижод қандай вужудга келади?» деган саволга жавоб кидиради

Эхтимол ижод ўзини ўзи яратувчи деб ҳис қилиш асосида вужудга келар. Балки, шундагина ўзлик ижодда намоён булар...

Инсон ҳамма вақт ҳам кимдир бўлишга ҳаракат қилади (олим, шоир, ёзувчи, деҳқон, муҳандис, шифокор ва ҳоказо). У ўз фаолиятини шу соҳа сирларини билишга қаратади, ўз ҳаётини шунга мослаб ташкил этади. Инсон соҳа одами бўлиб, санъат, адабиёт ёки фан, техника соҳасида бирор ҳунар эгаси бўлиб яшайди. Бунда касбга мухаббат ўз — ўзича қолади. Инсон ижтимоий борликда ўзининг касбидан ташқари севги, гузаллик, гам — гуссалар борлигини англаб этади. Ўзгалар дурдини ўз дарди, ўзгалар қувончини-уз қувончидек ҳис этади; умумлаштириб таҳлил қилади, одамийликка интилади, ўзгалар тополмаган ечимга келади. Инсон ижоди, унинг универсал фаолияти заминида пайдо бўлади.

Ижод қилиш учун қобилиятли олим, талантли ёзувчи бўлибгина қолмасдан, даставвал, қобилиятли инсон бўлиши керак. Мана шундай қобилиятни ривожлантириш эсл охир — оқибат зътиборан жамиятни ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Инсон уз моҳияти билан ижодкордир. Бироқ, ижод сузи уша шу вақтда таълуқлики, у уз моҳиятини билса, узининг инсонлиги ҳис қилиб яшаса. Мен астрофизик, мен математик ёки файласуфман, деб яшашнинг узи қамлик қилади. Бошқа одамлар билан биргаман, «улардан ортиқ ҳам эмас, қам ҳам эмасман»,— дсб яшаш ижодни турдиради. У нималигидан қатъий назар қайси мавқеда яшамасин (бўлмасин), узига намоён қилиб яшайди. У қанча ҳаракат қилмасин қобилиятидан ортиқ фаолият қурсата олмайди. Бироқ, оддий одам бўлиб яшаш энг мушкул иш. Чунки ҳамма узини қурсатишга ҳаракат қилади, узига ҳосликни қурсатади. Оддий одам бўлиб яшаш қам одамга насиб бўлади. **Оддийлик инсонга ҳос ҳислатларни узида мужассамлашти-риш демакдир.** Оддийлик инсоннинг ҳаётий сифати бўлиб, унинг ички дунёсида қелиб қикади. Бу қобилият ҳаммада ҳам бор, аммо ҳамма ҳам уни тугри ишга қола олмайди.

Барибир оддий одам буюқдир. Чунки, у оддий табиий— қакни узида мужассамлаштирти.

(10) Пастернак

Оддийликдан узок, бўлган ёки оддий бўлмаган одам табиийликни бевосита ифода этмайди, ҳатто узига ҳам самимий муносабатда қола олмайди. Ўз — ўзича қолиш, уз — ўзича яшаш, узига ҳос, мустақил яшаш, инсонийликни намоён қилиб яшаш ижоднинг асосидир.

Дунёда янгиликлар жуда ҳам қуп. Булар ҳаммаси инсонларнинг иштироки натижасидир. Инсон уз фаолиятини жуда қуп нарсага қаратган бўлади. Улар турли тамойилга "бўлинган" бўлади. Бир қисмини ишга, яно бир қисмини оилага, маҳаллага ва. дам олишга бағишлайди. Бўлмаганда оиланинг гамини ейди. **Бироқ, ижод учун инсон борлиги бирданига ишга тушиши, инсон қалбида севги яҳлит бўлиши керак.** Инсон узлигининг ярмини, табиатининг бир қисмини яҳши қуриб

яшайди. Севгида бутун борлик, бутун вужуд иштирок этади. Ахир ватан ягона булса, унинг бир кисмини севиб, бошка кисмини севмаслик мумкин эмас. Ватан ҳам ягона, унга булган севги ҳам ягона, яхлит. Ижодкор бутун калбининг кўрини, кучини, энергиясини яхлит тарзда ишга солади. «Бу энергиянинг: майдони каерда?» — деган саволга hozirги замон фалсафаси "севгида" деб жавоб беради.

Тасаввуф таълимоти илохий севги сеҳрининг инсонга сингиб кетишида, деб курсатади. Ана шу ҳолатда дунёнинг сирларини англаб этади, бошқалар илғаб ололмаган томонини ижод қилади. Бугун куч— гайрати, рухияти, борлиги шунга қаратилган бўлади. Мапа шу ҳолатда инсон худонинг оддий бандасига айланади. Оддийлик намоён бўлади. **Оддийлик улкан изтиробли кечинмалар оқибатидир.**

Бирок, инсон уз кучи, энергияси, рухиятини бир жойга тўплаб яшаши узоққа бормади. Инсон бошка тартибга утади. Шунга кура, ижод ҳамма вақт келавермайди. Шунинг билан инсон узини йигиб олиши ижод учун муҳимдир. Кимки узини йигиб олмаса, у тугри фикрлай олмайди. Натижада, унда ижодий куч йук, бўлади.. Ижодий куч йук булса дунё йук булса, каердан бахтли бўлади.

(11) Бхаргавадгита

Бутун дунё динлари, жумладан ислом ҳам инсоннинг одатдаги ҳаётидан янги дунёга, абадият дунёсига, ижодий дунёга етаклайди. Инсонни илохий қобилятини намоён қилишга етаклайди.

Омма хали инсонийликка етгани йук. У узининг хайвоний ҳолатида яшамоқда. Омма у хали "супершимпанзе". У ақллирок, мугомбиррок; кашф қила олади, зуравонлик асосида узининг ободчиликни ҳам кура олади.

(12) Ф.Ницше

Дунёни яратиш учун инсоний ҳислатларга эга бўлиш керак. Инсон хайвондан ҳоликликка, юксак камолотга кутарилиб яшашини айтади. Фалсафий нуқтаи назардан узини яратиш учун рафлат уйқусидаи уйғониш керак, узнча инсонийликка келиши керак. Инсоннинг куп вақти дунёнинг бошка ташвишларига кетади. Айни вақтда қонун — қоидаларга, ахлоқ, нормаларига амал қилиб яшайди. Ишга боради, уз турмушини яхшилади, оиласига қарайди. Булар ҳаммаси одатдаги онг, қундалиқ ҳаёт онгидан иборат. Бунда онг маълум меъёрга қатъий тартибда ишлайди.

Бирок, бориб — бориб булар одамни зериктирб қуяди, анъанавий онгдан чиқиб кетишга эҳтиёж тугилади. Аммо бундай ҳолат жуда тез ва ҳаётнинг оз лаҳзаси бўлиб қолади. Шунда ижод бошланади. Анъанавий фикрлаш стилини, тарзини узгартиб, бўзиб ташлайди. Бунда инсоннинг ақли билан бирга, зехни ҳам ишга тушади, у ташқи оламга эмас, балки узининг ички дунёсига, қалбига қулоқ солади. Узини англайди ва шундагина узининг буюк инсонлигини намоён қилади.

Демак, ижоднинг энг асосий белгиларидан бири-бу инсоннинг узининг ички дунёсини англаши, ичига кириб бориши, уз қалбига қулоқ солиши, уз-узини англаши, уз-узини билишидир. Уз-узини англаш, уз—узини чуқурлаштириш ижоднинг асосидир. Чунки, ижод инсон имкониятларини руёбга чиқариш, уз—уздан қониқиш асосида боради.

Энди биз ижоднинг руҳий таҳлилини қуриб чиқамиз.

4.6.1. ИЖОД ВА РУҲИЙ ТАҲЛИЛ.

Руҳий таҳлил деганда биз, албатта, унинг асосчиси австриялик психолог (врач — психиатр) Зигмунд Фрейдни (1856—1939 й.) эслаймиз, У фаннинг турли соҳаларида фикр

горитган, инсон рухинти тугрисида таълимот яратган. Фрейднинг таълимоти XX асрнинг бошларида дунёга кенг таркаган, унинг куплаб асарлари рус тилига таржима килинган, Бирок, 30 — йиллардан бошлаб унинг таълимоти сиёсий ва гоёвий жихатдан зарарли, эълон килинган. Уни уқиш, урганиш шуролаб даврида таъкиклаб куйилди. 60 — 70 йилларда. Фрейдни кайта урганиш бошланди. Кейинги йилларда Фрейд ва фрейдизм тугрисида рус тилида бир неча маколалар, таъризлар, китоблар езилди, Олимнинг илмий ишлари рус тилига таржима килинди.

Ўзбек тилида унинг асарлари ҳозиргача чоғи ёзилгани йук,- Прэзидентиимиз 2000 йил 8 июнда «фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида **«Фрейд каби олимларнинг асарларини ўзбек тилида чоп этиш» керак эканлигини таъкидлади.**

Фрейд ижодни қандай тахлил қилади?

3. Фрейд инсон руҳиятида мавжуд бўлган ва яшириниб ётган, боттчалар деярли илмий тахлил қилмаган томонга эътибор беради. Жинсий мойилликни психологик жихатидан қараб чиқар экан, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини «Эдип тамгаси» тушунчаси билан изоҳлайди {қадимги юнон драматурги Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедиясидаги воқеалар бунга асос қилиб олади. Эдипнинг билмаган ҳолда отасини ўлдириши ва қиролича онасига ўйланиши, боланинг онасини отасидан қизқаниши натижаси бўлиб, бу яшириниб ётган руҳиятнинг онгсиз равиётда юзага чиқиши, деб тушунтиради Фрейд. Инсон маданиятлашган сари бундай қадимги одатлар таъкиқланган. Натижада бу ҳолат инсон руҳиятининг энг чуқур ва қоронғу жойидагина сақланиб қолган.

Фрейд инсон руҳиятини уч қисмдан иборат деб таъкидлайди ва уларнинг аҳамиятини қурсатиб беради.

1. «У» (ид) онгсизлик (англаб етмаслик).

2. «Мен» (его) онг.

3. «Мендан (онгдай) юқори (супер его)».

Фрейд томонидан яратилган бу модел бўлиб, инсон руҳиятини урганишда алоҳида аҳамият қасб этади.

Булар ижодда қандай аҳамиятга эга?

Фрейднинг фикрича, ижод инсоннинг онгсиз фаолияти ҳилма — ҳил руҳий ҳолат ва қатламлардан иборат онг ости, онг олди ва онг маҳсулидир. Онгсиз фаолият турли ҳил бел — гиларда ўз ифодасини топади. Ўйку, туш турли инстинктлар, жинсий мойиллик, ижод, интуиция (энг ўткир ички туйғу) — булар ҳаммаси англаб етилмаган руҳий ҳолатдир.

Фрейд ижод онгсизликдан пайдо бўлади, деб қурсатади. Демак, ҳар қандай ижоднинг генезиси, қелиб чиқиши онгсизликдан бошланади.

Шунга яқин фикрни немис файласуфи И. Кант ҳам айтиб ўтган эди. Унинг фикрича, инсон ўз ақди, илм урганиши билан, жуда нари борса, талантли бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ижод пайгамбарларга ҳос. Бирок, у файласуфлар ёки санъаткорларга ҳам насиб этади,

(13) И. Кант

Фрейд ва унинг издошлари эса, ижод тамомила инсоннинг онгсиз фаолиятига тегишли эканлигини исботлашди.

Бугунги кунда ижодий урганиш учун маълум гаджётлар олиб борилаётти. Россия фанлар академиясида ижоднинг механизмини урганувчи бўлимлар бор. Руҳшуносларнинг ижодни вужудга келтирувчи омиллар тугрисидаги савдолга 283 олимдан 182 нафари ижод изчил фикрлаш маҳсули эмас, балки тўсатдан қутилмаганда амалга оширилган фаолият натижаси, дея жавоб берган. Таникли француз математиги Пуанкаре қул атрофида сайр қилиб

юрганида математикага дойр янги назария тусатдан миясига келиб колган. Пушкиннинг янги шеърӣ сатрлари купинча тушида турилган.

Чиндан ҳам истеъдод эгалари ёзаётган асрларининг асосий кахрамонлари ботинларида, онг остида пайдо булиши, хакикий ижодда рухият уни бошқариб туриши уларга ердам беришини таъкидлайдилар.

Кимдир айтаётганга ухшайди, мен эса ёзаяпман,

(50) **А.Шнигке.**

Одатда онг инсоннинг дунё тугрисидаги, узи тугрисидаги билими булиб, у суз, математик белгилар, бадий образлар оркали бошқа одамга, кейинги авлодга маданий ёдгорлик сифатида утади. Шу боис тил фикр алмашувгина эмас, унинг ифодаси, реаллашиши ҳамдир.

Тил борлигининг уйи,

Хайдеггер.

Фрейд таълимотининг давомчиси Карл Т.Юнг фикрича, қачондир укиган, эшитган нарсалари инсонга бутунлай эсдаи чиқиб кетгандай туюлсада, улар онг остида яшириниб ётади. Баъзн ижодкорлар ута илгари эсдан чиққан, онг остида яшириниб ётган нарсани узи англамасдан янги образ, шеър ёки янги бадий асар, деб такдим этади. Натижада, унинг топилдиги кимгадир ухшаб кетади. Биз уни билмаган кучирмачиликда айблашимиз ҳам мумкин.

Инсон ички рухий ҳолатида яшириниб ётган ички қандай қилиб руёбга чиқариши мумкин?

Эркин мулоқот учун, инсоннинг хис—туйғуларини руёбга чиқариш учун имкон яратиш керак. Инсон рухияти эркинликдагина памоён булади

Фрейд.

Фрейднинг рухий таҳлил буйича таълимотида «*рухий энергия*» тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча асосида олим рухий жараёнларнинг вазифаси ва фаолиятини тушунтириб беради. Мана шу энергия асосида уз ҳаётини давом эттиради, рухияти турли туман фаолиятда булади. Унинг бу интилишида жинсий мойиллик алоҳида аҳамиятга қасб этади.

Ана шу *рухий энергиянинг асосий қисми/ яшашига йуналтирилган. Инсондаги евузлик, тажовузхорлик рухий энергиянинг айниган , кучсизланган қуринишидир.*

(14) Фрейд

Хакикий рухий энергия кутаринкиликка, инсон хис — туйғуларини қониктиришга қаратилган булади. Ана шунда у ижодга манба булади.

Инсонда яшириниб ётган рухият қай вақтларда ҳаётӣйликка айланади?

Бу инсондаги икки хил инстинктдан бирининг руёбга чиқиши асосида боради. Фрейднинг фикрича, **инсонда икки хил инстинкт мавжуд: бири улдирувчи, бузувчи; иккинчиси эса яратувчи, ундовчи, ижод қилувчи инстинкт.** Булар ҳамма вақт узининг қучини қурсатади. Бирок, бузувчи, улдирувчи, сундирувчи инстинкт ҳамма жонзодда ҳос.

Инсон учун яратувчилик, бунёдкорлик, ҳаётӣй инстинкт характерли, деб ёзади Фрейд.

Демак, улдириш, бузиш, тажовуз қилишни узига қурол қилиб олган инсонлар ҳайвонӣй инстинктни ишга солувчилардир. Ижод инсонга берилган олий неъмат, инсонӣй хислатдир.

Инсон рухиятини такомиллаштириш, уни тузатишнинг асосий методи «эркин мулоқотда булиш»дир, деб ёзади Фрейд. Эркинлик ижод намоён булишининг асосий омили булибгина

колмай, инсоний хислатларни етаклаб колиш, унинг яшаши, мавжуд булишининг муҳим шарт хамдир. Чунки, инсон ўзлигини, мустақиллигини йукотса, унинг бетакрорлиги хам йуколади, оддий бажарувчига, мақсадларни амалга ошириш воситасига айланиб қолади. Шифокор -психолог рухий «ярани» топиши учун бемор билан самимий мулоқотда булиши, беморнинг ҳар бир сузига эътибор бериши ва унинг сузлари гарчи маъносиз, «пойма —пой» бул сада, уни таҳлил қила билиши керак. Бу уша «ярани» аниқлашда муҳим аҳамиятга эга булади. Ёдингиздами, Пушкиннинг «Пиковая дама» асарида Герман каттик асабийлашиб факат учта катлами уйлайди (учлик, етти ва туз). Ундан: "Соат неча булди?", деб сурашса, у: «бешта кам еттилик» деб жавоб беради. Бу метод {ҳар қандай гапни, нимани хоҳласа, уйласа — ҳаммасини эркин гапириш} даволашнинг янги усулигина булиб қолмай, балки инсонда яшириниб ётган онгсиз равишда мавжуд булган руҳиятни намоён қилишинг хам янги усулидир.

Инсоннинг ўз фикрини эркин, ихтиёрий баён этиши масаласи маънавий эркинликнинг, шахс қомиллашувининг, ижоднинг, ўзига ҳос булиб яшашнинг муҳим шартидир. Ижод инсонликни йукотмаслик асосида вужудга келади. Эркин! «ўзбошимчалик», ўз фикрини баён этиш виждод учун муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, немис ёзувчиси Л. Берне 1823 йили ёзган «Уч кун ичида қандай қилиб ўзига ҳос ёзувчи булиш мумкин?» деган асарида жуда қизик бир ҳодисани қелтиради, Эндигина ижодини бошлаган еш ёзувчи га ўч кун мобайнида миясига қелган ҳар қандай фикрни қоккозга туширишни маслаҳат беришгап. Натижада бошқаларда ўчрамаган, бетакрор фикрлар баён этилган асар яратилган. Бу асар билан шугулланган Фрейд у, ўзининг руҳий таҳлилига жуда мое қелишини таъқидлайли.

Инсон ўз фаолиятини гузаллик қоидаларига қура амалга ошириб боради. Лойдан қуза, қиройли қиша идишлар, тош ёқи темирдан ажойиб нақшли буюмлар ясайди. Бу жараён гузаллик қоидасига мое қелади. Инсон табиатни қайта ишлаб ўз эҳтиёжига мослаштиради. Бирок гузалликни ижод қилиш одатдаги анъанавий онг қоидаларидан бошқача тарзда, инсон хис— туйғулари орқали ёски норма, анъаналарни бўзиш асосида қутилмаганда намоён булади. Бу янгилик инсонда хурсандчилик, қонқиқ хиссини ўйготар экан, у онгдан юқори фаолиятдир.

Гузалликни хис қилиш олдиндан белгиланган, қутилган, англанган белгилардан юқори туради. Гузаллик қилиш жараёнида фалсафий жихатдан ўч вазифани бажаради:

— қилиш жараёнида қучни тежайди;

— энг яқин ва тугри йул билан мақсадга эришишни таъминлайди;

— ижобий эмоция орқали эҳтиёжларни қондиради.

Гузаллик қилиш қобилиятнинг ўйинидир

(15) И.Кант

Ҳар қандай ўйинда галабатга эришишнинг ўзи қифоя эмас, балки унга қиройли қомбинациялар орқали, осон ва яқин йул билан мақсадга қришиш хам муҳим, зеро, бу ин — сонда ижобий хис — туйғуни ҳосил қилади, уни қавклантиради, ҳаяжонга қолади. Натижада, фикр тежалади. Ҳозирги қамон математикасида ўйип назарияси мавжуд. Бу хам энг яқин, энг мақбул усул билан қам қуч сарф қилиб мақсадга эришишдан иборат. Гузалликни :хис қилиш хоҳ фанда булсин, хоҳ бадий ижодда булсин, ижоднинг қарурий воситаси хисобланади.

Агор эмоция организм учун фойдали булса, эстетик хиссиет инсон ижодий фаолияти учун қарур ва муҳимдир.

(16) П.К.АНОХИН

Адйбиётда юмор хакида фикр юритадиган булсак, у Фрейднинг «асабий куркиш» атамасига мос келади. Чунки, юморда. купинча эски, нормал ахборотлар асосида кутилмаган хулосага келинади. *Бу ҳақда Фрейднинг «Зарофат ва унинг онгсизликка муносабати» номли асари бор. Зарофат асосида* химма вақт жинсий эҳтиёжни *кондириш*, ҳеч булмаганда унга ишора ётади, дейди Фрейд. Юмор воситасида берилган ахборот асосида ижобий ҳиссиёт кониктирилади. Бу ахборотнинг биринчи қисми эшитувчида ёлгон тахмин ҳосил қилади.

Австриялик зоолог К.Лоренс а *Юмор хужумкорлик инстинктининг социал ифодаси*», —деган эди. Чунки, кулгида ҳиссиёт кучли ифодаланади. Натижада. душманга хужум қилиш урнига ундан қулинилади ва унинг устидан маънавий устунлик таъминланади. Юморда билишга Қараганда коникиш эҳтиёжи кучли бўлади, нодонлик устидан доноликнинг галабаси таъминланади. Демак, ижодиинг бу тури ҳам кенг маънода онгсизлик, онг остида ётган жараёнлар. Ахлокий принциплар, қоидалар одат ва анъаналарга айланиб, инсон онгининг чуқур жойидан урин олади. Онгли нормалар секин—аста онг остита айланади. Ижодкор ана шу яшириниб ётган виждон овози, уят ҳиссига албатта қулоқ, солади, амал қилади. Бу дегани, ҳар бир инсон ўз даврининг вақили сифатида жамият қоидалари ва тартибларига риоя қилмасдан, яхшилик нимаю ёмонлик нима деган тушунчаларни инобатга олмасдан иложи йук. Рухиятнинг мана шу «мендан юқори» қатлами, Фрейд таълимотига қура, ахлокий цензура вазифсини бажаради. Унинг фикрича, «мен» **нинг фаолияти билан виждон талаби уртасидаги номувофиклик уят ҳиссини, виждон азобини вужудга келтиради. Одамда қилган иши билан қоидалар, нормалар уртасида фарқ**»; пайдо бўлганда виждон азобланади.

Инсон дунёни билиб бориш учун маънавий эҳтиёж сезади. Бу жараённинг муҳим бир томони — қадриятлар масаласидир. Бошқа кишига ғамхўрлик қилиш, бошқаларнинг ғамини ейиш ипсоний ҳиснинг ифодасидир. **Виждон азоби бу маънавий азоб.** Виждон ҳам, бурч ҳам ахлокий тушунчалардир. Бирок **инсонда бурч қуп, виждон эса битта. Виждон овози ҳақиқат овози, умуминсоний қадрият овозидир.** Виждон индамай тура олмайди, жим турганда ҳам ҳаракатда бўлади. Виждон бурч сингари ижтимоий мазмунга қараб ўзгаравермайди,

Социал мақсадлар йулида тусик бўлаётган айрим шахсларга нисбатан қаттиқ, қул бўлиш, уларни чегаралаш, ҳатто уларнинг айрим тугри фикрларини рад қилиш. ҳам мумкин. Чунки, бунини ижтимоий бурч оқлайди. Виждон эса оқламайди. Бундай ҳолда инсон ўзини ўзи қоралайди. **Виждон ҳисси ва яхшилик ҳиссини қондирувчи, азал дан берилган юксак маънавий нурдир. Виждон, атрофдаги муҳитнинг таъсирдан қатъий назар, инсоннинг ўз фаолиятига ўзи қиларган ҳукмдир.** Ана шунинг учун виждон, самимият, тугрилик инсоннинг юксак ички масъулиятигана бўлиб қолмай, аини вақтда маънавий маданиятининг улқови ҳамдир.

Санъатда ҳақиқат, тугрилик, қонлик, мулоимлик, самимийликка асосланиш қерак. қуполлик, ёвузлик, ғаламслик ижоднинг душмани. Яхшилик ижобий ҳислатларнинг шақилланиши асосида ҳақиқий севги ва муҳаббатга айланиши қерак. Мана шундагина инсонда ижод қилиш қучи пайдо бўлади.

Фрейд оммавий рухиятнинг ташқил топишида инсонларнинг муҳаббати жуда қатта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. У кишининг ўзаро муносабатини яхшилашда дин ва санъатнинг аҳамиятига ҳам эътибор беради.

Ҳар қандай таълимот сингари Фрейд таълимотининг ҳам буш томонлари, қамчиликлари мавжуд. Э.Фромм, Рей, Г.Маркузе ва

бошқаларлар Фрейд ишини давом эттириб, унда жинсий мойил'ик ва унинг оқибатларига, инсон табиий инстинктларига қўйиб бериб, ижтимоий томоиларига етарли баҳо бермаганини танқид қилдилар. Фрейд инсон рухиятининг билимдони сифатида аллақачон тап олинган. Умид қиламизки, Фрейд асарлари яқин келажакда ўзбек тилига таржима қилинади, олий ўқув юр்தларида кенг ва чуқур ўрганилади.

АДАБИЁТЛАР Фан фалсафаси мавзуси

бўйича адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон XX асрга интиломда. Т.»Ўзбекистон». 1999
- 2.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт— пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон» 2000.
- 3.Каримов И.А. Барқамол авлод орзуси. Шарқ. Т. 1999
- 4.Карнап Р. Философские основания физики. М. Прогресс. 1971
- 5.Никифоров А.Л. Философия науки и методология. М.1998.
- 6.Поппер К. Логика и рост научного знания. МПрогресс. 1983
- 7.Кун Т. Структура и рост научного знания. М. Прогресс. 1975
- 8.Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники М.1995
- Э.Филатов В.Ф. Философия пауки. Учебник,М. 1997

Техника фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. "Ўзбекистон» 2000.
- Конке В.А. Этика. Техника. Символ. Обнинск, 1996.
- 2.
3. Конке В.А. Философия техники. Учебник философии, М.2000.
4. Философия техники Б ФРГ. М. 1989.
5. Новая технологическая волна на западе. М. 1996.
6. Кинг А., Шнайдер П. Первая глобальная революция М.1991.
- 7.Сиборова Т.Ю. Философия техники. М. 1997.

Социал фалсафа мавзуси бўйича адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Биздан Озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. "Ўзбекистон", 1996.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон келажак буюк давлат. «Ўзбекистон» 1992
- 3.Васильев Г.Г. Социально-культурная эволюция и социальное управление. М.1997. 4. Тойнби А. Постигание истории. М.1997. 5.Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. М.1996.

Тарих фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. "Ўзбекистон", 1998
- 2.Каримов И.А. Донишманд халқимнинг мустақам иродасига ишонаман. Т. "Ўзбекистон", 2000
3. Жураев Н. Тарих фалсафаси Т.»Маънавият».1999
4. Бердяев Н.Л. Смысл истории. М. 1990
5. Гобозев И.А. Философия истории. М. 1997

6. Керсавин АН, Философия истории. М. 1992
7. Философия истории. Антология. М, 1995
8. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998
9. Яснерс К. Смысл и назначение истории. М. 1994

Маданият фалсафаси мавзуси буйича адабиётлар:

1. Каримов И.Л. Истиклол ва маънавият. Т. "Узбекистон" 1994.
2. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср бусагасида: хавф — сизликка тахдид, барқдорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т. "Узбекистан", 1997.
3. Артемьев В.М., Роша Л.Н. Социология культуры. М.1993.
4. Бердяев Н.А. Философия свободы, Смысл творчества, М. 1999
5. Культурология XX века. Антология. М. 1995.
6. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М.1998.
7. Основы философии (под ред. Ахмедовой М.А. и Хана В.С.) Т. "Узбекистон", 1998, 8. Фалсафа (акад. Эркин Юсупов тахрири остида) Т.1999.

Иқтисодий фалсафаси мавзуси буйича адабиётлар:

1. Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиклолининг асосий тамойиллари. Т. "Узбекистон" 1995.
2. Каримов И.А. Узбекистан ХХІ асрга интиломда. Т. "Узбекистон". 1999. 3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватаи, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. "Узбекистон". 2000.
4. Булгатов С. Философское хозяйство. М. 1990.
5. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. М.1991.
6. Тоффлер Э. Третья волна. М.1999. 7. Иноземцев В.Л. Постэкономическое общество. Жур Вопросы философии. №2, 2000.

Ижод фалсафаси мавзуси буйича адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т. «Узбекистон» 1994,
2. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ асрга интиломда. Т. "Узбекистон" 1999.
3. Бердяев Н.А. Смысл и творчество. М, Соч. 1983.
4. Губин В.Д. Культура и творческая деятельность. М.1987.
5. Рахимов И. Рухий таҳлил ва ижод. «Узбекистон адабиёти ва санъати», газ. 16 июнь. 1993.
6. Философия. Учебник. М. 1997

Тил фалсафаси мавзуси буйича адабиётлар:

1. Аналитическая философия ист. тексты, (отв. ред. А-Ф. Грязов). М.1993.
2. Антонов В.И. Символ, наука, культура. М. — Улан-Удэ, 1995.
3. Вингетштейн Л. Философские работы, МЛ1998.
4. Гусов С.С., Тулчинский Г.Л. Проблема понимания в философии. М. 1995. 5. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998.

Сиёсат фалсафаси мавзуси буйича адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиклол. Иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. ""Узбекистон" 1996.
2. Каримов И.А. Узбекистон келажаги бутун давлат. Т. "Узбекистон" 1992.
3. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср бусагасида; хавф — фсизликка тахдид, барқдорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т. "Узбеки — стон" 1997.

4. Гегель. Философия права. М. 1990.
5. Геннел Дж.Т. Политическая теория. Вестник МГУ, серия 12, 1993
6. Парин АС. Философии политики. М. 1994
7. Философия. Учебник. М. 1997

Фан фалсафасидан назорат саволлар:

Фалсафанинг фанга муносабати қандай?

1. Фалсафанинг динга, санъатга муносабатини айтиб беринг.

2. Фалсафанинг дунедараш ва методологик вазифаларини қандай тушунасиз?

3. Фалсафий қоя, миллий гоё ва миллий мафкура тушунчаларининг муносабатини айтиб беринг.

Фан фалсафасига оид саволлар:

1. Фалсафани назарий ва амалийга бўлиш нима?
2. Фан фалсафасининг вазифаси ва моҳияти нимада?
 3. «Фан фалсафаси» тушунчасини ким майдонга ташлаган?
 4. Фан фалсафаси алоҳида соҳа сифатида қачон шаклланди?
 5. Ҳозирги замон фалсафаси да нима учун Фан фалсафасига эътибор қўйди?
 6. Фан мантирини яратишда Аристотель таълимотининг ролини қандай тушунасиз?
 7. Фан фалсафасини бошлаб берган файласуф сифатида Аристотелнинг унга қўшган ҳиссасини айтиб беринг.
 8. Аристотелнинг турт сабаб ^ақидаги таълимоти ва унинг фандаги аҳамияти.
 9. Урта Осиё файласуфларининг фанни таснифлашдаги фикрлари ва уларнинг фан таракқиёти учун аҳамияти.
 10. Фарабийнинг фан таснифи ҳақидаги таълимоти (нима?)
11. Ибн Синонинг фан таснифи ҳақидаги таълимоти. Хоразмий фанни қандай таснифлаган?
 12. Беруний томонидан экспериментал методнинг майдонга ташланиши ва унинг фан ривожини учун аҳдмияти.
 13. Н. Коперник, Ф. Бэконлар фан на илмий билшининг янги методлари ҳақида.
 14. Галилейнинг фан тутрисидаги янги концепцияси ва унинг Аристотель концепциясидан тубдан фарқи.
15. Фанда табиий илмий методиинг пайдо бўлиши.

Фанда стандартлаш концепциясига оид саволлар:

1. Стандартлаш концепцияси фан фалсафасининг муҳим муаммоси эканлиги.
2. Стандартлаш концепциясини яратишда «Бена тугараги» файласуфларининг дастурининг аҳамияти.
3. Билишининг объекти ва субъекти тушунчасининг янги таҳлили.
4. Фактларни ургатишда қўланиш ва эксперимент методларининг аҳамияти.

5. Нима учун фанда экспериментга алохида эътибор берилади?
6. Фан конуилари деганда нимани тушунаси?
7. Эмпирик конуилар деганда нимани тушунаси?
8. Назарий $1^{\text{он}}$ $У^{\text{нла}}$ деганда нимани тушунаси?
9. Эмпирик метод ва унинг турлари нимадан иборат?
10. Пазарий метод ва унинг турлари нимадан иборат?

Илмий ва ноилмийлик чегараси (деморкация) мавзуси-га оид саволлар:

1. XX аср файласуфлари илмийлик ва ноилмийлик тушунчаларини қандай фарқлайдилар?
2. Билимнинг ҳақиқатлиги мезони нима? (ёки ҳақиқат мезонини тушунтиринг).
3. Тушунча, муҳокамаларнинг тажрибага мос келиши масаласини айтиб беринг.
4. Тушунча, ҳукм ва муҳокамалар қай вақтда аҳамиятга эга бўлади?
5. Қайси фалсафий мактаб верификация тушунчасини фанга киритган, унинг аҳамияти нимада?
6. Фанда «Ҳақиқат», «ноҳақиқат (хато)» тушунчаларнинг мазмунини айтиб беринг.
7. «Ҳақиқат ҳам эмас», «Тугри ҳам эмас»ни тушунчаларини нима деб баҳолаш мумкин?
8. Билиш аҳамиятига эга бўлмаган таълимотлар борми?
9. Поппер қайси соҳаларни фан доирасига киритмайди?

10. Поппер томонидан майдонга тағаланган верификациянинг нисбийлиги ҳақидаги

талимотни тушунтириб беринг.

11. Поппер майдонга ташлаган «гипотезанинг чексиз оқими» назарияси ва унинг

стандартлаштириш концепциясидан фарқи.

12. Т. Куннинг фафалсафасидаги эволюцион назариянинг асосчиси эканлиги.

13. Фанда «парадигма»нинг аҳамияти нимада?

14. Поппер томонидан фан фалсафасида илмий моделнинг ишлаб чиқилиши.

15. Илмий текшириш ишларнинг дастури ва унинг XX асрдаги концепцияси.

16. Дастурдаги «катъий ядро», «негатив» ва «позитив эвристика» тушунчалари.

Табиат шунослик фалсафаси бўйича саволлар:

1. Дуйёнинг табиий — илмий манзараси нима?
2. Макон ва замоннинг нисбийлиги концепциясини қандай тутунаси?
- Квант механикасидаги ноапиклик назариясининг фалсафий таҳлилин айтиб беринг.
3. Космик эволюцияда чексизлик концепцияси нима?
4. Атомизм ва элементар заррачалар назарияси нима?
5. Химияда моддаларни билиш даражаси.
6. Биосфера ва ноосфера тушунчалари нима?
8. Биологияда эволюцион концепция нима?
9. Фанда уз — узини ташкил қилиш нима?
10. Синергетика нима ва унинг фалсафий моҳиятини аҳамиятини мазмунини айтиб

беринг?

11. Уз —узини ташкил қилиш эволюциянинг асосидир

12. Синергетика ва лунёнинг янги манзараси.

Техника фалсафасига оид саволлар:

1. Техника сузининг келиб чиқиши ва бугунги маъносини айтиб беринг?
2. Техника эволюцияси ва унинг ҳозирги замон тахлили нима?
3. Техника фалсафасининг асосий муаммолари нима?
4. Техниканинг индустриал жамиятдаги характерини айтиб беринг.
5. Техника ва информацией жамият.
6. Техниканинг аҳамияти ва уни чеклаш ҳақидаги концепцияларни айтиб беринг?
7. Технократия концепциясини айтиб беринг
8. Техниканинг ҳозирги замон глобал муаммолари.
9. Техника ва санъат муносабатлари нима?
10. Техника ва маданият.

Социал фалсафага оид саволлар:

1. Социал фалсафанинг моҳиятини айтинг.
2. Социал ҳодисаларни илмий урганшп деганда нимани тушунаси?
3. Социал фалсафа ва социология фанлари уртасидаги муносабатларни айтиб беринг.
4. Синфий кураш концепциясининг яроксиз эканлигини тушунтириб беринг.
5. XX лсрда социал фалсафада юз берган туб узгаришлар нималардан иборат?
6. Жамият тараккиётининг асоси, уни мукаррар ҳалокатдан қутқариб қолишда ягона куч маърифат эканлигини айтиб беринг.
7. Жамиятнинг ривожланишида таълим тизимининг аҳамияти нимада?
8. Модернизация тушунчаси нима?
9. Жамиятни зрқинлаттириш деганда нимани тушунаси?
10. "Озод ва обод Батан, эркин во фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз" иборасини мазмунини айтиб беринг.

Тарих фалсафасига оид саволлар:

1. Тарихий тақдир концепциясини айтиб беринг
2. Тарих фалсафаси ҳақидаги марксистик концепцияни хатолари нимадан иборат?
- Тарихнинг олқа қараб бориш концепцияси тарихнинг мавжудлигига қанолат берадими?
4. Тарихнинг олқа қараб бориш концепциясини танқид қилиш умидсизликка олиб қелмайдими?
5. Тарих фалсафасидаги асосий масалалар нималардан иборат?
6. Қандай муқаддаслик тарихнинг олқа қараб боришини таъминлайди?
7. Тарихийликнинг моҳиятини айтиб беринг.
8. Тарихнинг моҳияти нима?
9. Тарихнинг мазмуни нима?
10. Шахснинг кадр — қимматини уз жойида қуйит тарих моҳиятини аниқлашда қандай аҳамиятга эга?

Маданият фалсафасига оид саволлар:

1. Маданиятнинг тахлили нима учун бугунги кунда долзарб бўлиб қолди?
2. Маданият тизимида фалсафанинг урни қандай?
3. Маданиятнинг фалсафий тахлилини тушунтириб беринг?
4. Маданият нурларини тушунтириб беринг.
5. Маданият тушунчасининг уч асосий томонини айтиб беринг.
6. Эркинлик нима?
7. Эркинликнинг даражалари деганда нимани тушунасиш?
8. Эркинликни англаб олиш заруриятдир деган фикрга қушиласизми?
9. Эркинлик инсон ҳаётининг мазмуни, деган қоидага қандай қарайсиз?
10. Цивилизация билан маданиятнинг фарқи нимада?
11. Цивилизация билан маданиятнинг қарама қаршичилиги деганда нимани тушунасиш?
12. Постиндустриал цивилизация деганда нимани тушунасиш?

Иқтисодиёт фалсафасига оид саволлар:

1. Иқтисодиёт фалсафаси деганда нимани тушунасиш?
2. «Иқтисод», «иқтисодий бирлик» тушунчаларни айтиб беринг.
3. Такрор ишлаб чиқариш, истеъмол тушунчаларини айтиб беринг.
4. Иқтисодий бирлик деганда нимани тушунасиш?
5. Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши нима?
6. Иқтисодиёт инсон фаолияти ва фан соҳаси сифатида.
7. Иқтисодиётга бўлган жамиятни қандай тушунасиш?
8. Индустриал жамиятда мулкка бўлган муносабатнинг туб моҳияти нима?
9. Постиндустриал жамиятда қандай мулк шакли асосий бўлиб ўлади?

10. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилари ва уларнинг фалсафий тахлили.

11. Иқтисодиётни зўрқинлаштириш деганда нимани тушунасиш?

12. Постиндустриал жамиятда иқтисодиётнинг роли

Сиёсат фалсафасига оид саволлар:

1. Сиёсат дуйёси деганда нимани тушунасиш?
2. Сиёсат фалсафасининг асосчиларини айтиб бориш.
3. Фюрер— сиёсат фалсафасининг асосчиси.
4. Сиёсат фалсафасининг қадимги илдизлари деганда нимани тушунасиш?
- Янги даврда сиёсий фалсафанинг шаклланишида Т.Гоббс, Г.Гуго ва Вольтерларнинг ролини қандай тушунасиш?
5. Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» китобида сиёсий фалсафанинг ҳуқуқ фалсафасига бўлган муносабатини қандай изоҳлаган?
6. Сиёсат фалсафаси деганда нимани тушунасиш?
7. Сиёсат фалсафаси ва сиёсий назария ўртасида қандай фарқ бор?

8. Сиёсий дунё — билимнинг методологияси, деганда нимани тушунаси?

10. Сиёсий кадриятлар деганда нимани тушунаси?

11. Сиёсий эркинлаштирига деганда нимани тушунаси?

12. Оила, жамият ва давлатнинг узаро муносабати сиёсат фалсафасининг асоси, деган фикрга кушиласизми?

Ижод фалсафасига оид саволлар:

1. Ижоднинг фалсафий тахлили деганда нимани тушунаси?
2. Қобилият, истеъдод беринг.
3. Инсоннинг ижодий фаолияти илохий ижоднинг давоми, деган фикрга қандай қарайсиз?
4. Ислох тушунчаси ижод учун қандай аҳамиятга эга?
5. Ижоднинг инсон рухияти билан узвий боғлиқлигини қандай тушунаси?
6. Ижоднинг рухий тахлили. нима?
7. Ижоднинг онг ва англаб етмаган томонлари нимада?
8. Гузаллик тамойиллари ижод учун қандай аҳамиятга эга?
9. Ижоднинг шахсийлиги нимада?

Музхим атамалар лурати.

Абстракция (лотинча abstractio - мавхумлаш) — нарс ва ходисаларнинг мухим томонларини *аниқлаш* учун уларнинг жузъий томонларини ҳаёлан бир чеккага қуйиб туриш, шу тарзда фикр юритиш. Мавхум тушунча, мавхумлаш йули билан ҳосил қилинган назарий ҳулоса. Қундалиқ ҳаётда. «мавхум» тушунчаси ноаниқ, ҳаётда исботланмаган маъно ларда ишлатилади.

Агностицизм (юнонча agnostos - билмаслик, билиб булмаслик) - реал ҳаётни билиш мумкин эмас, деган таълимот. Агностицизм реал ҳаётни билиш мумкин, дунёда билиб булмайдиган нарс йук, деган билим тугрисидаги оптимизмга қарама — қарши таълимот булиб, инсон мохиятни била олмайди, чунки мохият чексиз, деб қурсатади. Иққала концепция ҳам қамчилиқлардан ҳоли эмас. Инсоннинг дунё мохиятини тула, охиригача билиши мумкин эмаслиги тугри, бироқ. инсон билимлари доимо қамқиллашиб туради.

Аксиология (юнонча axis - қадрият, logos ~ тушунча, таълимот) — инсон фаолияти, унинг йуналиши, умумий аҳамияти. Инсон ҳаёти ҳақидаги назарияларни урганувчи фалсафий таълимот булиб XIX аср охири XX аср бошларидо шаклланган.

Аксиоматик метод — назариянинг тугрилиги ва тугрилиги исботланган фикрлардан қелиб қикадиган тадқиқот.

Аксиома (юнонча axioma — исбот, қалил талаб қилинмайдиган ҳолат) — исбот талаб қилмайдиган, назариянинг бошланғич ҳолати.

Аналогия (юнонча analogia - ухшашлик, мос қелиш) — нарсаларнинг бир неча томонлари ва ухшашлигида қелиб қикиб бошқа томонлари ҳам ухшашлиги, деб ҳақида ҳулоса қикариш. Нарса ёки ходисаларнинг у ёки бу томондан ухшашлиги,

Аналитик фалсафа — XX асрда пайдо булган, тилнинг фалсафий муаммоларини урганувчи фалсафа. Қаставвал

Англияда, АКШ, Канада, Австралияда кенг таркалган фалсафий оким.

Антиномия (юнонча anli — карши, nomos—конун) — икки бир-бирига карама — карши холат, хар иккиси хам маълум конунга мос келади. Масалан, дунёнинг бошланиши бор, дунё хеч кандай бошланшига эга эмас.

Антропология (юнонча anthropos-инсон, одам logos-таълимот) - инсон тугрисидаги таълимот.

Антропологии фалсафа - кенг маънода инсон табиати ва мохияти хакидаги фалсафий таълимот, тор маънода XX аср гарб фалсафасидаги фалсафий оким.

Апория (юнонча aporia - иложи йук демакдир) - масалани хал килишдаги енгиб булмайдиган зиддиятлар.

Априор (лотинча a priori) - утмиш тажрибасига асосланмаган, унга карама — карши турадиган билим.

Беден мактаби - XIX асрнинг 60 — йилларида Германиядаги Баден шаҳрида ташкил топган янги кантчилар таълимотиининг алоҳида томошларини ривожлантирган фалсафий мактаб. Билиш натижасига алоҳида эътибор беради.

Белги-моддий предмет ёки белгининг эмиссий идроки булиб, бошқа предмет ёки белги тугрисида ахборот беради.

«Борлик ва вакт»-XX аср немис файласуфи Хайдеггор асари (1927 и).

Борлик дунёси - экзистенциалистлар томонидан киритилган атама (**Инсон борлиги**) булиб, уни тушунчалар билан билиб булмайди, балки унинг ички кечинмалари оркали билиш мумкин, деб айтадилар. Бу инсоннинг ички дунёсини ташкил этади.

«Борлик ва хеч нима» — феноменологик тажриба онтологияси. У Сартр асарларида батафсил баён этилган.

Вакуум-(лотинча vacuum - бушлик) - маълум физик т, физик майдон булиб, уни физика урганади. Бушлик тушунчаси, анъанавий фикрлаш тарзида айтилганидек, унда табиат йук, деган тушунчага узгартириш киритилган.

Вакт-борлиkning чексиз окими, утмишдан hozirga ва ундан келажакка йуналтирилган жараён. Хаётнинг давомийлиги, даврийликининг такрорланиши, оркага кайтиши, доимийлиги; «оркага кайтмаслиги» — хронологик макон — закон кулами каби тушунчаларда ифодалангани.

Верификация (лотинча verus - хакикат facere - бошқариш, иш килиш) - айтилган фикрнинг тугрилигини тажрибада исботлаш.

Гедонизм (юнонча hedone - лаззатланиш) - ахлокий таълимот булиб, бу оким энг юксак бахт лаззатланишдир деган рояни илгари суради.

Герменевтика (юнонча hermenurtike - тушунтирувчи, изохловчи) - 1) матнларни назарий ва амалий тушунтириш; 2) матнларнинг фалсафий тахлилини урганиш методологияси билан шугулланувчи фалсафий оким.

Гилозоизм (юнонча hele-модда, zoe-хаёт) - хамма нарсада жон бор, дегувчи фалсафий оким.

Гипотеза (юнонча hypothesis - тахмин) - ходисаларни тушунтиришда майдонга ташланган илмий тахмин. Аксиомадан фаркли уларок, **гипотеза** амалиётда исботлангандан сунг назарияга айланади.

Гносеология (юнонча gnosis—билим, logos—таълимот) - фалсафий билиш назарияси. Бугунги купда эпистемология (**юнонча epestema - билим**) атамаси хдм ишлатилади.

Гуманизм (лотинча **humanus-инсоний**) — инсон кадриятларини устувор урганадиган карашлар тизимидир.

Дедукция (лотинча **deductio-келтириб чиқариш**) -умумий фикрлардан мантикий асосда хулоса чиқариш.

Деидеологизация - Маркснинг ҳамма нарсани мафкуралаштириш. Ягона мафкурага буйсундириш ҳақидаги таълимотга қарши XX асрда вужудга келган оқим бўлиб, илмий, ахлокий, эстетик принципларни ута мафкуралаштиришга қарши чиқади.

Деконструкция-матнга нисбатан ҳаракати ва уни қайта жиҳозлашга қаратилган алоҳида стратегик муносабат. Аъналарни бузмасдан қайта англаш усули.

Демург {юнонча **demurgos**) - дунё меъмори, архитектураси, тузилиши, яратувчиси демакдир. Дунёнинг устаси, яратувчиси маъносида ҳам ишлатилади.

Диалектика- 1) фалсафий мунозара санъати; 2] айнанлик, қарама — қаршилиқ ва зиддиятлар тугрисидаги таълимот.

Диалог (юнонча **dialogos**) — фикр алмашиш, икки кишининг суҳбати, фикр алмашуви.

Дискурс (лотинча **discursus-мулоҳаза, муҳокама**) - мантиқда ишлатиладиган атама бўлиб, фикрлар илгариги билимга асосланиб изчиллик билан давом эттирилади.

Зарурий хулоса — дедуктив хулосапинг бошқача номи, Унда ҳукмлардан, муқаррар равишда, хулоса чиқарилади.

Идеал (вднонча **idea-роя**) - юксак рояга интилиш.

Идеализация умумлаштириш шакли. Бирок илмий идеализацияда ҳодисаларни ута бўяб, ҳаддан ташқари ошириб қурсатишни фарқ қилиш керак (қундалиқ ҳаётда иккинчи маъноси ишлатилади}.

Изоморфизм (юнонча **isos-тенг, ухшаш, morfe—шакл**) - икки туплам уртасидаги элементларининг мос қилиши.

Императив (лотинча **imperativus—буйруқ**) — қатъий қоидалар. Кантнинг қатъий императив — инсон ахлокинин қатъий қоидалари маъносида ишлатилади.

Индукция (лотинча **inductio-келтириб чиқариш**)- хулоса чиқаришнинг асосий усуллари ва тадқиқот методларидан бири. Билим жузъий муҳокамалардан умумий қоидаларга қараб ҳаракат қилади.

Индустриал жамият — жамиятнинг мураккаб ривожланиш босқичи бўлиб, унда илмий —техник фаолият, машина ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми, ижтимоий бозор, тизимди ҳужалиқ асосий аҳамиятга эга бўлади. Бу жамиятда ишлаб чиқариш воситалари, йирик саноат асосий уринга чиқади.

Интенция (лотинча **intentio-интилиш**) - онгнинг маълум предметга йуналтирилганлиги

Интерпретация (лотинча **interpretatio—воситачилиқ**) -Тил белгиларининг объект билан мос қилишини таҳлил қилади. Шундагина суз билан фактлар бирликни ташкил этади, уни реаллаштириш эса **интерпретация** асосида боради.

Интуиция (лотинча **intueri-диққат билан қараш**) - ҳодисаларни бир бутун тарзда бевосита воқеа асосида олинган билим асосида билиш. Унга турли ҳисоблаш асосида эмас, балки ақлнинг қучи билан боради. ҳиссий **интуицияда**, ақлий ҳолатдан қатъий назар образлар ҳис—туйқуларда

ифодаланади. Интеллектуал **интуицияда** ходисанинг мохияти тез ва осон англанади.

Информация жамияти — электроника ва компьютерларга асосланган жамият. Информация ҳаётнинг турли тармоқига кириб бориб, бутун ижтимоий ҳаётда узғариш ҳос килади. Янги ижтимоий муносабатлар, янги социал гуруҳлар ва янги оилаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг янги шаклларини вужудга келтиради. Инсон ва унинг интеллекти жамиятнинг ривожланишига асосида айланади.

Исбот - айтилган фикрни асослаб берувчи мантикий усул. У тезис, асос ва исбот тузилмасидан ташкил топади.

Космос {юнонча cosmos} - юнон фалсафасида дунёнинг бир бутун ташкил топиши.

Космицизм - космос тарафдорлари, дунёни космос асосида изоҳлаш. Инсонни космоснинг бир қисми, деб қаровчи оқим.

Космоцентризм - космос ҳамма нарсанинг маркази, асоси, деб қаровчи дунёқараш.

Либедо (лотинча libedo - мойиллик, хоҳиш) - Фрейднинг рухий таҳлил фалсафасида жинсий мойиллик тушунчаси.

Логос (юнонча - logos - тушунча, фикр, ақл) қадимги юнон фалсафасидаги тушунча бўлиб, аниқ мазмунга эга бўлмай, ақлий асосга эга бўлган қонун, суз фикр дир.

Метафизика (юнонча - meteta physika-физикадан сунг) фалсафанинг биринчи тамойили ҳақидаги таълимот, борлиқни ақл қузи, фикр салоҳияти билан урганадиган таълимот. Баъзида метафизика фалсафа атамаси маъносида ҳам ишлатилади. Гегель ва Марксча фалсафада диалектикага қарама — қарши фикрлаш усули сифатида ишлатилган.

Методология - методлар туррисидаги таълимот, дунёни яхлит урганувчи усул

Мистика (юнонча mystika - сирли образ, сирлилиқ) - сирли, тула англанмаган, ҳал қилиш қийин, интуитив, сирли ҳодиса.

Миф — афсонавий — жозибадорлик устун турадиган ҳикоя

Мифология (юнонча mithos ҳикоя, афсона) - дунёни афсонавий тафаккур, ҳис — туйғу, асосида тушуниш

Модел (лотинча modulus) — мсёёр, нусха

Монизм - дунёни ягона борлиқ (материя еки рух, оллоҳ)дан бошланган, деб тушунтурувчи таълимот.

Неопозитивизм - XX асрдаги фалсафий оқим бўлиб, фалсафада методология муаммолар, айниқса, фан фалсафасига асос солган,

Ноаникликлик - Гейзенберг томонидан майдонга танланган квант механикаси назариясининг қонунияти. Бу объект билан субъект бирлигини фалсафий таҳлил қилади.

Номинализм (лотинча Nomen - ном, исм) — урта асрдаги фалсафий оқим бўлиб, умумий тушунчалар номга эга, ҳаётда эса алоҳида предмет, ҳодисалар мавжуд, деган ғояни илғари суради.

Ноосфера (юнонча noos — ақл) — ақлнинг ҳукмронлиги таъминланган дойра соҳа (сфера)

Онтология (юнонча on-to/\$ият, logos-таълимот) борлиқ туррисидаги таълимот

Пантаизм (юнонча pan-5;амма, theos—худо) — табиатнинг ҳаммаси худо, деган фикрга мосланган таълимот.

Парадигма (юнонча paradigma - мисол, намуна) - илмий назариянинг намунаси, унинг туррисидаги таълимот

Парадокс (юнонча paradoxos-қутилмаган) — ажабланарли фикр.

Позитивизм (лотинча positivus) - ижобий.

Постмодернизм — XX асрдаги фалсафий таълимот булиб, ижтимоий ҳаётни ахлоқ, қонунлар, кадриятларни бузмаган ҳолда қайта қуриб чиқити усули, қуп фикрлилик усули
Постпозитивизм (лотинча. **Post-сунгги, кейинги, прзи~тивизм-ижобмй**) — фан фалсафасига асос солган оқим.

Прагматизм (юнонча **прагма-иш, ҳаракат**)- инсон фаолияти, унинг амалиётини асосий уринга қуювчи фалсафий таълимот.

Принцип (лотинча **principin..— асос, бошланиш**) — назариянинг асосий ҳолатидир.

Провиденциализм (лотинча **providentia-Такдир**) - тарихий жараёнлар азалдан белгиланган тақдир асосида давом этади, деган қараш

Прогресс (лотинча **progressus**) — ривожланишнинг олға қараб кетиши.

Редукция (лотинча **reductio**) - орқага , бошланган жойига қайтиш.

Релятивизм (лотинча- **relotivus**) — нисбийлик.

Силлогизм (юнонча **sylogismoc**) - дедуктив ҳулоса чиқариш тури

Символизм (юнонча **sumbolon рамзий**) - борликни белгилар, рамзларда ифодалаш. Символлар назарияси.

Синеретика (юнонча **synergeia — ҳамкорлик**) — уз узини ташкил этишнинг умумий қонуниятларини ва прин — ципларини асос қилиб олган фанлараро йуналиш. Бу таълимот асримизнинг 70—йилларида пайдо бўлди.

Софист - донолик уқитувчиси. Софистлар қадимги Юнонистонда, биринчи маърифатпарварлар деса бўлади. Улар тил, риторика, мантик илмига қатта эътибор бердилар. Бироқ улар нисбийликни мутлоқлаштирганлар.

Структура (лотинча **structure-тузилиш**) — элементларни нисбий барқарор алоқаси, уларнинг узаро бирлиги, жойлашишларидаги тартиб, тизимини турқун татқил қилиниши ва унинг ички алоқадорлиги.

Структурализм — структура (ҒОЯСИ, асоси) тизимга фалсафий ёндашиш структурализм, деб аталади. Бу соҳаи фалсафий таҳлил қилишда Фердинанд де Соссюрнинг хизматлари қатта. XX аср фалсафасида социал— гуманитар оқим.

Субстанция (лотинча **substantial — моҳият**.

Теология (юнонча **theos-худо logos—таълимот**) - илоҳият демақдир.

Теоцентризм — борлиқнинг марказида худо туради деган фалсафий оқим.

Трансценденталь (лотинча **transcendo-ташқарига чиқиш**) — энг умумий, универсал борлиқдир.

Универсалии (лотинча **universalin**) — умумий, ҳар томонлама)

Утилитаризм (лотинча **utilitas**) - фойда, аҳамиятли.

Фальсификация (лотинча **falsus-ёлгон facio-бажараман**) — ёлгон гипотезами аниқлаш учун келтирилган фикрий жараён. Бу жараёни биринчи булиб Поппер майдонга ташлайди. У бу усул билан фан ва метафизика чегарасини аниқлашга ҳаракат қилади.

Феномен (юнонча **phainomenon**) - қурилиш, зухурий.

Феноменология -XX аср рабб фалсафасининг асосий йуналишларидаи бири, уининг асосчиси Гуссерль онг фаолияти билан уининг феноменини аниклаш

Форма (лотинча forma) -Нарсанинг мохияти ва уининг тушуниши)

Функция (лотинча funkctio) - божарига.

Хаос (юнонча chaos) - тартибсизлик.

Цивилизация (лотинча civilis) — фукаролик, давлатчилик.

Эвристика (юнонча heurisko) — топаман.

Эйдос (юнонча eidos —куриниш, образ) - гоянинг узи, бирок аник образда куриниши.

Экзистенциализм (лотинча existentia) — яшаш, мавжуд,ик.

Экология (юнонча oikos—уй, logos—таълимот) — мухофаза тугрисидаги таълимот

Экогуманизм (юнонча oikos—уй, homanus—инсон) —атроф — мухитга инсоний муносабатда булиш.

Эксперимент (лотинча experimentum) — тажриба, намуна.

Эмпиризм (юнонча emperia-тажриба) - Билиш жараёнида бевосита сезги аъзоларимиз оркали тажрибада олган билимларни асосий уринга куювчи фалсафий оким.

Эпистемология (юнонча episteme—билим, таълимот) - хозирги замон фалсафасида гносеология (билим назарияси} урнига ишлатилатиладиган атама.

Эстетика (юнонча aesthetikos—эмиссий) — инсоннинг борликка кадрийатлар сифатида мупосабатини ва инсоннинг бадийий фаолиятиги урганувчи фалсафий таълимот.

Этика (юнонча ethos—одат) — фалсафий таълимот булиб, инсон ахлокининг конунлари, нормалари ва принциплари, ахлокий кадрийатларни урганадиган фан.

Дунёнинг фалсафий, диний ва илмий манзарлари уртасидаги узаро нисбат

Дунёнинг манзараси деган янги атамани аниклаш керак.

Дунёнинг манзараси - дунёни бир бутун, яхлит холда тасаввур қилиш, кура билиш демакдир.

Дунёни бир бутун тасаввур қилишнинг фалсафий, илмий ва диний жihatлари бор. Агар дунёни яхлит тасаввур қилмоқчи бўлсак, уларни узаро бирликда қараш керак. Уларни фарқлаш асосида эмас, балки бирлаштириш, синтез қилиш асосида урганиш дунёни яхлит тушунишни ҳосил қилади. Бирок, бир бутун дунё тугрисидаги тасаввурларимиз у тугрисидаги фалсафий, илмий ва диний қарашлар орқали шаклланади. Улар уртасидаги узаро бирлик, ҳамкорликка эришиш жуда мураккаб кечмоқда. Баъзида эса, тасаввурлар уртасида зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Шундай экан, уларнинг бир-бири билан бўлган мунозарасини босиклик билан ҳал қилиш керак.

Фалсафа, дин ва фаннинг узаро ҳамкорлигини таъминлаш учун улар ҳар бир инсон маънавий ҳаётининг асослари, томонлари, маданиятининг шакллари эканлигини тан олиш керак. Уларнинг қайси бири аҳамиятли деган савол қуймай, ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси бор эканлигини, улар бирисиз иккинчиси яшаши мумкин эмаслигини қурсатиш керак.

XX асрда фан онгнинг устувор шаклига айланди. Энди — ликда фан жамият тараккиётининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият фансиз ҳеч жойга бормаслиги аён бўлиб қолди. Бу ҳаммага маълум.

Фан шунчалик аҳмиятли бўлишига қарамай, нима учун динсиз, фалсафасиз яшай олмайдими?

Фалсафанинг фан билан бирга яшашининг зарурияти шундаки,

- **биринчидан**, фалсафа ўзи илмий;
- **иккинчидан**, фалсафа борлиқнинг асосий масалаларини э^ал қилиб беради;

•учинчидан, фалсафа илмий билим билан ноилмий билим, фан билан дин узаро карама — карши эмаслигини, улар уртасидаги мавжуд ва хатто кескин тафовутни хал килишнинг йулларини курсатиб беради.

Диннинг муҳимлиги шундаки, диний башоратлар фан учун катта дарвозадир.

Дин фан учун катта дарвозани очиб беради. «Дин фан учун келажакдир», — дейди немис файласуфи Г. Кюнг. Кюнг дин фан учун келажак эканлигига куйидаги далиларни келтиради:

1. Хозирги дунёдаги адолатсизлик, тартиб йуклиги фаннинг динга нисбатан ошикиб, интилиб, дуст булиб яшашни токазо килади.
2. Хаёт кийинчиликлари ахлокий масалаларни устивор килиб куйишнитадаб килади. Бу эсадиний масалаларнинг усишига олиб келади.
3. Черков таъсири камаяди, атеизмрад этилади.
4. Диний борликнинг мохиятини англаш социал муносабатларни тушунишда диний ахамиятга булган масалаларни куяди.
5. Борлик худо сифатида каралади...

Худо тугрисидагимасала билан худонинг узи тугрисидаги масалани фарк килиш керак. Худонинг реаллиги эътикодди инсон учун энг муҳимдир.

Бугунги кунда фалсафа, фан, дин уйғунликни ташкил этади. Дунёнинг диний манзарасини тасаввур килиш эътикодига асосланади.

Фалсафа мантикга, мантикий конунларга асосланади.

Фан экспериментга, тажрибага асосланади.

Дунёни тушунтириш учун эътикод, мантик, тажриба ажралмасдир.

XX аср файласуфининг фикрлари хилма- хилдир Масалан, англиялик файласуф Б. Рассель фанни биринчиуринга куяди (фалсафа ва дин кейинги уринларда) Гегель фалсафани биринчи уринга куяди. Ницше дин, фан ва фалсафага танкидий карайди. В.Соловьев динни фалсафа вафандан юкори куяди. Хайдеггер эса, фалсафани устун куяди.

II- БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ФАЛСАФАСИ

2.1 ОЛАМНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ

ЭВОЛЮЦИЯСИ

Оламнинг манзараси масаласи табиий — илмий назарияларнинг марказий масалаларидан бири хисобланади. Узимиз яшаётган, фаолият курсатаётган дунё хакида, унда хар дакикада сон — саноксиз руй бериб турган воқеа, ходисалар тугрисида, содир булиб турган жараёнлар хакида маълум бир маълумот, ахборот, экспериментал натижаларга эга булиш катта кизиқиш уйготади. Инсоният тараккиётининг хамма боскичларида олам хакида аниқ, бир бутун, мукамал билимга эга булиш учун харакат булган. Энг оддий билим, олам хакида энг оддий тасаввурлардан тортиб то мураккаб билимгача булган боскичларда жуда куп тадқиқотчилар меҳнат килганлар, оламнинг ягона илмий манзарасини чизишга интиланлар.

Олам хакидаги илк илмий манзарани яратишга дастлаб юнон файласуфлари Левкипп, Демокрит ва Эпикурлар ха — ракат

килганлар. Уларнинг дунё хақидаги атомистик таъли — мотиға кура жисмларнинг уша вақтларда маълум булган ҳар қандай узғаришида (ёниши, бугланиши ва ҳ.к) уларнинг маълум сифат тафовути сақланиб қолади; бир нарсa иккинчи бир нарсaга тула айланавермайди. Материя турли атомларнинг муайян миқдоридан ташкил топган, атомлар булинмаслиги натижасида, улар орасидаги тафовут сақланиб қолади, деган натижага келганлар. Уларнинг назарида атомлар катталиги ва геометрик шакллариға кура бир — бириға биров ухшаса — да, лекин моҳияти жинсхатидан бир — биридан фарк қилади. Атомларнинг маълум йиғиндиси муайян жисмни ташкил қилади. Жисмлар ҳаракати атомдаги узғариш туфайли содир бўлади.

Атомизмға ҳамма ҳам ҳайрихоҳ бўлавермаган. Масалан, буюк донишманд Аристотель табиатдаги ажойиб тартиботлар, хилма—хилликлар атомларнинг тасодифий ҳаракатлари ва уланишларидан келиб чиқишини тасаввур қилиш мумкин эмас, деб айтган эди. Аристотель фикрича, олам пассив, жонсиз материя; самовий жисмлар (юлдуз ва сайёралар) қатъий тартибли ҳаракатининг, ҳаёт жараёнларининг, оламдаги ранг — баранг ходисаларнинг сабабчиси бўла олмайди, буларнинг сабаби нарсаларнинг «ички жони»дир. Қўпгина олимлар, хусусан Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний Аристотелнинг моддалар узлуклилиги ғоясига

карши чикади. Беруний фикрича, моддани чексиз булакларга булиш мумкин эмас.

Урта аср Шарк фалсафасида шаклланган **мутакаллим ва муътазила** оқимлари атомизм масаласида бир — бирига зид иккита карашни таркиб кила бошладилар. Муътазилийлар Демокрит атомизмини ёклаб чиккан эдилар. Мутакаллимлар эса Пифагор позициясида турдиларки, унга мувофиқ атомларни кандайдир гайри табиий кучлар ҳаракатга келтиради, деган гоё майдонга ташланган эди.

Унутилаёзган атомизм гоёлари XVII асрдан бошлаб табиатшунослик фанларининг ривожин билан (1668 йилда Р.Бойль ишлари туфайли) қайтадан майдонга келди. Кейинроқ бир гуруҳ олимлар — Больцман, Дальтон, М.Ломоносов, Максвелл томонидан молекуляр — кинетик назариянинг асосий қоидалари ишлаб чиқилди:

1. Барча моддалар жуда майда зарралар — молекулалардан иборат. Аини моддани ташкил қилувчи молекулалар мутлақо бир хилдир, турли моддалар турли молекулалардан ташкил топган.

2. Жисм молекулалари орасида бир вақтда узаро тортишиш ва итарилиш кучлари таъсир қилади.

3. Жисмни ташкил қилган молекулалар узлуксиз, тартибсиз ҳаракатда бўлади. Бундай ҳаракатда молекулалар бир —бири билан тукнашиб уз тезликларини узгартириб туради.

Шундай қилиб, модда тузилишининг молекуляр — кинетик назарияси ҳаракатнинг фақат механик шакли бор (бу қараш фанда механицизм деб аталди) деган фикрга қарши чиқа бошлади ва бунда у ҳамма нарсалар майда зарралар: атомлар ва молекулалардан таркиб топган деган гоёга асосланди. Бунга қура атом—дунёнинг

энг кичик «гиштча»си деб караб келинди, Бу холат фанда деярли XIX аср охирига кадар давом этиб келди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида тупланган эксперимент маълумотлари, чунончи, электромагнит ходисаларни чуқур урганишга бағшиланган тадқиқот ишлари фотоэффект, катод нурлари ва электролит ходисаларини текшириш натижасида топилган манфий зарядли биринчи элементар заррача — элскроннинг кашф этилиши, радиоактивлик ходисасига доир тажриба натижалари, ёругликнинг босими ва унинг квант табиатига эга эканлигини билдирувчи тажрибаларнинг куйилиши бизни атом хақидаги фикримизни узгартириб юборди Кеинрок электрон массаси $m_e = 9.106 \times 10^{-31}$ килограмм эканлиги аникланди. Водород атоми энг содда тузилишига эга булган атом деб топилди (протондан иборат ядро атофида бир электрон айланма харакатда булади)

Радиоактивликка доир ишларнинг босилиб чиқиши атом булинмайди, атом дуёнинг энг кичик «гиштчалари» деган тасаввурларга хотима берди. Эндиликда атомларнинг узи ҳам энг кичик зарралардан ташкил топганлигини шубха остига куйишга урин колмади. Радий ва уран каби огир элементлар уз ядроларидан табиий равишда альфа, бэта, гамма нурлар чиқарар экан Ушбу нурлар радиоактив парчаланиш пайтида катта тезлик билан учиб чиқади. Бу эса, мазкур жараёнда катта микдорда энергия ажралиб чиқади, дсмакдир.

- электронлар атомда хар кандай орбита буйлаб эмас, балки факат стационар орбиталарда харакатланади;
- электронлар стационар холатда булганда узидан нур чиқармайди ёки ютмайди;

- электрон бир стационар сатедан бошқасига утганда квант — энергия чиқариш (ёки ютиш) ходисаси содир булади.

Атомнинг Резерфорд—Бор модели фақат атомларнинг барқарорлигини тушунирибгина қолмай, моддаларнинг ёруғликни сочишида ва ютишида қўзатиладиган спектрал қонуниятни ҳам яхши тушунириб берди. Шунингдек, Н. Борнинг квант назарияси водород атоми тузилишини тушунтира олганлиги билан ҳам қимматлидир. Юқорида эслатганимиздек, водород атомида бир элементар зарядга эга бўлган ядро (протон) атрофида бир электрон ҳаракатланади. Ядро массаси электрон массасидан 1840 марта катта бўлгани учун ядрони қўзғалмас деб, электрон доиравий сатҳ бўйлаб ҳаракатланади, дейиш мумкин.

Н.Бор биринчи бор ишлаб чиққан квант назарияси водород атоми тузилишини ва водород спектрининг мураккаб структурасини миқдор жиҳатдан тушунирибгина қолмасдан, атом ичидаги жараёнларга тўғри ёндошиш йулини ҳам қўрсатиб берди. Бироқ Борнинг квант назарияси ҳам қамчиликлардан холи эмас эди. У ҳатто водородга ухшаш бошқа бир валентли атомлар тузилишини тушунириб бериб қолмади. Шундай бўлса—да Н.Борнинг ишлари квант назариясининг кейинги тараққиётида катта роль ўйнади.

Микрозаррачалар оламида қилинган ажойиб кашфиётлардан яна бири оддий заррачага нисбатан қарама — қарши ишорали электр зарядга эга бўлган антизаррачаларнинг очилиши бўлди. Электронга нисбатан анти заррача борлиги П.Дирак томонидан 1928 йилда айтилган эди. 1932 йилда К.Андерсен бу заррача — позитронни топди. Электрон билан деярли бир хил хоссага эга бўлган позитрон электр зарядининг мусбатлиги билан электрондан фарқланади. Орадан қарийб 23 йил ўтгандан сўнг, яъни 1955 йилда антипротоннинг топилиши туфайли зарра ва

антизарра хусусидаги симметриянинг тегишлик конунлари, масалан, заряднинг жуфтлилик конунияти топилди. Шундан сунг олимлар бу таълимотга асосланиб, ушбу «олам»га нисбатан «кузгудаги тасвирдагидек куринадиган дунёга» назар ташлай бошладилар. Дунёнинг асосини ташкил килувчи ва мутлак соф эрдсобланилган «гиштлар» — электрон, нейтрон ва протонлар аслида умуман «соф» зарралар булмай, уз антизарралари билан биргаликда, жуфтликда пайдо булиши ва йуколиши исбот этилди.

Зарраларнинг «анти»си мавжуд экан, у хрлда шулардан таркиб топтан, антиэлементи, антимодда булиши мумкинми?

Хозирги замон фани бу саволга ижобий жавоб изламокда. Бундай фикрга келиш, айникса 70 — йилларнинг бошларида олимларнинг изланишлари уларок антиатом, яъни антиводороднинг огир изотопи булмиш антидейтрон, кейинрок антигелийнинг олиниши натижасида ривожлана бошлади.

Шундай килиб, оламнинг "кузгулик симметриялилиги" тобора ойдинлашиб бориши коинот хакида янада туликрок билимга эга булишимизга сабаб булди. Позитроннинг топилиши фалсафада жуда катта янгилик булиш билан бирга физикада хам мухим бир муаммонинг хал килинишига олиб келди: электрон билан позитроннинг кушилиши туфайли жуфт фотон ёки фотонларнинг бирикишидан электрон — позитрон жуфтлиги хосил булар экан. Аннигиляция деб аталган бу ходиса XX аср физикасининг энг долзарб фалсафий муаммоларидан бири булиб хисобланади. Гап шундаки, электрон ва позитрон массалари $9,1 \cdot 10^{-31}$ кг. булган жуда кичик моддий заррачалардир. Улар бирлашганда моддий заррача "йуколиб" электромагнит тулкин — гамма — квантга айланади. Лекин гамма —квант электронга ухшаб моддий массага эга эмас. Бу "бордан йук булмайди, йукдан бор

булмаиди", деган тамойилга зид келувчи экспериментал фактни тушунтириш нафакат физика фанининг, балки фалсафа фанининг ҳам муаммосига айланди.

Бу ходисанинг очилиши материянинг модда ва майдон куриниши орасидаги боғликлик топилишига олиб келди. Атомнинг мураккаб объект эканлиги купрок равшан булиб борди. Микрозаррачаларнинг лептон заряди, изотопик спини, спираллиги, «калатилиги» (странность) каби бир катор хоссалари топилди. Хозирги пайтда элементар

заррачаларнинг сони кундан кунга ортиб бормокда. Кейинги йилларда топилган "умри киска" резонанс холидаги зарраларни ҳамда кизик хусусиятли «мафтункор» (очарованные) зарраларни кушиб хисоблаганда, фундаментал заррачаларнинг сони 400 дан ошик. Бу хали чегара эмас. Материя тузилиши борасида янгидан— янги хоссалар, янги элементар заррачалар топилиши гумон килинмокда.

Дунёнинг энг кичик «риштчалари» борми?

Бу саволга жавоб излаш асосида кварк гипотезаси яратилди.

Янги гипотеза бирин — кетин муваффакиятга эриша бошлади. Шу нарсга маълум булдики, кварк материянинг энг кичик «риштчаси» ролига даъвогарлик кила олар экан. Агар хакикатан кваркнинг мавжудлиги аникланса, мавжуд ҳамма элементар заррачаларни кварклардан ташкил этиш, кварк ва антикварк йигиндисидан мезонни хосил килиш мумкин буларди.

Биз бу ерда диккатни олам, материя тузилишидаги физика ютуқларига жалб этдик. Бундай ютуқларни химия, биология каби фанларда ҳам куплаб келтириш мумкин. Айникса, хозирги замон биологиясининг молекуляр генетика соҳаси ва унда эришилган ютуқлар хужайраларнинг нозик структураси ҳамда хужайрадан

куйи даражада ташкил топган заррачаларнинг мохиятини билиш, асосий ҳаётий ходисаларнинг молекуляр механизмларини аниклаш томон бормокда. Шунинг учун оксил ва нуклеин кислоталар макромолекулаларининг таркиби, функцияси ҳамда биосинтези молекуляр биологиянинг урганиш объекти булиб колганлиги бежиз эмас. Хужайралар таркибига кирган нуклеин кислоталар—ДНК, РНК, хромосомалар табиати чуқурроқ урганилмокда.

Шундай килиб, фалсафа фани ҳар қандай моддий объектнинг битмас—туганмаслиги ҳақидаги таълимот билан қуроллантиради, атом ҳам чексиз, бепоён эканлигини каттик уқтиради. Материя тузилишида «энг сунгги» «ғиштчалар» ролига даъвогарлик қилаётган элементар зарралар (атомга ухшаб булар ҳам уз номига номувофик келмокда) узғариш ва бир —бирига айланиш қобилятига эгадирлар. Бундан атом ҳақидаги игариги тасаввурларда ҳеч қандай ҳақиқат элементлари йук экан, деб яқун қилинмайди.

Демак, ҳар қандай тугал билимлар нотугал билимлардан, философия тили билан айтгайда, абсолют ҳақиқатлар нисбий ҳақиқатлар йигиндисидан иборат экан.

Фалсафа релятивизмдан фаркли уларок, бизнинг билимларимиз нисбий ҳақиқат шаклида қолиб кетади, нисбий ҳақиқатларда ҳеч қандай абсолют ҳақиқат элементлари булмайди, деб таълим бермайди. Шунингдек, догматизмдан фаркли уларок абсолют деб аталувчи ҳақиқатларда нисбий ҳақиқатларнинг булаклари мавжуд, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда табиёт илми соҳаларининг тез ривожланиши таъсири остида материя структурасининг тузилиши тугрисидаги умумий тасаввурлар ҳам гоят тез

ривожланмокда. Хозирги табиатшунослик янги узгаришларни бошидан кечирмокда. Бу узгаришлар орасида аввало элементар заррачалар физикаси, астрофизика, биохимия, молекуляр биология, генетика, бошқаришнинг умумий назарияси эришган энг янги ютукларни курсатиб утиш керак. Элементар заррачалар физикаси соҳасидаги тадқиқотлар, айниқса, хайратомуздир. Бу соҳадаги кашфиётлар ҳозирги вақтда яхши урганилган атом системалари доирасидан ташқаридаги физикавий қонуниятларни янада чуқурроқ билишга олиб келади.

Элементар заррачалар физикаси олдига бир канча гоят муҳим проблемалар қуйилмокда. Оддий заррачалар қандайдир уз—узича уйғунлашган янада кичик заррачалар системаси сифатида мавжуд эканлиги фактини тушунтириб бериш талаб қилинмокда. Буни тушунтириш, хусусан, кундалик турмушда бизга одат бўлиб қолган шароитда моддани ташкил этувчи барқарор формалар нима сабабдан мавжуд эканлигини билиш имконини берган бўлур эди.

Физикавий узаро таъсирларнинг ҳар хил турлари уртасида (гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз) ички узаро алоқаларни очиқ бериш зарур. Адронларнинг кварк тузилиши — модели ҳамда калибрловчи майдонлар ҳақидаги тасаввурлар асосида оддий узаро таъсирларга бир хилда ёндошиш (бундай ёндошиш тажрибада жуда яхши тасдиқланди) кашф этилиши билан физика ривожланишида янги босқич бошланди. Бундай ёндошилганда, физикавий узаро кучсиз ва кучли таъсир курсатишида қатнашувчи зарядларнинг бир хил қатталиқда бўлиши барча узаро таъсир курсатишлар бир хил табиатга эга деган фикрни тугдиради.

Кейинги йилларда бу сохада илмий билиш жуда илгарилаб кетди, принципиал ва фундаментал натижалар кулга киритилди. Заиф ва электромагнит таъсир кучлар бир хил табиатга эга эканлиги аникланди. Маълум булдики, заиф кучлар электр заряди билан боғлиқ, уларнинг электромагнит кучларга караганда озлиги эса кучсиз узаро таъсир курсатиш жараёнлари хам жуда катта массадаги вектор заррачаларнинг алмашинуви воситасида амалга ошиши билан изохлади.

А.Логунов

Системали - структуравий тасаввурларнинг ривожланишида ифодаланаётган узгаришлар - структуравий (тузилиш) принциплари хақидаги хозирги тасаввурларда юз бераётган энг мухим ва катта ахамиятли узгаришлардир. Моддий системалар тугрисидаги узига хос тасаввурлар, билимлар тадқиқот йуналишларининг купгина сохаларини синтез килишга, айникса юксак даражада ташкил топган системалар ва умуман бошқариш системаларини синтез килишга асос булмокда.

Бошқариладиган мураккаб системалар тугрисидаги тасаввурларимизни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган умумлашган гоялар, биринчи навбатда, хозирги биологияда билимларни синтез килиш учун гоят мухим роль уйнамокда. Айникса, биология мураккаб системалар тугрисидаги умумий таълимотни ривожлантириш учун хаммадан купрок фактик, табиий -илмий материал беради.

Бу ерда генлар муаммосини алохида жонли организмлар структуралари ва функцияларининг молекуляр даражадаги структуралар ва жараёнларга мувофик келиши проблемаси сифатида, жонли организм тузилишининг турли даражалари уртасидаги узаро алокаларни ва уларнинг детерминациясини текшириш проблемаси сифатида курсатиб утиш кифоя.

Жонли системаларнинг тузилишини ва эволюциясини урганиш учун умумлаштирувчи гояларни ишлаб чиқишда биологиянинг гоят муҳим кашфиётлари, чунончи, генетик код, матрица синтези, аллостерик тартибга солиш, химиявий мутагенез ва бошқа бир канча кашфиётлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Улар жонли дунё тугрисидаги фанни ривожлантирди ва бу билан уни ривожлантиришнинг янги йулларини ва воситаларини очиб берди. Ана шундай фанлардан бири молекуляр генетика бўлиб, унинг вужудга келиши ва ривожланишига буюк олим Н.И.Вавилов катта хисса қўшди. Ўзбекистонда академик Ё.Туракулов мактаби шаклланди.

Генетика тирик организмга хос хусусиятларни, яъни ирсият ва узгарувчанликни урганади. Ирсият қонунларини урганиш биология фанининг энг мураккаб, шу билан бирга асосий масалаларидан биридир. Ирсият фақат тирик организмларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ушбу масала фақат табиийёт фанлари нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлмай, балки фалсафа учун ҳам аҳамиятлидир. Аёнки, ирсият дейилганда ота-она организмга хос белги ва хусусиятларнинг келгуси авлодларга (наслига) берилиши тушунилади. Организмларнинг узгариши авлодлар уртасидаги моддий ва функционал боғлиқлик асосида содир бўлади. Шу сабабли бир авлод иккинчи авлод билан алмашинганда жонли материя ривожини узлуксиз давом эттаверади.

Узгарувчанлик ҳам тирик организмга хос хусусиятдир. Узгарувчанлик ирсиятга зид тушунча бўлиб, маълум белги ва хусусиятларнинг ташки ёки ички омил таъсирида узгариши тушунилади. Жонли материянинг ушбу икки хусусияти орасида диалектик бирлик мавжуддир. Бу, аввало, диалектиканинг қарама - қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонунида уз ифодасини топади.

Мана шундай бирликсиз органик табиатдаги сон - саноксиз узгариш ва ривожланишни тасаввур килиб булмайди. Агар организмда узгарувчанлик хусусияти таъсирида юз берадиган узгаришлар ирсий равишда мустахкамланмаганида, органик дунёдаги турларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси ҳам булмасди.

Генетика фанидаги купгина тадқиқотлар барча хайвон ва усимлик организмларида, улар эволюцион таракқиётининг қайси босқичида туришларидан қатъи назар, ирсият бирликлари мавжудлигини курсатди.

Ота-она белгиларининг наслга берилиши (утиши) қонунлари ҳамма тирик мавжудотларда умумий эканлиги маълум булди.[2].

Ушбу фикрларнинг тасдиқланишида ирсиятнинг хромосома назарияси ҳам қатта аҳамиятга эга булди. Маълумки, хромосома оксил ва нуклеин кислотадан ташкил топган булиб, у организмнинг генетик - дастури вазифасини бажаради, насл жинсининг қандай булиши хромосомага боғлиқ. Хромосома, уз навбатида, нуклеопротеидларга булинади.

Хромосома таркибига ҳаётнинг субстрати ҳисобланган ген ҳам қиради. Генларнинг хромосомада жойлашиши маржонни эслатади. Олимларнинг аниқлашича, ген инсоннинг купгина хусусиятлари: қон группаси, қуриш қобилияти, қуз қорачигининг рангини, хотира ва шунга ухшашларни белгилайди. Демак, хромосомада организмнинг ирсий белгилари жойлашган булади.

Ҳозирги замон биологияси тадқиқотнинг энг янги методларидан фойдаланиши туфайли ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятини тушунишда жуда ҳам илгарилаб кетди. Ана шу асосда тирик организмларнинг табиатини бошқариш имкониятлари тугилмокда. Молекуляр биология жонсиздан жонлига, модданинг тузилишидан (атомлар ва молекулалардан) жонли системаларнинг

тузилишига утиш йуллари ва усуллари («механизмларини») очиб беришда муҳим роль уйнамокда. Молекуляр биология ва вирусологиянинг ҳозирги тараккиёти мазкур объект жонли ёки жонсиз эканлигини қандай белгиларга қараб аниқлаш кераклиги тугрисидаги масалани янги талқин қилишга имкон бермокда. Ҳозирги замон молекуляр генетикаси тобора жонли мавжудот ичига кириб бермокда. Бу изланишлар туфайли хромосома назарияси яратилди. Бу назариянинг яратилиши ген моҳиятини урганишнинг бошланиши эди, чунки ген хромосоманинг бир бўлаги эканлиги аниқланди.

Ген ирсиятнинг элементар бирлиги, ҳаёт субстрати сифатида ДНК молекуласининг таркибига қиради, организмларнинг шаклланиши ва айрим белгиларининг вужудга келишида иштирок этади, юксак ривожланган организмларда эса ирсийликнинг хоссалари таркибига қиради. Геннинг организмдаги асосий функцияси энг аввало, фермент ва оксиллар синтезида актив иштирок этишидир. Ген узгарганда ҳужайралардаги муайян биокимёвий жараёнлар руи беришида бузилиш бўлиб, бунинг натижасида организмларда янги белгилар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, инсон қизининг қора ёки қуқлиги, ҳайвон ва усимлик маҳсулдорлигининг узгариши тегишли генларнинг таъсирига боғлиқ. Вир суз билан айтганда, хромосома нуклепротеидлар системаси бўлиб, оксиллар ва нуклеин кислоталаридан тузилган ва уз имкониятлари ҳамда уз роли жиҳатидан ноёб бўлган генетик функциялар ташувчилари сифатида намоён бўлади. [3].

Фан тараккиёти ҳозирги вақтда ҳаётнинг моддий субстрати оксиллар билангина чекланмаслигини қурсатди, чунки таркибида оксил бўлмаган бошқа моддалар ҳам жонлининг ривожланишида, ирсият функцияларида ва моддалар алмашинувида муҳим роль

уйнайди. Нуклеин кислоталари ана шундайдир. Буларнинг хаммаси уз навбатида **амалий генетика ривожига замин тайёрлади.**

Кейинги йилларда генлар инженерияси (биотехнология) деб ном олган тадқиқотлар жараёнида принципиал масалалар майдонга ташланди. Мутахассисларнинг эътирофи этишчи, бу тадқиқотлар ирсият ходисаларини урганишда мутлақо янги имкониятлар очиб беради ва, айтилган вақтда, илмий тадқиқотлар йуналишига ва уларни тартибга солиб туришга доир ҳаёт масъулиятли масалалар қуяди. Фаннинг бу соҳасидаги масалаларнинг актуаллиги қўпчиликлари томонидан эътироф этилган, чунки агросаноат комплексида муҳим вазифаларни қўп жихатдан ана шу ишларга асосланиб амалга оширишга тўғри келади, улар ҳозирги замон медицинасига ҳам муҳим ҳисса қўлади. ***Биринчи навбатда гап генетик ва ҳужайра инженерияси, иммунология, микробиологик синтез ҳақида, асаб системаси ва миёна урганиш, муҳим биорегуляторлар олиш ва шу қабилар тўғрисида бормоқда.***

Химия фани ва саноати олдида катта, масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар жумласига минерал ҳолатда бўлган янги технология асосида комплекс қайта ишлаш проблемаси ҳам, қimmatли ҳоссалар комплексига эга бўлган янги материаллар: металллар ва уларнинг қўшимчаларини, силикатлар ва бошқа неорганик моддаларни, хилма-хил пластик массалар ва полимерларни ҳосил қилиш масаласи ҳам қиради. Доривор моддалар, пестицидлар, фотоматериаллар, принципиал аҳамиятга эгадир. Янги ютуқлар ва қўшимчаларнинг нисбатан муҳим томони шундаки, улар дунёни янгилик ва ўзгариш тушуниришга олиб боради, илгари қўлланилмаган тадқиқот ва амалий ҳаракат методларини келтириб чиқаради.

Хозирги табиатшуносликнинг жуда катта ютуқларини чуқур тушуниб етиш, унинг муҳим хусусиятларини очиш- мураккаб ишдир. Карор топган образлар ва тасаввурларни, вужудга келган фикрлаш стереотипларини тубдан узгартиришдан ташқари, табиатшуносликдаги мутлақо янги булган нарсаларни тушуниб етишга у ёки бу илмий уюшмада қабул килинган методологик ва дунёкарашга оид асосий йул-йуриқлар ҳам таъсир этади.

Табиатшуносликда билимлар синтезига асос буладиган умумлаштирувчи гоялар муҳимдир. ***Ночизиклилик (нелинейность), синергетика ва уз-уздан ташкил булиш (самоорганизация) ана шундай гоялар турқумига киради.***

Ночизиклилик қонуниятларини фалсафий англашни тушуниб етишни, масалан, шу нарса талаб этадики, одам фақат илмий билиш жараёнидагина эмас, балки узининг кундалиқ фаолиятида ҳам уларнинг ҳар турли қуринишларига дуч келиб туради. Аслида ҳамма физикавий системалар ***ночизиклидир***, деб айтиш мумкин. Умуман дунё чизикли қонуниятлар доирасидан ташқарига чиқиб кетди. Бугунги вазифа шу дунёда яшашни урганиб олишдан, ***ночизиклилик*** қонуниятларини билиш асосида ана шу дунёда ҳаракат қилишнинг унга хос ва мос булган амалий усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Хозирги вақтда синергетика ҳам олимлар эътиборини узига тортмоқда. У янги илмий йуналиш булиб, унда номувозанат системалардаги уз-уздан ташкил булиш самаралари текширилади.

Тилга олиб утилган янгича ёндошишлардан мақсад дунёни янгича концептуал қуришнинг амалий воситалари ва формаларини яратишдан иборатдир.

Хозирги замон табиатшунослиги бошқа бир канча гоят муҳим хусусиятлари билан ҳам характерланади. Булар жумласига,

уз характерига кура, глобал булган илмий муаммоларнинг янги комплекси қарор топаётганлиги, фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, фанни ташкил этиш ва режалаштиришнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-саноат комплексларини яратиш, фан тарққийётининг социал йуналиши ва унинг жамият олдидан масъулиятли масалалари киради.

маиший қиммат маъсулотлари ва хизматлар олиш учун асос буладиган назарий химиявий синтез соҳасидаги ишларни қисқартириш зарурлигини алоҳида қаратиб ўтмоқ керак. Ҳозирги замон фанининг амалда ҳақ бир тармоғи мураккаб системалар ва уларни ўрганиш методлари ҳақидаги тасаввурларимизни қенгайтиришга ҳисса қўймоқда.

Ижтимоий фанларнинг ривожланиши ҳам системали тадқиқотларда қамдалган умумлаштирувчи ҳолатларга таянади, социал имтиёзларни қисқартириб чиқарувчи объектив ҳақларни қартираф этишга асосланган янги принципларини ишлаб чиқишга ҳрдам беради. Масалан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили Президентимиз Ислам Қаримов томонидан ишлаб чиқилганлиги ҳикримиз далилидир[4]. Ҳиҳоят, системали ҳолатлар эҳар турли назарий системаларни, илмий назарияларни анализ қилиш ва таҳсиллашда, янги ҳақфиятларни таҳлил ҳилишда ҳул қелмоқда.

Ҳамоавий фаннинг эҳар бир соҳаи уз ҳутуҳлари билан материя, олам тузилишининг структуравий даражаси ҳақидаги умумий концепцияни изчил суратда ҳуҳуллаштирмоқда ва бойитмоқда. Бироҳ, шуни таҳқидлаш муҳимдирки, айни философия материя туррисидаги таҳли — мотга ҳақиша принципиал ҳақиат бериб қелган. Бизшг давримизда эса, айни философия доирасида бу

таълимот изчил суратда ривожлантирилмошса. Философияда фаннинг узини ривожлантиришдаги энг принципиал ютуқлар борлиги туррисидаги таълимот негизидан анализ қилинмошса. Масалан, табиатшунослиқда амалга оширилган буюқ кашфиётларни тазқилил қилишда улар мазмунининг борлиги тузилиши ва унинг ривожланиши ҳақидаги умумий таълимот билан узаро муносабатини ҳисобга олиш керак. Энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчи турга ўтиши қонунини умумлашти — қиб, таққилил қилиш жараёнида қорлиқнинг ҳаракат шакллари туррисидаги таълимот негизларини таърифлаб бериш мум — қин булган эди.

Фандаги янги кашфиётларнинг аҳамияти фақат моддий объектлар ва системаларнинг янги синфига мансуб хусусиятлар ва қонуниятларни очик қурсатиб беришдангина иборат эмас. Янгини билиш одамга билимларни янада илгари силжитишда янги имқониятлар яратиб бериши билан ташиқил этиш ва режалаштиришнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-саноат қомплексларини яратиш, фан таракқиётининг социал иуналиши ва унинг жамият олдидаги масъулияти масалалари қиради.

Қоинотни урганиш борасида қамондошларимиз ажойиб кашфиётларнинг шохиди булмоқдалар. Энг аввало, биздан тахминан 26 миллиард ёруглиқ йили узоклиқда жойлашган (1 ёруглиқ йили- ёруглиқ тезлигидаги моддий нуктанинг 1 йилда босиб ўтган масофаси-тахминан 9,5 триллион километрга тенг) янги объект — қвазарлар билан иш қурмоқда. Унинг марқазини ядросида бир қанча миллиард қуёш массасига тенг «Қора туйнуқ» жойлашган экан. Қоинотниг пайдо булиш вақтини бир неча миллиард йил деб ҳисобласак, биз яшаётган дунё тахминан 20 миллиард йиллар олдин

пайдо булган булиб, уни «Буюк портлаш» деб аталувчи ходисанинг конуний натижаси деб айтиш мумкин. [5].

Хулоса урнида: хозирги замон фани оламнинг илмий манзараси масалаларини чуқурроқ тадқиқ қилиб, унинг янгидан-янги хоссаларини ифодалаб бермоқда. Табиъётдаги кашфиётларнинг фалсафий характери борлиқнинг тузилиши ва хоссалари ҳақидаги ҳар бир илмий фикр тахминий, нисбий характерда эканлигини, табиатда мутлоқ суратда белгиланган чегаралар йўқлигини исботламоқда. Табиъётнинг комплекс тараққиёти фанда қилинадиган фалсафий умумлаштиришларнинг ахамиятини янада яққолроқ қўрсатмоқда.

Биз яшаб турган дунёнинг энг асосий воқеаларнинг хронологик тарихий манзараси (фалсафа ютуқлари асосида).

20 миллиард йил олдин - «Буюк портлаш» юз берган.

3 минутдан сунг - Коинотнинг моддий асоси вужудга келган Фатонлар, Нейтрино ва водород ядроси, галий ва электронлар аралашмаси билан антинейтриноларнинг пайдо булиши.

Бир неча юз минг йилдан сунг-атомларнинг пайдо булиши (енгил элементлар).

19—17 миллиард йил илгари - Турли қуламдаги тузилиш (галактикалар) пайдо булиши.

15 миллиард йил илгари - Юлдузларнинг биринчи авлодининг пайдо булиши, огир элементли атомларнинг шаклланиши.

5 миллиард йил муқаддам - Куёшнинг туғилиши.

4,6 миллиард йил олдин - Ернинг шаклланиши.

3,8 миллиард йил олдин - Ҳаётнинг пайдо булиши.

450 миллион йил олдин - Усимликларнинг пайдо булиши.

150 миллион йил олдин - Сутэмизувчиларнинг пайдо булиши.

2 миллион йил олдин - антропогенезнинг пайдо булиши.
Хакидаги назарияни илгари сурмокда.

2.2. Хозирги замон табиатшунослигида макон ва замон муаммолари

Фалсафанинг фундаментал тушунчаларидан бири макон ва вақтдир. Авваломбор, фалсафа тарихи материясиз ҳамда ҳаракатсиз макон ва вақт бўлмаслигини тула-туқис исбот қилганлигини, унинг моҳиятини ўқ ғуруҳга бўлиб ўрганганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биринчиси: макон ва замон тушунчаларининг ғносеологик моҳияти қандай?

Иккинчиси: макон ва замоннинг материяга (субстанция) муносабати қандай?

Учинчиси: макон ва замон хусусиятларининг ўзига хослиги нимада?

Булардан ўчинчиси нарсалар макон ва вақт хусусиятлари ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларнинг ривожига билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фан тарихида маконнинг хусусиятлари тобора кўпроқ аниқлана боради: бўшлиқ (Демокрит, Эпикур, Лукреций), чексизлик (Эпикур), мутлақ сукунат, ўзлуксизлик, жисмни қамраб олиш, жисмдан таъсирланмаслик, жисмдан жисмга таъсир қилишининг бўшлиқ орқали жуда тез ўтиши, материянинг моҳиятли хоссаси (Ибн Сино), ҳажмга эга жисм чегараси (Ибн Сино), жисм қулами (Беруний), турли жисмларнинг жойланиши (Лейбниц).

Вақтнинг хоссалари деярлик қуйидагилар тушунилан: бўшлиқнинг субъектив сезгилари (қадимги мутафаккирлар);

материя атрибути уч улчовли (Ибн Сино); жисм харакатининг микдори, ходисалар алмашинуви, кетма- кетлик тартиби (Ибн Сино); элемент зарраларига ва бир-бирига айланиши (Беруний); харакат билан богланган нарса (Фаробий); мутлак хеч нарса боглик эмас, воқеаларни жойлаштириш мумкин булган ва олга каралган оқим «бушлиги», чексиз-узлуксиз (Ньютон); сабаб- оқибат тарзидаги тартиб (Лейбниц).

Бир улчовли макон ва вақт узларига хос характеристикаларга эга.

Бир объектнинг бошқа объектга, яъни «богланган» санок узларига нисбатан ҳолати координаталар орқали ифодаланади. Агар объект моддий нукта булмай, жисм булса, бурчак координатлари ҳам эътиборга олинади. Маконнинг ушбу мураккаб характеристикалари маълум ҳолда битта оралик ёки бурчак билан ифодаланади. Вақт эса икки хил маънода - он ёки лаҳза ва интервал-оралик маъносида ишлатилади. Макон ва вақтнинг бу характеристикалари микдорий улчамга эга.

Булардан ташқари макон ва вақтнинг топологик характеристикалари ҳам мавжуддир. Изланаётган объектларнинг бир-бирига тегиб туриши, йуналишлари сони макон ва вақтнинг топологик характеристикаларидир. Топологик хусусиятлар моддий жисмлар алоқадорлигининг ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди.

Маконнинг топологик хусусиятлари: узлуксизлик ва узлуклилиқ; улчамлилиқ; чегарасизлик ва хоказо.

Вақтнинг топологик хусусиятларига: узлуксизлик, ол динга харакат қилиш, тартиблиқ, богланганлик қиради.

Макон ва замоннинг юқорида баён этилган тулик булмаган хусусиятларидан қелиб чиқиб, бир гуруҳ файласуфлар макон ва

замонни борликнинг объектив хусусияти сифатида изохласалар, бошқалар оламни хиссий қабул қилишимизга имкон берувчи соф субъектив тушунчалар тарзида тушунадилар. Учинчи тоифада фикр юритувчилар эса маконнинг объективлигини тан олсаларда, вақт категориясига субъектив мақом беришади.

Энди юқорида қуйилган иккинчи соволга жавоб беришга ҳаракат қилиб қурайлик. Ҳозирги фалсафий қарашларда макон ва вақтнинг материяга (субстанция) муносабати хусусида икки хил нуқтаи назар мавжуд: субстанционал ва реляцион.[6].

Субстанционал концепцияга мувофиқ макон ва замон материя қаби, мустикал равишида, мавжуд бўлган мохиятлардир. Демак, макон, замон ва материя орасидаги муносабат икки хил субстанция орасидаги муносабат қаби тасаввур этилади. Бу эса, макон ва замон хусусиятларининг маконда ва замонда содир бўладиган жараёнлар табиатига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги ҳулосага олиб келади.

Реляцион нуқтаи назар тарафдорлари макон ва замонни мустикал мохиятлар деб эмас, балки узаро таъсирда бўлган моддий объектлар туфайли ҳосил бўладиган муносабатлар тизими деб тушунадилар. Узаро таъсирларнинг бундай тизими бўлмаса, макон ва замон ҳам бўлмайди, деб ҳисоблашади. Демак, макон ва замон моддий тузилмаларнинг узаро таъсири хусусиятларига боғлиқ экани ҳам фараз этилади.

XVII-XIX асрларда табиатшунослик илмлари ривожига шароитлар тақозоси билан субстанционал концепция устувор бўлган эди. Бу концепция уша давр аниқ фанининг намунаси деб қабул қилинган Ньютон механикасининг асосида ётар эди. Электродинамикада абсолют маконни тулдириб турган ва электромагнит тулкинларидан иборат бўлган нузли эфир ҳақидаги

гоя абсолют маконнинг мавжудлиги хакидаги фикрнинг фойдасига хизмат килган эди. Ва, нихоят, Эвклид геометриясининг яккаю-ягоналиги хакидаги факт ҳам маконнинг субстанционал концепцияси учун кучли гувоҳлик берарди. Ноэвклид геометрияси (Лобачевский, Риман, Баяллар томонидан кашф этилган) XIX асрнинг 30- йилларида очилган булсада, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси яратилгунга қадар, унга факат тасаввурда мавжуд булган (абстракт) математик тузилмалар деб қараларди; улар реал физик жисмоний маънога эга эмас (аслида бундай геометрияга мос реаллик йук) деб ҳисоблаб келинарни.

Реал макон ва замонни факат Эвклид геометрияси тавсифлайди деб ҳисобланарди. Бу эса макон ва вақтнинг узгармаслиги ва уларнинг моддий тизимлар ҳаракати ва узаро таъсири табиатига боғлиқ эмаслиги хакидаги субстанционал концепция ҳулосаларини гуё тасдиқлар эди.

Макон ва вақт моддий объектлар ҳолатларини муайян координация (уйғунлашув, мувофиқлашув) усулини ифодалайдиган шакллардир. Ушбу шаклнинг мазмуни ҳаракатдаги материя, моддий жараёнлардир ва айнан шуларнинг хусусиятлари ва табиати макон ва замоннинг асосий хусусиятларини белгилаши керак. Бундан ташқари макон ва вақтнинг мазмуни ҳаракатдаги материя булгани учун макон ва вақт орасида ҳам боғланиш бор, улар бир-бири билан мутлақо боғланмаган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Шу муносабат билан диалектика фанни макон ва вақт хусусиятлари билан уларни белгилайдиган тегишли моддий жараёнлар орасидаги боғлиқликни ахтаришга қаратади.

XX аср бошларида яратилган нисбийлик назарияси, макон ва вақтга нисбатан анъанавий қарашларни қайтадан қуриб чиқишга ва субстанционал концепциядан воз кечишга мажбур этди.

Нисбийлик назарияси узаро боғланган икки назарияни: махсус нисбийлик назариясини (МНН) ва умумий нисбийлик назариясини (УНН) уз ичига олади. Иккала назариянинг ҳам асосий гоёлари А.Эйнштейн томонидан (1905 ва 1916 й.) таърифлаб берилган.

МНН Галилей давридаёқ маълум бўлган физикавий нисбийлик принципини унга зид деб қаралган электродинамика қонунларига татбиқ этишга уринишининг натижаси уларок вужудга келди. А.Эйнштейн бу масалани еча олди. Лекин бу ишнинг баҳоси қутилгандан бошқача бўлди. Яъни, Ньютоннинг макон ва вақт ҳақидаги концепцияси қайта қуриб чиқилди. МНН шу вақтгача узгармас, абсолют деб ҳисобланиб келинган макон ва вақт хоссалари нисбий эканлигини қурсатиб берди. *Хусусан, МННда макон вақтнинг узунлик, вақт интервали, бир вақтдалилик деган тушунчалари узининг мутлақлик (абсолют) ҳарактерини йўқотди.* Макон ва вақтнинг ушбу ҳарактеристикалари моддий объектларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатига боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Макон ва вақт хусусидаги реляцион концепциянинг тугрилиги ҳақидаги янги далилларни УНН берди. Зеро, МНН фақат инерциал тизимлар билан боғлиқ бўлса, УНН нисбийлик принципларининг ноинерциал тизимлар соҳасига татбиқ этилишининг натижаси эди. Бу эса, уз навбатида, макон ва вақтнинг метрик хоссалари моддий объектлар орасидаги гравитацион узаро таъсирларга узвий борлиқ эканини аниқлашга олиб келди. МНН макон ва вақтнинг геометрик хоссалари уларда жо бўлган гравитацион массаларнинг тақсимланишига борлиқ эканини қурсатиб берди. Орир объектлар яқинида маконий хусусиятлар геометрияси Эвклид геометриясидан четлашади, вақт тезлиги эса камаяди.

Энди махсус нисбийлик ва умумий нисбийлик назарияларига оид баъзи бир роя ва коидаларни куриб чикайлик:

1 Нисбийлик назарияси фандан абсолют макон ва абсолют вақт тушунчаларини чиқариб ташлади. Шунинг билан у макон ва вақтни борликнинг материяга боғлиқ бўлмаган мустақил шакллари дея субстанционал талкин этиш нотугри эканлигини очиқ берди.

2 Нисбийлик назарияси маконий-замоний хусусиятларнинг моддий тузилмалар харақати ва узаро таъсири табиатига борлиқ эканини очиқ берди.

Нисбийлик назариясининг моҳияти шундаки, илгарилари муъжиза руй берса-ю, барча моддий тузилмалар бирдан йук, бўлса, макон ва замон калган буларди, деб қисоблашарди. Нисбийлик назариясига кура эса, ҳамма нарса билан бирга макон ва замон ҳам йуқолган буларди

(7) А.Эйнштейн

Натижада биз, даставвал Эйнштейн томонидан ифодаланган икки койдага дуч келамиз. Эслатишга турри келади:

- 1) бир - бирига нисбатан тугри қизикли ва текис ҳаракатда бўлган системаларда физик жараёнлар кечиши бир хил руй беради ёки, бошқача қилиб айтганда, системанинг абсолют тезлиги мавжуд бўлмайди;
- 2) бир-бирига нисбатан тугри қизикли ва текис ҳаракатда бўлган системаларда ёруғликнинг бушликдаги тезлиги (улчов бирлиги умумий бўлган ҳолатларда) бир хил сон қийматига эга бўлади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, ёруғликнинг бушликда тарқалиш тезлиги барча инерциал системаларда бир хилдир. (Инерциал система - инерция қонуни амал қиладиган ҳисоб системаси бўлиб, бунда унгаталшаридан қуч таъсир этмаса, узининг тугри қизикли ва текис ҳаракатини саклайди, деб қаралади).

Маълумки, юкорида эслатилган махсус нисбийлик назарияси ана шу мазкур икки конун-коидага асосланган. Физиканинг кейинги тараккиёти эса, умумий нисбийлик назариясини яратиш ва уни такомиллаштириш билан бирга борди. Бу асосан 1916 йилга келиб А Эйнштейн томонидан умуман тугалланган деб каралса-да, кейинрок купгина олимларнинг тадқиқот ишларида хали такомилига, маромига етмаган назария сифатида урганила бошланди. Айниқса, бу ходиса XX асрнинг урталарида ва охирида космологик объектлар хатти-харакати, уларнинг пайдо булишини асословчи назарияларда яккол сезилди. Кенгайиб борувчи ёки шишиб борувчи коинот хакидаги янги карашлар ҳамда "буюк портлаш" тугрисидаги янги назариялар хали бу йулда жуда куп ишлар кутаётганлигини, бизнинг билимимиз янада чуқурлашишини билдиради.

Умумий нисбийлик назарияси махсус нисбийлик назариясининг бевосита давоми булиб хисобланади. Ушбу назария хар кандай тортилиш майдонини макон ва вақт метрикасининг узгариши деб, яъни массалар ва улар харакатининг тақсимланишига кура реал макон ва вақт катталиклари геометрик хоссаларининг узгариши деб тушунтирилади.

Умумий нисбийлик назарияси ҳам куйидаги икки конунга асосланади:

1. Умумий нисбийлик цонуни: сано тизимлари кандай харакат холатида булмасин, уларда физик жараёнларнинг руй бериши, кечиши бир хил коидаларга асосланади.

2. Янги гравитацион цонун: макон ва вақт муносабатларининг геометрик хоссалари ва хусусиятлари жисмнинг хоссаси ва гравитацион майдон тақсимоти билан узаро конкрет конуний боғланган.

Албатта, А. Эйнштейн томонидан асос солинган ва яратилган нисбийлик назарияси техника тарақиёти ва физиканинг мавжуд ютуқларини умумлаштириш орқасида вужудга келган экспериментнинг тараққиёт даражасига ҳам боғлиқ эди (Маикельсон - Морли тажрибаси ва унинг «сал - бий» натижалари). Шунингдек, математиканинг қай даражада ривожланганлиги нисбийлик назариясининг пайдо бўлишига замин тайёрлади.

Бу ерда математиканинг оҳамшши иккшпа омилда уз аксини топан: Биринчидан, нисбийлик назарияси ҳаракат ланувчи жисмларнинг микдорий нисбатларини чуқур ва аниқ таҳлил қилади ҳамда физик дунёнинг макон ва вақт хоссаларини ифода қилади.

Иккинчидан, нисбийлик назариясининг яратилиши ва тараққиёти учун маълум математик аппарат бўлиши шарт эди. Ана шундай математик аппарат сифатида математиканинг вектор ва тензор назарияси катта роль ўйнади, шунингдек ноэвклид геометрияси (немис математиги Г.Ф.Риман томонидан асос солинган) ютуқлари ҳам маълум аҳамият касб этди.

Шундай қилиб, **нисбийлик назарияси макон ва вақт ҳақидаги табиий-илмий назария бўлиб, масса ва энергия тушунчалари орасидаги алоқадорликни ифода қилади;** материя билан макон ва вақт бир - бирларига мустаҳкам алоқадорлигини кўрсатди. Лекин, нисбийлик назарияси бу муаммоларни ечар экан барча фалсафий баҳсларга барҳам бергани йўқ, албатта. Бир турдаги муаммолар ечилиб, ўрнига бошқа муаммолар келди. Макон ва вақтнинг тортишиш ҳодисаси билан айнан эканлиги ҳақидаги масала шулар қаторига қиради. Бундай айнанлаштириш барча физик майдонларни геометриялаштиришга олиб келди. Бундан макон ва замонга (реал оламдаги барча физик хоссаларни келтириб

чикарадиган ва белгилайдиган) дастлабки физик реаллик, дастлабки субстанция деб караш келиб чиқади.

Энергетизмда ҳам тунга ухшаш вазият содир булади, яъни бу концепция учун материядан ажралган ҳаракат дастлабки тушунча булиб қолган. Дунёнинг геометрик моделида дастлабки субстанция макон ва вақт бўлса, энергетизмда ҳаракат шундай субстанция булади. Бу материализм учун шундай булиб қуринади. Аслида масала бундан мураккаброк.

Ҳозиргача макон ва вақтнинг умумий хоссалари қуйидагилардан иборат деб келинади. Маконнинг хоссалари: қуламлилиқ, бир жинслиқ ва изотроплиқ, уч улчамлилиқ. Вақт эса бир улчамлилиқ (йуналишларнинг фарқсизлиги), қайтмаслиқ, бир жинслиқ хоссаларига эга деб келинди. Макон қуламлилигини ва вақтга хос узунликни ҳисобга олмаса ҳам булади, чунки улар макон ва вақтнинг моҳиятини ташкил этади. Зеро, қулам нарсаларнинг ёнма-ён туриши хусусиятини (қуламни) билдирса, вақт уларнинг бир-биридан олдинма-кейин мавжуд бўлишини (узунликни) англатади.

Макон учун энг характерли хусусият унинг уч улчамлилигидир. Объектнинг каердалигини 3 улчам ёрдамида аниқлаш мумкин. Вақт эса бир улчамли. Қуп улчамли фазо тушунчаси ҳам бор. Турт ва ундан ортиқ улчам ҳақида математикада, назарий физикада, фалсафада қуп бахслар мавжуд. Шу муносабат билан реал фазо тушунчаси киритилган. Бу ҳозирги давр фани учун очик масала.

Маконнинг узига хос хоссаларига бир жинслиқ ва изотроплиқ киради.

Маконнинг бир жинслилиги ундаги ҳамма нукталарнинг бир - биридан афзал ё ноафзал бўлмаслигини англатади. Маконнинг

изотропик хоссаси эса, йуналишларга нисбатан худди шу фикрни олдинга суради.

Вакт эса, фшат бир жинслилик хоссасига эга. Унда изотропик йуц. Вактнинг узига хос хоссаси, унинг оркага кайтмаслигида (утмишга кайтиш мумкин эмаслигида) деб хисоблаш кенг кабул килинган. (Бу фикрга карши нуктаи - назарлар хам мавжуд).

Макон ва вақтнинг микрооламда, табиатда, ижтимоий воқеликда намоён булиши узининг хосликларига эга, шунингдек, биологик вақт, психологик вақт хакида хам бахслар кетади.

Вақт ва абадият муаммоси хам мавжуд.

2.3. Фандан баъзи муаммоларнинг фалсафий талкини.

Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли - тамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йуналишларини, табиий конуниятларини, унинг кандай булишини курсатиб беришдан иборат.

Ислом Каримов

Хар бир фан шаклланиши ва ривожидавомида ишлаб чиқилган конун - қоидалар, яъни принцип - тамойиллар билан иш куради.

Принцип - лотинча суз булиб, «бошлангич», «асос» деган маъноларни англатади ва:

а) бирор бир сиёсий ташкилот, назария, таълимот, фан, дунёқараш асосланадиган конун - қоида;

б) инсоннинг воқеликка муносабатини ифодаладиган ички ишончи;

в) асбоб, механизм тузилиши ва ишлашидаги узига хослик маъносида ишлатилади.

Принциплар фанларнинг тараккиёт йуналишларини белгилайди, фан ривожига конуниятларни аниқлашга ёрдам килади. Фанларда кенг қайд этилган тамойиллар ғиётида мувофиқлик, тулдирувчанлик, умумлаштириш, соддалаштириш, симметрия, кузатувчанлик, абстрактликдан конкретликка томон бориш каби принципларни қурсатиш мумкин. Буларнинг методологик функцияси, вазифаси ва аҳамиятини қурсатиш муҳим ҳисобланади.

Фанларнинг фундаментал принципларини фалсафий таҳлил қилиш замонавий фан фалсафаси олдига қўғина қўғун, тамойилларни таҳлил қилиш масаласини қўғмоқда. Чўғқи, буларнинг методологик функцияси, вазифаси, аҳа миятини қўғсатмасдан тўғриб, ушш фандағи асосий назарияларнинг вўғжўғда қелишини ва моҳиятини шарҳлаш қийин.

Шў принциплардан баъзиларини қўғриб қийайлик.

Мувофиқлик принципи. Фанда мувофиқлик принципининг мавжўғдлиғи ҳақидағи қўғлар энциклопедия олимлар А.Р.Берўғний, АН.Форобий, мутафакқир М.Хоразмий, қимё фанининг асосчиларидан бири Жобир ибн Хайён ижодида қўғланганлиғини алоҳида таъқидлаш жўғиз. Масалан, вақт ўғиши билан баъзи назариялар эскириб, янғилари яратилишига қарамасдан, эски доимо яроқлилиғини сақлаган ҳолда янғининг бир қисми бўлиб қилишлиғи ҳақидағи фикрларни тарихий манбаларда ўғратамиз. XX асрда даниялик олим Н.Бор физика фани ўғун эмпирик қоида ишлаб қийқди. Кейинроқ қўғғина олимлар томонидан «сехрғар таёқча» деб номланган бў «эмпирик қоида» мувофиқлик принципи деб атала бошланди. Фаннинг кейинғи тараккиёти мувофиқлик принципи фақат қимё, физика ёқи математикадағина роль ўғнайдиған тамойил бўлмасдан, умумғносеологик принцип

эканлигини курсатди. Назария, *эски назария янги назария учун генетик асос бўлиб хизмат қилиши ва эскиси янгининг хусусий холи эканлиги исботланди.*

Бу принципнинг ролини таъкидловчи бир - иккита мисолни физика фанидан келтирайлик. Масалан, атом моделининг яратилишини олайлик. Классик физикага мувофиқ зарралар катта тезлик билан доиравий орбиталар буйлаб ҳаракат қилганида тезланиш олиши ва электромагнит нурланиш таркатиши лозим. Натижада тез ва доимо айланма ҳаракатда бўлган электрон энергияси вақт ўтиши билан камайиб, у ядрога «қулаб» тушиши керак эди. Аммо атомнинг мустаҳкам система эканлиги фанга маълум.

Бу кийин ва зиддиятли ҳолатдан қутулиш учун Н.Бор ўзи яратган мувофиқлик тамойили асосида ўрта постулатни ўртага ташлади. Бу постулатлар атом тузилиши ҳақидаги эски қояларнинг диалектик инкори сифатида майдонга чиқади. Бироқ бу постулатлар асосан классик физиканинг ютуқларини у"зида саклаган ҳолда, фалсафий тил билан айтганда, диалектик инкор этиб, атом масштабдаги ҳодисаларни муваффақиятли тушунтира олади.

Янги назарияга қура, атомда стационар ҳолатлар бўлиб, зарралар бу ҳолатларда бўлганларида классик электродинамика қонунларига зид ҳолда ўзидан нур чиқармайди. Электронлар бир стационар орбитадан иккинчисига ўтгандагина электромагнит нурланиш пайдо бўлиб, бундаги нур энергиясининг мўдори таъсир қавқарининг частота қувайтмасига тенгдир.

Албатта, бу кейинги назарияни ҳам абсолют аниқ назария деб тушунмаслик керак. Буни Н.Борнинг ўзи ҳам билган ҳолда, квант назариясининг кейинги тараккиёти билан ўзгартирилиши лозимлигини қайд қилган эди. Бор назариясининг ҳаётбахш қучи

шунда эдики, бунда асрлар давомида ишлатилиб келинаётган классик механика тушунчалари янги квант тушунчалари билан бир каторда ишлатилади. Электроннинг «траектория буйлаб» узлуксиз ҳаракати каби классик тасаввур билан «бир стационар ҳолатидан иккинчисига сакраб утиш» каби тасаввурларнинг биргаликда ишлатилиши фикримизнинг далили була олади. Классик механика квант механикасининг хусусий холи эканлиги курсатилди.

Н.Борнинг мувофиклик принципига асосан физик катталикларнинг маълум сон кийматларида бу назарияларнинг бири иккинчисига утар экан.

Шундай қилиб, Н.Борнинг асосий хизмати унинг частоталар қондасини яратиш бўлди. Бунда Бор Планкнинг абсолют қора жисм вибраторлари энергияни атрафга узлуксиз эмас, балки улушлаб таркатади, деган гипотезасидан фойдаланди. Н.Борнинг постулатларига мувофик, ҳар бир атом маълум энергия кийматлари билан характерланадиган тургун (стационар) ҳолатларнинг муайян бир узлукли каторидагина була олади.

Янги назария билан эски назария уртасидаги алоқадорликнинг махсус нисбийлик назарияси тенгламалари ёруғлик тезлигига нисбатан жуда кичик тезликларда классик механика тенгламаларига айланиши мисолида ҳам қуриш мумкин.

Демак, параметрларнинг маълум кийматларида янги назария ҳам, эски назария ҳам бир хил натижага олиб келишлигини, яъни эскиси билан янгиси уртасидаги боғланишларни яққол курсатиш мумкин.

Квант механикасининг асосчиларидан бири Нобель мукофотини олиш маросимида қилган докладида мувофиклик принципининг ҳозирги замон фанидаги аҳамиятига алоҳида тухталган эди.

«Квант механикаси, узининг шакли жихатидан, Н.Борнинг мувофиқлик принципини аниклаш йули билан тартибли математика схемасини тузишга уриниш натижасида бунёдга келди»

(8) В.Гейзенберг

Шундай қилиб, юқорида биз қисқа танишган мувофиқлик принципи ҳозирги замон назарий физикасининг, умуман табиатшуносликнинг муҳим ютуқи ҳисобланади, инсон билиш таракқиётининг ажойиб хусусиятларини, жамият ривожининг тадрижийлигини ифодалайди. Дарҳақиқат, бизнинг дунё ҳақидаги билимимиз бирданига шаклланиб қолмайди. Билимимиз воқеликни асосан тугри лекин тула акс эттирмайдиган нисбий ҳақиқатлардан, бойитиладиган, конкретлаштириладиган билим - ҳақиқатнинг тула ва тугал формаси бўлмиш абсолют ҳақиқат томон борали.

Шуингдек, *абсолют Ҳақиқатни қотиб қолган, узгармайдиган билим деб, нисбий билимни фақат нисбий деб тушунамслик лозим.* Ҳақиқатан ҳам абсолют ҳақиқатда нисбий ҳақиқатнинг элементи бўлади. Масалан, фанда бир назария урнига иккинчиси келганда, эскиси бутунлай улоқтирилиб ташланмайди ундаги ижобий тугри томонлари ривожлантирилади.

Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг, ҳар қандай ҳолда ҳам... нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йук.

(9) Ислом Қаримов

Шунингдек билимда абсолютлик билан нисбийлик диалектикасини тушуниш эски билан янги билим муносабатини, умуман билимимиздаги сатҳларни билишда қул келар экан, бу ерда бир табиий савол тугилади.

Умуман, билимимизда сатҳлар мавжуд экан, улар узаро қандай муносабатда бўлади?

Бу саволга жавоб излаш биздан беихтиер назарий тафаккурнинг ривожланиш қонунияти - абстрактликдан конкретлик томон бориш методи билан танишишни тақозо этади.

Предмет ва ҳодисани муқаммал ҳар томонлама билиш конкрет билим бўлса, предметнинг бирор бир томонини билиш абстракт билимдир. Агар биз бирор бир объектни қўзатсак шу ҳақда ҳиссий-конкрет билимга эга бўламиз. Бу конкрет билим ҳали предмет ҳақида тула билим эмас. Турли абстракциялар ёрдамида туларок билим томон борамиз, яъни айрим абстракциялардан конкрет билим томон борилади.

Бу илк ҳиссий-конкрет билимга қайтиш эмас, балки конкрет билимни тафаккурда қайта ҳосил қилишдир. Ана шундай усул билан билишнинг юқори формасига эришилади.

Бу қонуният қандай амал қилишлигини фанлар тарихидан мисоллар билан тушунтирса бўлади. Масалан, ёруғлик икки хил нуқтаи назардан урганилади. Бир томондан, ёруғлик зарра (корпускула) лардаи иборат деб қаралган бўлса, кейинчалик ёруғлик тулқин табиатига эга эканлиги исботланди. Ёруғлик ҳақидаги назарияларнинг кейинги тараққиёти, у электромагнит табиатига эга эканлиги исботлади. Оптика ва квант механикасининг ривожланиши аса, ёруғлик ҳам тулқин ҳам корпускула хусусиятининг диалектик синтезидан иборатлигини қўрсатди. Бу эса, олимларни ёруғлик ҳақида конкрет билим билан қўроллантирди.

Демак, билиш назариясига қўра, абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамиша конкретдир. Бизнинг билимимиз ҳаракатдаги материянинг тугри инъикоси сифатида ривожланиб боради, узлуксиз чуқурлашади ва кенгаяди. Биз билмасликдан билишга, оз билишдан қўп билишга қараб бораверамиз. Материя ва унинг

куринишлари хакидаги билимларимиз чуқурлашади. Ана шу нисбий билимларнинг туплана бориши жараёнида материя хакида тула, абсолют билимга томон борамиз.

Билиш назариясидаги нисбий ва абсолют хакикатлар хакидаги коида табиатнинг қуп қиррали томонларини билишда хозирги замон фанларининг асосий методологик принципларидан бир вазифасини бажараётганлиги ҳам табиатишунос, ҳам файласуфлар диққат-эътиборини узиға тортмоқда.

Тулдирувчанлик принципи. Квант механикаси тараккиёти билан ундаги қупгина қонун-қоида, тушунчаларни тахлил қилиш, тавсифлаш, баён этиш принципларига ҳам Н.Бор томонидан асос солинган. Бу ҳам классик физика билан янги квант физикаси оралигида бир «қуприк» вазифасини утайди.

Бу принципнинг Борча талқинига асосан, баъзи бир ходисаларни тушунтириш классик физика доирасидан қанчалик ташқарига чиқмасин, тажриба натижалари классик тушунчалар ёрдамида талқин этилиши мумкин.

Маълумки, классик физикага қура, бирор бир объект, масалан, зарранинг фазода тутган урни, импульси, энергияси ва вақтини Ньютон механикаси ёрдамида бир вақтнинг узида, исталган аниқликда улчаш мумкин буларди. Квант механикасида эса, юқоридаги физик катталикларни элементар зарраларнинг корпускуляр-тулқин табиатидаги қарама-қаршиликлар туфайли бир вақтнинг узида, исталган аниқликда улчаш мумкин эмас. Бу В. Гейзенберг томонидан яратилган ноаниқлик принциpidан қелиб қикади.

Ноаниқлик принципи математика тилида ноаниқлик муносабати қуринишида уз аксини топган.

Уз навбатида, ноаниклик муносабати кейинчалик (1927 йилда) Н.Бор томонидан **тулдирувчанлик принципининг** яратилишига олиб келди. Янги физикада руй берган методологик кийинчиликларни бартараф этиш, атом ходисаларни тасвирлаш ҳамда классик физиканинг кай даражада яроклилигини курсатиш мақсадида Н.Бор майдонга ташлаган ***тулдирувчанлик принципига мувофиқ атом масштабидаги объектларнинг корпускулалар ва тулкин хоссалари узаро тулдирувчан муносабатда бўлади, бироқ уларни узаро карама-карши ва бир-бирини истисно қилувчи асбоблар ёрдамида ҳам қилиш мумкин.***

Асбобларда олинган маълумотлар классик тушунчаларнинг узаро тулдирувчан икки системаси ёрдамида ҳам баён этилади. Квант-механик жараёнларни баён этишда эса, бир вақтда ҳам корпускуляр, ҳам тулкин назариялардан фойдаланилади, чунки улардан факат биттасини ишлатиш шу жараён хақида тулик маълумот бермайди. Демак, бу назариялар бири иккинчисини тулдирар экан.

Н.Бор томонидан физика фани учун ишлаб чиқилган бу принцип фаннинг қўл соҳаларида методологик принцип вазифасини утамоқда, шунингдек, билишдаги объект ва субъект масаласини янгича шарҳлашга олиб келди. Агар классик физикада изланаётган объект қўзатиш услубига боглик бўлмаган ҳолда қаралса, квант физикасида эса атом ходисаларини ҳар қандай қўзатиш уларнинг қўзатиш воситалари билан узаро таъсирига боглик бўлиб, бу узаро таъсирни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ерда табиийёт илмида уртага қўйилган фалсафий муаммо қўзга яққол ташланади. Бу кейинги муаммо билиш назариясида маълум «субъект активлиги»

номли коидани хисобга олган холда хал килинади. Бизнинг мисолимизда субъект активлиги булиб ишлатилаётган асбоб, шунингдек, назарияларнинг текширилаётган ходисага актив «аралашуви» тушунилади. Шунинг учун квант механикаси классик физикадан фаркли уларок ходисаларни урганувчи субъектнинг актив ролини диққат-эътиборга олади. ***Хулоса урнида: хоозирги замон тараккиётининг бутун жараёни*** «табиат диалектиканинг синов тоши» ***эканлигини исботламоқда. Жонсиз ҳамда жонли табиат тугрисидаги фанларнинг яигидан-янги ютуклари*** диалектикани табиатшуносликнинг узи тугдиради. Бу деган суз диалектика аввал урганиб, уни амалда куллайдиган метод эмас. Диалектик тафаккур-табир жоиз булса, предметга йуналтирган тафаккурдир. Предметнинг узидаги нуксонлар бизни яна ҳам хакикийрок позицияларга эришишга ундайди.

2.4. Биосфера ва экологик тамойиллар

Кейинги ун йилликларда саноатнинг жадал усиши, кишлок хужалигининг кенгайиши, урбанизация ва бошка ходисаларнинг юз бериши натижасида Ернинг устки кобигида жуда катта узгаришлар юз берди. Натижада биосфера эволюцияси инсоният олдида турган энг мухим масалалардан бири булиб колди. Биосферадаги оркага кайтарилмайдиган ва тузатиб булмайдиган бу жараёнларни урганиш, уларнинг сабабини аниклаш давлат арбоблари, турли касб эгалари, барча сохадаги олимлар, журналистлар, ёзувчилар, бадий ижод вакиллари кизиктирди; бу масалага жиддий эътибор берила бошланди. Бугунги кунда борликнинг эволюцион жараёнларини урганиш осон иш эмас. Чунки, жамиятнинг табиатга утказаётган кучли босими экологик фожианинг олдини олиш муаммосини кийинлаштиради. Шунинг учун бу масалани илмий йул билан, инкор этиб булмайдиган асослар билан хал этиш (исботлаш) мумкин. Хозирги даврда биосферанинг эволюцион жараёнини урганиш инсон билан табиатнинг, инсон билан инсоннинг муносабатини яхшилади. Демак, келажакни режалаштириш ва табиат билан жамиятнинг

узaro муносабатини бошқариш йулларини хал килувчи воситаларини топиш хозирги даврнинг энг долзарб органик дунё эволюциясига таъсири хал килувчи ахамиятга эга булиб бормокда. Хозирги замон антропология таълимотига кура, органик дунё тарихини «антропозой» деб атамокдалар. Чунки, янги маълумотларга кура, антропогенез биз билгандан олдинроқ бошланган экан. (Антропо-одам, зоо-жонли мавжудот демакдир; Антропогенез-инсон келиб чиқиши, эволюцияси).

Маълумки, питекантроп синантроплар топилгандан уларнинг пайдо булиши вақти тахминан 4,5 млн. йил деб белгиланган эди. Антропогенез кам сонли турларда атропондларнинг популяцияси натижасида жонли мавжудотнинг космосга таъсири кучайди. Инсоннинг пайдо булиши ва шаклланиши билан унинг ахамияти кучая борди. Инсоннинг космосга булган муносабати сифатий узгарди. Инсоннинг табиатга булган муносабати маданийлаштириш шароитида янада фаоллашди; хайвонларни урчитди, уй хайвонига айлантирди. Неолит даврида эраиздан илгари 80 000 - 10 000 йилларда инсоният тарихида туб узгариш юз берди. Бу давр маданийлашиш даври деб аталади. В.И.Вернадскийнинг айтишича, хозирги кунда инсон ҳаракати биосферада хал килувчи ахамиятга эга булиб бормокда. Шунга кура, бугунги кунда эволюцион жараёнларни урганиш ута муҳим ахамият касб этмокда.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи палеонтолог олимлар ҳаётнинг таракқиётини утмиш - геологик босқичлар билан, яъни палеонтологик метод билан изоҳлайдилар. Бу билан хозирги давр жараёнидан узоклашадилар. Чиндан ҳам ҳаётда юксак узгаришлар - мегэволюция даври ун минглаб йилларни камраб олади. Тан олиш керак, бутун катта таксонлар геологик утмишда пайдо булди. Бирок, хозирги замонга яқинлашган сари биологик янги ташкил топиш доираси камайиб бормокда. Шундан хулоса чикариб, баъзи тадқиқотчилар эволюциянинг нисбатига етиш концепциясини кулламокдалар. Улар эволюция якуний босқичига етиб келди, деб айтмокдалар.

Бугунги кунда табиатга инсон таъсирининг кучайиши, пировард натижада, жуда кўп усимликлар ва хайвонот оламидаги экосистемани ишдан чиқармокда. Усимликлар ва хайвонларнинг бир қатор турлари йуқолиб кетди. Шунинг билан бирга, инсон аралашуви натижасида табиатни бузиш эмас, тиклаш ҳам мумкин эканлиги кўрсатилмокда. Инсон нафақат табиат мувозанатини тиклайди, балки эволюциянинг табиат

жсихатидаи давом этиши учун имконият яратади, унда иштирок этади.

Инсон томонидан усймлик ва хайвонларнинг янги турларини яратиш атроф - мухитни яхшилабгина колмай, балки эски мувозанатни бузадиган холатларни тиклайди. Эски йуколиб кетган усймлик ва хайвонот оилаларининг урнига биосферада янги, унинг эволюциясига мослашадиган турларини пайдо килади. Баъзилар биосферанинг бугунги кундаги холатига унинг фожиаси сифатида эмас, балки янгиланиш даври сифатида караш яхшироқдир, деб айтмоқдалар. Ана - эроблик (хавосиз) организмнинг аэроблик (хаволи) организмга утиши хам биосферанинг тубдан узгариши учун мисол була олади. Биосфера пайдо булишидан бошлаб, ундаги организмлар узгара бошлади. Улар узгариши билан биосферанинг узи хам узгара борди. Бугунги кунда органик дунё бир бутун тарзда инсон фаолияти натижасида пайдо булган биосфера вазиятига мослаша олади, деб айтиш мумкин. Бирок, биосфера эволюциясининг кейинги даврини тула тасаввур килиш мушкул масала.

Биз биосферанинг янги эволюцияси кайси томонга кетишини билмаймиз. Инсоният факат унинг бошланишини билади.

(10)

В.Вайскопф

Инсон учун биосферанинг натижаси кандай булади?

Хозирги кунда биосфера кандай шаклланмокда?

Инсон биосферанинг таркибий кисми сифатида, унинг нормал холатининг асосий параметрларини узгартирмаган холда куллаб-кувватлаши даркордир. Инсон ана шунинг учун биосферанинг табиий ривожланиш жараёнини, ички мохиятини билиши зарур булади.

Хозирги замон биосфера ресурсларидан (захираларидан) окилона фойдаланиш ва авайлаб саклаш инсоннинг бурчидир. Баъзи олимлар «инсоният табиатга кескин аралашуви натижасида уни яроксиз холатга келтириб куйди. Инсон узи хам йук булиш арафасида турибди. Планетамиз бутунлай йук булгани яхши, чунки акклирок мавжудотнинг мукамалрок биосферада янги планетаси пайдо булса, биосфера сакланиб колади», - каби фикрларни хам айтишяпти. Бундай фикрга купчилик мутахассислар, мутафаккирлар бутунлай кушилмайди.

Бугунги кунда инсон узини хам, биосферани хам саклаш имкониятига эга. Биосфера кандай булса, инсон уни шундай саклаб колиши керак. Инсон биосферани узига, узининг яшашига

мослаган холда саклаши керак. Инсонни узгариб турувчи биосферага эмас, балки инсон фаолиятини биосферани яхшилашга каратиш керак. Экотизмни сифатий узгартириш керак. Унинг махсулдорлигини ошириш, инсонларнинг яшаши учун эстетик ва ахлокий манба хисобланмиш, улар уртасидаги муносабатни яхшилаш керак. Инсоннинг уй хайвонлари сифатини яхшилаши, усимликлар дунёсига янгича караши, ахлоқ, кадриятлар мезони билан караши, микроорганизмни яхшилаши, уни кузатиш, тузатишнинг ёркин мисолларидир. Микроорганизм илгари «хамиртурушлар» сифатида сакланган булса, эндиликда унинг сони юзлаб ва минглаб купайди. Улар согликни саклаш корхоналарида дори-дармон сифатида фойдаланилмокда. Микроорганизмни ишлатувчи саноат корхоналари пайдо булиб бормокда, сунъий оксил ишлаб чикарилмокда, кишлок хужалигида янги сохалар вужудга келмокда. Бундан 60 йил илгари И.В.Вернадский биосфера тарихида сифатий узгариш булаётганини курсатиб берган эди.

Биз биосфера тарихининг мухим узгаришлар даврида яшамокдамиз. Бу психозойка эраси булиб, бунда унинг янги холати ноосфера мавжуд булади. Биосферада инсоннинг геологик роли хукмронлик килиб, унинг келажакда ривожланиши учун кенг уфklar очиб берди.

(11) Вернадский В.И.

Биосферанинг ноосферага гармоник утишини таъминлаш инсоннинг узига боклик.

Инсон биосферани ардоклаб, космосда ягона аклли мавжудот сифатида фаолиятда буладими ёки узининг «аклсиз»лигини курсатиб, уни хавф-хатарда колдирадими?

Бутун жамиятнинг эволюцион ҳаёти ва ривожланиши биосферанинг ва ундаги органик дунёнинг стихияли мавжудлигидан инсон ирода кучи ва ақл салоҳияти билан бошқарилишига утишига қаратилган.

Ноосфера (юнонча *noos*-ақл *sfera*-доира булиб, ақл ҳукмрон доира маъносини беради) эраси бошланишининг асосий қуринишларидан бири ҳайвонот ва усимликлар турларининг инсон ҳимояси остида қупайиб бориши жараёнидир. Бу нафакат маданий шаклда, балки мавжуд табиий экотизмни сақлаб қолиш асосида боради. Бугунги кунда усимликлар ва ҳайвонот оламининг эволюциясини урганиш илмий-техник таракқиёт равақининг оқибатларини ижобий томонга буришининг илмий асосларини яратиш йулидан боради. Органик дунёнинг эволюцияси ижтимоий ҳаётдаги эволюцион йул билан уйғун ҳолда урганиш ва биосферага таъбиқ этиш умумметодологик аҳамиятга эга бўлган фалсафий масаладир.

Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инкилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислохотлар йули тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз.

(12) **Ислом**

Каримов

Бугунги кунда борлиқнинг таракқиёт йули - эволюция универсал характерга эга. Бу тамойил биосферада ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам инсон ақлий салоҳиятининг роли ортиб бориши тамойилини таъминлайди.

2.5. Синергетика дунёга янгича қараш.

Синергетика - бу дунёга янгича караш булиб, фанлардаги янгиликларни умумлаштириш, уз-узини ташкил килиш, чизиксиз тафаккур асосида глобал эволюцион жараёни тахлил килувчи фанлараро илмий тадқиқот усули сифатида асримизнинг 70-йилларида пайдо булди. Синергетика янги таълимот сифатида уз-узини бошқаришнинг умумий қонунлари ва тамойилларини урганишни мақсад қилиб қўйди. У уз-узини бошқариш жараёнининг физик, химик, биологик, техникавий ва иктисодий, социал ва бошқа соҳаларда намоён бўлиш принципларини глобал эволюцион йўналиш сифатида урганади. ***Синергетикага қўра, макон ва замон структураси макроскопик тартибга келиш жараёнида мураккаб чизиксиз тизим сифатида тушунилади. Бу тизим мувозанатлик ҳолатидан узоклашиб, узига ҳос танглик нуктасига (бифуркация нуктасига) яқинлашади ва натижада тизимнинг калкиб турадиган, тургун бўлмаган ҳолати вужудга келади. Мана шундай ҳолатда тизим нуктаси унча аҳамиятли бўлмаган таъсир ёки флуктуация асосида уз ҳолатини кескин узгартириши мумкин. Бу ҳолат қўпинча хаос (тартибсизлик) дан тартибга ўтиш асосида боради.***

Шунинг билан бир қаторда синергетика хаос концепциясини қайта қўриб чиқди, унинг динамикасини урганди. У маълум шароитда янги тургун тартибга асосланган тизимнинг вужудга келишида конструктив роль ўйнашини қўрсатиб берди. Синергетика дунёнинг классик фанга асосланган манзарасинигина эмас, балки квант-релятивистик манзарасини ҳам, янгича чизиксиз тафаккур асосида XX аср иккинчи ярмидаги янги илмий манзарасини тушунтириб берди. Синергетика жуда қўп эски

тушунчаларга бархам берди. Шу кунларгача «хаос (тартибсизлик) салбий тушунча, уни тартибга келтириш керак» деб каралган эди.

Синергетика хаос дунёни бузувчигина булиб колмай, кандайдир шароитларда маълум сабабларга кура тузувчилик вазифасини бажариши мумкинлигини хам курсатди ва унинг тузувчилик механизмини асослаб берди. Тизим эволюцияси узини узи ташкил этиши асосида узини узи янгилаши мумкинлигини курсатиб берди.

Турли даражадаги ташкил килувчилар хаос оркали узаро алокада буладилар. Нотинчлик, тургунмас ҳолатида тизим кам кучга эга булган таъсир - флуктуация макротизимни узгартириб юбориши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, алоҳида олинган шахслар фаолияти хам самарали булар экан. У ҳамма вақт хам тула намоён булавермайди. Умумий тенденциялар баъзида ютиб юборади. Бирок, айрим шароитда алоҳида шахс фаолияти ҳал килувчи ролни уйнаши мумкин.

Бугунги кунда юртбошимизнинг саъи-ҳаракати ақл-заковати бекарор жамиятни баркарор ҳолатга келтиришда ҳал килувчи аҳамиятга эга. Бу синергетиканинг тамойилларидан келиб чиқади. Шунингдек, ҳар бир шахс дунёда булаётган жараёнларга онгли муносабатда булишга, социал тизимга масъуллиқ билан ёндошиб, унинг тақдирига бефарқ қарамасликка олиб келади.

Илгариги илмий қарашларда тасодифни тизимдан қувишгача олиб келинган эди. Унда тасодиф иккинчи даражали, умумий йуналишга таъсир қурсатадиган асосий куч эмас, деб қаралар эди. Синергетика микрофлуктуация (тебраниб турадиган ҳолат) даврида алоҳида олинган тасодифлар тизимнинг узгаришига ҳал килувчи таъсир утказиши мумкин эканлигини қурсатди. Бундан, юқорида айтганимиздек, тарихий тараккиётда алоҳида шахс ролининг

мухим аҳамиятга эга эканлигини, унинг тарихни яратишдаги бетакрор иштироки мавжудлигини синергетика курсатиб роли мавжудлигини синергетика курсатиб берди, деган хулосага келиш мумкин.

Илгариги қарашларда ривожланиш пастдан юқорига борадиган боскич, олға қараб кетадиган, муқобилсиз (альтернативсиз) жараён деб изоҳланган. Ривожланиш орқага қайтмайдиган фақат илгарилаб борадиган жараён сифатида қаралган. Муқобил ривожланиш эса, иккинчи даражали, тасодифий ҳолат деб, магистрал йулдан оғиш деб тушунирилган.

Ривожланиш объектив асосдаги универсумга бўйсунди, тасодифлар ана шу умум тенденцияларга таъсир этолмайди, деб қаралган. Мураккаб тизимнинг ривожланиши бир томонга йуналтирилган бўлмай, балки турли вертикал ва горизонтал йуналишда бўлиши мумкинлигини, бу йуналиши бир неча альтернатив йуллардан ташкил топишини синергетика курсатиб берди. Ривожланиш йуллари турлича экан, бу жараён узига хос, узига мос йулни танлаб олиш имкониятини беради. Бу йул инсон фаолиятини бузишга эмас бунёдкорликка, табиат ва жамиятни ардоқлашга, уларга муносабатда эҳтиёт бўлишга чорлайди.

Эволюциянинг йули қуп бўлсада, тараккиётнинг маълум даврдаги макбул йулини олдиндан қуриб, унинг қонуниятини, сабабий боғланишини аниқлаш мумкин. Мана шу жараён детерминизмни янги боскичга қутарди. Инсон узининг руҳиятида яшириниб ётган ҳолатларни англаб етади ва уз имкониятларини ишга солади.

Синергетика мураккаб система (тизим) ривожланишига олдиндан белгилаб қуйилган йулни

мажбур килиб булмайди, деб курсадади. Система уз ривожланиши учун уни тараккиёт тенденциясига, узига хос йулга йуналтириш керак буларкан. Умумий йуналиш сифатида инсонларнинг инсонлар билан, табиатнинг инсон билан биргаликда яшаши (коэволюция) конунларини билиш керак булади. Ривожланишни бошқариш масаласи уз-узини бошқариш шаклига кириш муаммосига айланиши керак.

Синергетика эволюция жараёнида супер йуналишнинг принципларини очиб беради. Бунда бир бутун эволюция қисмлардан, булаклардан ташкил топган мураккаб ривожланувчи тизим сифатида оддийлардан ташкил топишини аниқлайди. Бунда тизимни бирлаштириш ва бир бутунга келтириш оддийдан мураккабга қараб бормайди, келтириш оддийдан мураккабга қараб бормайди, балки ана шу тизимнинг локалланиши «энергия нуқсони» ҳисобига қопланиб боради, бироқ бутун қисмларнинг йигиндисидан иборат булмайди. Умуман олганда бутун қисмларнинг йигиндисидан катта ҳам, кичик ҳам эмас, балки сифатий жиҳатдан бошқа система булади. Бутун билан булаклар (қисмлар) уртасида янги мувофиқлик келиб чиқади. Булар узаро ҳамкорликда буладилар.

Эволюция бир бутунни ташкил қилиш принципларини тушунишнинг, мураккаб социал геосиёсатни ташкил қилишнинг, жамиятнинг турли даражадаги вилоятларини бир мақсадга бирлаштиришни ташкил қилиш ва дунё ҳамкорлигини вужудга келтиришга тугри ёндоқишнинг илмий-фалсафий асосини беради.

Синергетика мураккаб тизимни бошқаришда нималарга суяниш кераклигини, уни самарали бошқариш йулларини қурсатиб беради. Мураккаб тизимни ташкил қилишда энг муҳими куч эмас (унинг қуп қисми «сувга оқиб» кетади), балки тугри модели архитектуравий

таъсирни ташкил этишдадир. Кичик, бироқ тугри ташкил этилган резонанслар мураккаб тизимга таъсир этиши канча самара беришини курсатди.

Шарк фалсафасида кадимдан шундай холларни пайкаишган.

Агар тугри ташкил килинса, кучсиз кучлини енгади, юмшок, каттик устидан, паст баланд устидан галаба килади.

Ла

о-цзи.

Синергетика маълум шароитда тез «оким» (лавина) шаклидаги жараёнларнинг чизиксиз холатини, уз-узини рағбатлантирувчи ушш конуниятларини очиб берди.

Кандай килиб очик тизим чизиксиз мухитда иктисодни ташкил килишнинг ташаббускори булиши мумкин?

Кандай талаблар бундай шароитда (очик, чизиксиз тизимда) амал килади, унинг кулаб кетишининг кандай эхтимоллари бор ва мураккаб тизим кандай килиб ривожланишни максимал таъминлаш мумкин?

Бу масалани тушуниш мухим ахамиятга эга. Синергетика мана шу масалаларга жавоб беради ва унинг конунларини курсатиб беради. Синергетиканинг асосчиси белгиялик олим И.Пригожин узининг бу тугридаги таълимотида уз-узини ташкил килиш конуниятларини, хаосдан тартибга утиш конуниятларини курсатиб берди.

Борлщ бекарорлик ва баркарорликнинг узаро муштараклигидан иборатдир. Шу сабабли улардан бирортасисиз дунёни атрофлича урганиб булмайди.

И.Пригожин

Синергетика тамойилларига кура, мухит келажак шаклни ташкил килишнинг ташувчисидир.

Маълум тизимнинг ташкил топишида мухитнинг роли қандай?

Уз-узини ташкил қилиш очик ва чизиксиз мухитда амалга ошади. Купчилик ҳолларда табиатдаги жараёнларда уз-узини ташкил қилишнинг спиралсимон тулкин, гирдоб ёки олти қиррали катак шаклида намоён бўлиши кузатилган. Бирок ҳеч ким Нима учун тарқаб кетиш йук?, Нима учун мухитда тизим ташкил топади?, Нима учун пайдо бўладиган тизим уз шаклини саклаб қолади? каби саволлар бермайди. Гарчи, тарқалиш жараёни юз берса-да, тизим маълум мухитда ташкил топади. Нега мухит маълум шаклдаги тизимни вужудга келтиради (спиралсимон ёки олти қиррали катак шаклида в.к.). Тизимнинг эволюцияси ва ички механизмида икки қарама-қарши йўналиш уртасида асосий қураш ёки «уйин» кетади. Буни ташкил этишда ёки қулаб кетишида фаол мухит ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Синергетика мураккаб тизимнинг ташкил топишидан қўчиш ёки қўқиш каби рухий ҳолатни олиб ташлайди. Математик моделлаш натижаси шуни қўрсатадики, чизиксиз, очик системага асосланган оддий математик модель ҳам тизимнинг мураккаб ҳолатини ифодалайди. Мураккаб тизим ҳолатини чизиксиз математик модель асосида қисқа тенгламаларда ифодалаб, унинг ҳолатини тула баён этиш мумкин. Уз-узини ташкил этишда тизимни фазовий маконда, очик чизиксиз ҳолатда тушуниш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тизимнинг шаклланиши учун мухитнинг ташувчи вазифасини олдиндан билиш мақсадида қуйидагиларга яъни:

- а) жараённинг «мақсади»га (янги структура жараёнига);
- б) бир бутун тизимнинг кенг ёйилиш умумий тенденциясига (мухитга);
- в) қўзатадиган инсон идеалларига эътибор бериш керак.

Бу оддий математик модель асосидаги муҳим натижалар бўлиб, синергетик дунёни англаш асосини ташкил этади.

Энди очик муҳит тасаввури нималигини аниқлаб олиш керак

Уз-узини ташкил этишга кодир тизим гуруҳи (синфи) очик ва чизиксиз тизим деб аталади. Атроф-муҳитда узининг энергия манбаига эга бўлган, модда ва энергия алмашувини таъминлайдиган тизим очик тизим дейилади. Одатда «манбаи» деганда локаллашган манба тушунилади. Ирмоқлар сувни уз манбаларидан олади, кейин дарёларга айланади. Уз-узини ташкил қилиш тизимида ҳар бир нукта манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Узаро алмаҳув уз чегараси орқалигина эмас, балки ушбу муҳитнинг ҳар бир нуктаси орқали амалга ошиши мумкин. Очик тизим уз-узини ташкил қилишнинг зарурий шарти, бироқ уз-узини ташкил этиш учун очик тизимнинг узи етарли эмас. Бошқача қилиб айтганда ҳар қандай уз-узини бошқариш очик тизимдир. Бироқ ҳар қандай очик тизим уз-узини бошқариш эмас. Ҳаммаси икки қарама-қарши имкониятларнинг «уйини»га боғлиқ.

Чизиксизлик тушунчаси дунёқараш аҳамиятига эга.

«Чизиксизлик» янги парадигманинг концептуал тугунидир. Янги парадигмани чизиксизлик парадигмаси деб аташ ҳам мумкин. Шунинг учун чизиксизлик тушунчаси янги дунёқараш маъносини ифодалайди. Чизиксизлик математик маънода маълум математик тенгламалар тури бўлиб, унинг қиймати муҳитнинг ҳолатига қараб бирдан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Чизиксиз тенглама бир нечта (бирдан ортиқ) сифатий фарқ қиладиган ечимга эга. Бундан чизиксизликнинг физик маъноси келиб чиқади. Чизиксиз тенгламани ҳал қилишнинг турли ечими эволюция ривожланишининг турли-туман йулини курсатади. Бундай ҳолатни чизиксиз тизим билан изоҳлаш мумкин. Ҳар қандай янги

тизим мухит натижасида сифатий узгарар экан, узининг янги эволюцияси йулига эга булади. Бу эса чизиксизлик эволюцияси куп вариантли, мукобил эканини курсатади ва уз навбатида, имкониятларни танлаб олиш вазиятини яратади.

Эволюциянинг суръати, ривожланиш даражаси (мухитда ривожланиш тезлиги) гоёси эволюциянинг оркага кайтмаслик тамойилини, унинг дунёкараш ахамиятини курсатади. Чизиксизлик маълум мухитда «кичкина»нинг хал килувчи ахамиятини курсатади, мухитга, ходисаларга тез жавоб бериш характерини очиб беради. Хар бир ходисанинг узига мос йулини топиш имкониятини курсатиб беради. Чизиксизлик ривожланиш майдони йулида адашиш хам мумкинлигини айтади. Бирок, синергетика маълум гурухнинг ривожланиш куламини хам курсатиб, унинг детерминланганлигини исботлади.

Синергетика «хамма нарса сабаб-окибат асосида боради» деган эскича детерминизмнинг чизиксиз система учун мос эмаслигини курсатиб, чизиксиз, очик тизимдаги эволюциянинг янги детерминистик тизимини ишлаб чикди, рационализм ва иррационализмнинг бирлигини, шунингдек, ривожланишнинг альтернатив, куп йулли эканлигини ва булар узининг атроф-мухит билан конунлашув жараёнининг узига хос томонини курсатди. Шу билан бирга ривожланишнинг горизонтал ва вертикал йуналишининг узига хослиги, уларнинг узаро бирлиги хакидаги детерминистик таълимотни майдонга ташлади. Синергетика лавина шаклидаги ривожланиш ёки кулаш жараёнини хам курсатиб берди. Буларнинг хаммаси чизиксиз, очик тизим, хаосни тартибга солиш, баркарорлик ва бекарорлик, тебраниб туришнинг конуниятларини курсатдики, бу детерминизмнинг янги тасаввурини беради.

Фан эволюцияси

Давр	Фан моҳияти
Кадимги дунёда	Европада илмий билимлар тизими бундан икки минг беш юз йил илгари пайдо булган (Пифагор, Фалес, Анексимандр). Аристотель конкрет фанлар хақида фикр юритиб, фанларнинг мантигини яратди. Фанларнинг мустакил соҳа сифатида мавжуд булишига асос солди, ҳамма фанларнинг умумий усулини яратди.
Урта асрларда	Фан худо яратган борликни тартибга солади, деб каралди. (Августин). Фаробий ҳар бир фаннинг урни ва унинг фалсафага муносабатини курсатди. Фаннинг таснифини берди. Мантикни изохлашда ҳар бир сузни ундаги бешта модда: хитоба-риторика; киёс-силлогизм; бурхон-исботлаш; жадал мунозара (диалектика); ибора-талкин килиш асосида таҳлил килди, уларни ишлатиш йулларини курсатиб берди ва уни Хоразмийла р, Берунийлар янги боскичга кутарди.
Янги даврда	Галилей фанни хақикий ифодалайдиган тил-математика тили эканлигини таъкидлаб, фаннинг математик табиатини очиб берди; Бу назарияни Декарт, Ньютон Гюйгенслар давом эттирдилар.
XX аср	Фан фалсафаси фалсафанинг асосий тармоги сифатида шаклланди. Вена тугараги фан фалсафаси ва унинг мантикини фалсафанинг бош мавзуси деб эълон килди. Илмий билимни стандартлаш тамойили, илмийлик ва ноилмийлик чегараси ишлаб чикилди. Фаннинг ривожланиш концепцияси, жамиятда фаннинг роли, илмий текширишнинг методологик дастури ишлаб чикилди.

Илмий текшириш даражаси (фан фалсафаси)

Даражаси	Илмий текширишнинг максади курсив
Эмпирик	Янги экспериментал фактлар топиш, фактларни назарияга солиштириш, унинг самарадорлигини текшириб куриш.
Назарий	Экспериментал фактлардан назарий хулосалар чиқариш. Эски назариядан самарали янги назарияни яратиш.

Хакикат тугрисида замонавий уч тамойил

Хакикат концепциялари	Хакикатнинг таърифи курсив
Мос келиш концепцияси	Фикрларнинг фактларга мос келиши
Когерент- (муносабат) концепцияси	Айтилган фикрни хамма тан олиши, унинг назарияга зид эмаслиги
Прагматик	Амалиётда муваффақият келтирувчи ишонч

АДАБИЁТЛАР:

1. Дромин И.М. Кворконий из кварков. Природа 1995 №10.
Барашков В.С. Кварки, природы познание 39-бет.
2. Фрилов И.Т. Жизнь и познание М., Мысл. 1981 43-бет.
3. Туракулов Е. Биохимия Т. Уз-н , 1998 132-136 ва 43-432 бетлар.
4. Овчиников Ю.А. Эра физико-химической биологии и материалистическое мировоззрение. М. Наука. 1993 125, 145 бетлар

5. Каримов И.А Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг Т.
Уз-н 1993 5-7 бетлар.
6. «Труд-7» газета 2000 йил 8 июнь сони.
7. Файзуллаев О. Табиат ва философия. Т. 1996 21-бет.
8. Эйнштейн А. Собрание научных трудов Т.//М. Наука
1966 41-бет.
9. Гейзенберг В.Г., Шрединггер Э., Дирак П. Современная
квантовая механика три нобелевских доклада ГТТИ 1934.
15-бет.
10. Каримов И А Узбекистон Миллий истиклол, иктисод,
сийёсат, мафкура Т. Уз-н 1993. 136-бет.
11. Философские науки М. №1 1989. 37-бет.
12. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и
ее окружение. М. 1965. 270-бет.
13. Каримов И.А., Узбекистан XXI асрга интиломда Т.,
Узбекистон 1999. 14-бет.

12-Мавзу. Фан, фалсафа ва оламни илмий манзарасини шакллантириш.

Таянч иборалар:

Фан, фалсафа, олам, борлик, воқелик, илмий манзара, реаллик, олам модели.

Режа:

- 5. Оламни илмий манзараси тушунчаси**
- 6. Оламнинг илмий манзарасини асосий типлари**
- 7. Оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёкараш**

Оламни илмий манзарасини тушунчаси.

Инсон узи ва узини ураб турган воқелик билан булган мунособатини англаш, табиат ҳақида чуқур ва тизимли тасаввурларга эга бўлиш учун унда (яъний инсонда) олам ҳақида умумлаштирилган назарий манзарага эга бўлиш эҳтиёжи пайдо бўлиб туради.

Бу эҳтиёжни қондириш инсонга теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар маълум тартибга бўйсунишга, воқеликдаги барча тизимлар ва жараёнлар узаро боғланганлигига, инсон ва жамият дунёни жабухаларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятини беради.

Хуш, оламни илмий манзараси нима? Оламни илмий манзараси маълум тарихий даврда ишлаб чиқилган, дунёни бир бутун воқелик сифатида акс эттирадиган фалсафий, умум илмий ва соҳавий илмий тушунчалар ва ғояларни умумлаштирилган тизимдир.

Бундай тизим уз даври учун унча – мунча тулик булган оламни бир бутун образини беради, олимларни фалсафий ва илмий дунёкарашини назарий замини бўлиб хизмат қилади.

Оламни илмий манзараси яхлит бир назарий тизим эмас. У тақидлаганимиздек илмий, фалсафий, илмий рационалликка оид тасаввурлардан ташкал топади, уз даврини маънавий қадриятларидан озикланади.

«Оламни илмий манзараси» тушунчаси фан методологиясида бир нечта маънога эга:

I – Маънавий маданиятни заминида турган дунёкарашли, тасаввурлар структураси.

II – «Олам образи», «Олам модели», «Оламни идрок килиш» атамалари дунёкарашга оид тасаввурларни ифодалайди.

III – «Оламни илмий манзараси» тушунчаси илмий онтологияларни, яъни, оламга оид илмий – назарий билимларни тизимига солинган типлари, уларга кирадиган тасаввурларни белгилайди. Бунда оламни илмий манзараси турли фанлардан олинган билимларни тартиблаштириш тавсифлаш ва умумлаштириш уфкни (горизонтини) ифодалайди.

2) Оламни илмий манзараси тушунчаси табиий – илмий билимларни умумлаштириш жараёнида шаклланадиган табиат хақидаги тасаввурлар тизимини ифодалаш учун ишлатилади. Худди шундай жараён ижтимоий ва гуманитар фанларда ҳам мавжуд.

3) «Оламни илмий манзараси» тушунчаси конкрет фаннинг предметини мураккаб килишда, яъни идрок килиш, тасаввур этишда катнашади. Бу нарса маълум тарихий даврда, фан парадигмасини алмашинуви вақтида содир бўлади. Оламни манзараси конкрет фанлар ва фалсафа оралигида шаклланади, олимларни дунёкарашини шакллантиришда фаол катнашадилар, турли маънавий – маданий жараёнлар таъсирланади.

Фалсафадан олинган таъсир натижасида оламни илмий манзараси узини шакли ва мазмунини узгартириб туради.

Оламни илмий манзараси илмий рационаллик стандартлари асосида шаклланади, илмий – назарий характерга эга бўлади. Лекин ижтимоий онг ва маънавият соҳасида содир бўладиган туб узгаришлар оламни илмий манзарасига таъсир қилмай қуймайди.

Хозир оламни илмий манзарасига атеизм ва материализмни чуқур кризисга уяраганлиги боис диний тасаввурларни таъсири қупаймоқда.

Русиялик физик олим Ю.И. Кулаков оламни илмий манзараси ва олам хақидаги диний тасаввурларни синтизини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. «Оламни физик ва диний манзаларини алоқадорлиги» тупламида чоп этилган «Илмий хақиқатни излаш Худога олиб боради» мақоласида «Олий реаллик олами» бор дейди. Бизнинг коинотимиз Борликни энг пастки катламини, Олий реаллик оламини соясини ташкил қилар экан. Бу фикрни асослаш учун тастиклаб бўлмайдиган мулоҳазасини келтиради.

Физик структуралар назариясига қура Олий реаллик оламини эйдослари (идеал объектлар) билан тажриба воқеалиги оламидаги фундаментал физик қонунлар уртасида монандлик, мослик, мувофиқлик мавжуддир.

Менинг фикримча аслида физик структуралар назариясини Олий реаллик оламига ҳеч қандай алоқаси йук. Гап шундаки айтилган мувофиқликни аниқлаш учун Олий реаллик оламнинг достлари (идеал объектларини структурасини) билиш керак, физик оламдаги моддий объектлар структураси билан таққослаш лозим. Бу ҳақда эса Ю.И. Куликовнинг ҳеч нарса дея олмайди.

Бу оламни боясига қандай баҳо бериш мумкин ?

Фикримча Ю.И. Куликовнинг концепцияси XX асрнинг охирида яна бир марта қайта тикланган (Янги циклда) неоплотонизмдир.

Оламни илмий манзарасини асосий типлари.

Оламни илмий манзараси таснифнинг турли белгилари ва асослар ёрдамида бериш мумкин. Яъни қайси белгилари меъёрий курсаткичи сифатида олсак, оламни илмий манзараси шунга мувофиқ қуп хил типларга бўлинади.

Бундан ташқари таснифнинг тузим қулланилаётган ёндашувга ҳам боғлиқ. Масалан диахроник ва синхроник, тарихий ва мантикий, структуравий, функционал ёндашувлар.

Авваламбор оламни илмий манзарасини «умумилмий», «табиий илмий» ва «ижтимоий гуманитар» типларини ажратиш олиш мумкин.

Оламни умум илмий манзараси (ОУМ) табиат, жамият ва инсон табиатига оид умумлаштирилган илмий тасвирний беради. Айни пайтда ОУМ у ёки бу фалсафий таълимотга асосланади, ундан фалсафий тасаввурлар ва тамойилларни олади.

Оламни табиий – илмий манзараси (ОТИМ) табиат ҳақида, уни бир бутунлиги ҳусусида умумлаштирилган концепциялар, гоялар ва тасаввурлар тизимидан иборатдир.

Оламни ижтимоий – гуманитар манзараси (ОИГМ) жамият ва инсон ҳақида умумлаштирилган билимни беради.

ОИГМ ни ядроси инсон олами хақидаги тасаввурлар ташкил килади.

Оламни илмий манзараси маълум маънавий заминга эга. Бундай замин ролини фалсафий, диний, эстетик карашлар уйнаши мумкин.

Асрлар давомида оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёкараш уртасидаги мунособот нотекис, мураккаб бўлган.

Маълумки, фалсафий дунёкарашни узи куп хил булади:

Идеалистик, метафизик, позитивистик, илмий-фалсафий, неотомистик, позитивистик, экзистенциалистик, постмодернистик кабилар.

Кайд этилган фалсафий йуналишлар оламни илмий манзарасини шакллантириш ёки уни талкин этишга таъсир курсатадилар.

Янги даврда ижод этган Ф.Бэкон, Р.Декарт, Лебниц, Спинозалар оламни илмий манзарасини ишлаб чиқишда катта рол уйнайдилар. Иррационализм ва хаёт фалсафаси Фан ва оламни илмий манзарасини воқеликни, табиатни тушунтириш қобилиятини инкор этди.

XX асрда неопозитивизм, постопозитивизм, структурализм, психоанализ каби йуналишлар оламни илмий манзарасини ривожлантиришга катта хисса қушишади.

Олимлардан Макс Планк А.Энштейн, В. Гейзенберг ноклассик Фан тамойиллари нуқтаи назарда туриб оламни Янги илмий манзарасини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги пайтда бу ишни синергетикани асосчиларидан бири Н.Пригожин ва унинг шогирдлари давом эттирмоқдалар.

Оламни илмий манзараси ва фалсафий дунёкараш

Фан – дунё хақидаги объектив билимлар системаси; ижтимоий онг шаклларида бири. Фан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига айланиб боради. Фан табиат, жамият ва тафаккур хақидаги янги билимлар хосил қилишдан то уларни тадбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. Киши организми, атроф-мухит, бепоён олам сирлари ва ривожланиши механизмларни ўрганиб, улардан кишилиқ жамиятнинг равнақи учун фойдаланиш илм фаннинг бевосита мақсадидир; кенг маънода воқелиқни назарий акс этиришидир.

Фалсафа – араб; юнон тилидан олинган бўлиб доноликни севаман демақдир.

Фан билан фалсафа ўртасидаги ўзаро боғланиш мураккаб муносабатга эга. Философия, озми кўпми даражада фан методологияси вазифасини бажаради; философия ва фан ютуқлари биргаликда илмий дунёқарашни ифодалайди.

Илмий билиш.

Фан олам хақидаги назарий жихатдан системалашган билимлар йиғиндиси. Фаннинг асосий вазифаси ўзи ўрганаётган нарса ва ходисаларнинг тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Инсоният тараққиёт жараёнида вужудга келадиган хар қандай фан ўз предмети ва тадқиқот усулларига эга. Ҳар бир фан назарий жихатдан тизимлашган билимлар йиғиндиси сифатида тадқиқот жараёнида хилма-хил илмий усулларда фойдаланади.

Воқелик ходисаларни билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топиш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларнинг вужудга келишидан иборатдир. Билим инсоннинг тарихий, амалий фаолияти негизида вужудга келади. Табиат ва жамиятнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг ходисаларининг ҳақиқий мазмуни, мохиятини, ривожланиш қонунларни билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқот ва изланишнинг йўналишини ифодалайди.

Илмий метод нима. Илмий усул илмий билиш жараёнида қўлланиладиган мавхум билиш йўллари ҳамда воситаларини ифодалайди. Илмий билиш усули инсон амалий фаолияти негизида юзага келади. У табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ходисаларни тўғри, объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларни очишга имкон беради. Илмий билиш усули тадқиқот турларнинг мазмун ва изчиллигини ўз ичига олгани ҳолда амалга бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқди. Усул-илмий билишнинг таркибий қисми бўлиб, унинг объекти, таҳлил мавзуи, тадқиқот вазифалари, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган воситаларни ифодалайди.

Фалсафий дунёқараш.

Фалсафий дунёқараш — бу олам ҳақидаги яхлит ва системалаштирилган билимлар йиғиндисидир. Мифологик ва диний дунёқараш хиссий аъзоларимиз орқали эришилган маълумотлар асосида шаклланса, фалсафий дунёқараш хиссий ва ақлий аъзоларимиз тўғрисида илм-фан ёрдамида тўпланган билимлар йиғиндисидир.

Фалсафий дунёкарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган оламни, дунёни ва унинг тараққиёт қонунларини билиш мумкинлигини билиш эса мураккаб, зиддиятли жараёндан иборатлигини таъкидлайди.

Фалсафий дунёкарашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири. Шундан иборатки, у дунё қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир ёд қўшимча ва уйдирмасиз, ҳеч қандай муболағасиз тушунтиради.

Инсон онги, маънавияти, дунёкарашини шакллантириш фалсафанинг асосий вазифаси.

Воқеликнинг энг умумий қоидаларини инсон онгида акс эттириб ҳақиқатга эришишнинг асосий максоди – инсон дунёкарашини, фалсафий таффақурулаш маданиятини шакллантириб, уни маънавий ютуқ, фозил ва фидоий инсон этиб камол топтиришдир.

Инсон учун қайгуриш, қомил инсоннинг дунёкарашини шакллантириш, унинг эркин бўлиши, озод ва хур яшаши, маданий-маънавий, ахлокий жихатдан камол топиши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларининг юксак даражада эъзозланиши ва ҳурмат қилишини зарурлиги ҳақидаги гоё фалсафанинг ҳеч қачон эскирмайдиган ва ахамиятини асло йукотмайдиган асосий масаласидир.

Жамият тарихида жуда қуплаб кескин узғаришлар, туб бурилишлар бўлиб, хилма-хил гоёлар, қарашлар, таълимотлар узғариб, янгиланиб турган бўлса-да, инсон моҳияти муаммоси, унинг одоб-ахлоқ, маънавияти масаласи ҳеч қачон файласуфлар диққат-эътиборидан четда қолган эмас.

Айниқса, инсоннинг ички дунёси, қайфиятлари, қизикишлари, рухий изтироблари масаласи файласуфларни азал-азалдан қизиктириб қелган ва ташвишга қолган.

Инсон моҳияти, унинг ҳаётдаги урн ива қадр-қиммати иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи масаласига Шарқ файласуфлари томонидан

алохида эътибор берилганлигига, дунёнинг олий мавжудоти, дуру гавхари хисобланган одамзод хакида куръони карим ва Хадиси шарифда баён этилган бебахо фикрлар, дастурий йул-йуриклар асос булиб хизмат килганлигини таъкидлаш лозим.

КуръондаЮ биз инсон зотини мукаррам килиб яратдик ва ер юзида пок нарсалардан ризклантирдик, ерда, сувда юрадиган килиб, вақтларини яратиб бердик ва узимиз ҳам килган купгина нарсаларимиздан афзал килиб куйдик, деган оят бор. Шу оятга биноан Оллохнинг бутун олами яратишдан мақсади Инсон булиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йукдир, энг афзалидир.

Куръон таълимотида биноан инсон Оллохнинг ер юзидаги халифаси, яъни уринбосаридир. Бу инсонни жуда улуглайдиган мартабадир. Бундан ташкари «яширин хазина» булган Оллох таоло илму хикматининг бир кисмини инсон калбига жойлаган, яъни инсон «яширин хазина»ни сакловчи хазинадордир.

Инсон жамики махлуқотнинг, оламнинг гултожи, Оллохнинг Ердаги халифаси экан, демак, унда Оллох сифатлари булиши мантики холдир.

Бутун борликнинг курки ва шарафи булган инсонда одамийликнинг ҳамма ажойиб жихатлари мавжуд. Инсон бошка жамийки нарсалардан мумтоз, ҳамма махлуқотлардан энг улугдир.

Инсон улкан, иззат ва хурматга лойикдир. Навоий узининг «Вакфия» асарида, «Бутун осмон ва осмондаги жами нарсалар, бутун ер юз ива ер юзидаги жами нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд булган ҳамма нарсалар, хама мамлакатлар ва уларда бор жами неъматлар-бари, энг яхши нарсалар инсон учун, унинг бахт саодати учун, яратилган, буларнинг жами – инсонга хизамт килмоги керак », дея ёзган эди.

Инсон дунёда энг мураккаб мавжудод, табиатнинг юксак махсулоти, хаёт гулидир. Инсоннинг буюк ва бебахолиги акл-идрок ва таффакурга эга булганлигидадир. Акл-идрок сохиби булганлиги учун бу реал дунёдаги воқеаларни билади, илму, таффакури, дахоси, меҳнати, салоҳиёти Билан дунёни бошқаради.

Инсонда буюк мутафакирларимиз таъкидлаганларидек, бебахо марварид-акл- заковат мавжуд. Унда табиат ва жамиятнинг сир-асрорларини ва юксак чокиларини билиш қобилияти жамулжамдир.

Фалсафа фани олий мавжудод булган инсоннинг мохиятини очиш, ички дунёси, одоб-ахлоқи, орзу-интилишлари, маънавиятини билиб олиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга катта ёрда беради.

Фалсафа Фани инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг кизиқишлари, эътиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида

шаклланади, онгда мустахкамланиб боради, деб курсатади. Шунга кура сиёсий, иктисодий, ижтимоий муносабатларидаги туб узгаришларнинг махсули булган инсон, онгидаги узгаришлар бир мунча мураккаброк булиб маълум вақт ичида юз беради. Объектив оламда содир булган ёки булаётган ходисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, онги, фикри шаклланади. Инсон рухий дунёсини узгартириш йулида булган зурликлар, тазйиклар сузсиз равишда ички, яширин карама-каршиликларни келтириб чикаради.

